



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**



**ЎЗБЕКИСТОН
МАҲАЛЛАЛАРИ
УЮШМАСИ**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ОИД
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ – 2024

КИРИШ

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун ҳаётда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиши лозим.

Конституциямизнинг 15-моддасида ҳам “�збекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар”, деб белгилаб қўйилган. Бу эса қонун олдида барчанинг баробарлигини, жамиятдаги барча муносабатлар қонун билан тартибга солинишини, қонунни бузганлар сўзсиз жавобгар бўлишларини англатади.

Аммо, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг фақатгина қонунларда белгилаб қўйилиши масалани ҳал қилмайди. Қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ҳар биримиз ҳуқуқий билимларга эга бўлиб боришимиз, эгаллаган билимларни ҳаётда қўллаш олиш маданиятини ҳам ўзимизда тарбиялаб боришимиз лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тобора ошиб бораётганлиги, қолаверса, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “Маҳалла еттилиги”нинг салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти, бой ҳаётий тажрибасига кўпгина масалалар боғлиқлиги, энг асосийси маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг энг асосий таянч нуқталаридан бири бўлганлиги боис, бугунги кунда фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги

иштирокини ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган жамоатчилик тузилмаларининг аъзолари маҳалла ҳаётининг барча жабҳаларига фаол аралашади. Хусусан, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боради, фуқароларнинг уй-жой, моддий шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идоралари ва бошқа маъмурий жойларда бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилади, аҳолига савдо ва коммунал маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга кўмаклашади, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади ва зиммаларига юклатилган бошқа кўплаб вазифаларни бажаради. Бу жараёнда уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти муҳим ўрин тутди.

Албатта, қонунчиликҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига нисбатан талабнинг тобора ортиб бориши ўз навбатида, қонун ижодкорлиги жараёнини мунтазам мониторинг қилиб боришни, қонунчилик ҳужжатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Шу жиҳатдан олганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш, ушбу институт фаолиятининг янада самарадорлигини таъминлаш, маҳалланинг маънавий ҳаётини юксалтириш, урф-одат ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ишларини янада такомиллаштириш учун замин яратади. Шунингдек, соҳада мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни аниқлаш, тегишли бўшлиқларни бартараф этиш, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув жараёнида ушбу институт зиммасига юклатилаётган мақсадли вазифаларнинг

ҳуқуқий асосини белгилаш ҳамда мавжуд қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Мазкур тўпламда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари ва кўчирмалари ўрин олган бўлиб, тўплам ҳуқуқшунос олимларга, адлия ходимларига, ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғулланувчи мутахассисларга, “Маҳалла еттилиги” аъзолари ва бошқа маҳалла фаолларига, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган қонун ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳамда идоравий-меъёрий ҳужжатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишда амалий қўлланма сифатида хизмат қилади, деган умиддамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш	2
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси	6
I Боб. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	9
II Боб. Ўзбекистон Республикаси Кодекслари	11
III Боб. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари	40
IV Боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари	159
V Боб. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	250
VI Боб. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари	609
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами юзасидан қонунчилик ҳужжатлари	630

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАСИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ✓ қонунийлик;
- ✓ инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ✓ демократизм;
- ✓ ошкоралик;
- ✓ ижтимоий адолат;
- ✓ маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олиш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди** ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг **манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан,** шунингдек **миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан** келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **юримдик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади**, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш улар жойлашган жойдаги **Давлат хизматлари марказлари** томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун марказга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:


✚ фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланган фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза;

✚ шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллалар ташкил этиш тўғрисидаги тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;

✚ фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши)нинг баёни;

✚ фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) йиғин раисини сайлаш тўғрисидаги қарори;

✚ фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом — икки нусхада;

 муҳр ва штамп намуналари эскизи — икки нусхада.

Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш йўли билан тузиладиган фуқаролар йиғини учун қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) тузилаётган фуқаролар йиғинига маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

2) тузилаётган фуқаролар йиғинининг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда) ёки тақсимлаш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

3) тузилаётган фуқаролар йиғинининг ҳисобга олинганлик ҳақидаги гувоҳномаси асл нусхаси, муҳри ва штамп (қўшиб юборишда ва бўлишда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

[Кўчирма]

20-модда.

...

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

34-модда.

Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

36-модда.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

40-модда.

Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

69-модда.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади.

127-модда.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига крмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари қонун билан белгиланади.

II бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОДЕКСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ [Кўчирма]

10-модда. Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишидаги иштироки

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитининг ҳолати, тахмин қилинаётган ўзгаришлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, уй-жой-фуқаролик объектларининг қурилиши, реконструкцияси, ҳудудларнинг ободонлаштирилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг ўтказилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли, тўлиқ ахборот олиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти ҳақидаги ўзга ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида хабардор қилиш давлат органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек жамоат муҳокамалари ўтказиш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар уларни муҳокама қилиш, уларга таклифлар киритиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор, шаҳарсозлик фаолияти масалаларига тааллуқли мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқадилар ва уларга белгиланган муддатларда асосли жавоблар тақдим қиладилар.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига дахл этадиган бўлса, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибида бекор қилинишини талаб қилиш;

корхоналар фаолиятини, шунингдек бошқа кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни, башарти уларни ишлатиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилаётган бўлса, маъмурий ёки суд тартибида чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлашни талаб қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш;

04.04.2002 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ

[Кўчирма]

6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида:

фуқароларга уй-жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг сақланишини таъминлашда кўмаклашади;

коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Фуқароларга ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланиш

Ички ишлар органлари тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан биргаликда амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА КОДЕКСИ

[Кўчирма]

87-модда. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғи бевосита хавф остида қолганда болани олиш

Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

149-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш

(учинчи қисм)

Ташкилотларнинг (мактабгача таълим ташкилотларининг, умумтаълим муассасаларининг, даволаш муассасаларининг ва бошқа муассасаларининг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

203-модда. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар

(иккинчи қисм)

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўлимни рўйхатга олиш борасидаги ҳаракатлари ўзлари жойлашган ҳудудлардаги тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг назорати остида бўлади.

30.04.1998 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ

[Кўчирма]

84-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назорати

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ер участкаларини ажратиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширишга ҳақли.

30.04.1998 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

[Кўчирма]

12-модда. Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш

(биринчи қисм)

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

15-модда. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни тўлаш

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бекор қилинган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин.

78-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулкидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мавқеи қонунчилик билан белгиланади.

137-модда. Ишончноманинг бошқа шакллари

Хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

191-модда. Эгасиз ашё

(учинчи ва тўртинчи қисмлар)

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин бир йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

195-модда. Қаровсиз ҳайвонлар

Қаровсиз ёки адашган чорва молларини ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўргатилган ҳайвонларни тутиб олган шахс уларни эгасига қайтариши шарт, башарти ҳайвонларнинг эгаси ёки унинг қаердалиги номаълум бўлса, тутиб олган пайтдан бошлаб уч кундан кечиктирмай топилган ҳайвонлар тўғрисида ички ишлар органига, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига

хабар қилиши шарт, улар ҳайвонларнинг эгасини қидириш чораларини кўрадилар.

Ҳайвонларнинг эгаси қидирилаётган вақтда уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш учун тутиб олган шахсда қолдирилиши ёхуд зарур шароити бўлган бошқа шахсга сақлаш ва фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Қаровсиз ҳайвонларни тутиб олган шахснинг илтимосига кўра ҳайвонларни боқиши учун зарур шароити бўлган шахсни топиш ҳамда ҳайвонларни унга топширишни туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз ҳайвонларни тутиш бўлимлари, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи амалга оширади.

680-модда. Ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш

(иккинчи қисм)

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

990-модда. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Зарар ушбу Кодекснинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

21.12.1995 *(биринчи қисм)*

29.08.1996 *(иккинчи қисм)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ [Кўчирма]

2-модда. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

306-модда. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда бедарак йўқолган шахс тўғрисида кимлар (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва бошқалар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнгги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан) бедарак йўқолган шахс тўғрисида бор маълумотларни сўраб олади.

310-модда. Ариза бериш

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари берган аризалар бўйича қўзғатилиши мумкин.

328-модда. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда мол-мулк (ашё) кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахсларни (мол-мулкнинг (ашёнинг) мулкдорлари, унга амалда эгалик қилиб турганлар, қўшнилари ва бошқаларни) аниқлайди, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мол-мулкка доир мавжуд маълумотларни сўрайди.

22.01.2018 й.

7-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

(биринчи қисм)

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

43-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

160¹-модда. Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш

Фуқаролар томонидан турар жойларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида вақтинча бўш турган жой сифатида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш - базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

193-модда. Депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан депутатлар ҳамда сенаторлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш, уларга атайлаб сохта маълумот бериш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш, худди

шунингдек мансабдор шахслар томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасдан тақдим этиш, - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

193²-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат иштирокидаги ташкилот деганда:

устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти;

тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти тушунилади.

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси деганда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади.

22.09.1994 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ [Кўчирма]

16-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Суд ҳужжатларини бажармаслик ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар

Суд:

2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

... ишларни ҳал қилади.

40-модда. Тарафлар

Аризачи ва жавобгар маъмурий суд ишларини юритишдаги тарафлардир.

Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар аризачилардир.

Ариза (шикоят) талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлардир.

Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади.

67-модда. Исботлаш мажбурияти

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўзининг арз қилинган талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгилаган муддат доирасида очиб бериши керак.

Ишда иштирок этувчи шахслар фақат ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақли.

Агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб фараз қилинади ва у томонидан тан олинган деб ҳисобланади.

122-модда. Суд жарималарини солиш

Суд жарималари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан солинади.

Суд томонидан солинадиган суд жаримасининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

Суд томонидан давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа органларнинг, шунингдек ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинган суд жарималари уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади.

Суд жарималари республика бюджети даромадига ундирилади.

184-модда. Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш фуқаролар ёки юридик шахсларнинг (бундан буён матнда манфаатдор шахс деб юритилади) аризалари асосида қўзғатилади.

187-модда. Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризанинг (шикоятнинг) шакли ва мазмуни

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор

шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

188-модда. Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари

Маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги иш устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ушбу шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, мансабдор шахснинг вакиллари суд мажлисига келишини суд мажбурий деб топиши ва уларни тушунтиришлар бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.

Маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.

25.01.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

[Кўчирма]

79-модда. Судланганликнинг олиб ташланиши

(биринчи ва иккинчи қисмлар)

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари

қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

144-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш,

- базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш

Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз элик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз элик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш

Мансабга совуққонлик билан қараш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

209-модда. Мансаб сохтакорлиги

Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

210-модда. Пора олиш

Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

211-модда. Пора бериш

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш

ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 - 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкӣ манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши

(биринчи қисм)

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш

Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш -

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;
- д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса.

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар.

228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш

Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш -

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

22.09.1994 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ [Кўчирма]

297-модда. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

298-модда. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими

Жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

299-модда. Тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни

кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт.

Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

531-модда. Ҳукми, ажримни ва қарорни ижро эттириш тартиби
(ўн иккинчи хатбоши)

Маҳкумнинг қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини кўриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида суд мол-мулк ва турар жой жойлашган ердаги ҳокимликка ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади, бу ҳақда маҳкумни хабардор этади.

22.09.1994 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ
КОДЕКСИ**
[Кўчирма]

125-модда. Суд жарималарини солиш

Суд жарималари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан солинади.

Фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача, юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади.

Суд томонидан давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинган суд жарималари уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади.

Суд жарималари республика бюджети даромадига ундирилади.

15-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Суд ҳужжатларини бажармаслик ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

24.01.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ КОДЕКСИ

[Кўчирма]

3-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган асосий тушунчалар

Донорлар – Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда маблағлар ажратадиган давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумат ташкилотлари, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари;

64-модда. Беғараз ёрдам турлари

Беғараз ёрдам инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағлари тарзида берилади.

Инсонпарварлик ёрдами аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий хайриялар, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юklarини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тарзида берилади. Тамаки маҳсулотлари, алкоголь маҳсулотлари, ҳарбий мақсад учун мўлжалланган товарлар, шунингдек олиб кирилиши тақиқланган товарлар инсонпарварлик ёрдами сирасига киритилиши мумкин эмас.

Техник кўмаклашиш маблағлари асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олиш, тажриба-конструкторлик ишларини, илмий ёки бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ходимларни даволаш, ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун натура кўринишдаги ва пул шаклидаги грантлар тарзида берилади.

Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек фаолияти фойда олишга қаратилмаган юридик ва жисмоний шахслар инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларини олувчилар бўлиши мумкин.

Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларини олувчилар тегишли донорлар билан келишувлар ёки қонун ҳужжатлари асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида келган товарлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш тақиқланади.

...

69-модда. Давлат бюджети харажатларининг таркиби

Давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат:
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

72-модда. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

26.12.2013 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛОВ КОДЕКСИ

[Кўчирма]

8-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишдаги очиқлик ва ошкоралик

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

11-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

14-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг

вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

20-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

21-модда. Округ сайлов комиссияларини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти - саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

...

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг аъзолари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиясига биноан тасдиқланади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

22-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

23-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш - ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

...

Участка сайлов комиссияси ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар

томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

33-модда. Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар

Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин ариза билан маълум қилади.

Манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида сайлов комиссияси кузатувчи учун мандат беради. Бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутилариининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

агар тегишли сайлов участкасида ушбу Кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;

сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

48-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ташвиқот олиб бориш

Номзодларга ва сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ташвиқот учун тенг шароитлар яратилади.

Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

25.06.2019 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИ

[Кўчирма]

101-модда. Солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби

...

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 1-бандида кўрсатилган асос бўйича солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1) ушбу шахсга нисбатан унинг ариза билан мурожаат этиши учун асос бўлган бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келганлиги факти тўғрисидаги хулоса;

2) кўрсатилган ҳолатлар натижасида ушбу шахсга етказилган зарарни баҳолаш далолатномаси.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқаро муҳофазаси, аҳоли ва ҳудудларни

фавқулудда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари томонидан тузилади.

243-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма

Агар ушбу Кодекснинг 260-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагиларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади:

...

20) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ваколатли органлар, ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни, агар бундай хизматлар кўрсатиш шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, фаолиятнинг муайян соҳасида ушбу органлар ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган алоҳида ваколатларни бажариш доирасида давлат божи ёки бошқа тўловлар ундирилади;

...

377-модда. Бошқа даромадлар

Солиқ тўловчининг бошқа даромадларига қуйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

...

421-модда. Солиқ имтиёзлари

...

Қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг. Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;

423-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

(еттинчи абзац)

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган тақдирда, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ илинганлик, вайрон бўлганлик ёки бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

30.12.2019 й.

III бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

18-модда. Жамоат бирлашмалари мулки

(тўртинчи қисм)

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий ҳаракатларнинг чет давлатлардан, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлардан, номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслардан молиявий ва ўзгача моддий ёрдам олиши ман этилади. Бундай ёрдам олинган тақдирда мазкур маблағлар қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

15.02.1991 й.,
223-XII-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “СУВ ВА СУВДАН ҲОИДАЛИНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

18²-модда. Сув истеъмолчилари уюшмалари

(учинчи қисм)

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг аъзолари бўлиши мумкин.

27-модда. Сувдан махсус ҳоидалиниш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби

(еттинчи қисм)

ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув

объектларидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади.

42-модда. Аҳолини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш

Аҳолининг ичимлик, маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланганда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сувдан умумий ёки махсус фойдаланиш ёхуд сувни умумий ёки махсус истеъмол қилиш тартибда бевосита ер усти ёки ер ости сув объектларидан сув олишга ҳақлидир. Зарур ҳолларда, бундай сув олиш каналлар, коллекторлар, сув омборларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш чоғида назарда тутилиши ва меъёрлаб қўйилиши лозим. Шу мақсадлар учун мўлжалланган сув олиш иншоотларидан фойдаланиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ ҳамда сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари мазкур сув олиш иншоотларининг тегишли санитария-техника ҳолатида бўлишини таъминлаши шарт.

53-модда. Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув объектларидан фойдаланиш

(иккинчи қисм)

Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув ресурсларини ажратиш сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш лимитларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг экинзорларни ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжларини умумлаштиради, сув истеъмоли тўғрисида шартномалар тузади ва улар ўртасида сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.

85-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи органлар

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари, шунга ваколатли бошқа органлар ва судлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

86-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколоти

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш мазкур органларнинг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

06.05.1993 й.,
837-XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ
ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

1-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳоқимияти
(учинчи қисм)

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоқим вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоқимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

4-модда. Ҳоқимият вакиллик органлари ва ҳоқимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳоқими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими зарур бўлган ҳолларда ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этади.

02.09.1993 й.,
913-XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШ
МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

20-модда.

Шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилади.

27-модда.

Шаҳарчаларнинг, қишлоқларнинг ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

19.05.2020 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

59-модда. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби

...

Мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

26.12.1996 й.,
343-I-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

5⁴-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

27.12.1996 й.,
353-І-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

7-модда. Ахборот олишни таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

9-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас.

12-модда. Шикоят қилиш ҳуқуқи

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

24.04.1997 й.,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЖУРНАЛИСТЛИК
ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

14-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

цензура қилганлик;

журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

24.04.1997 й.,

402-I-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

7-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

(биринчи қисм)

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

29.08.1997 й.,
474-І-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

8-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

30.08.1997 й.,

483-I-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ “FUҚARO MUҲOFAZASI
TЎFRISIДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари

(биринчи қисм иккинчи хатбоши)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли ҳудуддаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини ташкил этадилар ва назорат қилиб борадилар.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

фуқароларнинг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усулларига ўргатилишига кўмаклашадилар;

ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши билан боғлиқ ёки шу ҳаракатлар оқибатида хавфларнинг юзага келиши таҳдид этган тақдирда тегишли ҳудуддаги фуқаролар хабардор қилинишини ташкил этадилар;

аҳолининг ҳаёт фаолияти таъминланиши соҳасида тадбирлар тайёрланиши ва бажарилишини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширадилар.

26.05.2000 й.,

80-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ “РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК
TЎFRISIДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

8-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат ва мувофиқлаштириш

(биринчи қисм)

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

24-модда. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиациявий авария содир бўлган пайтдаги мажбуриятлари

(биринчи қисм иккинчи хатбоши)

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилишга ... мажбур;

31.08.2000 й.,
120-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИING УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

4-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари

Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари бўлишлари мумкин.

5-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг ҳуқуқлари

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

қонун лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига, оммавий ахборот воситаларига таклифлар ва мулоҳазалар киритиш.

16-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этиш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этадилар.

14.12.2000 й.,
166-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

5-модда. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш

(биринчи қисм)

Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

6-модда. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

15.12.2000 й.,
167-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МУДОҒАА ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ**
(янги таҳрири)
[Кўчирма]

15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мудоғаани таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни хабардор этиш ва мудоғаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил этишда кўмаклашадилар;

шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни бирламчи шахсий ҳисобга олиш ишини юритадилар, шунингдек фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатнашадилар;

фуқаро муҳофазаси ва ҳудудий мудоғаа тадбирларида қатнашадилар;

ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни уруш даврида мудоғаа эҳтиёжлари учун қонунда белгиланган тартибда бериб турадилар, қилинган харажатларнинг

ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда қатнашадилар.

11.05.2001 й.,

211-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

22¹-модда. Ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлар *(бешинчи қисм)*

Агар чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс чақирилаётган жисмоний шахсни топа олмаса, чақирув қоғози, бошқа хабарнома у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига топширилади, улар йўқлигида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки иш берувчига (ўқув муассасаси маъмуриятига) топширилади. Чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чақирилувчига топшириши шарт.

Адресат вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс унинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилаётганлиги тўғрисида белги қўяди. Бу маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ёки иш берувчининг (ўқув муассасаси маъмуриятининг) имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

29.08.2001 й.,

258-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлайдилар ҳамда уларни ҳисобга оладилар, муҳофаза қиладилар, асрайдилар ва улардан фойдаланадилар, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун

ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайдилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишга жалб этадилар.

30.08.2001 й.,
269-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЧИҚИНДИЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудда жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иштирок этадилар;

аҳоли пунктлари санитария жиҳатидан тозаланишига ҳамда маиший-рўзғор чиқиндилари тўплаб олиб кетилганлиги учун тўловлар вақтида тўланишига кўмаклашадилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларининг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоат назоратини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

05.04.2002 й.,
362-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ДОНОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришдаги иштироки

(биринчи қисм)

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини қон ва унинг таркибий қисмлари бепул донорлигига жалб қилишда, донорларга турли шаклдаги рағбатлантиришлар белгилашда, оммавий

ахборот воситалари орқали аҳолининг кенг хабардор қилинишини ташкил этишда ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришга доир бошқа тадбирларда иштирок этишлари мумкин.

30.08.2002 й.,

402-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

15-модда. Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга ва ҳарбий хизматга тайёргарлик. Жисмоний тайёргарлик. Даволаш-соғломлаштириш ишлари. Умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш. Чақирилувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

(олтинчи қисм)

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

18-модда. Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш

(еттинчи хатбоши)

Зиммасига ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг рўйхатини юритиш вазифаси юклатилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига чақирув участкаларида қайд этилиши лозим бўлган фуқароларнинг рўйхатини берадилар.

43-модда. Ҳарбий рўйхат турлари

(тўртинчи қисм)

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ишлайдиган ёки ўқийдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

45-модда. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, ҳарбий хизматга мажбурлар ва

чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этиш борасидаги мажбуриятлари

(еттинчи қисм)

Зиммасига ҳарбий рўйхатни юритиш юклатилган жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва таълим муассасаларининг раҳбарлари мудофаа ишлари органлари талаби билан ҳарбий рўйхатда турган шахслар тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим этишлари, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни чақирилаётганликларидан хабардор этишлари ҳамда уларнинг чақирув бўйича ўз вақтида ҳозир бўлишларини таъминлашлари шарт.

12.12.2002 й.,
436-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

6-модда. Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги

(учинчи қисм)

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

8-модда. Ахборот эркинлиги кафолатлари

(иккинчи қисм)

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

12.12.2002 й.,
439-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар

(иккинчи қисм)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

30.04.2004 й.,
617-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

29-модда. Фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида мазкур ҳудудни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуришни, сув билан таъминлашни, газлаштиришни, телефонлаштиришни,

радиолаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялашни) амалга оширадилар;

фермер хўжаликларига ер участкалари берадилар ҳамда ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жойлар барпо этишда ёрдам кўрсатадилар;

фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишига кўмаклашадилар;

фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойларни уларда маҳсулот етиштиришни ва товарлар ишлаб чиқаришни (ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни) ташкил этиш учун ижарага берадилар;

фермер хўжаликлари бошлиқлари ва ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашадилар;

қишлоқ хўжалик экинларининг навли уруғлик ҳамда кўчатлари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали хизматлар, шунингдек техникавий хизмат кўрсатадилар;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналар ва инвентарларни лизинг асосида сотиб олишга кўмаклашадилар;

зотдор чорва моллар ва паррандалар, шунингдек омихта ем сотиб олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни рағбатлантирадилар;

консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

26.08.2004 й.,

662-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН
ТАБИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

10-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришга аҳолини жалб этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқаролар вакилларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан маслаҳатлашув комиссиялари тузилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва уларнинг қўриқланма зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги, ана шу ҳудудларда яшовчи аҳолининг манфаатларига дахлдор қарорлар маслаҳатлашув комиссияларининг хулосалари инобатга олинган ҳолда қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида ахборотлар талаб қилиш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари мумкин.

03.12.2004 й.,
710-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

9-модда. Хавfli ишлаб чиқариш объектдан фойдаланишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

(биринчи қисм ўн учинчи хатбоши)

Хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланувчи ташкилот:

махсус ваколатли давлат органини, қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария тўғрисида ўз вақтида белгиланган тартибда хабардор қилиши;

19-модда. Саноат хавфсизлиги декларацияси

(биринчи қисм)

Аҳолини ва ҳудудларни хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялардан муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва аҳолини саноат хавфсизлигининг ҳолати тўғрисида хабардор этиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланувчи ташкилот саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқади.

28.09.2006 й,
ЎРҚ-57-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

7-модда. Ҳомийлик ташкилотининг муассислари

Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

02.05.2007 й.,
ЎРҚ-96-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИING
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

6-модда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

07.01.2008 й.,
ЎРҚ-139-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ВА ҚУТҚАРУВЧИ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

17-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш

(еттинчи қисм)

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари ўзлари қабул қилган қарорлар ҳақида тегишли давлат бошқарув органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ташкилотларни дарҳол хабардор қилиш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.

18-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига ўз фаолиятини амалга оширишида кўмаклашиш

(биринчи қисм)

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилотлар қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажаришда ёрдам кўрсатиши, шу жумладан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан уларга зарур транспорт ва моддий воситаларни тақдим этиши шарт.

27-модда. Қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари

(еттинчи қисм)

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари қарорларига биноан қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларини, шунингдек бу хизматлар ва тузилмаларнинг таркибига кирмайдиган қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қўшимча кафолатлари белгиланиши мумкин.

26.12.2008 й.,

ЎРҚ-195-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

4-модда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими

(иккинчи қисм)

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ва фуқаролардир.

9-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва фаолиятига кўмаклашади;

ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

18-модда. Ёнғинга қарши тарғибот ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш

(иккинчи хатбоши)

Ёнғинга қарши тарғиботни ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек ёнғиндан сақлаш хизмати кўмагида ваколатли органлар, маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар ўтказади.

19-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасида ахборот билан таъминлаш

(учинчи хатбоши)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини хабардор қилиши шарт.

30.09.2009 й.,
ЎРҚ-226-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудлари доирасида:

(бешинчи хатбоши)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқароларни археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда тарғиб қилишга доир тадбирлар ўтказишга ихтиёрий асосда жалб этади.

24-модда. Очиқ варақ ва рухсатнома олган археологнинг ҳуқуқлари

(иккинчи хатбоши)

археология объектининг емирилишига олиб келаётган ҳар қандай ҳаракатларни тўхтатиш талаби билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш;

13.10.2009 й.,
ЎРҚ-229-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИING ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

6-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:
(*бешинчи хатбоши*)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини — ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида;
... зудлик билан хабардор қилади.

19-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади;

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

29.09.2010 й,
ЎРҚ-263-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАФН ЭТИШ ВА ДАФН ИШИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

4-модда. Дафн этиш жойлари
(*учинчи қисм*)

Янги дафн этиш жойларини барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш экологик экспертизанинг хулосаси ва санитария-гигиеник хулоса бўлган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда диний ташкилотларнинг таклифлари инobatга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш
(учинчи қисм)

Дафн этиш жойларини ободонлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳашар йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

27.12.2010 й.,
№ ЎРҚ-276

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИING ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ
ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

6-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича профилактика чоратадбирларини амалга ошириш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа муассасалар алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича ўз ваколатлари доирасида ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа чоратадбирлар мажмуини амалга оширади.

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни ёйишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

05.10.2011 й.,
ЎРҚ-302-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

6-модда. Географик объектларнинг номларини белгилаш

Географик объектларнинг номлари ҳудудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш вақтида, шунингдек географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрланаётганда:

Тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳужжатлари;

расмий картографик ҳамда маълумотнома нашрларининг, статистик, архивга оид, тарихий ва бошқа манбаларнинг маълумотлари;

маҳаллий аҳоли, шунингдек ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Географик объектларнинг номларини белгилашда:

маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади;

географик объектлар номларининг янглишишга олиб келувчи ўхшашлиги, ушбу номларнинг ҳурматсизлик мазмунида бўлиши, Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлиги истисно этилади.

10-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларига асосан туманлар, шаҳарлар

ҳоқимлари киритган таклифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда эса туманлар ҳоқимлари киритган таклифларга кўра халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 10¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Туман, шаҳар ҳоқими фуқароларнинг ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

10¹-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш

Туман, шаҳар ҳоқими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги фуқаролар ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

12-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асоссиз ўзгартирилишининг олдини олиш;

географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш.

Ушбу Қонун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик бошқа қоидаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунингдек фан ва маданият арбоблари, экспертлар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шакллантирилади. Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

17-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланиш

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номлари:

ўз фаолиятини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

ўқув нашрларида, картографик, маълумотнома, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида фойдаланиш учун мажбурийдир.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан бошқа ҳолларда ҳам қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида ифодаланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида Кадастр агентлиги билан келишилган ҳолда, географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотномаларини нашр этади.

19-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат

Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;

республика комиссияси, Кадастр агентлиги;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

10.12.2011 й.,
ЎРҚ-303-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

29-модда. Оилавий корхонага банк хизмати кўрсатиш ва уни кредитлаш

(учинчи қисм)

Оилавий корхонани кредитлаш банк ёки бошқа кредит ташкилоти билан тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликда белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

26.05.2012 й.,
ЎРҚ-327-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ **[Кўчирма]**

16-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилиш

(иккинчи қисм)

Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредитлар берилаётганда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликда белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

18-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатлари

(тўртинчи қисм)

Тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф

қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

27-модда. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг моддий-техника ресурсларидан, уруғлик материаллардан, кўчатлардан ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш кафолатлари

Фермер ва деҳқон хўжалиklари моддий-техника ресурслари, шу жумладан ёнилғи-мойлаш материаллари, омехта ем, органик ва минерал ўғитлар бозорларига эркин киришда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фермер ва деҳқон хўжалиklarининг уруғлик материалларга, кўчатларга, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларига, зотдор чорвага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш борасида шароитлар яратади.

38-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

(иккинчи қисм)

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарларнинг ўрни давлат томонидан ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан суднинг қарори асосида қопланиши керак. Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари айби билан етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан мазкур мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

02.05.2012 й.,
ЎРҚ-328-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

8-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;

хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарнинг ўрнини қоплаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонунчилик барқарорлигини таъминлаш;

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги;

мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

9-модда. Давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш

Давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

12-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмайди.

14-модда. Давлат органлари ва бошқа органлар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни давлат ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши керак. Давлат органлари ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

15-модда. Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Мулкдор давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, ўз хоҳишига кўра, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят бериш бундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

24.09.2012 й.,
ЎРҚ-336-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган мустақил фаолиятидир.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи

Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

5-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборатдир.

6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир (бундан буён матнда тегишли ҳудуд деб юритилади).

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

8-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши лозим.

9-модда. Фуқаролар йиғини

Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

Фуқаролар йиғини органлари қуйидагилардир:

фуқаролар йиғини кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

тафтиш комиссияси.

10-модда. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғинининг номи;

фуқаролар йиғинининг ҳудуди;

фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;

фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш тартиби;

фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби;

фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби;

фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси;

фуқаролар йиғинини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонунчиликка зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10¹-модда. Фуқаролар йиғини фаолиятини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида фуқаролар йиғинининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилиши мумкин.

2-боб. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари

11-модда. Фуқаролар йиғинининг ваколатлари

Фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғини раисини, унинг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини ва маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди;

фуқаролар йиғини кенгаши ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашга, тегишли ҳудуд доирасида ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадда марказлаштирилган тарзда ажратилган давлат маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

ҳар чорақда камида бир марта фуқаролар йиғини раисининг, унинг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ва маслаҳатчиларининг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси раисларининг, шунингдек ҳудуддаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитади;

тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг профилактика кўрикларини ҳамда скрининг дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш ҳолати, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларнинг ҳамда атрофдагилар учун хавfli бўлган касалликларнинг тарқалиши, фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитади;

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари номзодлари бўйича тавсиялар тақдим этади;

ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тақдим этади;

референдум ўтказувчи тегишли округ комиссияларига референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолигига номзодлар тақдим этади;

сайлов комиссияларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар юборади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради;

ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар йиғини мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш, кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

гузарлар барпо этиш масалаларини кўриб чиқади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳақида тегишли туманлар, шаҳарлар давлат органларига илтимосномалар киритади;

ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби тўғрисидаги, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс ҳақидаги, шунингдек деҳқон хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди;

коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда шартнома асосида кўмаклашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлади.

фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этади.

Фуқаролар йиғини қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақиради;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;

оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ўтказишда, тегишли ҳудуднинг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга патронаж ёрдами шу мақсадда ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади;

деҳқон, фермер хўжалиklarининг ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органларига ёрдам кўрсатади;

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали амалга оширган ҳолда тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходимларини рағбатлантириш учун, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади;

фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир тадбирларни ўтказишга жалб этишга, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни хабардор этиш ҳамда мудофаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, фуқаролар йиғинларида уларнинг шахсий-бирламчи ҳисоби юритилишини таъминлайди, мудофаа ишлари бўлими билан келишган ҳолда ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимни тасдиқлайди;

тегишли ҳудудда барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган маҳсулотнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида қарор қабул қилади;

ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни молия органлари ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда аниқлайди;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-меҳнат реабилитацияси ва жинойтчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг раиси:

фуқаролар йиғини ва унинг органлари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишига, шунингдек қарорларни ижро этишга доир ишларни ташкил этади;

давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалайди, фуқаролар йиғини номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;

фуқаролар йиғини маблағларини қонунчиликка мувофиқ тасарруф этади;

тегишли ҳудудда маслаҳат марказлари ишини ташкил этади;

эгасиз мол-мулкни, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни, шунингдек даволаш муассасаларида турганлиги муносабати билан вақтинча бўлмаган ёлғиз шахсларнинг мол-мулкни, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки васийлик ва ҳомийликда турган, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулкни сақлаш бўйича чора-тадбирларни кўради;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради;

кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига янги дафн этиш жойларини барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш ҳақида таклифлар киритади;

тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди, шунингдек мазкур фактлар тўғрисида тегишли аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни ташкил этади, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

фуқароларни қабул қилишни амалга оширади, уларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритади;

тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар сўрайди ва олади.

Фуқаролар йиғинининг раиси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш

Фуқаролар йиғинининг раиси белгиланган тартибда ўлимни қайд этиши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банклардан суммаларни олишга ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.

16-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;

давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонунчиликка мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонунчиликка мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

17-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли.

Маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар беради. Тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун ўқув жараёнларидан бўш бўлган ўқув хоналарини бериб туриши мумкин.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим бериши, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Маслаҳат марказлари:

тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонунчилик асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади, шунингдек уларга

тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот беради;

бандликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларига қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади.

Маслаҳат марказлари қонунчиликка мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маслаҳат маркази тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

...

19-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорларининг мажбурийлиги

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёхуд суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

3-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш

...

21-модда. Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш тартиби

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси, кенгаши томонидан заруратга кўра, лекин ҳар чорақда камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар ҳудудий кенгашининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғинининг раиси ёки раиснинг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Фуқаролар йиғинида ўтказилган санаси, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган баённома юритилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарори фуқаролар йиғинининг раиси томонидан имзоланади. Фуқаролар йиғини раиси йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарори раиснинг маслаҳатчиларидан бири томонидан имзоланади.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар йиғини кенгаши фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Вакиллик нормасини фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи тегишли комиссия белгилайди.

Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда фуқароларнинг ҳовлилар, уйлар, кўчалар вакилларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ҳамда ушбу Қонунда фуқаролар йиғинларини ўтказиш тартибига қўйиладиган талабларга мувофиқ ўтказилади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

22-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси томонидан заруратга кўра, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

23-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини сайлаш

Фуқаролар йиғинининг раиси уч йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини сайлаш тартиби қонунда белгиланади.

24-модда. Фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

фуқаролар йиғини раиси умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузувчи, раис мақомини бадном қилувчи ва фуқаролар йиғини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ножўя ишлар содир этган, шунингдек ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан қарор қабул қилинганда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

у суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

у соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

у вафот этганда.

25-модда. Фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этиш

Фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси амалга оширади.

...

4-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий асослари

26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулкидир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ушбу объектлар билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари коммунал хизматлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланади.

27-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банк ҳисобварағидаги молиявий маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда мустақил тасарруф этади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳар чоракда фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

28-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига солиқ солиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоби ва ҳисоботи

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда давлат статистика ва солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этади.

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари кўриб чиқилишининг шартлиги

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

31-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳалла бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда, чегаралари ўзгартирилганда фуқаролар йиғинининг қарорига кўра қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

32-модда. Низоларни ҳал этиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

33-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22.05.2013 й.,
ЎРҚ-350-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ
ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК (ОИВ
ИНФЕКЦИЯСИ) ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

10-модда. Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси

Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан ОИВ инфекцияси тарқалишига

қарши курашиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиришни амалга оширади.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни ўтказишда, ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда;

ОИВни юқтириб олганларга ёки уларнинг қонуний вакилларига ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий, услубий ёрдам, ахборот ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатишда;

аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

23.09.2013 й.,
ЎРҚ-353-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЭКОЛОГИК НАЗОРAT
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

4-модда. Экологик назоратнинг асосий вазифалари

Экологик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
(*еттинчи хатбоши*)

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

6-модда. Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

(*тўртинчи хатбоши*)

Экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви

органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан атроф муҳитнинг муҳофаза қилиниши ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

8-модда. Экологик назорат субъектлари

Экологик назорат субъектлари қуйидагилардан иборат:

(олтинчи хатбоши)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади;

атроф муҳит ҳолатини ва атроф муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришни амалга оширади;

экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, хўжалик юритувчи субъектларга давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда ўз вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни хабардор қилади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги аниқланган фактлар юзасидан чоралар кўриш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

атроф муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган

фактни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига муурожаат қилади ва ахборот олади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганишни, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказди;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади, экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича, шу жумладан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантиришда ҳамкорлик қилади;

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишда кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17-модда. Фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

(бешинчи қисм)

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиш;

18-модда. Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

(биринчи қисм)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш мақсадида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириши ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши мумкин.

19-модда. Экологик назоратни амалга ошириш тартиби

(олтинчи қисм)

Жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

27.12.2013 й.,
ЎРҚ -363-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

4-модда. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва жойлаштирилишини таъминлаш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш; болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

12-модда. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

...

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

13-модда. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

...

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилади;

16-модда. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига маълумотлар тақдим этиш

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур шахслар аниқланган кундан эътиборан етти иш кун ичида улар ҳақидаги маълумотларни ахборот тизими орқали ёки ёзма шаклда васийлик ва ҳомийлик органларига юборади.

27-модда. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинлаш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса, тайинланиши мумкин.

Вояга етмаган васийликда ёки ҳомийликда бўлган даврда васийлик ва ҳомийлик органи унинг оиласини ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганни оиласига қайтариш масалалари бўйича, агар бу унинг қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

31-модда. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқлари

...

Васийлар ва ҳомийлар:

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни унинг фикрини ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш усулларини мустақил белгилашга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни қонуний асосларсиз ўзида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан, шу жумладан ота-онасидан ҳамда бошқа яқин қариндошларидан уни қайтариб беришни суд тартибида талаб қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти, унга тарбия, таълим бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмаган битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширишга;

зарур ижтимоий ёрдам олиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, таълим муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига мурожаат қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даволаниши ва соғлиғини тиклаши мақсадида даволаш, санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар олиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилишга ҳақли.

36-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни муҳофаза қилиш

Васийлар ёки ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни уни сақлашни амалга оширган шахслардан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган кундан эътиборан уч иш куни ичида рўйхат бўйича қабул қилиб олиши шарт.

Зарурат бўлган тақдирда, муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ва соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг мол-мулкни уларнинг илтимоси бўйича рўйхатга кўра қабул қилиб олишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг рўйхати васийлик ва ҳомийлик органи томонидан васий ёки ҳомий, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс иштирокида тузилади.

...

46-модда. Васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг

яшаш жойидаги фуқаролар томонидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

01.02.2014 й.,
ЎРҚ-364-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

21-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликка ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

31-модда. Расмий огоҳлантириш

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда

тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

32-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

14.05.2014 й.,
ЎРҚ-371-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

3-модда. Ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига

дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

25.09.2014 й.,
ЎРҚ-376-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

14-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

26.08.2015 й.,
ЎРҚ-393-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

8-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

(иккинчи қисм ўн еттинчи хатбоши)

давлат бошқаруви органилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари оммалаштирилишини ташкил этади;

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органиларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади.

20-модда. Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари

(иккинчи қисм)

Давлат органилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек бошқа ташкилотлар:

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади ҳамда уларни аҳоли ўртасида ёйиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

30-модда. Фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш

(иккинчи қисм)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фуқароларнинг яшаш жойи ва дам олиш жойи бўйича жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш учун шароитлар яратади, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни жалб этиш йўли билан шароитлар яратади.

31-модда. Мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт. Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш

Махсус ваколатли давлат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ногиронларнинг ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари воситасида жисмоний тарбия, жисмоний камол топтириш ва жисмоний тайёргарлик тизимига уйғунлашувига кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек ногиронларнинг жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар иштирокида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказилишини ташкил этади, болалар-ўсмирлар спорт-мослаштирувчи мактабларини, мослаштирувчи болалар-ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клубларини ташкил қилади.

04.09.2015 й.,
ЎРҚ-394-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ВЕТЕРИНАРИЯ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

8-модда. Ветеринария тадбирларини ўтказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ветеринария соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудуд аҳолисини эпизоотия ва нобоп пункт тўғрисида хабардор этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ветеринар осойишталикни таъминлашда иштирок этувчи давлат органларига ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

29.12.2015 й.,

ЎРҚ-397-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

7¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

(ўн учунчи хатбоши)

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

(олтинчи хатбоши)

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

18-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини

оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

14.09.2016 й.,
ЎРҚ-406-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

9-модда. Очиқлик ва шаффофлик принципи

(биринчи қисм)

Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

11-модда. Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги

Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат

хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

13¹-модда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат ноtijорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

15-модда. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари

(тўртинчи қисм)

Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

16-модда. Ички ишлар органларининг мажбуриятлари

Ички ишлар органлари:

ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслардан олиб қўйилган, шунингдек топилган ва ички ишлар органларига топширилган ҳужжатлар, қимматбаҳо буюмлар, ашёлар ва бошқа мол-мулкнинг сақланишини таъминлаши, уларни қонуний эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига топшириш чораларини кўриши;

эгасиз мол-мулк ва ҳазиналар тегишинча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ёки юридик шахслар ихтиёрига топширилгунига қадар уларнинг сақланишини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши;

16.09.2016 й.,

ЎРҚ-407-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

14-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар:

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

22-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги назорат

(бешинчи қисм)

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

19.09.2016 й.,

ЎРҚ-408-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЎСИМЛИК ДУНЁСINI МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

14-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар:

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

24-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги назорат

(бешинчи қисм)

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

21.09.2016 й.,
ЎРҚ-409-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этувчи давлат органларига ва бошқа органларга кўмаклашиши, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

22.09.2016 й.,
ЎРҚ-410-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “КЕКСАЛАР, НОГИРОНЛАР ВА АҲОЛИНИНГ БОШҚА ИЖТИМОЙ ЭҲТИЁЖМАНД ТОИФАЛАРИ УЧУН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

7-модда. Ижтимоий хизматлар соҳасидаги органлар ва ташкилотлар тизими

Ижтимоий хизматлар соҳасидаги органлар ва ташкилотлар тизимига қуйидагилар киради:

(учинчи хатбоши)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий хизматлар соҳасидаги ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадлар учун марказлаштирилган ҳолда ажратиладиган давлат маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

бошқа органлар ва ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлайди;

ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларнинг ҳисобини юритади;

бошқа органлар ва ташкилотларни, ҳомийларни, бошқа шахсларни ва ресурсларни ижтимоий хизматлар кўрсатишга жалб қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий хизматларга муҳтож шахслар қабулини амалга оширади, уларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади, тегишли ахборотни ва зарур маълумотномаларни тақдим этади;

фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси фаолиятини таъминлайди;

ижтимоий хизматлар соҳасидаги тегишли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ижтимоий хизматлар соҳасидаги бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

25-модда. Ижтимоий хизматлар соҳасидаги жамоатчилик назорати

Ижтимоий хизматлар соҳасидаги жамоатчилик назоратини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунчиликка мувофиқ амалга ошириши мумкин.

26.12.2016 й.,
ЎРҚ-415-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

14-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

30-модда. Коррупция соҳасидаги тадқиқотлар
(биринчи хатбоши)

Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

31-модда. ахборот олиш

ҳар ким давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коррупция билан боғлиқ бўлган, жамият учун аҳамиятга молик воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги хабарларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

03.01.2017 й.,

ЎРҚ-419-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:
(ўн бешинчи хатбоши)

давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат ноижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этади;

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:
(тўртинчи хатбоши)

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

12-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:
ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда иштирок этади;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этади;
ўз фаолиятига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;
фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишини таъминлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда қонунчиликка мувофиқ бошқа шаклларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ҳамда ундан фойдаланишни таъминловчи органлар ва ташкилотларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш орқали ҳуқуқий ахборотни тарқатишда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни матнларини юбориш йўли билан тарқатиш

(еттинчи хатбоши)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини юбориш уларнинг матнларини ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бир кун ичида ушбу органлар томонидан ўз таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмаларига, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига йўллаш, шунингдек кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бериш учун ҳудудий адлия органларига йўллаш орқали амалга оширилади.

07.09.2017 й.,
ЎРҚ-443-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “БОЛАЛАРНИ УЛАРНИНГ СОҒЛИҒИГА ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ АХБОРОТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

5-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва техникавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ушбу соҳадаги илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, болаларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, жисмоний ва юридик шахсларнинг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

8-модда. Махсус ваколатли давлат органининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Махсус ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида:

(ўн биринчи хатбоши)

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам беради ва кўмаклашади;

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

08.09.2017 й.,
ЎРҚ-444-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИING МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади), шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

11.09.2017 й.,
ЎРҚ-445-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МУДОФАА ДОКТРИНАСИ ТЎҒРИСИДА” ҚОНУНИ

[Кўчирма]

...

24. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда

фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчиликда белгиланган доирада мудофаа вазифаларини ҳал қилишда иштирок этади.

09.01.2018 й.,
ЎРҚ-458-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

3-модда. Жамоатчилик назорати субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари

(биринчи қисм саккизинчи хатбошиси)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

9-модда. Жамоатчилик муҳокамаси

(иккинчи қисм)

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

10-модда. Жамоатчилик эшитуви

(иккинчи қисм)

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

11-модда. Жамоатчилик мониторинги

(иккинчи қисм)

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

12-модда. Жамоатчилик экспертизаси

(иккинчи қисм)

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

13-модда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонунчиликка мувофиқ ўтказиши мумкин.

14-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

12.04.2018 й.,
ЎРҚ-474-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЎРМОН ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

16-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ўрмонларни муҳофаза қилишни, ҳимоя қилишни, кўпайтиришни, такрорий кўпайтиришни, қайта тиклашни, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ва улардан фойдаланишни таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши, давлат органларига кўмаклашиши мумкин.

22-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги назорат

(тўртинчи қисм)

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

16.04.2018 й.,
ЎРҚ-475-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

8-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ўсимликлар карантинига доир тадбирларни ўтказишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда ўсимликлар карантини соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудуд аҳолисини ўсимликлар карантини объектлари тарқалганлиги тўғрисида хабардор қилишда ўсимликлар карантини давлат инспекторларига кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқ тадбирларни ўтказишда ҳам иштирок этиши мумкин.

09.07.2018 й.,

ЎРҚ-484-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонунчилик

Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раиси сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқароларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раисини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳардаги,

шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида (бундан буён матнда тегишли ҳудуд деб юритилади) доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

4-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

5-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ошкоралик

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади.

...

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади.

6-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловининг муқобиллик асосида ўтказилиши

Фуқаролар йиғини раиси сайлови фуқаролар йиғини раиси лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

7-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раисини сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини раисини сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

8-модда. Фуқаролар йиғини раисини сайлаш

Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади.

9-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишда давлат органлари фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шарт.

2-боб. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш

10-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

10¹-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилишини чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилмайди.

11-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тузилади.

Республика комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Республика комиссиясининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;
фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

комиссияларнинг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

12-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг қарори билан тузилади. Комиссиялар фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

13-модда. Комиссияларнинг ваколатлари

Комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этади; ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллик нормасини белгилайди;

ишчи гуруҳлардан фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланадиган сайлов бюллетенларининг намуналари мустасно;

ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборотини эшитади;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари сайлови яқунларини чиқаради ҳамда Республика комиссиясига ахборот тақдим этади;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга ёки идоравий архивга топширилишини таъминлайди.

14-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатади.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилади. Фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

15-модда. Ишчи гуруҳнинг ваколатлари

Ишчи гуруҳ:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказади;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузади;

тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар бўйича таклифларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инobatга олган ҳолда тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раисининг такрорий сайлови, шунингдек бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқади.

3-боб. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тартиби

16-модда. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.

17-модда. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат ноижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётӣ тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқӣ ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

4-боб. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш тартиби

18-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақирिश

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади.

Ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётӣ тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар, қоида тариқасида, фуқароларнинг вакиллари бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар фуқаролар вакиллари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади.

Вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилайди. Бунда фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумӣ сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши керак.

19-модда. Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, қўйидаги масалалар киритилади:

саноқ комиссиясини сайлаш;

фуқаролар йиғини раисини сайлаш.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) иш регламенти, шу жумладан фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади.

20-модда. Фуқаролар йиғини раисини сайлашда овоз бериш шакли

Фуқаролар йиғини раисини сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

21-модда. Овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси сайлови бўйича овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари (бундан буён матнда бюллетень деб юритилади) саноқ комиссияси томонидан берилади.

Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раисини сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка «+», «|» ёхуд «х» белгисини қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

Бюллетенларнинг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

22-модда. Овозларни санаб чиқиш

Овозлар саноқ комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси лавозимига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади ва баённома саноқ комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда иштирок этган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони;

овоз бериш ўтказилганида бюллетенлар олган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони;

фуқаролар йиғини раиси лавозимига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони;

овоз бериш ўтказилаётганда ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Саноқ комиссиясининг баённомаси саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тасдиқланади.

24-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови яқунларини чиқариш

Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган деб ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов яқунлари бўйича қарор қабул қилади, бу қарор фуқаролар йиғинида

(фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси сайлов яқунларини умумлаштириш учун тегишли туман ва шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Тегисли туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари сайлови яқунларига доир умумлаштирилган маълумотларни юқори турувчи комиссияга топширади.

25-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Агар фуқаролар йиғини раиси сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

26-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайловида такрорий овоз бериш

Агар фуқаролар йиғини раиси лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Такрорий овоз бериш ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган ҳисобланади.

27-модда. Фуқаролар йиғини раиси такрорий сайлови

Фуқаролар йиғини раиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади, агар:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси такрорий сайлови ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.

28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси сайлови

Фуқаролар йиғини раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

29-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари устидан шикоят қилиш

Фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари бўйича қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини органларини шакллантириш

Фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиясини сайлайди.

31-модда. Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги 609-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 78-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-351-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 97-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) 47-моддаси.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

15.10.2018 й.,

ЎРҚ-499-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН АЙРИМ ТОИФАДАГИ ШАХСЛАР УСТИДАН МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

7-модда. Маъмурий назорат чоғида белгиланадиган маъмурий чекловлар

(учинчи қисм)

Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инobatга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин.

13-модда. Маъмурий назоратни тугатиш тартиби

(учинчи қисм)

Агар назорат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий назорат муддатининг камида ярми ўтгач ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд назорат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига кўра маъмурий назорат суд томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Маъмурий назоратни муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимнома, ариза ёки илтимоснома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

16-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятдан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномалар юбориш;

профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.

Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

02.04.2019 й.,
ЎРҚ-532-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЯЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

20.05.2019 й.,
ЎРҚ-538-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ
МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир тадбирлардаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

21.05.2019 й.,
ЎРҚ-539-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

**13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва
нодавлат нотижорат ташкилотларининг туризм соҳаси
тадбирларидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида:

туризм соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

маданий мерос объектларини тарғиб қилишда, туризм салоҳиятини сақлаш ва ривожлантиришда иштирок этади;

туризм тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

туризм тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

туризм соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

...

**37-модда. Туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини
таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган, қутқарув ва шошилиш
хизматлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида фалокатга учраган туристлар ва экскурсантларга зарур ёрдам кўрсатиш ихтисослаштирилган хизматлар томонидан амалга оширилади.

Қидирув-қутқарув хизматлари, шошилиш оператив хизматлар ва бошқа қутқарув хизматлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек соғлиқни сақлаш, алоқа, ички ишлар органлари, давлат ўрмон хўжалиги, гидрометеорология, фуқаро авиацияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

18.07.2019 й.,
ЎРҚ-549-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА
ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

5-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

...

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

...

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

24-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш

тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери уларнинг қонуний вакилига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ҳимоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичида юборилади.

02.09.2019 й.,
ЎРҚ-561-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;

давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

9-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

...

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан ҳаётида оғир вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

давлатнинг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашади;

давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини ва таҳлилини ўтказди, шунингдек жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида таълимга оид, ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

...

13-модда. Давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўради;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга оширишга фаол жалб қилиш мақсадида улар билан ҳамкорликни ривожлантиради;

...

14-модда. Давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ваколатли шахс:

фаолиятнинг тегишли соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига риоя этилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга барҳам бериш юзасидан ахборот фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда доимий асосда амалга оширади;

...

15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун бандлик соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга, оилалар учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратишга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат органларининг қарорларини, давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқув, ахборот-маърифий тадбирларини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишда давлат органларига кўмаклашади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

02.09.2019 й,
ЎРҚ-562-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ
БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

...

49-модда. Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан банк кредитларини олишда қонунчиликда белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир ишларни ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади.

07.11.2019 й.,
ЎРҚ-581-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг волонтерлик фаолияти соҳасида иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар волонтерлик фаолияти соҳасида иштирок этишга ҳақлидир ҳамда оммавий волонтерлик акцияларини қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

02.12.2019 й.,
ЎРҚ-585-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА
ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

14-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда

фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари: мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

16.12.2019 й.,
ЎРҚ-595-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

5-модда. Ундириш объектлари

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган даъво аризаларидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан), алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув

қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибдаги шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибдаги шикоятлардан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

...

3) маъмурий судларга бериладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги, нотариал ҳаракатни содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаганлик устидан бериладиган, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар билан боғлиқ аризалардан (шикоятлардан), маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция ва кассация шикоятларидан, шунингдек маъмурий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

8-модда. Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

...

16) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

...

28) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари - фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

...

32) мулкдорлар - хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

9-модда. Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

...

3) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий

кенгашлар - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича;

10-модда. Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) тадбиркорлик субъектлари — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

1¹) жисмоний шахслар — ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

2) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича;

...

4) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар — фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

5) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари - ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат

бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

...

10) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари - фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар (шикоятлар) юзасидан;

11) мулкдорлар - хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

20-модда. Нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

(тўртинчи хатбоши)

Нотариал идора биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мустасно.

06.01.2020 й.,
ЎРҚ-600-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING "АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

18-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга кўмаклашиши;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш жараёнида иштирок этиши;

жойларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

23-модда. Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби

...

(олтинчи қисм) Респондент рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

16.03.2020 й,
ЎРҚ-611-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

1-модда. 22 март Маҳалла тизими ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

02.03.2020 й.,
ЎРҚ-606-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

6-модда. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия

Миллий комиссиянинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши шарт, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса тавсиявий хусусиятга эга.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

17-модда. Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашиш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек фуқаролар:

Давлат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги кўмагини қонунчиликка мувофиқ қўллаб-қувватлайди.

19-модда. Маълумотларнинг ягона ахборот базаси

Одам савдосига қарши самарали курашишни таъминлаш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг жиноий фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ҳамда тегишли ахборотни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси (бундан буён матнда маълумотлар базаси деб юритилади) яратилишини ташкил этади.

Маълумотлар базасига:

давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

...

24-модда. Одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қайта йўналтириш

Одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қайта йўналтириш давлат органларининг одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилишга доир ҳамкорлиги тизимидан иборатдир. Одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17.08.2020 йил,
ЎРҚ-633-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

...

(*тўртинчи хатбоши*) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан таълим ташкилотларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилади;

51-модда. Вояга етмаган таълим олувчилар ота-онасининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

...

(*иккинчи қисм*) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим ташкилотлари вояга етмаган таълим олувчиларни тарбиялашда, уларнинг жисмоний ҳамда руҳий соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда, шунингдек индивидуал қобилиятларини ривожлантиришда уларнинг ота-онасига ҳамда бошқа қонуний вакилларига кўмаклашади.

23.09.2020 й.,
ЎРҚ-637-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

16-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлатдан ва белгиланган тартибда

халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан тенг равишда бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда тизимларидан, шунингдек бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишда иштирок этиши мумкин;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

33-модда. Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури

...

(учинчи қисм) Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт.

...

(бешинчи қисм) Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларида назарда тутиладиган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

...

Ногиронлиги бўлган шахс ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастуридан бутунлай воз кечган ёки дастурнинг айрим қисмлари амалга оширилишидан воз кечган тақдирда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, дастурнинг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

37-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида амалга оширилади ҳамда қуйидаги турларни ўз ичига олади:

ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш масалалари юзасидан маслаҳат бериш;

тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш;

соғлиғининг ҳолатига кўра ўзига нисбатан ҳомийлик белгиланишига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш ва ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

протез-ортопедия мосламаларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олишда кўмаклашиш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни дори воситалари билан бепул ёки имтиёзли таъминлаш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена воситалари билан бепул таъминланишига, шу жумладан овқат тайёрлашига ва уй-жойни йиғиштиришига, гигиенани амалга оширишига кўмаклашиш.

15.10.2020 й.,
ЎРҚ-641-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

3-модда. Асосий тушунчалар

...

ҳақ тўланадиган жамоат ишлари — буюртмачилар-иш берувчилар — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган, қоида тариқасида, дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган, ижтимоий фойдали йўналишга эга бўлган ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган ишга

жойлаштиришга доир йўлланмалар бўйича бажариладиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари;

26-модда. Иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатувчи маҳаллий меҳнат органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

...

(тўртинчи хатбоши) ўз ваколати доирасида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлардан, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ишсизлик нафақасини олувчи шахсларга тааллуқли маълумотларни сўраб олиш;

20.10.2020 й.,

ЎРҚ-642-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “НАРКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг наркологик касалликлар профилактикасида иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

наркологик ёрдам тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атворга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширишда ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ наркологик касалликлар профилактикаси бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

27.10.2020 й.,

ЎРҚ-644-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ
ВА МАДАНИЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

...

(тўртинчи хатбоши) маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маданий фаолиятда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

маданий фаолият соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг маданиятини юксалтиришга доир ишларни амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

20.01.2021 й.,
ЎРҚ-668-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

9-модда. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг томорқа хўжалиklarини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти

...

(тўртинчи хатбоши) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда томорқа хўжалиklarини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чоралар кўради;

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг томорқа хўжалиklarини ривожлантириш соҳасида иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи:

шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

томорқа хўжалиklarини эркин ва мустақил равишда бошқаришда, шу жумладан етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мустақил тарзда тасарруф этишда, мустақил равишда нарх белгилашда ва даромадларни тасарруф этишда шахсий томорқа ер участкалари эгаларига кўмаклашади;

томорқа хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида шахсий томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларига доир тушунтириш ишларини олиб боради;

шахсий томорқа ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан мониторингни амалга оширади.

13-модда. Томорқа хўжалиklarининг ҳисобини юритиш

Томорқа хўжалиklarининг ҳисоби шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган шахслар томонидан ихтиёрий равишда тақдим этиладиган маълумотлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Томорқа хўжалиklarини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади.

01.04.2021 й.,
ЎРҚ-681-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

17-модда. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади.

Деҳқон хўжалиги йил давомида ер участкасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари, шунингдек иссиқхоналар сони тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган белгиланган шаклдаги маълумотномани деҳқон хўжалиги жойлашган ердаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ҳисобот давридани келгуси йилнинг 15 мартига қадар тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING “НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(янги таҳрири)

[Кўчирма]

23-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш

(ўн биринчи қисм)

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, ўзга ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва фуқаролар иштирокида ўтказилади.

53-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати

(бешинчи қисм)

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик мониторинги ва назоратини амалга оширадilar.

20.04.2021 й.,
ЎРҚ-682-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

[Кўчирма]

...
76-модда. Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати

...
(учинчи қисм) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

оммавий ахборот воситалари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашга;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ва шартномаларни бажаришнинг бориши тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровларни давлат буюртмачиларига юборишга;

харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан мустақил мониторингни ва давлат харидлари самарадорлигини баҳолашни, шу жумладан уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини баҳолашни амалга оширишга;

текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилишга;

давлат буюртмачиси, давлат харидлари электрон тизими оператори, ваколатли орган, харид комиссиялари ва уларнинг аъзолари ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга;

қонунчиликка мувофиқ судга мурожаат қилишга ҳақли.

22.04.2021 й.,

ЎРҚ-684-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

6-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари

...

(учинчи қисм) Руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

2021 йил 12 май,

ЎРҚ-690-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “РАСМИЙ СТАТИСТИКА
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

...

14-модда. Давлат статистика органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат статистика органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан ҳамда бошқа ташкилотлардан статистика кузатуви шаклларини олиш ва статистика кузатуви маълумотларидан статистика мақсадларида фойдаланиш;

27-модда. Индивидуал маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш

(иккинчи қисм) Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар томонидан индивидуал маълумотлардан тергов, назорат қилиш, суд муҳокамаси, маъмурий қарорлар қабул қилиш мақсадида ёки жисмоний ва юридик шахсларга ёки уй хўжаликларига тааллуқли бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

11.08.2021 й.,
ЎРҚ-707-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**
[Кўчирма]

...

13-модда. Хусусийлаштириш субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари хусусийлаштириш субъектларидир.

Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек давлат органлари, муассасалари, корхоналари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

15.11.2021 й.,
ЎРҚ-728-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ**

...

3-модда. Асосий тушунчалар

Фавқулодда ҳолат — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айрим чекловлар белгилашга йўл қўядиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими;

12-модда. Фавқулодда ҳолат жорий этилганда қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида қуйидаги фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар жорий этилиши назарда тутилиши мумкин:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш;

15-модда. Сайловлар ва референдумлар ўтказишни чеклаш

...

(учинчи қисм) Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар ваколатларининг муддати тугаган тақдирда уларнинг ваколатлари муддати, агар мазкур органлар ва шахсларнинг ваколатлари ушбу Конституциявий Қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилмаган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даври тугагунига қадар узайтирилади.

20-модда. Ҳудуд комендантери

...

(учинчи қисм) Ҳудуд комендантери:

фавқулдда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулдда ҳолат режимини таъминлаш масалалари юзасидан барча давлат бошқаруви органлари (уларнинг таркибий бўлинмалари), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан тегишли ҳудудда бажарилиши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишларни ўз ваколатлари доирасида чиқаради;

(тўртинчи қисм) Ҳудуд коменданти фавқулдда ҳолат жорий этилган ҳудудда фаолият кўрсатувчи давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барча мажлисларида иштирок этишга ҳамда ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

15.12.2021 й,
ЎРҚ-737-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

32-модда. Ички реклама

Биноларнинг ичига жойлаштириладиган реклама ички рекламодир.

Ички рекламани жойлаштириш ўлчамлари у жойлаштирилган жойнинг эгаси томонидан белгиланади.

Ички рекламани давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мактабгача таълим ташкилотларининг, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг биноларига жойлаштириш тақиқланади, бундан ижтимоий ахборот ва қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

07.06.2022 й.,
ЎРҚ-776-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВЛАРНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ [Кўчирма]

...

12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда

фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонунчиликка мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

35-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги истеъмолчиларнинг гуруҳлари

Ичимлик сувига ва оқова сувларни чиқариб юборишга бўлган эҳтиёжга кўра истеъмолчилар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

биринчи гуруҳ — жисмоний шахслар;

иккинчи гуруҳ — идоравий уй-жой фонди ва ётоқхоналар, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, элчихоналар, дипломатик ваколатхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотлар, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ва иссиқлик таъминоти ташкилотлари;

учинчи гуруҳ — биринчи ва иккинчи гуруҳларга кирмайдиган юридик шахслар.

22.06.2022 й,
ЎРҚ-784-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ
ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга кўмаклашади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларига фуқароларни жалб этади;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

17.08.2022 й,
ЎРҚ-790-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИING ТАРҚАТИЛИШINI ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ
ҚИЛИНИШINI ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

7-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси

...

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, таълим ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсирини профилактика қилиш, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий ва ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари

...

бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга жалб этилишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради.

27-модда. Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари, шунингдек уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш ва хабардор этиш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида маърифатли қилишга доир чораларни амалга оширади, ушбу чоралар:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий тиббий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тўхтатишнинг афзалликлари;

ушбу Қонун мақсадидан келиб чиққан ҳолда тамаки саноатининг стратегияси ва ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни ўз ичига олади.

Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш:

оилада, таълим ташкилотларида тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида, тиббиёт ташкилотларида, шунингдек иш берувчилар томонидан иш жойларида;

оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникациялар тармоқларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини намойиш қилган ҳолда ахборот кампанияларини ўтказиш, «тезкор алоқа» телефонлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

24.05.2023 й,
ЎРҚ-844-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади, уларга зарур ахборотни тақдим этади;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ихтиёрий асосда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

29-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

...

Давлат чегарасининг хавфсизлигига таҳдид юзага келганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, манфаатдор корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни хабардор қилган ҳолда, унинг айрим участкаларида турли ишларни амалга оширишни вақтинча чеклаш (бундан мудофаа аҳамиятига молик ишлар ёки табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишлар мустасно);

13.09.2023 й,
ЎРҚ-868-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЙЎЛ ҲАРАКАТИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
[Кўчирма]**

...

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширишда, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикасида иштирок этади;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқишда қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

01.19.2024 й.,
ЎРҚ-900-сон

IV бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон аҳолиси кўп сонли маҳалла фаолларининг республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. “Маҳалла” жамғармасини рўйхатга олиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгилаб қўйилиши таъкидлансин.

3. Янги ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин

Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожлантиришга кўмаклашиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ичида “Маҳалла” жамғармасини ташкил қилиш ва бу жамғарманинг фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган шароитларни яратиш тадбирларини белгиловчи қарор қабул қилсин.

1992 йил 12 сентябрь,
ПФ-472-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ”
ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ**
[Кўчирма]

1. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси таъсис мажлисининг Жамғарма номини Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармаси (кейинги ўринларда “Нуроний” жамғармаси” деб аталади) этиб ўзгартириш ва унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни юклаш ҳақидаги ташаббуси маъқуллансин:

фахрийларнинг Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оқсоқоллар, кекса ёшдагилар ва ногиронларни ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини ҳурмат қилиш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш;

кексаларнинг ҳаёти даражасини ошириш соҳасида давлат сиёсатининг ғоят муҳим устувор йўналишларини амалга оширишда давлатга кўмаклашиш, пенсияга чиққандан кейин уларнинг юқори ижтимоий фаоллигини, шу жумладан уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини ва давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш;

кексалар учун назарда тутилган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатлари қоидалари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ушбу масалада давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўмаклашиш, эҳтиёжманд кексаларни ва аҳолининг бошқа қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам билан таъминлаш, ушбу мақсадларда ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия тадбирларини ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда оилаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ёлғиз кишилар ва эҳтиёжманд кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжлари қондирилишида ҳар томонлама ёрдам бериш;

кексалар учун уларнинг ёшани ҳисобга олган ҳолда ҳар хил ижтимоий-маданий тадбирлар, телемарафонлар, махсус спорт мусобақалари, кекса ёзувчилар, артистлар, хонандалар, рассомларни ва ижодий зиёлиларнинг бошқа вакиллари таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ташкил этиш.

...

2016 йил 28 декабрь,
ПФ-4906-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН
ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ,
ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ
КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

2017 йил 10 апрель,
ПФ-5005-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

1. Қуйидагилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

аҳоли, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшлар билан мулоқотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озик-овқат, тиббиёт ва моддий-техник ресурсларнинг давлат захира фондларини ташкил этишга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат ва ҳудудий комиссияларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи 1 - 3 иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг авария, ҳалокат, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқаролар, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

2017 йил 1 июнь,

ПФ-5066-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ

[Кўчирма]

12. Қуйидагиларга:

барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналари билан

товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар тузиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш;

2017 йил 1 декабрь,
ПФ-5270-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг қуйидаги аҳоли қатламлари учун республика ҳудудлари бўйлаб туризм-экскурсия турлари ташкил этилишини кўзда тутувчи “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда - Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

таълим муассасалари ўқувчилари учун - таътил даври ва дам олиш кунларида;

ташкилотлар ходимлари учун - дам олиш кунларида, умуммиллий байрамлар ва таътил кунларида, айниқса туризм мавсуми сўст даврда;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун - санаторий-курортларда дам олишдан фаол фойдаланган ҳолда йил давомида;

кексалар, ёш оилалар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари учун - туризм мавсуми сўст даврда.

2018 йил 3 февраль,
ПФ-5326-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЁШЛАР - КЕЛАЖАГИМИЗ KELAJAGIMIZ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]

9. Туманлар ва шаҳарларда ҳокимларнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари

бошчилигида ҳамда ички ишлар бошқарма (бўлим)лари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари, шунингдек, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан иборат ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари (кейинги ўринларда — Комиссиялар) ташкил этилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган, банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, туман (шаҳар)ларга тавсиф бериш ҳамда улардаги ёшларнинг паспортларини шакллантириш мақсадида уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш;

2018 йил 27 июнь,
ПФ-5466-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “АҲОЛИ
МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

1. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла - сектор - Халқ қабулхонаси - маҳалла” принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиниб, қуйидагилар мазкур тизимнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

ҳар чорақда жамоатчилик назоратининг натижалари, аниқланган муаммолар тўғрисида умумлашган маълумотлар, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича таклифларни халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиш учун киритиш;

аниқланган муаммоларни умумлаштириш ҳамда ҳал этиш мақсадида электрон ахборот алмашиш тизимини жорий этиш;

жойларда ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш ва уларнинг ижросини таъминлашда тизимли ҳамкорликни ўрнатиш.

...

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқаролар йиғинлари раислари ҳар чорақда ўз маҳалласи ҳудудидаги долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига тақдим этиб боради;

энг долзарб муаммолар секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналари томонидан тегишли дастурларда инобатга олиш учун тавсия этилади;

фуқаролар йиғинлари раислари мунтазам равишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиш, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси юзасидан ёзма равишда секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига маълумот киритади;

Халқ қабулхоналари томонидан фуқаролар йиғинлари раисларининг маълумотларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар, шунингдек уларнинг юқори турувчи ташкилотларига мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш масаласи кўриб чиқилади.

2019 йил 2 апрель,
ПФ-5700-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ” ФАРМОНИ**
[Кўчирма]

8. Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, халқ таълими тизимини ривожлантириш қўйидаги устувор йўналишларга асосан амалга оширилади:

г) ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминлаш, боланинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланиши:

умумтаълим мактаб ўқувчилари учун соғлом овқатланиш тамойилларини оммалаштириш;

умумтаълим муассасаларида спорт тўғарақларини ташкил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тарбиясида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб бориш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (булинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш;

2019 йил 29 апрель
ПФ-5712-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2030 ЙИЛГАЧА
БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АТРОФ
МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

6. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комиссиялари томонидан яшил дов-дарахтларни санитар қирқиш ва кесишда, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва чиқиндиларини утилизация қилиш, шу жумладан ёғочлардан тижорат мақсадида фойдаланишда экология талабларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

2019 йил 30 октябрь,
ПФ-5863-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 ЙИЛ 4
ДЕКАБРДАГИ ПФ-5887-СОН ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА
Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги
босқичга олиб чиқиш
КОНЦЕПЦИЯСИ
[Кўчирма]**

...
1-§. Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш

Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳаллада футбол», «Футболимиз келажаги», «Чарм тўп» футбол мусобақаларини мунтазам ва юқори савияда ўтказиш тизимини йўлга қўйиш;

4. Футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш

Ўзбекистонда футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

футбол ва мини-футбол майдонларини барпо этиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида қурилишини назарда тутувчи «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури ижросини таъминлаш. Футбол майдонлари ва мини-футбол майдончаларини барпо этишда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредит линияларини Ҳукумат кафолати асосида жалб қилиш;

...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари бириктирилган ҳудудларда, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш бўйича масъул этиб белгиланади.

2020 йил 24 январь,
ПФ-5924-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 24
ЯНВАРДАГИ ПФ-5924-СОН ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА
Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025
йилгача ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ
[Кўчирма]**

5. Жисмоний тарбия ва спорт тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларга асосан амалга оширилади:

5.1. Аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг қамраб олиш:

аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ишлари доирасида спорт муассасалари ҳамда давлат органлари ва жойларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг намунавий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

...

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Давлат хизматлари марказлари филиалларини (кейинги ўринларда — Филиаллар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

...

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Филиалларни маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари биноларида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2020 йил 31 январь,
ПФ-5930-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЖАМИЯТДА
ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ,
МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ
ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ФАРМОНИ**

[Кўчирма]

...

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва маҳаллалар фаолларининг ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи янги тизимни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслақдоши ва кўмакдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш;

хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;

маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг (кейинги ўринларда — профилактика инспектори) роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

16. Белгилансинки:

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилади;

18. Фуқаролар йиғини раисига қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти

ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;
уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот,
бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани
бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш билан боғлиқ масалаларда уй-
жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи
ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро
муносабатларга киришиш.

2020 йил 18 февраль,
ПФ-5938-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2021 ЙИЛ
1 ИЮЛДАГИ ПФ-6255-СОН ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА**
**Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши
курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган
МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ**
[Кўчирма]

...

**7-§. Экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари, шунингдек,
уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка
тортиш чораларини такомиллаштириш**

Экстремизм ва терроризмнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ва
бартараф этиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш ушбу салбий
ижтимоий ҳодисага қарши курашишнинг муҳим таркибий қисмлари
ҳисобланади.

Экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, уларни
молиялаштирганлик учун таъқиб қилиш ва жавобгарликка тортиш
чораларини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилар
ҳисобланади:

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича давлат
ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий
партиялар, жамоат ва диний бирлашмаларнинг ҳаракатларини
мувофиқлаштириш;

...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ**

ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ [Кўчирма]

...

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини кучайтириш, уларнинг аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар йиғини ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) ҳудудда хонадонлар сони мингта ва ундан ортиқ бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ойлик лавозим маошларини 35 фоизга ошириш;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, уларга бухгалтерия хизматини кўрсатиш вазифасини туман (шаҳар) ҳокимликларидан туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига ўтказиш;

г) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг (моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағларини инобатга олмаган ҳолда) 10 фоизи миқдоридagi бюджет маблағлари;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан ажратилadиган маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 3 фоизи миқдоридagi ажратма;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинган маблағлар;

ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2021 йил 18 октябрь,

ПФ-6324-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2021 ЙИЛ
29 НОЯБРДАГИ ПФ-27-СОН ФАРМОНИГА
1-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги
КОНЦЕПЦИЯСИ
[Кўчирма]**

...

2. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар:

...

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

5. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди.

6. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан иборат.

Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга киради.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

...

табий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббий ва моддий-техник ресурсларнинг давлат захира фондларини шакллантиришга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш чораларини кўради;

17. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир давлат дастурларини, ҳудудий ва идоравий дастурларни амалга оширишда иштирок этади, шунингдек, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

18. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАҲАЛЛАДА
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

...

1. 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳаллалар) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) лавозими таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга

олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;

маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш;

маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуроолларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда кўмаклашиш;

маҳалладаги бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш.

Барча вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ҳоким ёрдамчиларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак бериш учун шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда жойларда «инсон қадрини учун» шиори билан амалга оширилаётган ислохотларда ўзининг фаол иштироки, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича ташаббуслари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган маҳаллалар ва ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириб бориш мақсадида «Энг намунали маҳалла» ва «Фаол ҳоким ёрдамчиси» каби кўрик танловларнинг мунтазам ўтказиб борилишини таъминласин.

2021 йил 3 декабрь,

ПФ-29-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 28
ЯНВАРДАГИ ПФ-60-СОН ФАРМОНИГА
1-ИЛОВА
2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ
[КЎЧИРМА]**

...

1-мақсад: Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш.

Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш.

Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш.

Маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.

Маҳаллалар учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, барча маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларида бошқарув асослари, бандликни таъминлаш, банк-молия, томорқа, ер, чорвачилик ва паррандачилик бўйича кўникмаларни шакллантириш.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ОИЛА ВА ХОТИН-
ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

...

7. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада маҳалла

раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими ўрнига хотин-қизлар фаоли лавозими маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда бир нафардан жорий этилсин.

8. Қуйидагилар маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;

«Аёллар маслаҳат кенгашлари» билан яқин ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга кўмаклашиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқин тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш.

16. Давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида эътибори қаратилсинки, **маҳалла раиси маҳалла ҳудудининг аҳоли томонидан сайланган обрўли шахси бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифалари амалга оширилишини ва фуқаролар муаммолари самарали ҳал этилишини ташкил этади.**

17. Маҳалла раисига қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта)

инспекторлари фаолиятини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб бориш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

19. Аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш ҳамда мурожаатларни давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқишнинг бир-бири билан узвий боғланган тўрт поғонали «маҳалла-туман-вилоят-республика» тизими жорий этилсин.

20. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

ҳудудда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказилади;

ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти эшитилади ҳамда муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади;

маҳалла раиси ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маҳаллада амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда бартараф этилмаган тизимли муаммолар бўйича тегишли туман (шаҳар) халқ қабулхонасига маълумотлар киритиб боради;

туман (шаҳар) халқ қабулхонаси маҳалла раиси маълумотиغا асосан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади ҳамда масъул ходимларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига таклифлар беради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЧИҚИНДИЛАР
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ**
[Кўчирма]

...

3. Давлат экология қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

...

б) ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларига маҳаллаларда экологик назоратни амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифа ва ваколатларни бериш орқали «Экологик патруль» ишлаш тизимини кенгайтириш:

маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек, браконьерликка қарши курашиш;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар ҳамда браконьерликка қарши курашиш бўйича бевосита маъмурий жавобгарликка тортиш ва терговга қадар текширувни амалга ошириш.

2022 йил 11 август,
ПФ-189-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАҲАЛЛА
ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА
УНИНГ АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА БИРИНЧИ БЎҒИН
СИФАТИДА ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ**
[Кўчирма]

...

1. Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг:

республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларини шакллантириш;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини (кейинги ўринларда — Уюшма), унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат бўлган «Маҳалла еттилиги» фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Уюшманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги «кўприк» вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш;

маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш;

ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;

фуқароларни ўз уйи ва кўчасини озода сақлашга, миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилишга чақириш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

«маҳалла еттилиги» томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш;

маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш;

маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш;

маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш.

3. Белгилансинки:

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашига Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман

(шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва ҳокимлар раислик қилади;

Уюшма раиси мақоми, тиббий, транспорт ва маиший таъминот шароитлари бўйича Бош вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари мақоми, тиббий, транспорт ва маиший таъминот шароитлари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарига тенглаштирилади.

4. Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида:

а) маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилади;

б) маҳалла раисига 1-иловадаги вазифаларни бажариш тавсия этилади;

в) қуйидагилар:

ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли 2 — 4-иловаларида келтирилган вазифаларга;

профилактика инспектори — маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга;

ижтимоий ходим — оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этишга;

солиқ инспектори — тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришга масъул бўлади.

5. 2024 йил 1 мартдан бошлаб «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» (кейинги ўринларда — дафтарлар) орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишда бюрократиядан холи ва маҳалланинг ҳамжиҳатлигини акс эттирувчи қуйидаги янги тартиб жорий этилсин:

жисмоний шахсларни дафтарларга киритиш, шунингдек, дафтарлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарори асосида амалга оширилади;

ҳар ойнинг 5-санасига қадар дафтарлар учун маблағларни тақсимловчи масъул ташкилотлар томонидан жамғармаларда шакланган маблағлар дафтарларга киритилган фуқаролар сонига мутаносиб равишда тегишлилиги бўйича ҳар бир маҳалла кесимида тақсимланади;

5-иловада келтирилган ижтимоий ёрдам турларини кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида амалга оширилади;

ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим уларга юклатилган вазифалар юзасидан жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш ва чиқариш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириб, маҳалла «еттилиги»нинг бошқа барча аъзоларига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади;

«Темир дафтар» Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилади;

«Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва шундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан маҳалла «еттилиги»га кўриб чиқиш учун киритилган ҳолда кўрсатилади;

ижтимоий ёрдам ва субсидиялар аҳолининг камбағалликдан чиқишини таъминлаш учун мақсадли ва манзилли йўналтирилиши ҳамда қарорлар қабул қилинишида очиқлик, ҳаққонийлик, ижтимоий адолат ва шаффофлик тамойилларига риоя қилиниши учун «маҳалла еттилиги» масъул ва жавобгар бўлади;

«маҳалла еттилиги»нинг фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади. Бунда кўрсаткичлар мазкур ходимларнинг иш берувчилари томонидан Уюшма билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини KPI асосида баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб «маҳалла еттилиги» аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда KPI асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, улар моддий рағбатлантирилиб борилади.

7. 2024 йил 1 январдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда «Маҳалла бюджети» тизими амалиётга жорий этилсин. Бунда:

а) ҳар бир маҳалладаги Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига қуйидаги маблағлар йўналтирилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бундан мустасно) 10 фоизи;

маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи;

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳокими ёрдамчиси онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги низомда белгиланадиган бошқа маблағлар;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларини қайта тақсимлаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ортда қолаётган маҳаллаларга йўналтириши мумкин.

2023 йил 21 декабрь,

ПФ-209-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ

21 ДЕКАБРДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

Маҳалла раисининг асосий вазифалари

1. Маҳалла ободлигини таъминлаш, шу жумладан, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатлари экиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш.

(Ҳар ойда бир мартаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштиради, камида 2 та эҳтиёжманд оилаларнинг таъмирталаб хонадониди қўни-қўшниларни жалб этган ҳолда, ҳашар ташкил этади)

2. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказилишини таъминлаш.

(Ҳар чоракда бир мартаба маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлари ташкил этилишини таъминлайди)

3. Маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллари аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш ва муаммоларга ечим топишини таъминлаш.

(Фуқаролар йиғинининг Кенгашида ҳар ойда камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллариининг маҳаллада амалга оширган ишлари юзасидан ахборотини эшитиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади)

4. Маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланиш.

(Ҳар ҳафтада маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар ҳисоботини эшитади ва уларни ҳар бири ҳар ойда камида 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олади)

5. Маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

(Ҳар ҳафтада бир мартаба маҳалла ҳудудидаги таълим ташкилотида ўқувчиларнинг давомати, оилавий поликлиникаларда (қишлоқ врачлик пунктларида) аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва патронаж ҳамшираларининг оилаларга ташрифи, спорт ташкилотларининг аҳоли учун очиқлиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг тозалиги ҳамда дарахтларни парваришлаш ҳолатини ўрганади)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 21
ДЕКАБРДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИГА
2-ИЛОВА**

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.

(Ҳар ойда камида 10 нафар ишсизнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш чорасини кўради).

2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашиш.

(Ҳар чоракда бир маротаба кредит ёки субсидия ажратилган фуқароларнинг уйига бориб, тадбиркорлик ва даромад топишга қаратилган фаолиятини юриб кетишига кўмаклашади).

3. Ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларнинг тадбиркорликка қизиқишларини аниқлаш, уларнинг кичик бизнес субъектига айланишига ёрдам бериш.

(Ҳар чоракда камида 5 нафар ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларни яқка тартибдаги тадбиркор ёки оилавий корхона сифатида иш бошлашига ёрдам беради).

4. Аҳолига ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонлари ва томорқаларда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритади, шунингдек, деҳқон хўжаликлари билан экспортёр, брокер ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳамкорлигини ташкил этади.

5. Маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантиради ва лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

6. Маҳалладаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўради.

7. Маҳалладаги камбағал оилаларнинг ҳар бири учун «индивидуал дастур» ишлаб чиқади ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирларини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 21 ДЕКАБРДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИГА 3-ИЛОВА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни «Беш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этишга жалб этиш.

(Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўғаракларига жалб этади.

Ҳафтада бир маротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади).

2. Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш.

(Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди.

Ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради).

3. Давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш.

(Маҳаллада «оғир» тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир маротаба бориб, бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади).

4. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш.

(Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди).

5. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш.

(Ҳар чоракда бир маротаба ёрдам кўрсатилган ёшларнинг уйига бориб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади).

6. Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш.

(Ҳар ойда камида бир маротаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун «маҳалла еттилиги» билан зарур чораларни кўради).

7. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш.

(Ҳар ойда камида 1 нафар иқтидорли ёшларни аниқлайди, истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича улар билан индивидуал ишлайди, мавжуд ёрдам турлари орқали уларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради).

8. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши.

(Ҳар чорақда камида бир мартаба маънавият, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларни жалб қилган ҳолда ёшлар ўртасида китобхонликка оид тадбирларни ташкил этади).

9. Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукамал ўрганиш.

(Маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб боради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 21 ДЕКАБРДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИГА 4-ИЛОВА

Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари

1. «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

(Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди).

Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради).

2. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш.

(Ҳар ойда бир мартаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади).

Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилади).

3. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш.

(Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади).

4. Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш.

(Ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 21
ДЕКАБРДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИГА 5-ИЛОВА**
«Маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида
кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар
РЎЙХАТИ*

Т/р	Ижтимоий ёрдам ва субсидиялар тури**	Миқдори
I. Ҳоким ёрдамчиси томонидан шакллантириладиган ҳужжатлар		
1.	Томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун субсидия ажратиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда — БҲМ) 30 бараваригача
2.	Томорқа ер эгаларига суғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 10 бараваригача
3.	Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 3 бараваригача
4.	Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 10 бараваригача
5.	«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шарти	БҲМнинг 10 бараваригача

	билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш	
6.	Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шарти билан субсидия ажратиш	БҲМнинг 10 бараваригача
7.	Жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун бир марталик субсидия ажратиш	БҲМнинг 2 бараваридан ошмаган миқдорда
8.	Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш	7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача
9.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 10 бараваригача
10.	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга — якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидия ажратиш	БҲМнинг 1 бараваригача

11.	Касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган касб йўналишларида «устоз-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки ҳунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш	Ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача
12.	Касаначилик фаолиятини ташкил этган талабгорга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир марталик субсидия ажратиш	Бир ойлик ўртача даромади миқдорида
13.	Тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 30 бараваригача
14.	Тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 40 бараваригача
15.	Тадбиркорлик субъектларига касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	Ҳар бир касаначи учун ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваригача
16.	Тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун жалб қилинган ҳар бир касаначи учун фоизсиз ссуда ажратиш	1 миллион сўмгача, бироқ 2 йилгача муддатга жами 150 миллион сўмгача

17.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш	Жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, юридик шахсларга 300 миллион сўмгача
18.	<p>Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб қуйидаги мақсадлар учун:</p> <p>«устоз-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун;</p> <p>шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун;</p> <p>усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун;</p> <p>ҳунармандларнинг Ҳунарманд уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун субсидия ажратиш</p>	<p>БҲМнинг 2 бараваридан 5 бараваригача Харажатларнинг 50-75 фоизи, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача</p> <p>Харажатларнинг 50-75 фоизи, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача</p> <p>БҲМнинг 5 бараваригача</p>
II. Хотин-қизлар фаоли томонидан шакллантириладиган ҳужжатлар		
1.	Камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш	Меҳнат шартномасига асосан белгиланадиган миқдорда
2.	Иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга	Ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 4 баравари

	сарфланадиган харажатларни қоплаш учун тўловни амалга ошириш	
3.	Касб-ҳунарга эга бўлмаган ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакаси ошириш курсларига жалб этиш	Ҳисоб-китобга кўра
4.	Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш	Ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун БҲМнинг 40 бараваригача
5.	Сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш	БҲМнинг 2 баравари
6.	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш	33 миллион сўмгача
7.	«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш	Ҳисоб-китобга кўра
8.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	БҲМнинг 4 баравари
9.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	БҲМнинг 30 бараваригача
10.	Турар жой ижараси учун компенсация тўлаш	Турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача
11.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш	Бошланғич бадални тўлаш: 32 миллион сўм
12.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш	Уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи
13.	Уй-жой билан таъминлаш	Ҳисоб-китобга кўра
14.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, бир марталик моддий ёрдам бериш	БҲМнинг 2 баравари

15.	Янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш	БҲМнинг 40 бараваригача
16.	Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъи назар) «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир мартаба тўлов-контракти тўлаб бериш	БҲМнинг 15 бараваригача
17.	Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун БҲМнинг 2 бараваридан ошмаган миқдорда
18.	Касб-ҳунар таълими ташкилотларига — банд бўлмаган шахслар, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун грант ажратиш	Ҳар бир ишсиз фуқаро учун БҲМнинг 4 бараваригача
19.	Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий таълим ташкилотларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон	Ҳар бир ишсиз фуқаро учун БҲМнинг 4 бараваригача

	хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиш	
20.	Тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий санитария муассасаси томонидан стационар ёки амбулатор даволаш	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида
21.	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек уларнинг вояга етмаган (қарамоғида 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларини ўрнатилган тартибда электрон навбатга қўйиш орқали вилоят ёки республика даражасида тиббий муассасаларда даволаш	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида
22.	«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори-дармон олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатларини тўлаб бериш	Дори-дармон олиб бериш учун БҲМнинг 20 бараваригача; мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БҲМнинг 100 бараваригача
23.	«Аёллар дафтари»га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитация воситалари билан таъминлаш	Ҳисоб-китобга кўра

24.	«Аёллар дафтари»га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг даволаниш амалиёти учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга бориш-келиш йўл харажатларини қоплаб бериш	Йўл харажатларини тасдиқловчи (чипта ва ҳоказо) ҳужжатларда кўрсатилган сумма; Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, ҳар бир километрга БҲМнинг 0,08 фоизи миқдорида; Махсус транспорт воситаси учун сарфланган сумма
25.	«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатларни (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари хулосасига асосан тўлаб бериш	Давлат божи сифатида белгиланган сумма
26.	«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш	Шакллантирилган харажатлар сметаси миқдорида
27.	«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш	Ҳисоб-китобга кўра
III. Ёшлар етакчиси томонидан шакллантириладиган ҳужжатлар		
1.	Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш	БҲМнинг 4 бараваригача
2.	Ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш	Ўқиш харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ мос равишда ҳар бир ой учун БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми

3.	Ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида аўтомобил транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 4 бараваригача
4.	Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 8 бараваригача
5.	Ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш	12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача бўлган қисми
6.	Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш	БҲМнинг 40 бараваригача
7.	Профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш	Тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ БҲМнинг 50 баравари
8.	Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	6 ойгача ҳар ойда БҲМнинг 4 баравари
9.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш	Ҳар ойда БҲМнинг бир бараваригача
10.	Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиш	Маҳаллий босқичлар учун БҲМнинг 4 баравари, халқаро босқичлар учун БҲМнинг 40 баравари

11.	Ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳасига ва фанларга ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотурар жой ижара харажатларини қоплаш	Уч ой муддатгача БҲМнинг 50 баравари
12.	Бемор ёшларга даволаниш харажатлари учун субсидия ажратиш	БҲМнинг 50 баравари
13.	Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш	БҲМнинг 4 баравари
14.	Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаш учун субсидия ажратиш	Хизматни ўташ бадалининг тўлиқ қисми
15.	Янги турмуш қураётганида ўз хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга учун кафиллик бериш	Уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишда «Ёшлар дафтари» жамғармасининг кафиллиги
16.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш	12 ойгача ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда
17.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш	Маҳалла даражасида бир календарь ой учун БҲМнинг 10 бараваригача
18.	Чекка қишлоқ ва овулларда илм-фан, спорт, санъат ва маданият, китобхонлик йўналишларидаги тўғарақларни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар харид қилиш	БҲМнинг 50 бараваригача
19.	Ногиронлиги бўлган ёки бемор ёшларга зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилиш	БҲМнинг 40 бараваригача

*** Ушбу рўйхатда кўрсатилган ёрдам ва субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари билан белгиланган.**

**** Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни «маҳалла еттилиги»га кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси тайёрлайди ва киритади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]

...

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

...

в) Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ҳар йили «Энг тоза маҳалла» танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

маҳалланинг тегишли жамғармасига чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, маҳалладаги ижтимоий объектларга чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва дарахтларни экиш учун жами 500 миллион сўмдан ўтказиб бериш;

хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилиш ва топшириш чораларини кўриш.

2024 йил 4 январь,
ПФ-5-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]

...

2. Ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида:

2024 йил 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдорида хорижий тиллар («Ибрат фарзандлари») бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилсин;

5. 2024 йил 1 мартдан бошлаб «Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи» дастури жорий этилсин.

Бунда, ушбу дастур доирасида:

маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизимига киритиб бориш амалиёти жорий қилиниши;

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимига киритилган ёшларни ИТ соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари кўрилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

29. Маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги таянч бўғинга айлантириш мақсадида:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб «Ташаббусли бюджет» доирасидаги лойиҳаларни ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларининг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейингина фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 августга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига «Ташаббусли бюджет» доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда лойиҳалар амалга оширилишини жамоатчилик томонидан мониторинг қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев) белгилансин.

2024 йил 21 февраль,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МЕҲНАТ
МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА
ХОРИЖДА ВАҚТИНЧА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА
ОШИРАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ
[Кўчирма]**

...

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 июндан бошлаб:

...

б) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг «Онлайн маҳалла» электрон платформасида «Реинтеграция» модули яратилади;

в) ҳар бир маҳаллада «маҳалла еттилиги» томонидан меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш ва натижаларини «Реинтеграция» модулига киритиш амалиёти йўлга қўйилади;

г) меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга реинтеграция ёрдами кўрсатилиши ва уларнинг расмий бандлиги таъминланиши ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларидан (KPI) бири этиб белгиланади.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев):

а) бир ой муддатда «маҳалла еттилиги» томонидан меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш бўйича йўриқнома ва намунавий сўровнома шаклини ишлаб чиқсин ҳамда ҳар бир маҳаллага етказиб берилишини таъминласин;

б) 2024 йил 1 июнга қадар:

«Хорижда иш» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси ва «Бандлик хизмати» ахборот тизимининг «Онлайн маҳалла» электрон платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин;

ҳоқим ёрдамчиларига «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали миллий вакансиялар базасидаги ва хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳамда ушбу иш ўринларига қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида электрон тарзда олиш имкониятини яратсин.

2024 йил 4 апрель,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИКА БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ

[Кўчирма]

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Молия вазирлиги, Халқ банки, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда:

аҳоли ўртасида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг механизми ва афзалликлари тўғрисидаги тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини доимий асосда амалга ошириб борсинлар, бунда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни бюджетга ажратмаларни камайтириш ҳисобига шакллантириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг манфаатларини камситмайдиган тартибига алоҳида эътибор берсинлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг принципал хусусиятлари ҳамда уни жорий этишнинг ижобий тажрибасини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдалансинлар.

2005 йил 28 июнь,

ПҚ-110-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ

[Кўчирма]

...

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш;

2017 йил 8 февраль,
ПҚ-2761-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА
ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**

[Кўчирма]

2. Ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг (кейинги ўринларда - давлат идоралари ва ташкилотлари) устувор вазифаси этиб белгилансин.

Ушбу соҳада қуйидагилар давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

2017 йил 14 март,
ПҚ-2833-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
12 АПРЕЛДАГИ ПҚ-2883-СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМ”**

[Кўчирма]

...

3. Вазирлик ўз фаолиятини бевосита ҳамда ички ишлар органлари орқали, шу жумладан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

4. Вазирликнинг фаолияти очиқ ва ошкора ҳисобланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлик давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради.

6. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

халқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

7. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Вазирлик қўйидаги функцияларни амалга оширади:

б) халқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш соҳасида:

ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича ишини самарали ташкил этиш, мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлишга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга чиқиб, мурожаатларда кўтарилаётган муаммолар бўйича зудлик билан тегишли чораларни кўриш орқали назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати учун асос бўлган қонун бузилиши ҳолатлари ва бошқа муаммоларни комплекс ва тизимли таҳлил қилишни амалга ошириш, шунингдек қонун бузилишларини бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича аҳоли билан тизимли манзилли мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини кенгайтириш ва ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирларни, хусусан, жамоатчиликка ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тизимли тақдим этиб бориши орқали амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда тўғридан-тўғри ва яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

аҳолига унинг кундалик муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятида ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантиришни таъминлаш;

в) вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш соҳасида:

вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

е) йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли миграцияси ва паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқароларга аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар киритиш;

...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
18 АПРЕЛДАГИ ПҚ-2896-СОНЛИ ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА**
Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида
НИЗОМ
[Кўчирма]

17. Профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти натижалари ҳақида хабардор қилиб бориш;

18. Давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар профилактика инспекторларига ўз ваколатлари доирасида ўқув-методик, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.

21. Профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этадилар.

Профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажаради.

22. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда қуйидагиларга қаратилган чораларни амалга оширадилар:

эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини назорат қилиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш масалалари.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

25. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:

фуқароларнинг ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсири остига тушиб қолишлари, оилавий келишмовчиликлар шунингдек, ёшлар тарбиясига масъулиятсиз муносабатда бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

қўшнилар ва қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ўзаро муносабатларини тиклаш бўйича чораларни кўриш;

ички ишлар органлари ҳисобида турган, айниқса, муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш.

26. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

оилаларнинг барбод бўлиш ҳолатларини бартараф этишга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш;

хорижий давлатларга чиқаётган ва у ердан қайтган аёллар ҳисобини юритиш, улар билан тегишли профилактика ишларини амалга ошириш.

31. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

39. Жамоат бирлашмалари билан доимий ва самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида таянч пунктлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода ёки унга яқин жойда жойлашади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНҒИН-
ҚУТҚАРУВ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

2. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига уларга қарашли объект ва ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилган.

6. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни» деб белгилансин ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қуйидаги вазифалар юклансин:

аҳоли, ташкилотлар ва таълим муассасалари ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларига риоя этиш тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш ва муваффақиятли бартараф этиш тадбирларига жамоатчиликни кенг жалб қилиш;

маҳалла фаоллари билан биргаликда уйма-уй юриб тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларнинг якунида фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар ҳолати бўйича аниқланган камчиликларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиш;

2017 йил 23 май,
ПҚ-2992-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ
ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

7. “Маҳалла” хайрия жамоат жамғармаси ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари:

касаначилар билан корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасидаги, шу жумладан корхоналар буюртмаларини уй шароитларида бажариш истагини билдирувчи маҳаллалар аҳолисини аниқлаш фаолиятини жадаллаштиришни;

аҳоли орасида касаначилик афзалликларини тушунтириш бўйича жадал тарғибот ишларини амалга оширилишини таъминласинлар.

2017 йил 24 май,
ПҚ-2996-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ХУДУДЛАРНИНГ
ЖАДАЛ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШINI
ТАЪМИНЛАШГА ДОИР УСТУВОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

3. Қуйидагилар секторлар раҳбарларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

...

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш.

2017 йил 8 август,
ПҚ-3182-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
8 АВГУСТ ПҚ-3182-СОНЛИ ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА
Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини
ташкил этиш тўғрисидаги
НИЗОМ
[Кўчирма]**

...

3. Тўртга бўлинган қисмларнинг ҳар бири сектор раҳбарига бириктирилади (кейинги ўринларда - бириктирилган ҳудуд деб юритилади).

Секторлар таркибига бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

6. Секторларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш.

7. Зиммаларига юкланган вазифаларга мувофиқ секторлар тегишли бириктирилган ҳудудларда қуйидаги функцияларни бажардилар:

турар-жой коммунал хўжалигини яхшилаш чораларини кўрадилар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал хизматлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига кўмаклашадилар;

...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
13 СЕНТЯБРДАГИ ПҚ-3271-СОНЛИ ҚАРОРИГА ИЛОВА**
**Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини
ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини
ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**
[Кўчирма]

...

30 банд. Таълим, ахборот кутубхона муассасалари, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш.

33 банд. Маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар (китоблар бурчаги) ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш.

35 банд. Худудларда ёзувчилар, шоирлар ва олимлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг юксак намуналарини тарғиб қилиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**
[Кўчирма]

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш;

3. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз хулосасини тақдим этиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказди, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда чакана сотиш тўғрисида шартномалар тузилишини тизимли равишда ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ва сифатли экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини замонавий ўлчов воситалари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланган ҳолда доимий мониторинг қилиб борсин;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминласин.

2017 йил 10 октябрь,
ПҚ-3318-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]

...

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар, хусусан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила-аъзолари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ходимлари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш шартлигини назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2018 йил 25 январь,
ПҚ-3493-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]

...

5. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар:

фаол хотин-қизлар учун - ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун - ўз маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қопланади.

2018 йил 7 февраль,
ПҚ-3514-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТОШКЕНТ
ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

1. Қуйидагилар Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, тараққий этаётган пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмини жорий этиш;

иккинчидан, “Жаҳолатга қарши маърифат” эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафкураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш;

2. Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари (кейинги ўринларда — мувофиқлаштириш бошқармалари) ташкил этилсин.

Мувофиқлаштириш бошқармаларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

халқ билан манзилли мулоқотни, фуқароларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашишни, секторларга бириктирилган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан узвий ҳамкорликни ташкил этиш;

6. Белгилансинки:

Тошкент шаҳри профилактика инспекторлари лавозим бўйича бириктирилган ҳудуддаги фуқаролар йиғини кенгашлари таркибига киради;

янги тайинланган Тошкент шаҳри профилактика инспекторларини маҳалла фуқаролар йиғини олдида таништириш мажбурий тартибда туман ҳокими ва прокурори, мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади;

24. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг куйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

жамоатчилик кенгашлари таркибини Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари раислигида маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, фан, маданият ва санъат вакиллари, машҳур спортчилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳисобидан шакллантириш;

жамоатчилик кенгашларини маҳаллалар ва Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сонига мутаносиб равишда секторларга бириктириш.

2018 йил 14 февраль,
ПҚ-3528-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ФУТБОЛНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ
ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчисини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2018 йил 16 март,
ПҚ-3610-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ
5 АПРЕЛДАГИ ПҚ-3651-СОНЛИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**
**Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
НИЗОМ**
[Кўчирма]

14. Давлат шериги минтақа аҳолисининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат рақобат қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган таклифларни ўрганиш натижалари бўйича ушбу Низомнинг иловасидаги схемага мувофиқ танловни эълон қилиш орқали давлат-хусусий шерикликнинг лойиҳасини амалга оширишни таклиф қилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ФУҚАРОЛИК
ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ**
[Кўчирма]

...

1. Қуйидагилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институтини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

...

бешинчи - фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида қайд этиш борасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

2018 йил 12 июнь,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ
26 ИЮНДАГИ ПҚ-3803-СОНЛИ ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА
“Меҳнаткаш деҳқон” кўкрак нишони тўғрисидаги
НИЗОМ
[Кўчирма]**

...

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар туман қишлоқ хўжалиги бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан шакллантирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ
26 ИЮНДАГИ ПҚ-3803-СОНЛИ ҚАРОРИГА 7-ИЛОВА
“Намунали томорқачи” кўкрак нишони тўғрисидаги
НИЗОМ
[Кўчирма]**

...

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар туман қишлоқ хўжалиги бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан шакллантирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИЖТИМОЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МОСЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК,
ОИЛАВИЙ-МАИШИЙ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

11. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидаги масалалар юзасидан Марказлар билан ҳамкорлик қилади:

низолари вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ўз вақтида аниқланишини, бартараф этилишини ва олди олинишини таъминлаш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, бундай турдаги хатти-ҳаракатлар содир этилишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

оғир ижтимоий аҳволдаги шахсларга, биринчи навбатда, оилавий низоларни ҳал қилиш орқали таъсирчан ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш;

жамиятда оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига мурасимсиз муносабат муҳитини шакллантириш мақсадида низолари вазиятларнинг, шу жумладан оиладаги низолари вазиятларнинг эрта олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш.

2018 йил 2 июль,
ПҚ-3827-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “АҲОЛИ
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг тасдиқловчи маълумотлари ва фуқароларнинг аризалари асосида шахсий томорқа хўжаликларида ишловчи фуқароларни банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизми жорий этилишини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилишини таъминласин.

2018 йил 14 июль,
ПҚ-3856-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЭКОЛОГИЯ ВА
АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

5. Қуйидагилар:

а) Инспекция фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

...

фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш;

2018 йил 3 октябрь,
ПҚ-3956-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ
24 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-4075-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА
2019 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини
таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”
[Кўчирма]**

...

2 банд. Республиканинг ҳар бир маҳалласида “Фидокор ёшлар” жамоатчилиқ патруль гуруҳларини ташкил этиш чораларини кўриш ва унда қуйидаги тартибни белгилаш:

ҳарбий хизматга чақирилувчилар, олий ҳарбий билим юртлари ва ички ишлар органларига номзодлар орасидан шакллантириш;

гуруҳларга туман мудофаа ишлари бўйича бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида қабул қилиш;

гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этишни туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юклаш;

гуруҳ аъзоларини кечки ва тунги вақтларда белгиланган патруллик йўналишларига умумий ҳисобда 100 соатдан кам бўлмаган муддатга жалб қилиб, буни хизматга (ўқишга) ҳужжатларни якуний қабул қилишнинг асоси сифатида белгилаш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА
ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

2. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари 2-иловада назарда тутилган ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;

11. Қуйидагиларга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарор талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда аниқланган қоидабузарликларни кенг ёритиш;

2019 йил 9 декабрь,
ПҚ-4546-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 ЙИЛ
9 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-4546-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА
2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари
томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек,
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан
берилишига йўл қўйилмайдиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Яшаш жойидан маълумотнома.
2. Ариза берувчи яшаш жойи бўйича яшаётганлиги (рўйхатдан ўтказилганлиги) тўғрисидаги маълумотнома.
3. Доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтиб яшовчилар сони тўғрисида маълумотнома.
4. Доимий яшаш жойида яшаётган муддати кўрсатилган маълумотнома.
5. Яшовчи шахслар сонини тасдиқлайдиган маълумотнома.
6. Турар жойда яшовчи шахслар кўрсатилган ҳолда маълумотнома.
7. Ариза берувчи яшаш жойи бўйича бир ўзи яшаши (рўйхатдан ўтказилганлиги) тўғрисида маълумотнома.
8. Фуқаронинг ёлғиз яшаётганлигини тасдиқловчи маълумотнома.
9. Оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолатини тасдиқловчи маълумотнома.
10. 80 ёшга тўлган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган кекса ёшдаги одамни парвариш қилган вақтни тасдиқловчи маълумотнома.
11. Қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигини тасдиқловчи маълумотнома.
12. Вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотнома.
13. Вафот этган ходим билан қариндошлик даражасини тасдиқловчи маълумотнома.
14. Шахсий ёрдамчи хўжаликларида ишловчи фуқароларнинг бандлигини тасдиқловчи маълумотнома.
15. Шахс ҳақиқатан ногиронни парвариш қилаётганлигини тасдиқловчи маълумотнома.
16. Ишсизлик тўғрисидаги маълумотнома.
17. Вафот этган боқувчининг ота-оналари, турмуш ўртоғи, буваси, бувиси, ака-укаси ёки опа-синглисидан бири вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш билан банд бўлганлигини ва ишламаганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

18. Вафот этган шахсинг ота-оналари, турмуш ўртоғи ёки оиланинг бошқа аъзоси вафот этган шахсинг уч ёшга тўлмаган болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини парвариш қилиш билан банд бўлганлигини ва ишламаганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

19. Ходимнинг қарамоғида бўлган оила аъзоси вафот этган тақдирда нафақа тайинлаш тўғрисидаги маълумотнома.

20. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномаларни олиш учун вояга етмаган шахсинг ёки паспорт олмаган шахсинг фотосурати ёпиштирилган маълумотнома.

21. Васийликка олинганларни таъминлаш ва уларни зарур даражада парваришлаш бўйича қариндошларининг бунга қодирлигини тасдиқловчи маълумотнома.

22. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ишламайдиган шахслар учун маълумотнома.

23. Шахсий ёрдамчи хўжалигида қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотнома.

24. Ўзи тайёрлаган товарларнинг чакана савдоси билан шуғулланиши учун шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома.

25. Касалликка чалинган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псориаз) аёлларнинг алоҳида хонада яшаши кераклиги тўғрисида маълумотнома.

26. Кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларни тарбиялаётган аёллар тўғрисидаги маълумотнома.

27. Жазони ўташ жойларидан озод қилинган, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларнинг тавсифи билан маълумотнома.

28. Дафн ўтказилганлиги ҳолатини тасдиқлаш учун маълумотнома.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни (кейинги ўринларда — инвесторлар) фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини (кейинги ўринларда — комплекс) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури, «Хунармандчиликни ривожлантириш дастури» асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Қуйидагилар комплексларни қуриш учун давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплексларни барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилади;

комплексларни қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

инвесторларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун (келишув бўйича ёки комплекслар билан бир бинода ёхуд бошқа жойда) жойнинг ташқи меъморий қиёфасига мос келадиган, қурилиш учун ажратилган комплекслардан кичик бўлмаган майдонга эга бўлган комплексларга туташ қўшимча шунга ўхшаш объектлар ҳам ажратилади. Бунда мазкур объектларнинг фаолият кўрсатиши фуқаролар йиғинларининг иши учун ноқулайликлар яратмаслиги керак;

инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплексларга туташ объектларда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, комплексларнинг қурилиши бўйича давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган намунавий шакллар бўйича инвестор ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузиладиган келишувларда акс эттирилади;

комплекслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда қатъий белгиланган муддатларда ва тартибда маъқулланган лойиҳалар асосида, туташ ҳудуд обод қилинишини назарда тутган ҳолда қурилади;

қурилиши тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув билан белгиланади;

инвестор томонидан ушбу банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ қурилган қўшимча объектлар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб 3 йил муддатга тегишли равишда ушбу қарор доирасида тақдим этиладиган ер участкасига ва унда қурилган кўчмас мулкка нисбатан ер солиғи ва мол-мулк солиғининг, шунингдек, мазкур объектларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган фойда ёки тушумларга нисбатан фойда солиғи ҳамда айланмадан олинadиган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўланади.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комплекслардаги фойдаланилмаётган хоналарни ижарага бериш тўғрисида икки томонлама шартномаларни мустақил равишда келиб тушаётган маблағларни кейинчалик ўзларининг ҳисобварағига ўтказган ҳолда тузиш ҳамда мазкур маблағлардан фақат комплексларни сақлаш ва ободонлаштириш харажатларини қоплаш учун сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

инвесторларни танлаб олишнинг асосий мезонлари комплексларни қуриш муддати, таклиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар ҳисобланади;

инвесторнинг ташаббуси бўйича келишув бекор қилинганда, унинг комплекслар қурилишига сарфлаган харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва ушбу қарорга мувофиқ инвесторларни қидириб топиш қайтадан ўтказилади;

қуриладиган комплексларнинг зарур ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини олиб келиш комплекслар қурилиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа қисми бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК маблағлари ҳисобидан, автомобиль йўллари қуриш қисми бўйича, сув таъминоти ва канализация Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

комплексларни мебель, техника, бошқа ускуна ва инвентарь билан жиҳозлаш Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари, грантлар, кредитлар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, инвесторлар рози бўлган тақдирда, уларнинг ўз қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилади.

2020 йил 18 февраль,
ПҚ-4602-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТОМОРҚАДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК,
АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қуйидаги янги вазифалар юклатилсин:

томорқа хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда кооперация алоқаларини ташкил этишга кўмаклашиш;

аҳоли хонадонларида, қоида тариқасида, 100 бош парранда, 5 — 10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси боқишни ташкил этиш;

маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда «тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобиль хизматлар» фаолиятини йўлга қўйиш;

«хонадонбай» ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда томорқа хўжаликларини «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш;

ҳар бир маҳаллада кооперация асосида парранда, қуёнчилик, қўй-эчкичилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниқлаш.

2021 йил 16 декабрь,
ПҚ-54-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

...

1. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳалла) ёшлар етакчиси лавозими жорий этилсин.

2. Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг (кейинги ўринларда — Етакчи) асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Ёшлар баланси»ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш; маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

3. Етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида — «Санъат ғунчалари» кўрик танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича «Ёшлар овози», «Ёш мусаввирлар» танловлари ҳамда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёт фестивалини ўтказиш, шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этиш;

соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида — мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этиш,

саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда «Ёш эколог» акциясини ўтказди;

ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида — «Бир миллион дастурчи», «Дастурлашга биринчи қадам» лойиҳаларини амалга оширади, киберспорт чемпионати ва «Ахборот технологиялари билимдони» танловини ўтказди;

маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида — «Заковат» мусобақаси, «Қувноқлар ва зукколар», «Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила», «Хорижий тиллар билимдони» ва «Ёш полиглот» танловлари ҳамда «Мунозара» интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этади;

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида — «Ёш чегарачи», «Ёш қутқарувчи», «Қувноқ стартлар», «Темурбеклар», «Тўмарис маликалари», «Шунқорлар», «Ёш ҳуқуқшунос», «Ёш сайловчи», «Ёш депутат» танловлари ҳамда «Мен ҳам аскар бўламан» акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади;

тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида — «Ўзбекистон учун 100 ғоя» ва «Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори» танловлари, «Бизнесга биринчи қадам» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этади.

4. Етакчилар ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган тадбирлар маҳалладаги ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда ҳар куни ўтказилишини таъминлаб борсин.

5. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси (Турдиев) ва Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев):

ҳар бир маҳаллада «Бир нуронийга ўн нафар ёш», «Кекса авлод учрашувлари» лойиҳаларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда «Ёшлар нуронийлар эътиборида» рукни остида туркум кўрсатувлар тайёрланиши ва эфирга узатилишини таъминласин;

маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

2022 йил 19 январь,
ПҚ-92-сон

**Ўзбекистон республикаси президентининг 2022 йил 19 январдаги пқ-
92-сон қарорига 1-илова**
**Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга
бериладиган ёрдам турларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ёрдам тури	Тавсия мазмуни	Хулоса кимга тақдим этилиши
1.	Моддий аҳволи қийин ёшларни қўллаб-қувватлаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	Моддий ёрдам бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	«Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига (кейинги ўринларда Васийлик кенгаши) —
2.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой ижараси компенсациясини қоплаш учун — ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
3.	Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
4.	Мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига

	тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.		
5.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
6.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
7.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишга кафиллик бериш.	Кафиллик бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
8.	Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия бериш.	Алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига

9.	Спорт тўғаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдориди ижарага бериш.	Ижарага бериш юзасидан тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
10.	Аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
11.	Ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаб бериш.	Харажатларни қоплаш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
12.	Ногиронлиги бўлган ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш,	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига

	<p>ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.</p>		
13.	<p>Ногиронлиги бўлган ёшларга касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.</p>	<p>Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлигига</p>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАҲАЛЛА
ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ
ВА МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**
[Кўчирма]

...

1. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳар бир маҳалла учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланмайдиган Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини (кейинги ўринларда — жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

а) қуйидагилар жамғармалар маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси тавсияси асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (кредит, грант, беғараз ёрдам ва бошқалар);

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) қуйидагилар жамғармалар маблағларидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш;

маҳалла биноси, маҳалла ҳудудида жойлашган спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.

2022 йил 16 август,

ПҚ-353-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “«МАҲАЛЛА
БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ
МАҲАЛЛАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТИНИ ЯНАДА
КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

Маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини йиғиш кўрсаткичларини ошириш орқали янги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида:

1. Маҳаллалар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини (кейинги ўринларда — мол-мулк ва ер солиғи) аҳолининг солиқ тўлаш саводхонлигини ошириш орқали ундиришга кўмаклашиш ва ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун 2023 йил 1 январдан бошлаб иловада кўрсатилган ва солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган туманларда «Маҳалла бюджети» тизими ҳуқуқий эксперимент тариқасида жорий этилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Маҳалла бюджети» тизими Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча манбаларни излаш ва шу асосда уларнинг даромадлари

базасини кенгайтириш йўли билан маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) даромадлари параметрларини сўзсиз бажариш бўйича фаолият мувофиқлаштирилган ҳолда йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб, иловага мувофиқ туманларда мол-мулк ва ер солиғи (бундан нотурар жойлар бўйича мол-мулк ва ер солиғи мустасно) бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар туман бюджетлари орқали тегишли Жамғармаларга йўналтирилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси 2023 йил 1 мартга қадар мол-мулк ва ер солиғи бўйича ҳисобланган, тўланган маблағлар ва солиқ қарздорликлари тўғрисидаги маълумотлардан фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органи томонидан реал вақт режимида фойдаланиш имкониятини яратсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) «Маҳалла бюджети» тизими асосида шакллантирилган маблағлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган мол мулк ва ер солиғидан ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги «Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-353-сон қарори 2-бандининг «а» кичик бандида назарда тутилган маблағлар;

б) «Маҳалла бюджети» тизими асосида шакллантирилган маблағлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган фуқаролар йиғини кенгаши томонидан бошқарилади.

Бунда:

фуқаролар йиғини кенгаши йиғилишларида «Маҳалла бюджети» тизими асосида шакллантирилган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари келишиб олинади;

фуқаролар йиғини кенгаши таркибига маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси ҳам киритилади.

6. Белгилансинки, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органи томонидан «Очиқ бюджет» ахборот порталига қўйидаги маълумотлар жойлаштириб борилади:

«Маҳалла бюджети» тизими асосида шакллантирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши таклиф этилаётган ва амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;

жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ қарзи ҳақидаги маълумотлар.

7. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

2023 йил 1 июлга қадар ҳуқуқий эксперимент натижалари тўғрисидаги ахборотни ва ушбу тизимни республиканинг барча туман (шаҳар)ларида жорий этиш юзасидан таклифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири в.б. Т.А. Худайбергенов ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

2022 йил 26 декабрь,
ПҚ-458-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “КЕКСА АВЛОД
ВАКИЛЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА
УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

2. «Нуроний» жамғармаси ва кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

...

(тўртинчи хатбоши) маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчисини «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг раиси этиб белгилаш;

4. «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгилансин. Бунда:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида ўн нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилади;

бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги барча таълим муассасаларига бириктирилади.

5. «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида оилалардаги аҳиллик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.

«Нуроний» жамғармаси (С. Турдиев) Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари қарорига биноан «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили ҳамда «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нуронийларни «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизимини жорий этсин.

Белгилансинки, маҳаллаларда фаолият юритаётган «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари раҳбарлари «Нуроний» жамғармаси ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида рағбатлантириб борилади.

6. Нуронийлар жамоатчилик кенгаши ва «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг қуйидагилар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан боғлиқ ташаббусларига розилик берилсин:

нуронийларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари, Давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши;

аҳолининг ижтимоий соҳадаги муаммолари, жумладан озиқ-овқат ва дори-дармон нархларининг сунъий оширилиши ҳамда мактаблардаги ўқувчилар давомати, тадбиркорлик фаолияти, бандлик, томорқадан фойдаланиш ва бошқа йўналишлардаги муаммоларининг ҳал этилиши;

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишлар;

мактабгача ва мактаб таълими тизими муассасаларида «Иккита тил ва бир касб» тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги.

2023 йил 11 март,
ПҚ-92-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА
МАҲАЛЛАЛАРДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА
ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг:

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг (кейинги ўринларда — Уюшма) ташкилий тузилмасини 1-иловага мувофиқ;

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг намунавий таркибини 2-иловага мувофиқ тасдиқлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) маҳаллаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи, даромад ва харажатлар ҳамда дастурларни тасдиқловчи олий орган ҳисобланади;

Республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари жамоатчилик асосида фаолият юритади;

Республика кенгаши ҳар олти ойда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари ҳар уч ойда, туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари ҳар ойда камида бир марта Уюшма ва бошқа давлат ташкилотлари, уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш ва муаммоларни комплекс ҳал қилиш юзасидан йиғилади;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Конференцияси Уюшманинг юқори органи бўлиб, камида уч йилда бир марта чақирилади;

Уюшманинг раиси Республика кенгашининг тақдимномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан камида ўн нафардан шаклландиган делегатлардан (фуқаролар йиғинлари

раислари) иборат Конференция орқали лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Уюшма раисининг ўринбосарлари Республика кенгашининг тақдимномасига асосан Уюшма раиси томонидан лавозимга тайинланади ва Республика кенгаши билан келишилган ҳолда лавозимидан озод этилади;

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Уюшма раиси томонидан, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Уюшма ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахс ҳисобланади.

3. Белгилансинки:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 667 та штат бирликлари қисқартирилиб, Уюшма, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги» фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилади;

Уюшманинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг тузилмалари 982 штат бирликлари доирасида Уюшма раиси томонидан мустақил тасдиқланади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг 320 та штат бирликлари қисқартирилиб, Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Уюшма ва маҳаллалар фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

маҳаллалар фаолиятини жорий таъминлаш (маҳалла раисининг иш ҳақи, коммунал тўловлар, канцелярия моллари ва бошқалар) ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

Уюшма ҳар йили 15 июлга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига (кейинги ўринларда — Жамоат фонди) ўзининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларини ҳамда тизим ташкилотларини сақлаш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини жорий таъминлаш ва моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш учун зарур бўлган маблағлар ҳажми бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган буюртмани тақдим этади;

Жамоат фонди томонидан буюртмага мувофиқ субсидия ажратилади;

Уюшманинг раҳбарияти ва ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Уюшма таклифига биноан Республика кенгаши томонидан тасдиқланади;

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарларига шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимитлар ажратилади;

Уюшма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари учун ғазначиликда бошқа бюджетдан ташқари давлат жамғармалари сифатида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Уюшма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ҳисоб ва ҳисоботлари юритилишига бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартиблар татбиқ этилади;

Уюшма томонидан унинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг молиявий ҳисоботлари Жамоат фондига топширилади. Бунда, Жамоат фонди томонидан молиявий ҳисоботлар белгиланган тартибда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

6. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Уюшманинг туман (шаҳар) бўлимлари:

Жамғарма ва Жамоат фонди томонидан ажратиладиган субсидия маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботларини юритади;

«Маҳалла бюджети» тизими доирасида амалга оширилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни билан келгуси ойнинг 5-санасига қадар «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб боради.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) ёшларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жой ижара харажатлари учун субсидия ажратиш бўйича ҳужжатлар ёшлар етакчиси томонидан шакллантирилади;

б) «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча қўйидаги харажатлар қоплаб берилади:

чекка қишлоқ ва овулларда илм-фан, спорт, санъат ва маданият, китобхонлик йўналишларидаги тўғаракларни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар харид қилиш;

ногиронлиги бўлган ёки бемор ёшларга зарур бирламчи тиббий анжомлар ва дори воситаларини ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилиш.

8. Уюшма манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, 2024 йил 1 мартга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи:

а) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқсин:

ҳудудларнинг тарихий хусусиятлари ва аҳоли пунктларининг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда маҳаллаларни ташкил қилишнинг аниқ мезонларини белгилаш;

«маҳалла еттилиги»нинг ўзаро ҳамкорликда ишлаш механизмлари ҳамда уларнинг коллегиял масъулияти ва жавобгарлиги доирасини аниқ белгилаш, маҳалла раисининг уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва йўналтириш, рағбатлантириш ва интизомий жазолаш бўйича ваколатларини мустаҳкамлаш;

маҳалла томонидан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича оширилган коэффицентлар қўллаш юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларига таклиф киритиш;

«маҳалла еттилиги» таркибидаги лавозимларга тайинлашда ушбу маҳаллада яшовчи номзодларга устуворлик бериш;

маҳалла раисининг сўровига жавоб бермаслик ёки тақдимномасида қўйилган масалани кўриб чиқмаслик учун жавобгарлик белгилаш;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига маҳалла раислари ўз фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганда, уларга нисбатан ишончсизлик билдириш ва ушбу масалани кўриб чиқиш ваколатларини бериш ва бошқалар;

б) «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш:

маҳалла раиси сайловини аҳоли томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиш;

маҳалла раисининг маълумоти (олий) ва малакаси бўйича қўйиладиган талаблар;

маҳалла раисининг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йил муддатга узайтириш ва бошқалар.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги «Mahalla» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилсин ва Уюшма унинг ягона таъсисчиси этиб белгилансин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини зарур бино ва иншоотлар ҳамда зарур техникалар, шунингдек, автотранспорт воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Бунда, ажратилган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳалар 2024 — 2026 йиллар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилади.

11. Уюшма:

уч ой муддатда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори учун қулай ва ихчам биноларни ўзида мужассам қилувчи маҳалла идораларининг намунавий биноси лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари, давлат-хусусий шериклик ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларда уч йил муддатда намунавий маҳалла биноларини босқичма-босқич молиялаштириш орқали, қуриб топширилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2024-2025 йилларда маҳаллаларда 4-иловада кўрсатилган давлат хизматларининг агентлар томонидан кўрсатилишини йўлга қўйсин;

маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилганлиги, бошқарув жиҳатидан ўзини оқлаши юзасидан ўрганиш олиб борсин ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Уюшма Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқлол кўчаси, 51-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Бунда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мазкур бинонинг 2 632 квадрат метр қисмида (кадастр рақами 10:04:03:01:01:0072) бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

2023 йил 21 декабрь,
ПҚ-402-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 21 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-402-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (кейинги ўринларда — МФЙ) ҳузурида ташкил этилади.

3. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимида (кейинги ўринларда — маҳалла уюшмаси) бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очилган ғазна ҳисобварақларида йиғилади ҳамда МФЙлар учун очилган тегишли ғазна ҳисобварақларига белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

2-боб. Шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш

5. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари маҳалла уюшмаси томонидан ҳар бир МФЙ бўйича алоҳида очилади.

6. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

7. Маҳаллалар бирлашганда, бўлинганда ёки қайта ташкил этилганда ғазна ҳисобварақлари белгиланган тартибда очилади ёки ёпилади.

МФЙ фаолиятининг тўхтатилганлиги, қайта ташкил этилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар маҳалла уюшмаси томонидан молия органига тақдим этилади.

3-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

8. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи бундан мустасно) 10 фоизи;

маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи;

Бунда, ушбу маблағлар автоматик тарзда маҳаллий бюджет ва тегишли туман (шаҳар) Жамғармасига тақсимланади.

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоқими ёрдамчисининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджети прогнозининг ортиқча бажарилган қисми ҳисобидан;

хорижий ва халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

9. Ҳар ой яқунлари бўйича туман (шаҳар) солиқ инспекцияси томонидан маҳаллалар кесимида ундирилган тўловлар тўғрисида Ғазначиликка рўйхат тақдим этилади.

Ушбу рўйхат асосида Ғазначилик бўлинмаси ҳар бир маҳалла учун очилган ҳисобрақамларга маблағларнинг тегишли қисмини ўтказади.

10. Жамғарма маблағларидан маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида ва ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ фойдаланилади.

11. Жамғарма маблағлари қуйидаги йўналишларга сарфланади:

маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, пиёдалар йўлакчалари, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқава сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш;

маҳалла фуқаролар йиғини биноси, маҳалла ҳудудида жойлашган спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентарь, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ва бошқа тадбирлар.

12. Маҳалла уюшмаси туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлими билан биргаликда ҳар йили декабрь ойида келгуси йил учун Жамғарма даромадлари прогнозини ҳисоблайди. Даромадлар прогнозидан келиб чиққан ҳолда харажатлар сметаси тузилади.

13. Маҳалла уюшмаси томонидан Жамғарманинг йил якунидаги қолдиқ маблағлари ва келгуси йил даромадлари прогнозидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир МФЙ учун харажатлар смета тузилади ва МФЙ раиси билан биргаликда тасдиқланган ҳолда молия органига тақдим этилади.

Жамғарманинг ҳақиқатда даромадлари тушумидан келиб чиққан ҳолда маҳалла уюшмаси тегишли МФЙлар билан келишган ҳолда харажатлар сметасига ўзгартириш киритиши мумкин.

14. МФЙлар тасдиқланган сметага асосан маҳалла уюшмасига маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида талабнома тақдим этади.

Маҳалла уюшмаси талабноманинг харажатлар сметасига мослигини текширади ва мавжуд маблағлар доирасидаги талабномани қабул қилиб олади.

Маҳалла уюшмаси белгиланган тартибга мувофиқ маблағларни молиялаштиради.

15. МФЙлар ҳар ойда камида бир маротаба смета харажатларининг бажарилиши ҳолати бўйича (қолдиқ маблағлар, молиялаштирилган ва тўланган маблағлар бўйича) маълумот олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот

16. Жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар маҳалла уюшмаси томонидан юритилади.

17. Жамғармаси даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 163-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

18. Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан бюджет ижроси ҳисоботини шакллантириш даврида Жамғарма ҳисоботи ҳам қабул қилинади.

19. Маҳалла уюшмаси ҳар чорақда Жамғарма даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот беради.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари мазкур Низом доирасида МФЙларда амалга ошириладиган ишлар учун ажратилган маблағлар самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади.

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**МАҲАЛЛАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ
ЭТИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ИЛОВА**

**Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш
жамғармаси маблағларини шакллантириш
ва харажатларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқич	Масъул орган	Чора-тадбир	Ижро муддати
I. Жамғарма маблағларини шакллантириш жараёни			
1-босқич	Маҳалла уюшмаси, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими, МФЙлар	1. Жамғарма даромадлари прогнози (ойлар кесимида) ҳисобланади. 2. Даромадлар сметаси тузилади.	Декабрь
2-босқич	Маҳалла уюшмаси, МФЙлар	1. Харажатлар сметаси тузилади ва молия органига тақдим этилади. 2. Жамғарма қолдиқ маблағлари ва даромадлар тушумидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш киритилади.	Январь Доимий
3-босқич	Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими	Харажатлар сметаси ахборот тизимига киритилади.	Январь
II. Жамғарма харажатларини амалга ошириш жараёни			
4-босқич	МФЙлар	Тасдиқланган сметага асосан маҳалла уюшмасига тегишли асословчи ҳужжатларни (фуқаролар йиғини кенгаши қарори ва бошқа ҳужжатлар) илова қилган ҳолда талабнома тақдим этади.	Доимий
5-босқич	Маҳалла уюшмаси	1. Тақдим этилган талабнома ҳар бир МФЙнинг сметасига мослиги,	Доимий

		асословчи ҳужжатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги текширилади. 2. Хато-камчиликлар аниқланганда ҳужжатлар тегишлилиги бўйича қайтарилади. 3. Ҳазначилик талаблари бўйича харидлар ва маблағларни молиялаштириш амалга оширилади.	
III. Жамғарма маблағлари ҳаракати ҳисобини юритиш тартиби			
6-босқич	Маҳалла уюшмаси	1. Жамғарманинг даромадлари, харажатлари ва қолдиқ маблағлари ҳисоби юритилади. 2. Жамғарманинг маблағлари ҳаракати бўйича ҳисобот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларига шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этиб борилади.	Доимий Кейинги ойнинг 5-санасига қадар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги
ПҚ-402-сон қарорига 4-ИЛОВА
2024-2025 йилларда маҳаллаларда агентлар томонидан
кўрсатиладиган давлат хизматлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат хизматининг тури
1.	Пенсия миқдори ҳақида маълумотнома
2.	Иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш
3.	Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш
4.	Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш
5.	Фуқаро пенсия олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумотнома
6.	Электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини пломбалаш ва электр таъминоти шартномасини тузиш

7.	Электр таъминоти лойиҳасини келишиш
8.	Газ тизимини пломбалаш ва газ таъминоти шартномасини тузиш
9.	Газ таъминоти лойиҳасини келишиш
10.	Ичимлик ва оқова сув ҳисоблагичини пломбалаш ва шартнома тузиш
11.	Ичимлик ва оқова сув тизими лойиҳасини келишиш
12.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва малака сертификатини бериш
13.	Иш ҳақини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш
14.	Мавзули сўровлар тўғрисида маълумотнома бериш
15.	Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш

* ушбу рўйхат адлия вазирининг буйруғи билан тўлдирилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАҲАЛЛАЛАРДА ФУТБОЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

2. Футболни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни энг қуйи тизимгача тушириш ҳамда маҳаллалардан бошлаб иқтидорли ёшларни саралаб олиш (селекция) тизимини яратиш мақсадида маҳалладаги ёшлар етакчисига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

маҳалла ёшларини оммавий ва профессионал футболга қизиқтириш, шунингдек, бу борада турли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

маҳаллаларда мавжуд бўлган футбол бўйича спорт иншоотлари ҳамда бошқа спорт майдончаларидан тизимли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

маҳаллада футбол бўйича эркаклар ва аёлларнинг турли ёш тоифалари кесимидаги «маҳалла терма жамоа»ларини шакллантириш ҳамда уларни тайёрлашни ташкил этиш;

маҳалла ёшларининг футбол билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигини таҳлил қилиб бориш ҳамда футболни

ривожлантириш бўйича спорт-таълим ташкилотлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш;

маҳаллалардаги ёш иқтидорли футболчиларни аниқлаш ҳамда уларни профессионал футбол таълим муассасаларига йўналтириб бориш;

маҳаллаларда футбол инфратузилмасини ривожлантириш, спорт инвентарлари билан таъминлаш ва маҳалла терма жамоаларига қўшимча шарт-шароитларни яратиш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига таклифлар киритиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

маҳалладаги ёшлар етакчисининг ҳудудларда футбол соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармалари, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари, спорт мактабларидаги футбол бўйича директор ўринбосарлари;

маҳалладаги ёшлар етакчисининг футбол соҳасидаги фаолиятига тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиш — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари, спорт мактабларидаги футболни ривожлантириш бўйича директор ўринбосарлари, футбол мураббийлари ва жойлардаги умумий ўрта таълим муассасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ. Қуранбоев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ҳар йили 1 январга қадар маҳаллаларда ўтказиладиган футбол мусобақалари, чемпионат ва турнирларнинг алоҳида йиллик календарь режасини тасдиқлаб борсин;

маҳалла терма жамоаларининг 12 — 15 ёш тоифалари ўртасида икки босқичли «Маҳалла лигаси» ва 16 — 30 ёш тоифалари ўртасида уч босқичли ДХХ кубоги мусобақаларини ўтказиш тизимини йўлга қўйсин;

бир ой муддатда футбол мусобақаларининг йиллик календарь режасига мувофиқ мусобақаларни ўтказиш ва ғолиб бўлган маҳалла жамоаларини рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин;

2024/2025 ўқув йилига қадар «Маҳалла лигаси» мусобақаларида ўз иқтидорини намоён этган энг иқтидорли футболчи ёшларни саралаб олиш (селекция) орқали ҳудудий футбол ва спорт мактаблари ҳамда футбол академияларига йўналтириб бориш тизимини йўлга қўйсин.

2024 йил 20 март,
ПҚ-136-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЁШЛАРГА ЕР
АЖРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ВА
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЯНГИ ЕР
МАЙДОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**

[Кўчирма]

1. Белгилансинки, туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдони (кейинги ўринларда — ер майдонлари) электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш учун устувор равишда 1-иловага мувофиқ ёшларга ижарага берилади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи қуйидаги янги тизим жорий этилади:

а) бир ой муддатда 60 минг гектар ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали «маҳалла еттилиги»нинг тавсияси билан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ёшлар (кейинги ўринларда — талабгорлар) ўртасида ўтказилади. Бунда:

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

закалат пули базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида белгиланади;

в) талабгорларга ажратиладиган ер майдонлари ўлчамлари «маҳалла еттилиги» таклифига кўра аниқланади. Бунда:

«маҳалла еттилиги» томонидан талабгорларга «E-auksion» электрон савдо платформасига жойлаштириладиган ер майдонлари бўйича кичик лотларни мажбурий бириктиришга йўл қўйилмайди;

ишни яхши ташкил қиладиган тадбиркорлар, маҳсулотни қайта ишловчи ёки экспорт қилувчиларга «Ёшлар дафтари»даги бир нечта ёшларнинг бандлигини таъминлаш мажбурияти билан яхлит контурдаги ер майдонларини беришга рухсат берилади;

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим бўйича талабгорларга қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-52-сон қарорида назарда тутилган шартларда ва маблағлар доирасида талабгорларга тижорат банклари

томонидан 7 йилгача муддатга 100 млн сўмгача кредит ажратиш. Бунда, қарор доирасида барча турдаги кредитларни «маҳалла еттилиги»нинг кафиллиги асосида ажратишга рухсат берилади ҳамда улар кредитларнинг натижадорлиги учун тенг жавобгар бўлади;

2024 йил 5 апрель,
ПҚ-153-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2024 ЙИЛ 5
АПРЕЛДАГИ ПҚ-153-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**
**2024 йилда туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер
майдонини электрон онлайн аукцион орқали ижарага олувчи
ёшларнинг тоифаси***

1. «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди**.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди**.
3. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар.
4. «Меҳр дафтари»га киритилган ёшлар**.
5. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оила фарзанди**.
6. Оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
7. Ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган ёшлар.
8. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтган ёшлар.
9. Боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
10. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларнинг соғлом фарзанди**.
11. Ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири).
12. Ота-оналардан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онасида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
13. Табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёш фуқаро.

*Изоҳ: * қуйидаги ёшларга электрон онлайн-аукцион савдоларида қатнашиб ерни ижарага олишга йўл қўйилмайди:*

а) 30 сотихдан кўп томорқа ери бўлиб, ундан фойдаланмаётган ёшлар;

б) илгари очиқ электрон танловларда ёки электрон онлайн-аукцион савдоларида ерни ижарага олган ёшлар.

*** 18 — 30 ёшдаги фуқаролар инобатга олинади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**

[Кўчирма]

“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 12 сентябрдаги ПФ-472-сонли Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки:

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг юқори органи таъсис конференцияси ҳисобланади. Таъсис конференцияси жамғарма Бошқарувини ва тафтиш комиссиясини сайлайди, аппарат тузилмасини, ходимлари сони ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилайди. Бошқарув аппаратини сақлаш “Маҳалла” жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бошқарув аппарати ходимларининг сони кўпи билан 20 кишидан иборат қилиб белгилансин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма ўз бўлимларига эга бўлади. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таъминлайдилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Республика жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

“Маҳалла” жамғармаси устави таъсис конференцияси томонидан тасдиқланади.

2. Қуйидагилар “Маҳалла” жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисоблансин:

тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, республика аҳолиси ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш;

инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, кишилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва яхши қўшничилик ғояларини тушунтириш бўйича фаол ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш;

ҳар бир аниқ ҳудудда яшовчи камхарж оилалар, ногиронлар, кексалар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш;

ҳар хил анъанавий маросимлар ўтказиш;

жуда муҳтож оилалар ва алоҳида шахсларга текин моддий ёрдам кўрсатиш;

маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш;

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган тартибда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг уставини рўйхатга олсин.

1992 йил 17 октябрь,
480-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ FUҚАРОЛАРИНИ ҲАРБИЙ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ
ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

2. Белгилаб қўйилсинки:

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказиш давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишнинг умумдавлат тизими ҳисобланади. Ҳарбий рўйхат ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойида жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳарбий бошқарув маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан ўқув муассасалари раҳбарлари томонидан юритилади;

2003 йил 4 март,
119-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ 119-СОН
ҚАРОРИГА ИЛОВА
Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш
тўғрисида НИЗОМ
[Кўчирма]**

Мазкур Низом ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва унинг шакллари тартибини, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан таълим

муассасалари мансабдор шахсларининг ҳарбий рўйхатга олишни юритиш бўйича мажбуриятларини белгилаб беради.

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг умумдавлат тизими ҳисобланади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкил этилади ва уларнинг яшаш жойи бўйича юритилади.

2. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш тизими мамлакатда амал қилувчи паспорт тизими билан боғлиқ ҳолда юритилади. Рўйхатга олиш тизимининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шу жумладан таълим муассасалари томонидан таъминланади.

3. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш махсус ва умумий рўйхатларга бўлинади ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан таълим муассасаларининг раҳбарлари томонидан уларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойлари бўйича юритилади.

Умумий ҳарбий рўйхатга олиш сафарбарлик даврида ва уруш даврида давлат бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун брон қилинмаган чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларни шахсий рўйхатга олиш ва назорат қилиш учун мўлжалланган. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек улар ишлайдиган ёки ўқийдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

6. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилиш, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида ушбу

ишларнинг ҳолати устидан назорат қилиш Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш зиммасига юкланган ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни рўйхатга олишнинг ҳолати устидан назорат қилиш вазифаси юкланади.

7. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби масалалари бўйича йўриқномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек рўйхатга олиш ва ҳисобот беришнинг тегишли бланкалари Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, таълим муассасаларини, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ушбу ҳужжатлар ва бланкалар билан таъминлайди.

9. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида рўйхатга олиш:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий ҳарбий мажбурият бажарилишини ва “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳарбий рўйхатга олиш қоидаларига риоя қилиш назорат қилинишини таъминлаш;

сафарбарлик даврида ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига раҳбарлар таркибини, муҳандис-техник ходимларни, малакали ишчиларни брон қилишни ўз вақтида расмийлаштиришни ташкил этиш;

сафарбарлик бўйича чақирилиши керак бўлган мутахассисларни алмаштириш учун зарур кадрлар резервини олдиндан тайёрлаш;

сафарбарлик тадбирларини ўтказишда ҳарбий бошқарув маҳаллий органларига ёрдам бериш мақсадларида юритилади.

10. Мудофаа ишлари органлари ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни яшаш жойлари бўйича ҳарбий рўйхатга олишга,

шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шу жумладан таълим муассасаларида уни юритишнинг ҳолати ва тартибини назорат қилишга мажбурдирлар.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлашга;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич рўйхатга олиш карточкаларини захирадаги офицерлар гувоҳномалари ва ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномалари ва муқобил хизмат хизматчилари гувоҳномаларидаги ёзувлар билан мунтазам равишда солиштиришга ҳамда ушбу карточкаларни бир йилда камида бир марта солиштириш учун туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этишга;

ўн кун муддатда ҳарбий рўйхатга олинган ва ундан чиқарилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига хабар беришга мажбурдирлар.

14. Жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, зиммасига ҳарбий ҳисобни юритиш юкланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари раҳбарлари, ички ишлар, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, уй-жойлардан фойдаланиш органлари ва уй эгалари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига мувофиқ ҳарбий бошқарув маҳаллий органларига уларнинг ишида кўмаклашиши ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий ҳарбий мажбуриятнинг бажарилишини ва ҳарбий рўйхатга олиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши шарт.

15. Мудофаа ишлари органлари, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан таълим муассасаларидаги ҳарбий рўйхатга олиш ходимлари сони бир ходим ҳисобига юклама нормасидан келиб чиққан ҳолда:

...

Ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳарбий рўйхатга олиш ходимлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига,

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида эса - ўз маблағлари ҳисобига таъминланадилар.

16. Ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шу жумладан таълим муассасаларида ҳисобда 500 нафардан кам ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар бўлганда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш ва брон қилиш ишлари белгиланган тартибда ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, корхона, ташкилот ва муассасанинг, шу жумладан таълим муассасасининг ходимларидан бирига ўриндошлик бўйича юкланади.

17. Ҳарбий рўйхатга олиш билан шуғулланувчи ходимларни тасдиқлаш, алмаштириш ва ишдан бўшатиш тегишли равишда туман (шаҳар) ҳокими, фуқаролар йиғини кенгаши, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ва таълим муассасаси раҳбарлари томонидан мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
2006 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ 8-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ЭГАСИЗ ТУРАР ЖОЙЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ
ВА ДАВЛАТ МУЛКИГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ”
[Кўчирма]**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 191-моддасига мувофиқ эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотларнинг шундай турар жойларни аниқлаш ва уларни давлат мулкига ўтказиш тартибини белгилайди.

4. Узоқ (6 ойдан кўпроқ) вақт мобайнида бўш турган, яъни ушбу турар жойда қонуний асосларда яшайдиганлар бўлмаганда, бунинг натижасида у ерда қуйидаги ҳолатлар вужудга келган турар жой ушбу Низом мақсадлари учун эгасиз ва ҳисобга қўйиладиган турар жой ҳисобланади:

а) бўш турган ушбу давр учун коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзлар мавжудлиги. Турар жойда яшовчилар йўқлиги бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи томонидан, коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзларнинг

мавжудлиги бўйича эса - хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан тасдиқланади;

б) турар жойнинг бутунлиги ва сақланиши таъминланмаганлиги, бунинг оқибатида турар жойнинг бузилишига ва унга учинчи шахсларнинг кириш учун уринишларига йўл қўйилганлиги. Ушбу ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ички ишлар органлари профилактика инспекторлари иштирокидаги қўшма далолатномаси билан тасдиқланади.

Ушбу ҳолатлар биргаликда ёки алоҳида-алоҳида юз берганда эгасиз турар жойни ҳисобга олиш учун етарли деб эътироф этилиши мумкин.

5. Эгасиз турар жойларни аниқлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш функциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сон қарорига мувофиқ шаҳарлар (туманлар)да ташкил этилган Турар жой фонди сақланиши мониторинги бўйича комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) юкланади.

Комиссия таркибига кадастр, солиқ, молия хизматлари, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари вакиллари киритилади. Комиссияларнинг шахсий таркиби тегишли шаҳар (туман) ҳокими томонидан тасдиқланади.

6. Комиссиялар ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажарадилар:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқа ташкилотлар, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ахборотлари асосида турар жойларни хатловдан ўтказадилар;

эгасиз турар жойларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлайдилар ҳамда ички ишлар органларидан, Давлат рақобат қўмитаси, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан ва бошқа ташкилотлардан бундай турар жойлар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириш учун зарур ахборотларни ва текширилаётган турар жой тавсифини сўраб оладилар;

олинган маълумотлар асосида эгасиз турар жойни аниқлаш учун материаллар (ҳужжатлар)ни шакллантирадилар ва қарор қабул қилиш ҳамда кўчмас мулкка ҳуқуқларни ҳамда уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органларида ҳисобга олиш учун уларни тегишли ҳокимликка берадилар;

суд ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари асосида эгасиз турар жойлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борадилар.

7. Кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органлари Комиссия сўрови бўйича бинолар ва иншоотларнинг реестр дафтари маълумотларига биноан икки ҳафта муддатда эгасиз турар жойлар эгалари тўғрисидаги ҳамда турар жойларнинг жорий вақтдаги мансублиги ва хатлов баҳоси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Аниқланган эгасиз турар жойлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органлари ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари билан биргаликда бундай турар жойларнинг мансублигини, тавсифини ва тахминий баҳолаш қийматини аниқлаш чора-тадбирларини кўрадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 ЙИЛ 26 МАЙДАГИ 110-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида НИЗОМ [Кўчирма]

...

4. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органига:

...

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари;
болаларнинг ота-онасининг қаровисиз қолганлиги тўғрисида уларга маълум бўлган фуқаролар томонидан тақдим этилади.

...

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаган ҳамда уларнинг тарбияси ва таъминотида қатнашмаётган, ота-онанинг эътибори ва ғамхўрлиги намоён бўлмаётган болалар тўғрисидаги маълумотларни беради.

7. Болаларнинг ота-онасининг қаровисиз қолиши ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, шунингдек

яқин атрофдаги уйларда яшайдиган фуқароларнинг хабарига кўра аниқланади.

8. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган тақдирда ҳар бир болага нисбатан алоҳида далолатнома тузилади.

Далолатнома икки қўшни иштирокида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тузилади. Далолатнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан имзоланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузиладиган далолатнома намунаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган кундан бошлаб етти кун мобайнида васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотларни далолатномани илова қилган ҳолда маълум қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқлангандан кейин тегишли қарор қабул қилингунга қадар, болаларнинг ота-оналарини ёки боланинг оиласи билан дўстона алоқаларда бўлган шахсларни, болаларни ушбу оилаларга вақтинча жойлаштириш учун болаларни зарур тарзда парвариш қилиш тўғрисида улардан тилхат олган ҳолда, аниқлаш чора-тадбирларини кўради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ПИРОТЕХНИКА
ВОСИТАЛАРИ АЙЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўқувчилар ва ёшлар, уларнинг ота-оналари ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришга доир чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминласинлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
2011 ЙИЛ 4 АПРЕЛДАГИ 101-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ДАФН ЭТИШ ЖОЙЛАРИНИ САҚЛАШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА
ҚАБР УСТИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ”
[Кўчирма]**

...

8. Қабристонларни ободонлаштириш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни зарур даражада сақлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, харажатларнинг алоҳида моддаси бўйича маблағлар ажратилади. Бунда гўр қазиш ва маросим хизматлари бўйича ишчиларга эга бўлиш кўрсатилган пулли хизматлар учун аҳолидан тушган маблағлар ҳисобидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, қабристонларни сақлаш ва ободонлаштиришда юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан фойдаланилади.

Қабристонларни ободонлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳашар йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

13. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари (фуқаролик хизмати кўрсатиш бошқармалари) ва қабристонларнинг маъмурияти қуйидагиларни таъминлаши шарт:

...

қабристонда зарур даражадаги тартибни таъминлаш бўйича, шу жумладан умумхалқ ҳашари, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин алоқада бўлиш;

15. Янги қабристонларни барпо этиш ва ишлаб турганларини қайта қуриш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва диний ташкилотларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, экологик экспертиза ва санитария-гигиена хулосаси мавжуд бўлса, мазкур Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Қабристонни очишга тайёрлик туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тайинланган, таркибида барча манфаатдор давлат органлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этадиган давлат комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

24. Қабристонни ёпиш тўғрисидаги қарор мажбурий тартибда аҳоли пункти аҳолисининг эътиборига, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали дарҳол етказилиши керак.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН ҲАЙВОНЛАРНИ
ТУТИШ ВА САҚЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида”ги ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига итларни ўз вақтида вакцинация қилиш учун уларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар берилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишнинг ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказилишини;
... таъминласин.

2011 йил 8 июль,
202-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ 202-СОН
ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА
Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш
ҚОИДАЛАРИ
[Кўчирма]**

...

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига итларни

қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

19. Итларнинг эгалари қуйидагиларга мажбур:

итларни сотиб олишда ва бошқа жойга кўчганда уларни тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек зарур маълумотларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маълум қилиш;

итлар ўлган тақдирда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар бериш ҳамда ўлган итнинг жасадини ташлаб юбормаслик, уни итни ветеринария паспортини илова қилган ҳолда туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига топшириш.

21. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўлган ва дайди итлар ҳамда мушуклар аниқланганда бу ҳақда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига хабар қиладилар;

ҳайвонлар қутурганлигига шубҳаланилганда қисқа муддатларда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига ва соғлиқни сақлаш органларига хабар қиладилар.

22. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишни ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказадилар;

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ 28 АВГУСТДАГИ 253-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЗОРЛАРИДА САВДО
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ”
[Кўчирма]**

...

30. Бозорда савдо ўринлари жисмоний шахсларга фақат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда берилади, ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, чорва моллари, паррандалар ва бошқа товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган товарларни сотиш ҳолатлари бундан мустасно.

Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун жисмоний шахсларга ўринлар ушбу Қоидаларга иловага мувофиқ тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома) тақдим этилган тақдирда берилади.

Маълумотномада жисмоний шахс доимий яшайдиган жойнинг манзили, ер участкасининг жойлашган жойи ва майдони, бир йилда ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишнинг мумкин бўлган ҳажми мажбурий тартибда кўрсатилади.

57. Дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдимномасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинади.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ 16 ОКТЯБРДАГИ 295-СОН
ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**

**Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари
бўйича республика комиссияси тўғрисида
НИЗОМ
[Кўчирма]**

...

2. Республика комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палата-ларининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

Республика комиссиясининг таркиби манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда ходимларидан, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларида, шунингдек, фан ва маданият арбобларидан, экспертлардан, ҳудуд тарихини биладиган тажрибали мутахассислардан (ўлкашунослардан) ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслардан шакллантирилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ 16 ОКТЯБРДАГИ 295-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисида намунавий НИЗОМ [Кўчирма]

...

2. Ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қиладилар.

Ҳудудий комиссияларнинг таркиби манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда ходимларидан, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларида, шунингдек, фан ва маданият арбобларидан, экспертлардан, ҳудуд тарихини биладиган тажрибали мутахассислардан (ўлкашунослардан) ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслардан шакллантирилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2013 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ 196-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (кейинги ўринларда фуқаролар йиғини деб аталади) Давлат хизматлари марказларида (кейинги ўринларда «марказлар» деб аталади) ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш у жойлашган жойдаги марказ томонидан амалга оширилади.

3. Фуқаролар йиғини ташкил этилаётганда унинг раиси сайланган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун марказга мурожаат қилади.

II. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш

4. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун марказга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланган фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза;

шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллалар ташкил этиш тўғрисидаги тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;

фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши)нинг баёни;

фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) йиғин раисини сайлаш тўғрисидаги қарори;

фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом - икки нусхада;

муҳр ва штамп намуналари эскизи - икки нусхада.

5. Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш йўли билан тузиладиган фуқаролар йиғини учун ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тузилаётган фуқаролар йиғинига маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тузилаётган фуқаролар йиғинининг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда) ёки тақсимлаш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

тузилаётган фуқаролар йиғинининг ҳисобга олинганлик ҳақидаги гувоҳномаси асл нусхаси, муҳри ва штамп (қўшиб юборишда ва бўлишда).

6. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш марказ томонидан, бир вақтнинг ўзида уни давлат статистика ва солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Бунинг учун марказ давлат статистика органларига давлат ҳисобига қўйиш учун, фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш амалга оширилган кундан кейин икки кун ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарорида белгиланган шакл бўйича билдиришнома юборади.

Бир вақтда марказ электрон почта алоқаси орқали туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда СТИР деб аталади) бериш учун сўровнома юборади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси тегишли сўровномани олгандан кейин, реал вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари марказлаштирилган базаси орқали фуқаролар йиғинига СТИР беради ва марказлаштирилган базага тегишли ёзув киритади.

Фуқаролар йиғинига СТИР берилганлиги ҳақида маълумотнома расмийлаштирилади ва у марказга электрон почта алоқаси орқали юборилади.

СТИР бериш ва бу тўғридаги маълумотномани марказга юбориш муддати саккиз иш соатидан ошмаслиги зарур.

8. Фуқаролар йиғинининг муҳр ва штамп эскизлари марказ томонидан тасдиқланади ҳамда муҳр ва штамплар китобига тегишли ёзув киритилади. Муҳр ва штамп эскизлари қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда, марказ томонидан фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда, эскизнинг барча тақдим қилинган нусхаларига зарур тузатишлар киритилади ва улар тасдиқланади.

Муҳр ва штамп эскизлари қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда, марказ томонидан фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда, эскизнинг барча тақдим қилинган нусхаларига зарур тузатишлар киритилади ва улар тасдиқланади.

9. СТИР бериш, муҳр ва штамп эскизларини тасдиқлаш жараёнлари яқунлангандан сўнг ўша куннинг ўзида фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар марказ томонидан ушбу Низомга 2-иловага

мувофиқ шакл бўйича фуқаролар йиғинларининг тегишли реестрига киритилади.

Реестр дафтари ип билан тикилади, рақамланади ва унинг орқа томонида бетлар сони, дафтар юритиш бошланган сана (йил, кун, ой) кўрсатилади, муҳр ва ҳокимнинг имзоси қўйилади.

10. Фуқаролар йиғини ҳисобга олинган кундан бошлаб бир иш кунни мобайнида реестрдан олинган маълумотлар марказ томонидан тегишли давлат статистика ва солиқ хизмати органларига расмий равишда тақдим этилади.

11. Фуқаролар йиғини ҳисобга олингандан сўнг бир кун муддатда унга қуйидагилар берилади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом - унга «ҳисобга қўйилди» белгиси билан;

муҳр ва штамп намуналарининг эскизлари - «тасдиқланган» белгиси билан.

12. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

13. Марказ қуйидаги ҳолларда фуқаролар йиғинини ҳисобга олишни рад этади:

ушбу Низомнинг 4, 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабига мувофиқ келмаганда;

ҳисобга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқий бўлмаган маълумотлар аниқланганда.

Фуқаролар йиғинини ҳисобга олишнинг бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

14. Фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш рад этилган тақдирда, унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма хат ариза берувчига юборилади (топширилади).

Мазкур хатда кўрсатилган муддат тугагандан кейин берилган ариза янгидан тақдим этилган ҳисобланади.

Агар ариза берувчи фуқаролар йиғинини ҳисобга олишни рад этишга асос бўлган сабабларни ўз вақтида бартараф этса, ҳисобга олиш бўйича

ҳужжатлар марказ томонидан барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза тақдим этилган кундан бошлаб уч кун муддатда қўриб чиқилади.

15. Ариза берувчи фуқаролар йиғинини ҳисобга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилиши мумкин.

III. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олиш

16. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шу жумладан фуқаролар йиғини қайта ташкил этилганда ҳисобга олган марказга етти кун муддатда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза;

низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши)нинг баёни;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, раис имзоси билан тасдиқланган ҳамда фуқаролар йиғини муҳри қўйилган янги таҳрирдаги низом - икки нусхада.

17. Фуқаролар йиғинининг номи ўзгарган тақдирда ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда фуқаролар йиғинининг ҳисобга олинганлик ҳақидаги гувоҳномаси асл нусхаси, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек икки нусхада янги муҳр ва штамп намуналарининг эскизлари тақдим этилади.

18. Фуқаролар йиғинини ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил қилинганда ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

қайта ташкил қилинаётган фуқаролар йиғинига маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

қайта ташкил қилинаётган фуқаролар йиғинининг унинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб олишда) ёки тақсимлаш баланси (ажратиб чиқишда);

қайта ташкил қилинаётган фуқаролар йиғинини ҳисобга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, муҳр ва штамп (қўшиб олишда).

19. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олиш ушбу Низомда фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

20. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги маълумотлар марказ томонидан фуқаролар йиғинларининг реестрига («Қўшимча маълумотлар» устунига) киритилади.

21. Жойлашган ери ўзгарганда фуқаролар йиғини ўн кун муддатда ҳисобга олган марказга бу ҳақда ёзма равишда хабар беради. Марказ хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат статистика ва солиқ хизмати органларини хабардор қилади.

IV. Яқунловчи қоида

22. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2014 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ 48-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини (кейинги ўринларда маҳаллалар деб аталади) тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллалар шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ташкил этилади, бунда бир маҳалла бир маъмурий-ҳудудий бирлик (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси) ҳудуди доирасида ташкил этилади ҳамда бир маҳалланинг ҳудуди бир нечта маъмурий-ҳудудий бирлик ҳудудида жойлашишига йўл қўйилмайди.

3. Маҳаллалар маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳисобланмайди.

4. Маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларига қонунчиликда берилган ваколатларни тегишли маҳалла ҳудудининг ушбу Низомда белгиланган тартибда белгиланган чегаралари доирасида амалга оширадилар.

5. Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифлар шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳалласининг фуқаролар йиғинлари кенгашлари томонидан тайёрланади.

6. Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш бўйича тадбирлар Низомга 1-иловадаги схемага, маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича тадбирлар Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

II Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш

7. Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар йиғинлари илтимосномаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

8. Маҳаллалар ҳудудларнинг тарихий хусусиятларини, қоидага кўра, камида 400 та хонадон мавжуд аҳоли пунктларининг географик жойлашишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Маҳаллалар, истисно ҳолларда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарори билан 400 тадан кам хонадонлари мавжуд бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳамда ҳарбий шаҳарчаларда ташкил этилиши мумкин.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларга мувофиқ маҳаллалар тузиш мумкин бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг ҳудудлари, маҳаллалар тузмасдан, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг тегишли фуқаролар йиғинлари томонидан бошқарилади.

10. Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш ва бўлиш бўйича таклифлар шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллаларининг фуқаролар йиғини кенгаши томонидан шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинига кўриб чиқиш учун киритилади.

11. Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш бўйича таклифларда: аҳоли фикрини ўрганиш тўғрисидаги; муайян ҳудуд, унинг тарихий ва географик хусусиятлари тўғрисидаги; яқин атрофдаги аҳоли пунктлари ва маҳаллаларнинг жойлашиши тўғрисидаги;

ушбу ҳудудда яшайдиган аҳоли ва оилалар сони тўғрисидаги;

ушбу ҳудудда жойлашган энг йирик саноат, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, фермер хўжаликлари тўғрисидаги;

тузиладиган, бирлаштириладиган ва бўлинадиган маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш бўйича таклифлар тўғрисидаги;

маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифлар тўғрисидаги ахборотлар акс эттирилади.

12. Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллаларининг фуқаролар йиғини маҳаллани тузиш, бирлаштириш ва бўлиш бўйича таклифларни кўриб чиқиб ўзининг қарори билан уларни маъқуллайди ёки асосланган ҳолда рад этади, зарурат бўлганда, уларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тавсия этади.

13. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш ва бўлиш бўйича таклифлар уч кун мобайнида шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинлари томонидан тегишли илтимоснома билан туман, шаҳар ҳокимига юборилади.

14. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимига юборилаётган илтимосномага, ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ахборот билан бирга, қуйидагилар илова қилинади:

тегишли шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинининг маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш ва бўлиш бўйича таклифларни маъқуллаш тўғрисидаги қарори;

тузилаётган, бирлаштирилаётган маҳаллага ном бериш ва фаолият кўрсатаётган маҳаллаларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифлар;

маҳалла ҳудудининг туман, шаҳар ҳокими билан олдиндан келишилган режаси (маҳаллалар чегараларини белгилаш ва ўзгартириш) бўйича таклифлар.

15. Туман (шаҳар) ҳокими маҳаллани тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш тўғрисида шаҳарча, қишлоқ, овул ёки шаҳар маҳаллаларининг фуқаролар йиғини томонидан киритилган таклифларни ўн беш кун муддатда кўриб чиқади ҳамда ахборотнома тайёрлаб, тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш масалалари бўйича идоралараро доимий комиссияга (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия) тақдим этади.

Идоралараро комиссия:

маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади ҳамда соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш бўйича тақдим этилган таклифларни ўн беш кун муддатда бевосита жойига чиқиб ўрганади ҳамда таклифларни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик тўғрисида хулоса тайёрлайди;

тайёрланган хулосани кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 3 кун муддатда киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари навбатдаги сессияда Идоралараро комиссиянинг хулосаси асосида маҳаллани тузиш, маҳаллаларни бирлаштириш, маҳаллани бўлиш (уларнинг чегараларини белгилаган ва уларга ном берган ёки уларнинг номини ўзгартирган ҳолда) ва тугатиш тўғрисида ёхуд ушбу таклифни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

17. Маҳаллани тугатиш ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар бошқа жойга кўчирилганда, шунингдек маҳалла жойлашган шаҳарча, қишлоқ, овул ёки шаҳар тугатилганда амалга оширилади.

III. Маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш

20. Маҳаллалар чегаралари уларни тузишда, бирлаштиришда ва бўлишда белгиланади.

21. Маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинлари илтимосномалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

22. Маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисида илтимосномалар киритилгунга қадар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллалари фуқаролар йиғинлари маҳаллаларнинг чегараларини (маҳалла ҳудудини) белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни олдиндан туман, шаҳар ҳокими билан келишадилар.

23. Маҳалла ҳудудига тегишли шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул чегаралари доирасидаги ерлар киритилади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

24. Шаҳар маҳаллалари чегаралари, қоидага кўра, шаҳарнинг турар жой зоналари чегаралари доирасида белгиланади, бунда шаҳарлар маҳаллалари фуқаролар йиғинлари маҳаллалар ҳудудига шаҳарнинг

бошқа зоналарини, шунингдек ер фондининг бошқа тоифалари ерларини киритиш тўғрисида ҳам илтимос қилишлари мумкин.

25. Маҳалланинг чегаралари юридик ва жисмоний шахсларнинг эгалигида, фойдаланишида бўлган, улар ижарага олган ва уларнинг мулки бўлган ер участкалари чегаралари, йирик каналлар, коллекторлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, шунингдек жойнинг бошқа табиий ва сунъий объектлари бўйича белгиланади.

26. Маҳаллаларнинг чегаралари шаҳарлар, шаҳарчалар чизмаларида 1:2000 масштабда, қишлоқлар ва овуллар чизмаларида эса — 1:10000 масштабда акс эттирилади.

27. Маҳаллалар чегараларини белгилаш жараёнида ҳар бир маҳалла бўйича чегаралар тавсифланади. Чегаралар тавсифида улар бўйича чегара белгиланадиган кўчалар, табиий ва сунъий объектлар номлари, чегаралар йўналиши келтирилади.

28. Маҳаллалар чегараларининг чизмалари ва тавсифи туман, шаҳар ҳокимлигининг топшириғи бўйича, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари асосида Давлат кадастрлари палатасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиаллари томонидан ўн беш кун мобайнида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тайёрланади.

29. Маҳаллаларнинг чегаралари чизмаси қўшни маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари билан келишилади.

30. Тузиладиган, бирлаштириладиган ёки бўлинадиган маҳаллаларнинг чегаралар чизилган ва чегаралар тавсифланган чизмалари ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган тартибда маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш ва бўлиш тўғрисидаги қарорлар билан биргаликда халқ депутатлари, туман, шаҳар Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

31. Маҳаллалар чегараларини ўзгартириш ушбу бўлим талаблари ҳисобга олинган ҳолда туман, шаҳар ҳокимининг таклифи асосида, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг алоҳида қарори билан шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллалари фуқаролар йиғинлари илтимосномаси бўйича амалга оширилади.

IV. Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш

32. Маҳаллаларга бериладиган ном:

маҳалланинг энг характерли белгиларини акс эттириши;

маҳалланинг номи ушбу маҳалла жойлашган жойнинг мавжуд тизимига мос бўлиши;

маҳаллий аҳолининг фикрини эътиборга олиши;

қоидага кўра, учтадан ортиқ бўлмаган сўздан иборат бўлиши;
маҳаллий аҳолининг географик, тарихий, миллий, этник, тили билан боғлиқ хусусиятларини ва маҳаллий аҳоли ҳаётининг бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши;

маҳаллалар номларининг ўхшашлиги янглишишга олиб келишини, ҳурматсизлик мазмунида эга бўлишини, ушбу номларнинг Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлигини истисно этиши керак.

33. Маҳаллаларга айрим одамларнинг, ижтимоий-сиёсий арбобларнинг номларини беришга, қоидага кўра, йўл қўйилмайди, Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Маҳаллаларга Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номи «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 101-моддасида белгиланган тартибда берилади.

34. Бир туман, шаҳар доирасидаги, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектга айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди.

35. Маҳаллалар номларини ўзгартиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

айрим маҳаллаларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда;
агар маҳалла географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаган аббревиатура, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;

маҳаллаларга Ўзбекистоннинг тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номларини бериш зарур бўлганда;

бир туман, шаҳар доирасидаги, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги маҳаллаларнинг номлари бир хил бўлганда.

Маҳалла икки ва ундан ортиқ маҳаллага бўлинганда улардан бирида қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда бўлинган маҳалланинг номи сақланиб қолиши мумкин.

36. Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг илтимосномаси ва туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг таклифи бўйича халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари томонидан, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда эса туманлар ҳокимлари киритган таклифларга кўра халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашлари томонидан

амалга оширилади, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 101-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

37. Туман, шаҳар ҳокими беш кун мобайнида шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномасини таклифлар тайёрлаш учун кўриб чиқади ва тегишли ҳужжатлар билан биргаликда уларни географик объектларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича тегишли туман, шаҳар комиссиясига (кейинги ўринларда туман, шаҳар комиссияси деб аталади) киритади.

38. Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

39. Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлашда туман, шаҳар комиссияси:

маҳаллаларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ва мероси билан боғлиқ номлари муҳофаза қилинишини, улар асоссиз равишда қайта номланишининг олди олинишини;

маҳаллалар номининг ўзгартирилишига ва уларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига йўл қўйилмаслигини;

маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартиришда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш истисно этилишини таъминлаши керак.

40. Туман, шаҳар ҳокими туман, шаҳар комиссияси томонидан тайёрланган маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиясига (кейинги ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияси деб аталади) киритади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, шундан сўнг уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан давлат

экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг яқунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради.

41. Туман, шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига мувофиқ маҳаллаларнинг номлари ва улар номининг ўзгартирилиши бўйича таклифларни тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгашига киритади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши навбатдаги сессияда туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

42. Туман, шаҳар ҳокими ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни юборади.

V. Яқунловчи қоида

43. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартиришда амалга ошириладиган тадбирлар СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Фуқаролар йиғини кенгаши	Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг	Заруратга кўра

		номини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлайди ва фуқаролар йиғини муҳокамасига киритади.	
--	--	--	--

2-босқич	Фуқаролар йиғини	<p>1. Киритилган таклифларни кўриб чиқади, ўз қарори билан уларни маъқуллайди ёки асосли равишда рад этади, зарурат бўлганда уларга тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф этади.</p> <p>2. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимига маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича тўпланган материалларни илова қилган ҳолда илтимоснома юборади.</p>	5 кун муддатда
----------	------------------	--	----------------

3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	<p>1. Фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича илтимосномани кўриб чиқади.</p> <p>2. Таклифлар тайёрлаш учун</p>	5 кун муддатда
----------	----------------------	---	----------------

		географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича тегишли туман, шаҳар комиссиясига (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) комиссияси) зарур ҳужжатлар билан фуқаролар йиғинининг илтимосномасини юборади.	
4-босқич	Туман (шаҳар) комиссияси	Тақдим этилган ҳужжатларни, уларнинг географик объектларга номлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва ўз таклифини туман (шаҳар) ҳокимига юборади.	15 кун муддатда
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	Туман (шаҳар) комиссияси томонидан тақдим этилган таклифни ном бериш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига киритади.	5 кун муддатда
6-босқич			

	<p>Ном бериш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссияси</p>	<p>Тайёрланган материалларнинг географик объектларга номлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳар томонлама ўрганиб чиқишни ташкил этади ва туман (шаҳар) ҳокимига тегишли хулосани юборади.</p>	<p>15 кун муддатда</p>
--	--	--	------------------------

7-босқич	<p>Туман (шаҳар) ҳокими</p>	<p>Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича тайёрланган ҳужжатларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритади.</p>	<p>5 кун муддатда</p>
----------	-----------------------------	---	-----------------------

8-босқич	<p>Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши</p>	<p>Навбатдаги сессияда туман (шаҳар) ҳокими томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ёки ушбу таклифни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p>	<p>Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессияси чақирилишига қараб</p>
----------	---	--	--

».

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг

**чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА**

**Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартиришда амалга ошириладиган тадбирлар
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Фуқаролар йиғини кенгаши	Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлайди ва фуқаролар йиғини муҳокамасига киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Фуқаролар йиғини	<p>1. Киритилган таклифларни кўриб чиқади, ўз қарори билан уларни маъқуллайди ёки асосли равишда рад этади, зарурат бўлганда уларга тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф этади.</p> <p>2. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимига маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича тўпланган материалларни илова қилган ҳолда илтимоснома юборади.</p>	5 кун муддатда

3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	<p>1. Фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича илтимосномани кўриб чиқади.</p> <p>2. Таклифлар тайёрлаш учун географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича тегишли туман, шаҳар комиссиясига (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) комиссияси) зарур ҳужжатлар билан фуқаролар йиғинининг илтимосномасини юборади.</p>	5 кун муддатда
4-босқич	Туман (шаҳар) комиссияси	<p>Тақдим этилган ҳужжатларни, уларнинг географик объектларга номлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва ўз таклифини туман (шаҳар) ҳокимиغا юборади.</p>	15 кун муддатда
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	<p>Туман (шаҳар) комиссияси томонидан тақдим этилган</p>	5 кун муддатда

		таклифни ном бериш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига киритади.	
6-босқич	Ном бериш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссияси	Тайёрланган материалларнинг географик объектларга номлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳар томонлама ўрганиб чиқишни ташкил этади ва туман (шаҳар) ҳокимига тегишли хулосани юборади.	15 кун муддатда
7-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	Маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича тайёрланган ҳужжатларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритади.	5 кун муддатда
8-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши	Навбатдаги сессияда туман (шаҳар) ҳокими томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ёки	Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессияси чақирилишига қараб

		ушбу таклифни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	
--	--	--	--

4. Қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2014 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ 48-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

**Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек,
уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш масалалари бўйича
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Идоралараро доимий
комиссияларнинг намунавий таркиби**

1. *лавозимига кўра* — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — комиссия раиси
2. *лавозимига кўра* — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
3. *лавозимига кўра* — Ҳудудий иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи
4. *лавозимига кўра* — Ҳудудий камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи
5. *лавозимига кўра* — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи
6. *лавозимига кўра* — Ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи
7. *лавозимига кўра* — Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
8. *лавозимига кўра* — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
9. *лавозимига кўра* — Солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
10. *лавозимига кўра* — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
11. *лавозимига кўра* — Ички ишлар (бош) бошқармаси бошлиғи
12. *лавозимига кўра* — Ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи
13. *лавозимига кўра* — Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи».

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2015 ЙИЛ 8 ОКТЯБРДАГИ 287-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ [Кўчирма]

...

4. Жамоатчилик экологик назорати:
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
нодавлат нотижорат ташкилотлари;
фуқаролар томонидан амалга оширилади.

5. Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда қонунийлик, холислик, мустақиллик, ошкоралик, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тамойиллари таъминланиши керак.

6. Қуйидагилар жамоатчилик экологик назоратининг асосий вазибалари ҳисобланади:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўриляётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилишда иштирок этиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

7. Қуйидагилар жамоатчилик экологик назоратининг объектлари ҳисобланади:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси;

атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар;

атроф муҳитнинг ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш мақсадида жамоатчилик экология назоратчилари тизимини шакллантириши ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши мумкин.

9. Экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича ҳамкорлик қиладилар ва уларнинг муурожаатлари бўйича қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида чора кўрадилар.

10. Аҳолининг, аҳоли яшаш пунктларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотларга эга бўлган экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонунчиликда белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларга ушбу маълумот билан ўз вақтида ва тўлиқ бепул танишишини таъминлаши зарур, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

II. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорат соҳасидаги фаолияти фуқароларнинг тегишли ўзини ўзи бошқариш ҳудудида (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ҳамда шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар маҳаллаларида) амалга оширилади.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, ушбу Намунавий низомнинг 5-бандида санаб ўтилган экологик назорат тамойиллари билан бир қаторда, демократизм, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар таъминланиши керак.

...

15. Жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятга умумий раҳбарлик фуқаролар йиғинининг раиси ҳамда фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси раиси томонидан амалга оширилади.

...

17. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ҳамда бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этадилар;

тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширадилар;

атроф муҳитнинг ҳолатини ва атроф муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришни амалга оширадилар;

экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар;

махсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, хўжалик юритувчи субъектларга давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда хабардор бўлган ўзининг ваколатли вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритадилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзлари аниқлаган ҳолати тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни хабардор қиладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолатлар юзасидан чоралар кўриш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритадилар;

атроф муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қиладилар ва ахборот оладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганишни, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказадилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашадилар, экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича, шу жумладан жамоатчилик экология назоратчилари тизимини шакллантиришда ҳамкорлик қиладилар;

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишларда кўмаклашадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини ошириш учун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг ҳудудларида ташкил этилган маслаҳат марказлари негизида жамоатчилик экология назоратчиларига қисқа муддатли курслар ўтказишда кўмаклашадилар.

Тегишли ҳудудларда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғинлари мурожаатига биноан аҳолининг экологик маданиятини ошириш ишлари доирасида турли тадбирларни ўтказиш, жамоатчилик экология назоратчилари учун қисқа муддатли курслар ташкил қилиш учун ўқув жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналарини тақдим этишлари мумкин.

19. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик назоратни амалга ошириш учун шартнома асосида мутахассис ва экспертларни қонунчиликка мувофиқ жалб қилиши мумкин.

20. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик экологик назорати бўйича ваколатларини амалга ошириш учун ўз маблағларидан ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан хайрия сифатида тушган, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағларидан фойдаланиши мумкин.

III. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш

22. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

...

экологик назоратнинг махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича, шу жумладан жамоатчилик экология назоратчилари тизимини шакллантиришда ҳамкорлик қилиш;

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишларида кўмаклашиш;

IV. Фуқароларнинг жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

25. Фуқаролар жамоатчилик экологик назоратини республика ҳудудида ҳам, ўзининг доимий яшаш жойида ҳам, вақтинча турган жойида ҳам бевосита амалга ошириш ҳуқуқига эга.

26. Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

атроф муҳитни муҳофаза қилишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини кузатиб боришни амалга ошириш;

экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзлари аниқлаган ҳолати тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиш;

атроф муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ва улардан ахборот олиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишда, жамоатчилик экологик экспертизами ўтказишда иштирок этиш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза

қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитишда иштирок этиш.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Фуқаролар қуйидагиларни бажариши шарт:

экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

экологик назоратни амалга оширишда экологик назоратнинг бошқа субъектларига кўмаклашиш.

Фуқароларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

V. Жамоатчилик экологик назоратининг асосий шакллари

28. Қуйидагилар Жамоатчилик экологик назоратининг асосий шакллари ҳисобланади:

атроф муҳитнинг ҳолатини ва унинг хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият таъсиридаги ўзгаришларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини, давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш;

давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитиш;

жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш.

Жамоатчилик экологик назорати атроф муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шакллар ва усуллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

29. Кузатиб бориш қуйидагиларни:

атроф табиий муҳитга таъсир қилувчи манбалар ҳолатини;

атроф табиий муҳитга таъсир қилувчи физикавий, кимёвий ва биологик жараёнлар, ҳодисалар ва омилларни;

атмосфера ҳавосининг, ер усти ва ер ости сувларининг, тупроқнинг, ер усти экотизимларининг ва геологик муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолатини;

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолати ҳамда хўжалик ва бошқа фаолият таъсирида уларнинг деградация жараёнларини таърифлаш (аниқлаш), баҳолаш, таҳлил ва прогноз қилиш мақсадида амалга оширилади.

Кузатиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан мустақил ишлаб чиқилган режалар ва дастурларга мувофиқ ўзлари учун қулай бўлган усул ва воситалар билан амалга оширилади.

30. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек фуқаролар давлат экологик назоратининг қуйидаги асосий шакллари амалга оширилганда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишини, давлат дастурлари ва бошқа экологик дастурлар амалга оширилишини текшириш;

атроф муҳит мониторинг;

давлат экологик экспертизаси.

31. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кузатувчилар номзодларини кўрсатиш экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар тақдимига биноан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кузатувчилар номзодларини кўрсатиш ташкилотнинг ижро этувчи раҳбарлик органининг тақдимига биноан амалга оширилади.

Фуқаролар давлат экологик назорати амалга оширилганда ўзини ўзи тақлиф қилиш йўли билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (доимий яшаш жойидан) ёки ўзи аъзо ёки фаоли бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти тақдимига биноан кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллариининг ҳамда фуқароларнинг давлат экологик назоратида кузатувчи сифатида иштирок этиши экологик назорат соҳасида махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

33. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат

нотижорат ташкилотлари вакилларининг ҳамда фуқароларнинг идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратида кузатувчи сифатида иштирок этиши тегишли идора ва ташкилот билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг ҳамда фуқароларнинг идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратида кузатувчи сифатида иштирок этишига фақат юридик шахснинг вакили ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг вакили иштирокида йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш участкаларини (цехларни, бўлимларни) ташкилот маъмурияти ва ҳамроҳлик қилувчи шахсни хабардор қилмасдан айланиб чиқиш (кўздан кечириш) ман этилади.

34. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ўз ваколатлари доирасида) тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ҳисоботларини эшитадилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг жамоат эшитувлари, конференциялар, “давра суҳбатлари” ва бошқа тадбирлар ташкил қилинганда экологик назорат соҳасида махсус ваколатли давлат органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул шахсларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитишлари мумкин.

35. Жамоатчилик экологик экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ташаббуси билан экологик асосланилишида эҳтиёж бўлган ҳар қандай фаолиятда амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ман этилади.

Жамоатчилик экологик экспертизаси, давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик экологик экспертизасининг хулосаси тавсиявий характерга эга.

VI. Жамоатчилик экологик назорати натижаларини расмийлаштириш ва амалга ошириш шакллари

36. Жамоатчилик экологик назорати натижалари белгиланган тартибда маълумотнома ёки ахборот тузиш орқали, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан расмийлаштирилиши мумкин.

Жамоатчилик экологик назорати натижалари бўйича ахборот ёки

маълумотнома:

экологик назорат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари томонидан амалга оширилганда тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси ёки нодавлат нотижорат ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади;

экологик назорат ўзини ўзи таклиф этиш йўли билан фуқаро томонидан амалга оширилганда назорат натижалари фуқаро томонидан тасдиқлаб берилади.

Жамоатчилик экологик назорати натижалари бўйича ахборот ёки маълумотнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига, бошқа давлат органларига, шунингдек ташкилотлар раҳбарларига белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун юборилади.

37. Қуйидагилар жамоатчилик экологик назорати натижаларини амалга ошириш шакллари ҳисобланади:

махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини жамоатчилик экологик назорати натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун давлат органларига таклиф киритиш.

Жамоатчилик экологик назорати натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

38. Махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини жамоатчилик экологик назорати натижалари тўғрисида хабардор қилиш белгиланган тартибда бериладиган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатлар (аризалар, таклифлар ёки шикоятлар) шаклида бўлиши мумкин.

Мурожаатларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки фуқароларда мавжуд бўлган ушбу мурожаатларнинг туб моҳияти бўйича илгари қабул қилинган қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш учун керак бўлган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан фото, аудио ва видеоматериаллар илова қилиниши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёки фуқароларнинг жамоатчилик экологик

назорати масалалари бўйича мурожаатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
2016 ЙИЛ 24 МАЙДАГИ 170-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИШ НАТИЖАСИДА
ШАХСГА ЁХУД ЖИСМОНИЙ ЁКИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-
МУЛКИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ”
[Кўчирма]**

...

6. Террорчиликка қарши операция тугагандан сўнг уч иш куни мобайнида ҳудудида террорчиликка қарши операция ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокими (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан террорчиликка қарши операцияни ўтказиш натижасида мол-мулкига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш учун мол-мулк эгаларининг мурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Комиссияга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокими ёхуд уларнинг ўринбосарлари бошчилик қилади.

Комиссиянинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия таркибига тергов ва молия органларининг, Давлат рақобат қўмитаси, “Давархитектқурилиш” қўмитаси, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари киритилади.

7. Мол-мулк эгаларини комиссия ўз ишини бошлаганидан хабардор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан оммавий ахборот воситаларида маълумотни жойлаштириш, шунингдек фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ёрдамида комиссия ташкил қилинган кундан эътиборан икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
““ҲАЖ” ВА “УМРА” ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**

**ЎТКАЗИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

7. Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб борадилар.

Туман (шаҳар)лардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳозирги вақтга қадар мазкур ўзини ўзи бошқариш органларида навбатда турган зиёратчиларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, хатлов натижалари бўйича тасдиқланган рўйхатларни туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳларга тақдим этсин.

2017 йил 7 июнь,
364-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 7 ИЮНДАГИ 364-СОН
ҚАРОРИГА ИЛОВА**

**«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ
[Кўчирма]**

14. Қуйидагилар ташкилий гуруҳларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ ҳайъатлар томонидан туман (шаҳар) бўйича тақдим этиладиган квота асосида ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун квотани белгилаш ҳамда тегишли йилда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш. Белгиланган муддатларда тегишли ҳайъатларга мазкур рўйхат ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

14¹. «Ҳаж» тадбирига боришга номзодларни маҳалла фуқаролар йиғини миқёсида саралаб олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ҳокими томонидан 7 кишидан

иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади).

Ишчи гуруҳ таркибига, қоидага кўра, туман бош имоми, маҳаллага бириктирилган имом, маҳалла раиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли, фуқаролар йиғини раисининг Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси киритилади.

...

26. Ҳар йили «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқаролар квоталари Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига - Жамоатчилик кенгаши томонидан, туманларга - Ҳайъатлар томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига - Ташкилий гуруҳлар томонидан рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб муносиб равишда тақсимланади.

Жамоатчилик кенгаши, ҳайъатлар ва ташкилий гуруҳлар квоталарни белгилашни зиёратчиларнинг онлайн навбат тизимига мувофиқ амалга оширадilar.

27. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун ариза берувчи доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ариза ҳамда паспорти нусхасини тақдим этиши лозим.

28. Фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун аризаси уларнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йил давомида қабул қилиниб, навбатга қўйиб борилади.

...

28³. Саралаш натижасига кўра «Ҳаж» тадбирига боришга навбатга қўйиладиган номзодлар рўйхати тегишли ҳудуддаги масжид ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида эълон қилинади ҳамда 15 кун мобайнида улар бўйича жамоатчилик фикри ўрганилади.

Жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ёки эътирозлар ишчи гуруҳ томонидан 5 кун муддатда кўриб чиқилади ва текширилади.

Ишчи гуруҳ жамоатчилик фикри асосида фуқарони «Ҳаж» тадбирига борадиган зиёратчи сифатида навбатга қўйиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 1 кун муддатда тавсия беради».

29. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларни рўйхатга олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туман (шаҳар) ҳокимлиги муҳри билан тасдиқланган, варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган намунага мувофиқ махсус журналларни юритади.

30. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризани қабул қилиб олгандан сўнг ариза берувчига ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклда маълумотнома бериши шарт.

31. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турганлар рўйхатини тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг танишиши учун қулай жой (эълонлар тахтаси)га доимий равишда жойлаштириб боради.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўзининг ҳудудидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини зиёратчиларнинг онлайн навбат тизимида рўйхатга олиш учун ташкилий гуруҳга тақдим этиб боради.

33. Ҳар йили «Ҳаж» ва «Умра» мавсумлари бошланишидан олдин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий гуруҳ квотани тасдиқлагандан кейин икки кун мобайнида, ажратилган квотага мувофиқ тегишли йилда ўзининг ҳудудидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини навбат бўйича тузади ҳамда имзо ва муҳр билан тасдиқлаган ҳолда ташкилий гуруҳларга тақдим этади.

...

39. Фуқаронинг навбати бекор қилинганда унинг ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида ундан кейин навбатда турган фуқаро зиёратга бориш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда бу ҳақда ушбу фуқаро уч кун мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ёзма тарзда хабардор қилинади.

40. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи ўзгарган тақдирда уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолинади.

41. Ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб борадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан юритиладиган «Ҳаж» ва «Умра» сафарига бориш истагини билдирган фуқароларни қайд этиш журнали ҳамда тегишли ҳудуд бўйича онлайн навбат тизимида киритилган зиёратчиларнинг рўйхатининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий гуруҳларга юклатилади.

42. Ташкилий гуруҳлар тегишли йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига

борадиган зиёратчилар рўйхатига киритилган фуқаролардан ўзлари ҳисобда турган тиббиёт муассасаларидан саломатлиги, зиёратга боришга қодир эканлиги ҳақидаги маълумотномани ва рангли фотосуратларини қабул қилиб олади.

Ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган рўйхатлар асосида квотага мувофиқ тегишли йилда туман (шаҳар) миқёсида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини ҳайъатлар квотани тасдиқлагандан кейин ўн кун мобайнида умумлаштиради. Умумлаштирилган рўйхат икки нусхада тайёрланади ва тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг биринчи нусхаси электрон варианты билан бирга ҳайъатларга тақдим этилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси ташкилий гуруҳда сақланади.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ 467-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИМОРАТНИ АНИҚЛАШ
ҲАМДА БАРТАРАФ ЭТИШ (БУЗИБ ТАШЛАШ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ”
[Кўчирма]**

...

2. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш ушбу соҳада ваколатга эга давлат органлари томонидан шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини (кейинги ўринларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб аталади) билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Қуйидагилар ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) ҳисобланади:

Ваколатли органлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

...

9. Ваколатли орган ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахсга ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган далолатномани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили ва туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) профилактика инспектори иштирокида топширилишини таъминлайди.

10. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс далолатномани олишни рад этган ҳолда ваколатли орган ушбу ҳолат тўғрисида камида уч киши

(ваколатли орган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) профилактика инспектори) иштирокида баённома тузилишини таъминлайди.

Баённомада далолатномани топшираётган шахсларнинг лавозими ва исми-шарифи, ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан далолатномани олишдан бош тортган сана ва бош тортиш сабаблари (мавжуд бўлганда) кўрсатиб ўтилади.

11. Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс ўн беш кун муддат ичида уни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт.

Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан ушбу иморатни бартараф этилиши (бузиб ташланиши)ни ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда назорат қилади.

Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида судга даъво берилган тақдирда даъво берилган кундан бошлаб суднинг якуний қарори қабул қилинишига қадар ушбу иморатни бартараф этилиши вақтинча тўхтатиб турилади.

12. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш учун белгиланган муддат тугагандан сўнг ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда икки иш куни мобайнида бу ҳақда туман (шаҳар) ҳокимига хабарнома киритади, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бузиб ташлаш ҳоллари бундан мустасно.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 31 ИЮЛДАГИ 561-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқаролар вакилларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ фуқаролар вакилларининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларда, шунингдек шаҳарларда, шаҳарчаларда, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг

сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

фуқаролар вакили — фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан белгиланган вакиллик нормаси асосида фуқаролар йиғини ҳудудидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишларида сайланган ва улар номидан фуқаролар йиғинида фаолият олиб борадиган ҳамда манфаатларини ифодалайдиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

вакиллик нормаси — фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан фуқаролар йиғинлари учун белгиланадиган фуқаролар вакилларининг сони. Бунда фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши керак;

вакиллик нормаси — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан фуқаролар йиғинлари учун белгиланадиган фуқаролар вакилларининг сони.

4. Фуқаролар вакиллари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Фуқаролар вакилларининг сайловини ташкил этиш

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ фуқаролар йиғинлари раислари навбатдаги сайлови эълон қилингандан сўнг қонунда белгиланган тартибда тузилган Фуқаролар йиғинлари раиси сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) фуқаролар вакилларининг сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

6. «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ишчи гуруҳ:

ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказди;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар фуқаролар вакиллари йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда фуқаролар вакиллари йиғилиши баённомасини тузади;

Ишчи гуруҳ фуқаролар вакилларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказишда тегишли ҳудуддаги фуқаролар йиғини кенгаши билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради.

7. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғинлари раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан белгиланган вакиллик нормасига асосан фуқаролар йиғинидаги фуқаролар вакилларининг сонини аниқлайди ва фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишини ўтказиш жойи, кун ва вақтини белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади.

8. Фуқаролар вакилларининг сайлови бўйича фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишини ўтказиш учун Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси тегишли ҳудудларга бириктирилади.

9. Ишчи гуруҳнинг бириктирилган аъзоси фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ва имзо варақасини тайёрлайди.

10. Фуқаролар вакилларига номзодлар фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилиши томонидан кўрсатилади ҳамда тегишли ҳудудлар аҳолиси томонидан очиқ овоз бериш орқали сайланади.

Фуқаролар вакилларига номзодлар ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшовчи, обрў-эътиборга, ҳаётий тажрибага эга бўлган фуқаролар орасидан кўрсатилади.

11. Овоз бериш натижаларига кўра фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишида иштирок этган фуқароларнинг оддий кўпчилик овозини олган номзод фуқаролар вакили сифатида сайланган ҳисобланади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда энг кўп овоз олган икки номзод орасида такрорий овоз бериш шу куннинг ўзида ўтказилади. Такрорий овоз беришда бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган номзод фуқаролар вакили этиб сайланган ҳисобланади.

12. Сайлов натижалари фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар

аҳолиси умумий йиғилиши баённомаси билан тасдиқланади. Баённома Ишчи гуруҳ аъзоси ҳамда қоида тариқасида ҳар бир ҳудуддан камида биттадан фуқаро томонидан имзоланади.

Баённомага сайловда иштирок этган фуқароларнинг имзо варақалари илова қилинади.

13. Фуқаролар йиғинидаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилиши баённомаси фуқаролар вакилларининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

14. Фуқаролар вакиллари ўз ваколатини фуқаролар йиғини раиси навбатдаги сайлови бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади.

3-боб. Фуқаролар вакилларининг йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, фуқаролар вакилларининг ваколатлари

15. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда фуқаролар йиғини кенгаши фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардаги фуқароларнинг вакиллари юборилади. Бунда фуқаролар вакилларининг йиғилиши қонунга мувофиқ фуқаролар йиғинини ўтказиш тартиби асосида ўтказилади.

16. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда ушбу вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

17. Фуқаролар вакилларининг йиғилишини олиб бориш учун раёсат сайланади. Фуқаролар вакилларининг йиғилишини фуқаролар йиғинининг раиси ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

18. Фуқаролар вакилларининг йиғилишида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

19. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши тегишли баённома билан расмийлаштирилади. Унда йиғилишнинг ўтказилган санаси, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва йиғилиш юзасидан қабул қилинган қарорлар акс эттирилади.

20. Фуқаролар вакилларининг йиғилишида қабул қилинган қарорлар фуқаролар йиғини қарорларига тенглаштирилади.

21. Фуқаролар вакиллари фуқаролар вакилларининг йиғилишида иштирок этиш орқали шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек

шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларга тааллуқли бўлган ваколатларни амалга оширади.

4-боб Фуқаролар вакилининг асосий вазифалари

22. Қуйидагилар фуқаролар вакилининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда иштирок этиш;

фуқаролар йиғинини комплекс ривожлантиришни таъминлашга, ўзи сайланган ҳудуд доирасида ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан ўзи сайланган ҳудуд доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиш;

коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, ўзи сайланган ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда кўмаклашиш;

ўзи сайланган ҳудудда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар томонидан тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳамкорлик қилиш.

Фуқаролар вакили ўзи сайланган ҳудуд аҳолиси манфаатларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Фуқаролар вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

23. Фуқаролар вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини кўриб чиқиш ҳақида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳамда фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

ўзи сайланган ҳудуддаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш зарурлиги ҳақида фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) таклифлар киритиш;

фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашга, ўзи сайланган ҳудуд доирасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режалари лойиҳаларига таклифлар тақдим этиш;

ўзи сайланган ҳудуддаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тўйи тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳамда фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

ушбу Низомга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳамда фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш.

24. Фуқаролар вакилининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари)да фаол иштирок этиш;

ҳар чоракда ўз зиммасига юкланган вазифалар ижроси ҳақида ўзи айланган ҳудуд аҳолисига ҳисобот тақдим этиш;

ўзи сайланган ҳудудда истиқомат қилаётган оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилишига, вояга етмаганлар ва ёшларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғинининг қарорлари ўзи сайланган ҳудудда татбиқ этилишига кўмаклашиш орқали маҳалланинг нуфузи, обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва таъсирини ошириш;

ўзи сайланган ҳудудда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарорларининг тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

25. Фуқаролар вакили қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажариши мумкин.

6-боб. Фуқаролар вакили ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

26. Фуқаролар вакилининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилади:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганлиги сабабли у вакил этиб сайланган ҳудуд аҳолисининг камида учдан бир қисми ташаббусига асосан;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

вафот этганда;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

27. Фуқаролар вакили ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, тегишли ҳудудда бир ой ичида Ишчи гуруҳ томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

7-боб. Яқунловчи қоида

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ РОЛИ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

1. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қуйидаги йўналишлар бўйича доимий ҳамкорлик ўрнатсин:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги муаммоларни

аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва унинг натижаларига кўра аниқланган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини тизимли равишда олиб бориш;

тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

деҳқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш чораларини кўриш;

ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таъсирчан ишларни ташкил этиш.

2017 йил 23 ноябрь,
940-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 27 НОЯБРДАГИ 944-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонида мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилайди.

2-боб. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимлари билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш тартиби

2. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимлари ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширадilar.

3. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг меҳнат мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари меҳнат муносабатларини тартибга соладиган норматив ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинадиган ва фуқаролар йиғини раиси тасдиқлайдиган ички ҳужжатларда аниқлаштирилади.

4. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини ваколатларини амалга ошириш мақсадида Фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига кўра, фуқаролар йиғини аҳолисини хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида айрим ишларни бажаришга жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Фуқаролар йиғини раиси маҳаллалар ҳудудида яшайдиган ишсиз шахсларни жамоат ишларига жалб қилиш учун улар билан меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга ва уларнинг меҳнатиغا Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

...

4-боб. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг иш тартиби

9. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг иш тартиби қирқ соатлик ва олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички тартиб қоидаларига кўра белгиланади.

10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида қонунчиликда белгиланган ваколатларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилади ва иш куни соат 7-00 дан 22-00 гача тақсимланади.

Фуқаролар йиғини ходимларининг мослаштирилган иш вақти шароитидаги иш жадвали ходимларнинг лавозим мажбуриятларини бажаришини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси томонидан, фуқаролар йиғини раисининг иш вақти жадвали — Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг иш жадвали уларнинг бевосита фуқаролар йиғини биносида бўлиш вақти кўрсатилган ҳолда умумий кўринадиган жойда осиб қўйилади.

11. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларига ҳар йили 24 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

12. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг ваколатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва фуқаролар йиғини раиси ҳамда ходимларининг меҳнат муносабатларини тартибга соладиган норматив ҳужжатларда назарда тутилган тартибда тугатилади.

13. Фуқаролар йиғини раиси ва ходимларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги низолар қонунчиликда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ 7-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

мурожаатнинг дубликати - айти бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

такрорий мурожаат - айти бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдириляётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

электрон мурожаат - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

оммавий қабул - маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалоқа - узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига телефон орқали қилинган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида ушбу Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг расмий веб-сайти орқали ёки уларнинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа ташкилотларнинг порталлари орқали тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

5. Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

7. Мурожаатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахс учун);

юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахс учун);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аниқ номи ва мурожаатнинг моҳияти.

Мурожаатларда мурожаат қилувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат қилувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат қилувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8. Мурожаатларни бериш муддатлари, қоидага кўра, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу Низом талабларига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиши мумкин.

...

2-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек, уларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.

Электрон мурожаатлар тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса, кейинги иш кунида қоғозга босиб чиқарилиши керак.

13. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида қайд этиш штампини қўйиш йўли билан рўйхатга олинади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган шахснинг исми, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисида белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг расмий номи, мурожаатнинг тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

14. Мурожаат почта орқали конвертга солиб берилганда конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда, икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари мурожаат қилувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

15. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари фуқаролар йиғини раиси ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш карточкаси тўлдирилади. Қайд этиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

16. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оғзаки мурожаат қилишганда, улар томонидан тақдим этилган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тўлдирилган қайд этиш карточкасига илова қилиниши керак.

17. Рўйхатга олинган мурожаат келиб тушган пайдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай фуқаролар йиғини раисига ёки унинг ўринбосарига киритилади, у масъул ходимни белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюция (топшириқ беради) қўяди.

18. Резолюция (топшириқнома) қўйилган пайдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

19. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган мурожаатлар уларнинг иш юритувига қабул қилиниши ёки тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилиши мумкин.

20. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган мурожаат беш кун муддатдан кечиктирмай фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа органларга ўтказиш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослангандирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

21. Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

22. Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатларни (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) кўриб чиқиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан унинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

23. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият юзага келган тақдирда, мурожаатни кўриб чиқувчи мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида - белгиланган тартибда бошқа органлардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

24. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш фуқаролар йиғини раисининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

25. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

26. Агар мурожаатда ўртага қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

27. Зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

28. Мурожаатни кўриб чиқаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат қилувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари жалб этиши мумкин.

29. Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарлари қабул қилади.

Жамоавий мурожаатларга жавоб хати, агар мурожаатда жавоб хатини бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаатга жавоб хати мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

30. Мурожаатга жавоб хати фуқаролар йиғини раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

31. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра бошқа шахсга юборилади.

32. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатларни рўйхатга олиш журналига ва қайд этиш карточкасига белги қўйилади.

33. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати олинса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин олинса, у ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

34. Такрорий мурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади, мазкур Низомнинг 44-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

35. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек, йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

36. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

37. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиш шарт бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса - бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолатларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли фуқаролар йиғини раиси томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар қилинади.

38. Таклиф фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан олинган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

39. Айрим ҳолларда фуқаролар йиғини раиси ёки унинг ўринбосарлари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари мумкин.

40. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

4-боб. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш

41. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

42. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш ижро учун масъул томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига телефон орқали келиб тушган мурожаатлар қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаат хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

43. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлиги текширилади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб, ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

44. Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини ёзма ёки электрон тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида оғзаки равишда, шу жумладан телефон орқали илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор

қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда; мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда; агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этгандан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймас.

45. Фуқаролар йиғини раиси мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

46. Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 44-банди иккинчи хатбошига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асосизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тўхталиши тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланадиган хулоса орқали мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

47. Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда, мурожаат мурожаат қилувчига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

48. Мурожаатни кўриб чиқиш чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли тугатилганда, мурожаат қилувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги хати орқали ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

5-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш

49. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш фуқаролар йиғини раиси ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

50. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат

этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга мазкур Низомда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

51. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, зарурият бўлганда, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун алоҳида хона ажратади.

52. Қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маъмурий биносида ҳамда маҳалла гузарларидаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

53. Фуқаролар йиғини раиси қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни, шунингдек, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

54. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш фуқаролар йиғини раиси иштирокида амалга оширилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилувчи фуқаролар йиғини раиси ёки унинг ўринбосарларининг кўрсатмаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик

шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

57. Фуқаролар йиғини раиси ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар вақтида фуқаролар йиғини раиси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар ўтказилиши мумкин.

Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 52-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

58. Шахсий қабул давомида фуқаролар йиғини раиси қарорига кўра ва мурожаат қилувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилиши мумкин.

6-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажбуриятлари

59. Мурожаат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўриб чиқиляётганда жисмоний ва юридик шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;
важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;
муурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик юзасидан тегишли туман (шаҳар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқишда бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

60. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат қилувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат бўйича қабул қилинган қарор юзасидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг

мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

7-боб. Мурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш

61. Фуқаролар йиғини раиси томонидан белгиланган масъул шахс мурожаатларнинг кўриб чиқилиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Масъул шахс мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда фуқаролар йиғини раисига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

62. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган фуқаролар йиғини раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан назоратдан ва ижродан чиқарилади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан чиқарилмайди.

63. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамиятнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Таҳлил натижалари бўйича масъул шахс фуқаролар йиғини раисига мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамиятнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

8-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик

64. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

65. Қонун ва ушбу Низом талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик фуқаролар йиғини раисига, унинг ўринбосари ва маслаҳатчиларига юкланади.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 18 МАРТДАГИ 205-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА
ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ”
[Кўчирма]**

...

4. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бошчилигида ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ таркибига туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, туман (шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ирригация бўлими, туман (шаҳар) касаба уюшмаси бўлими, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳ ўз ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чоратadbирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарори билан ташкил этилган секторлар кесимида бўлиниб, иш олиб боради. Сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ишчи гуруҳ фаолиятининг самарали олиб борилиши учун барча шароитларни яратишга масъулдир.

8. Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг ҳудудий дастурларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхаси сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ҳоким ёрдамчилари томонидан 1 мартгача қарорда назарда тутилган деҳқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига етказилади.

10. Кенгаш томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиб боради ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этади.

...

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида экинлар, маҳсулотлар ҳажми, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган миқдорлари тўғрисида маълумотларни умумлаштириб, маҳалла паспортига киритади ва ҳар олти ойда ушбу маълумотларни янгилаб боради.

Кенгаш томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисмини сотиш бўйича туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маҳсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб борилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 26 АВГУСТДАГИ 688-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонларини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини бошлаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат-хусусий шериклик — хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этишдаги ўзаро самарали ҳамкорлиги;

давлат шериги — туман (шаҳар) ҳокимликлари;

хусусий шерик — битим тузган ёки битим тузиш истагини билдирган юридик ёки жисмоний шахс. Давлат ташкилотлари хусусий шериклар бўла олмайди, шунингдек, хусусий шериклар тарафида иштирок эта олмайди;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича инвестициявий, инновацион, инфратузилмавий ва бошқа тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим — (кейинги ўринларда битим деб аталади) — томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ёзма шартнома;

4. Қуйидагилар маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш лойиҳаси амал-га оширилишида давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари ҳисобланади:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги, давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этган маълумотлар бундан мустасно;

камситмаслик, битим томонларининг тенг ҳуқуқлилиги;

томонларнинг битим бўйича мажбуриятларни виждонан бажариши;

хавф-хатар ва мажбуриятларнинг битим томонлари ўртасида адолатли тақсимланиши;

давлат-хусусий шериклик томонлари ўзаро муносабатларининг шартномада келишиб олинган асоси.

5. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган муддатга ер участкаларини ижарага бериш;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий техник ҳамда молиявий жихатдан таъминлаш.

Маҳаллаларда футбол майдонларини қуриш соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6. Давлат шериги ва хусусий шерикнинг футбол майдонларини ўзаро манфаатдорликда ташкил этиш бўйича таклифлари давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш учун асос ҳисобланади.

7. Ушбу Низомга мувофиқ маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун хусусий шерикларга ер участкалари ажратишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш тартиби татбиқ этилмайди.

2-боб. Хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш тартиби

8. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш истагини билдирган хусусий шерик туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилади:

Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

а) юридик шахслар учун — хусусий шерикнинг номи ва жойлашган жойи, жисмоний шахслар учун — шахсига оид маълумотлар ва яшаш манзили;

б) лойиҳани амалга ошириш мақсади ва шартлари;

в) битимнинг мўлжалланаётган объекти ёки ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) агар давлат-хусусий шериклик хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил қилинган футбол майдонлари ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш билан боғлиқ бўлса, хусусий шерик қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказиганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

биноларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказиганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

9. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига тушган аризалар йигирма кун мобайнида кўриб чиқилади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги уч кун мобайнида тушган аризани келишиш учун тегишли маҳалла фуқаролар йиғинига юборади.

10. Тушган ариза туман (шаҳар) ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилгандан сўнг, заруратга кўра, балансида сақловчи ташкилотларнинг ижобий хулосалари олингач танлов комиссияси томонидан битим тузиш ҳақидаги таклиф ёзма равишда хусусий шерикка маълум қилинади.

Агар айтилган бир ҳудуддан икки ёки ундан ортиқ хусусий шерикка ижобий хулосалар берилган бўлса, улар орасидан энг мақбули холис гувоҳлар иштирокида «Энг яхши маҳалла лойиҳачиси», «Энг яхши мақбул лойиҳа эгаси» танлови орқали аниқланади.

11. Ариза ушбу Низомнинг 8-банди талаблари бузилган ҳолда берилган бўлса, ҳужжатлар ариза берувчига бир иш куни мобайнида қайтарилади.

Тақдим этилган аризада талаблар бузилганлиги ҳақидаги билдиришнома ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ахборот тизими орқали хусусий шерикка етказилади (жўнатилади). Билдиришномада қандай талаблар бузилганлиги, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва хусусий шерик кўрсатилган талаблар бузилишини бартараф этиб, ҳужжатларни давлат шеригига такрор кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Хусусий шерик талаблар бузилишини бартараф этишга ва ҳужжатларни такрор кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Камчиликлар бартараф этилиб такрор тақдим этилган ариза қабул қилинган кундан бошлаб ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади.

3-боб. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун ер участкаларини бепул асосда ажратиш тартиби

12. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун аҳоли пунктлари таркибига кирадиган ер участкалари ажратилади.

Ер участкалари давлат шериги — туман (шаҳар) ҳокимлигига қонунчиликда белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади.

14. Туман (шаҳар) ҳокимлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ер участкасини хусусий шерикка ижарага бериш шартлари битимда белгиланади

16. Ер участкасини тақдим этишга доир материалларни тайёрлаш ва келишиш билан боғлиқ харажатлар хусусий шерик билан битим тузилгандан кейин у томонидан қопланади.

4-боб. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш, ўзгартириш, тўлдириш, шунингдек, бекор қилиш ва амал қилишини тўхтатиш тартиби

17. Давлат шерик ва хусусий шерик қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузади.

18. Битимда у амалга оширилиши шаклига қараб қуйидагилар назарда тутилган бўлиши керак:

хусусий инвестициялар объекти ва ҳажми;

битимнинг амал қилиш муддати ва шартлари;

футбол майдонлари фойдаланишга топшириладиган ва ишга тушириладиган муддат;

битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун шартномалар тузиш муддатлари, лойиҳани молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, лойиҳа бажарилишининг бориши устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби ва у қай даражада бажарилганлигига берилган баҳо;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида битим тузиш билан боғлиқ хавф-хатарларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун берилладиган объектга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

футбол майдонларидан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялаш тартиби;

битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин битимни ижро этиш жараёнида яратилган объектга ва бошқа мулкка доир ҳуқуқларни тақсимлаш тартиби;

битим шартларига риоя қилинмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битимни муддатидан олдин бекор қилиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун санкциялар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам келтирилиши мумкин.

19. Битимни имзолашга тайёрлаш учун давлат шериги хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини тақдим этади.

20. Агар зарур бўлса, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида битим қоидаларини келишиб олиш мақсадида музокаралар ўтказилади.

21. Битим давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада имзоланади.

22. Тузилган битимларнинг ягона реестри ҳокимликлар томонидан юритилади.

23. Битим ўттиз йилгача бўлган муддатда имзоланади. Битим, агар унда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, томонлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва битим муддати тугашигача ёки бекор қилинишигача амал қилади.

24. Қуйидаги ҳолларда битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

давлат шеригининг талаби бўйича - давлат шериги ва хусусий шерикнинг шартнома асосидаги муносабатларига доир маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этишни тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан;

суднинг ҳал қилув қарори бўйича.

25. Битим қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлса ёки тугатилса;

давлат шеригининг талаби бўйича - хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

хусусий шерикнинг талаби бўйича - давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

26. Битим амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддати тўхтатилиши томонларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

5-боб. Битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

27. Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хусусий шерикдан ҳар чорақда битим шартларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисобот олиш;

битим шартларини бажариш жараёни устидан мониторинг ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошишини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва битим шартларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш доирасида аниқланган қонунбузарликлар бартараф этилишини талаб қилиш;

хусусий шерик айби билан юзага келган объект бўйича зарарлар қопланишини талаб қилиш;

битим шартлари хусусий шерик томонидан бузилган тақдирда, битимнинг суд тартибида бекор қилинишини талаб қилиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишини молиялаштиришда иштирок этиш.

Давлат шериги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Давлат шериги қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

хусусий шерикка объектни битимни белгиланган муддатларда, тартибда ва шартларда бепул асосда тақдим этиш;

хусусий шерикларга солиқ имтиёзлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа преференциялар тақдим этилишида кўмаклашиш;

футбол майдонларини қуриш ва қайта қуриш учун замонавий қурилиш маҳсулотларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш;

барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва ҳоказолар) билан таъминлашда кўмаклашиш;

хусусий шерикнинг хўжалик фаолиятини олиб боришига аралашмаслик.

Давлат шеригига ушбу Низомда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

29. Хусусий шерик:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф қилиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун давлат шеригига тақдим этиш;

ер участкаларини, бўш ётган қаровсиз ер майдонларини битим амал қиладиган муддатга бепул асосда олишга ҳамда улардан фойдаланиш;

футбол майдонларини қуриш ва қайта қуриш учун замонавий қурилиш маҳсулотларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар олиш;
турли ёшдаги болалар учун футбол тўғараклари ва бошқа хизматларни ташкил этиш;

фойда олиш ва уни эркин тасарруф этиш;

битим шартлари давлат шериги томонидан бузилган тақдирда, уни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Хусусий шерик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Хусусий шерик қўйидаги мажбуриятларни бажаради:

битим ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

битим амал қиладиган бутун муддат давомида объект фаолиятининг ихтисослигини сақлаш;

футбол майдонари ҳудудида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига риоя қилиш;

футбол майдонларида кун салқин пайтда тегишли маҳалла ёшларининг футбол билан бепул шуғулланишига шарт-шароитлар яратиб бериш;

футбол тўғараклари ташкил этилган тақдирда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари футбол билан шуғулланишини ташкил этиш учун камида уч йил давомида ушбу футбол тўғаракларига бепул асосида шуғулланишини белгилаш;

объектнинг тўлиқ ёки қисман молиялаштирилишини, ундан фойдаланилишини, унга техник хизмат кўрсатилишини, шунингдек, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялашни таъминлаш.

Хусусий шерикка ушбу Низомда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

Битим амал қиладиган муддат тугамай туриб хусусий шерик мулки бўлган объект-нинг у томонидан мусодара қилинишига йўл қўйилмайди, хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алмаштирилиши бундан мустасно.

31. Битим мулкни битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин давлат шеригига қолдириш шarti билан тузилган тақдирда, хусусий шерик битимни узайтириш борасида устувор ҳуқуққа эга бўлади.

6-боб. Хусусий шерикнинг мулки негизда ташкил этилган футбол майдонларида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш

32. Хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий таъминлаш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тўғрисидаги лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида етти кун ичида битим тузилади.

33. Давлат-хусусий шерикликнинг ушбу шаклида томонлар ўртасида тузилган битимга мувофиқ давлат шериги хусусий шерикка лойиҳани амалга оширишда имтиёзли кредитлар олишига ҳамда барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва ҳоказолар) билан таъминлашда кўмаклашиши мумкин.

Давлат шериги қонун ҳужжатларида ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий таъминлаш шаклининг бошқа турини қўллаши мумкин.

34. Хусусий шерик лойиҳани амалга оширишда турли ёшдаги болалар учун футбол тўғараклари ва бошқа хизматларни ташкил этади ҳамда фойда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

7-боб. Якунловчи қоида

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 26 АВГУСТДАГИ 688-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини (кейинги ўринларда маслаҳатчи деб аталади) моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларининг фаолиятини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш бўйича ҳар бир туманда (шаҳарда) ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) шакллантирилади.

4. Моддий рағбатлантириладиган маслаҳатчилар комиссия томонидан ташкил этиладиган танлов (кейинги ўринларда танлов деб аталади) асосида аниқланади.

Комиссия томонидан танловда ҳар бир туман ва шаҳардан уч нафардан ғолиб бўлган маслаҳатчиларга олти ой давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида моддий рағбатлантириш пули тўлаб борилади.

5. Маслаҳатчиларга тўланадиган моддий рағбатлантириш маблағларининг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақами, 40 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси, 40 фоизи Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2-боб. Танлов ғолибини аниқлаш мезонлари

6. Комиссия томонидан ташкил этиладиган танлов ғолибларини аниқлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

ёшлар ўртасида футбол, оммавий спорт мусобақалари ташкил этилганлиги;

маҳаллаларда ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликларнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашга қаратилган тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ташкил этилганлиги;

ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, соҳа мутахассислари иштирокида маҳалла ёшлари учун бизнес тренинглар ташкил этилганлиги;

таълим муассасалари ўқувчилари даволатини яхшилашга қаратилган тадбирларда иштирок этганлиги;

туман (шаҳар) ва ҳудудий миқёсда ташкил этилган спорт мусобақалари, кўрик-танловларда маҳалла ёшларининг иштироки таъминланганлиги, шунингдек, уларнинг эришган ютуқлари;

фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиясининг фаолият самарадорлиги ҳамда ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар кўрсаткичининг кескин камайиши.

Комиссия томонидан танлов ғолибларини аниқлашда маслаҳатчилар эришган (амалга оширган) бошқа ишлар ҳам инобатга олинади.

3-боб. Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тўловини тайинлаш тартиби

7. Танловда иштирок этиш истагини билдирган маслаҳатчилар ҳар йили январь ва июль ойларининг 15-кунига қадар комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

паспорт нусхаси;

2 дона 3x4 см ўлчамли рангли фотосурат;

охирги йилнинг ҳар чорак якуни бўйича ушбу Низомнинг 6-бандида санаб ўтилган мезонларга мувофиқ амалга оширилган ишлар бўйича маълумот, видео ва фотолавҳалар, эришилган ютуқлар юзасидан диплом, сертификат ва фахрий ёрликлар нусхалари;

маҳалла ҳудудида яшовчи вояга етмаганлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг охириги бир йилда камайганлиги ёки содир этилмаганлиги бўйича профилактика инспектори томонидан тақдим этиладиган ҳамда фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланадиган маълумот.

8. Маслаҳатчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар комиссия томонидан беш кун мобайнида ўрганиб чиқилади ва ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ баҳоланиб, танлов ғолиблари аниқланади.

9. Танлов ғолибларига комиссия қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни мобайнида хабар берилади.

10. Танлов якунлари эълон қилингандан сўнг 5 иш кунида моддий рағбатлантириш маблағлари ушбу Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари ҳисоб варақларига ўтказиб берилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари томонидан моддий рағбатланиш учун ажратилган маблағлар танловда ғолиб деб топилган маслаҳатчиларга ҳар ойнинг учинчи кунигача белгиланган тартибда тўланади.

12. Моддий рағбатлантириш тўлови тегишли туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан тўхтатилади. Ҳисобот даврида моддий рағбатлантириш тўлови бўйича ишлатилмай қолган маблағлари олиб қўйилмай, кейинги даврга ўтказилади ва ушбу Низомда кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

13. Қуйидагилар моддий рағбатлантириш тўлови тўхтатилишига асос бўлади:

лавозимидан озод этилганда;
белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида маслаҳатчилик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда;

вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда.

Моддий рағбатлантириш тўлови тўхтатилиши маслаҳатчидан олдин тўланган тўловлар қайтариб олинишига асос бўлмайди.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР ТУРЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон **Фармони**га мувофиқ ҳамда давлат хизматларининг кўрсатилишида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни янада бартараф этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2018 йил 15 октябрдан давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиш бўйича тартиб бекор қилинсин:

а) қуйидаги фактларни тасдиқловчи:

шахснинг яшаш жойи бўйича (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги) яшаётганлиги;

шахснинг ишсизлиги;

болани, ёлғиз шахсларни, пенсионерларни ва ногиронларни парвариш қилганлиги ҳақида;

б) шахснинг тавсифномаси.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилиши жараёнида шахснинг яшаш жойи бўйича (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги) яшаётганлиги ҳамда унинг ишсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш зарурияти туғилганда, давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур маълумотларни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги органларидан мустақил равишда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали сўраб олади.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида оила таркиби, шу жумладан қариндошлик даражаси ва фуқаронинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тўғридан-тўғри фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан мустақил равишда сўраб олинади.

...

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари зиммасига юклансин.

2018 йил 3 октябрь,
789-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 9 ЯНВАРДАГИ 11-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “СУДЬЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА
АЪЗОЛАРИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ
[Кўчирма]**

...

22. Ишламайдиган II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг ёлғиз яшайдиган пенсионерга тегишлилиги ҳолати ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган органлар ва тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари томонидан тузилган ариза берувчининг яқин қариндошлари (ота-онаси, эри ёки хотини ва болалари) йўқлигини тасдиқлайдиган далолатнома асосида белгиланади.

...

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛДАГИ 95-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “ҚАТТИҚ ВА СУЮҚ МАИШИЙ
ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ БЎЙИЧА
ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ
ҚОИДАЛАРИ”
[Кўчирма]**

8. Қуйидаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда алоҳида тўлов эвазига амалга оширилади:

суюқ маиший чиқиндилар;

йирик габаритли маиший чиқиндилар;

чорвачилик чиқиндилари;

қурилиш чиқиндилари ва тупроқ;

дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглари ва бошқалар) ва смёт.

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўзининг хизмат кўрсатиш зонасидан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

...

11. Ушбу Қоидаларнинг 8-банди учинчи - бешинчи хатбошиларида кўрсатилган чиқиндилар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланган, вақтинчалик махсус ажратилган жойларга йиғиб турилиши керак.

Тўкилган барглари ёқиш қатъиян тақиқланади, улар махсус ажратилган жойлардан кўчадаги, уйлар олдидаги смёт билан бирга олиб чиқиб кетилади.

...

17. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда белгиланади, бунда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ маиший чиқиндиларни сақлашнинг чекланган муддати ўтиб кетмаслиги лозим.

18. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки бошқа шахслар оператив тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўриш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг диспетчерлик хизматига буюртманома беришга, шунингдек, Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ тегишли чоралар кўриш ва кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш учун Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари ва Марказнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишга ҳақли.

34. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмаган ёки тегишли бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги факти аниқланган ҳолатларда, истемолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузилади.

Далолатнома истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилларининг имзолари бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили келмаган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли ҳисобланади.

37. Бир вақтнинг ўзида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ходими томонидан тузилган далолатнома, ички ишлар органлари томонидан доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигининг тасдиғи, чегара (миграция) қайдлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи (ФХДЁ)нинг туғилганликни қайд этиш тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар), қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик, ҳақиқатда доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган шахслар сони ортган ёки камайган (кўчиб кириш, кўчиб кетиш, туғилиш ва шу кабилар) вақтдан бошлаб тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқилади, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса — ўтган уч ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

39. Марказнинг ҳудудий филиали абонентлар ва улар томонидан амалга оширилган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда абонентларнинг ҳаққоний ҳисоби юритилишини, шунингдек, Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига улар тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини ташкил этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ҳудудларни санитария жиҳатидан тозалаш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради.

42. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндиларини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланган,

вақтинчалик махсус ажратилган жойларга жойлаштириш ва уларнинг чиқинди тўплаш шохобчаларидаги контейнерларга ташланишига йўл қўймаслик;

44. Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидагиларга мажбур:

оммавий шартнома нусхасини хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига юбориш (шахсан имзо қўйдирилган ҳолда ёки тақдим этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта орқали);

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар билан шартномалар тузиш;

ўзига бириктирилган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан белгиланган тартибда келишилган жадвалга мувофиқ, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

...

46. Оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА (КАТТА) ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарорига мувофиқ:

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари лавозимлари тугатилиб, уларга иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмлари сақлаб қолинган ҳолда, бўшаётган штат бирликлари ҳисобидан профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари (кейинги ўринларда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари деб аталади) лавозимлари жорий этилганлиги ҳамда уларга ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш учун шахсий жавобгарлик юкланганлиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг тавсиясига асосан ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига, шу жумладан касбий тайёргарлик факультетига квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилганлиги;

профилактика инспекторларининг ёрдамчиларини ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш дастлабки ва касбий танлов натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ҳар йили белгиланадиган квоталарга мувофиқ амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Янги киритилаётган профилактика инспекторларининг ёрдамчилари лавозимларини сақлаш харажатлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойлашган биноларда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналари ажратсин ҳамда ушбу хоналарни моддий-техник жиҳозлар билан таъминласин.

2019 йил 26 март,
251-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 26 МАРТДАГИ 251-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

3. Қуйидагилар профилактика инспекторлари ёрдамчиларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

(учинчи хатбоши)

фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

4. Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш соҳасида:

қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиш, шунингдек, ўрганиш натижалари бўйича профилактика (катта) инспекторларига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этиш;

жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

бириктирилган ҳудудни ҳар бир оила кесимида ўрганиб чиқиш, нотинч оилаларни аниқлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш;

...

в) фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

аҳоли билан ўтказилаётган мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишнинг мақбул йўллари аниқлашга қаратилган учрашувларда иштирок этиш;

фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

9. Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари ўз вазифа ва функцияларини давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 28 МАРТДАГИ 257-СОН
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “ИЖТИМОЙ ЭҲТИЁЖМАНД
ОИЛАЛАРНИНГ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ
ТАЪЛИМ ОЛИШИНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисида
НИЗОМ”
[Кўчирма]**

...

3. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёзма тавсияси асосида амалга оширилади.

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ёзма тавсия - ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларига бериладиган ёзма тавсия;

...

8. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар йили 1 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларига ёзма тавсия билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари томонидан қўлга киритилган ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар (олимпиадалар, кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорлигини тасдиқловчи дипломлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчи ва унинг оила аъзоларининг паспорти ва/ёки туғилганлик

тўғрисидаги гувоҳномаси нусхалари;

ўқувчининг оила аъзолари биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчининг оиласи боқувчисини йўқотганлиги тўғрисида ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлганда).

...

13. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнида иштирок этувчи ташкилотлар мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган схемага асосан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари рўйхатини шакллантиради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида жойлашган таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тўғараклар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг иш самарадорлигини мониторинг қилиб боради;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ўтказилаётган спорт мусобақалари ва бошқа маънавий тадбирларга жалб этади;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларининг ихтиёрий билим олиш маданиятини ривожлантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали иштирок этади;

...

BAZIRLAR MAҲKAMASINING 2019 ЙИЛ 30 MARTDAГИ 262-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағлар (кейинги ўринларда жалб этилган маблағлар деб аталади) — фуқаролар йиғинининг қарорига асосан ихтиёрийлик асосида жисмоний ва юридик шахслардан (шартнома асосида) йиғиб олинган пул маблағлари;

ҳомийлик хайриялари — ҳомийлик мақсадларига йўналтириладиган мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари.

3. Жисмоний ва юридик шахслар ҳомийлик хайриялари шаклидаги ёрдамни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий ва беғараз амалга оширадилар.

«Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни ҳомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

4. Фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида ва ҳомийлик хайриялари шаклидаги маблағларни жалб этиш, улардан фойдаланиш ва назорат қилиш ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш

5. Жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

фуқаролар йиғинининг мақсадларига мос келадиган вазифаларни ҳал этишга доир тадбирларни амалга ошириш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарорига асосан жалб этиладиган маблағлар;

ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; фуқаролар йиғинлари ва юридик шахслар ўртасида хайрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномаларга асосан тегишли ҳудудда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқача шаклда қўллаб-қувватлаш ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдамлар.

6. Фуқаролар йиғинлари томонидан жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайриялари Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг филиалларида очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамларида белгиланган тартибда жамланади.

3-боб. Жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш

7. Фуқаролар йиғинлари томонидан жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида ушбу маблағлар ва ҳомийлик хайрияларининг мақсадидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида маблағлар жалб этиш ва улардан фойдаланиш фуқаролар йиғинлари ва юридик шахслар ўртасида хайрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларини бошқариш ҳамда тақсимлаш фуқаролар йиғини раиси томонидан амалга оширилади.

9. Жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайриялари, агар бошқа мақсадларга қаратилган бўлмаса ёки хайрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномаларда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, қуйидаги мақсадларга сарфланади:

а) кам таъминланган ва эҳтиёжманд бўлган ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, биринчи навбатдаги ҳаётий эҳтиёжини таъминлай олмайдиган кам даромадли, икки ва ундан ортиқ вояга етмаган болалари бор, боқувчиси ногиронлиги бўлган шахс ёки меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган, сурункали касални парвариш қилаётган оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун қуйидагича йўналтирилади:

уй ва квартираларни таъмирлаш;
қаттиқ ёқилғи (кўмир ва ўтин) маҳсулотлари билан таъминлаш;
ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш;
соғлиғини тиклаш;
коммунал хизматлар ҳақини тўлаш;
никоҳ ва суннат тўйларини ўтказиш.

б) маҳаллада табиий, техноген ва экологик хусусиятли талофат кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш;

в) маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш ҳамда коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;

г) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

4-боб. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат

10. Фуқаролар йиғини томонидан жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланишнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, ундан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини раиси томонидан жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек, ушбу маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларда маълумотларнинг тўғрилигини мунтазам назорат қилади.

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тафтиш комиссияси жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма сўровлари бўйича, жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланишнинг исталган босқичида уларнинг мақсадли сарфланишини текширади.

12. Фуқаролар йиғини раиси жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳар чоракда фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) ҳисобот беради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Фуқаролар йиғини раиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланиши ва бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши, шунингдек, жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавоб беради.

14. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 30 МАРТДАГИ 265-СОН
ҚАРОРИГА 8-ИЛОВА**

**Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши,
асралиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини
амалга ошириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

[Кўчирма]

...

13. Назорат қилувчи органнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт.

14. Назорат қилувчи орган бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат назорати масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

15. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

давлат назорати амалга оширилаётганда объектнинг мулкдори, фойдаланувчисини, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили иштирок этишини талаб қилиш;

...ҳуқуқига эга;

16. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

объектнинг мулкдори, фойдаланувчисига, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига давлат назоратини ўтказиш тўғрисидаги назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи нусхаси, хизмат гувоҳномасини, агар давлат назорати тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга тааллуқли бўлса, уларни текширишларни ўтказишга рухсат берувчи махсус гувоҳномани кўрсатишга;

давлат назорати натижасини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштиришга, унинг бир нусхаси давлат назорати тамом бўлган кунда давлат назоратидан ўтган объектнинг мулкдори, фойдаланувчисига, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига, давлат назоратига бевосита тааллуқли

юримдик шахсининг вакили ёки тадбиркорлик субъектига (якка тартибдаги тадбиркорга) ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ тақдим этишга;

...мажбур

17. Назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиши мумкин эмас.

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган вазиятларда давлат назоратини амалга ошириши режалаштирилаётган мансабдор шахс тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарига олдиндан ёзма равишда хабар беришга ва ўзини рад этишга мажбур. Ушбу талабнинг бажарилмаслиги давлат назорати натижаларининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

26. Давлат назоратини объектнинг мулкдори, фойдаланувчиси, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили, давлат назоратига бевосита тааллуқли юримдик шахсининг вакили ёки тадбиркорлик субъекти (якка тартибдаги тадбиркор) иштирокида амалга оширишга рухсат берилади, давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсининг талабига қарамай ушбу шахслар (вакиллар) иштирок этмаса, давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс икки нафар холис иштирокида далолатнома тузади ҳамда давлат назоратини амалга оширишга киришади.

35. Маълумотнома ёки далолатномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

объектнинг мулкдори, фойдаланувчисини, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти серияси ва рақами, доимий яшаш жойи манзили;

37. Маълумотнома ёки далолатнома уч асл нусхада расмийлаштирилади ҳамда давлат назорати тамом бўлган кунда қуйидагиларга:

биринчи асл нусхаси -назорат қилувчи органда ушбу Низомнинг 39-бандида келтирилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда йиғмажилдда сақланади;

иккинчи асл нусхаси - тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ушбу Низомнинг 39-бандида келтирилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда йиғмажилдда тегишли йўналтирувчи хат билан юборилади (далолатнома тузилганда);

учинчи асл нусха - мулкдор, фойдаланувчига, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига юборилади.

38. Маълумотнома ёки далолатнома нусхалари унга тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда давлат назорати тамом бўлган кунда тилхат олиниб қуйидагиларга:

мулкдор, фойдаланувчи бўлган ҳолларда, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига;

назорат қилувчи органнинг юқори ташкилотига топширилади (берилади) ёки буюртма почта орқали юборилади.

44. Тақдимнома иккита асл нусхада имзоланади ва расмийлаштирилади, унинг:

бир нусхаси - объект мулкдорига ёки фойдаланувчига, уларнинг юқори турувчи органига, агар мулкдор, фойдаланувчи бўлмаган (ёки белгиланмаган) ҳолларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, давлат назоратига бевосита тааллуқли юридик шахснинг вакили ёки тадбиркорлик субъектига (якка тартибдаги тадбиркорга) юборилади;

иккинчи нусхаси - тақдимномани берган органда сақланади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 30 МАРТДАГИ 265-СОН ҚАРОРИГА 9-ИЛОВА

Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланидиган теграларини белгилаш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

7. Қўриқланидиган теграларнинг лойиҳалари махсус ваколатли орган ва унинг ҳудудий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, объектларнинг эгалари ёки фойдаланувчилари, ер участкаларининг эгалари, устав (низом) фаолиятларида объектларни муҳофаза қилиш белгиланган юридик шахслар ташаббуси ёки суднинг ҳужжатига мувофиқ ишлаб чиқилиши мумкин.

8. Махсус ваколатли орган, унинг ҳудудий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, объектларнинг эгалари

ёки фойдаланувчилари, ер участкаларининг эгалари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар қўриқланадиган теграларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи бўлиши мумкин.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 30 МАРТДАГИ 265-СОН ҚАРОРИГА 10-ИЛОВА

Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташkil этиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши мумкин. Давлат органлари ушбу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини кўриб чиқади.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар тегишли давлат органларидан тарихий-маданий ҳудудлар тўғрисидаги тегишли ахборотларни талаб қилиш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар тарихий-маданий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тарихий-маданий экспертизасини ўтказиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан фойдаланишда жамоатчилик назоратини амалга оширишлари мумкин.

32. Тарихий-маданий ҳудудларни бошқариш режаси қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- кириш қисми;
- тарихий-маданий ҳудудларнинг тавсифи;
- тарихий-маданий ҳудудларни баҳолаш;
- тарихий-маданий ҳудудларни бошқариш стратегияси;
- тезкор режа;
- иловалар.

Бошқариш режасини тузишда қуйидагилар инobatга олиниши лозим:
ўтган беш йил давр учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгаришининг таҳлили;

ўтган беш йил даврдаги тарихий-маданий ҳудудлар фаолиятини баҳолаш таҳлили;

тарихий-маданий ҳудудларда кейинги беш йиллик давр учун амалга ошириладиган тадбирлар;

бошқариш тузилмаси, норматив-ҳуқуқий базаси, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаларни такомиллаштириш йўли билан амалга ошириш бўйича механизмлар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 30 МАРТДАГИ 265-СОН ҚАРОРИГА 12-ИЛОВА

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

2-боб. Жамоатчи инспекторни танлаш ва тасдиқлаш

5. Жамоатчи инспектор бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашига (кейинги ўринларда МФЙ деб аталади) қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

паспорти нусхаси;

3x4 ўлчамда 2 та рангли фотосурат;

маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (диплом) нусхаси.

Бош жамоатчи инспектор мамлакатдаги барча маданий мерос объектлари бўйича жамоат назоратини амалга ошириши мумкин.

Жамоатчи инспектор бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг аризаси МФЙ йиғилишида ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

МФЙ йиғилиши баёнининг қарори билан жамоатчи инспектор этиб тасдиқланади ёки рад этилади.

МФЙ йиғилиши баёнининг қарорида жамоатчи инспектор фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудидаги аниқ бир моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектига бириктирилади.

15. Жамоатчи инспектор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатни бартараф этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар

тўғрисида ахборот олиш учун тегишли давлат органларига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мурожаатини тайёрлашда иштирок этиш;

...

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 18 АПРЕЛДАГИ 328- СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (кейинги ўринларда фуқаролар йиғинларининг раислари деб аталади) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг раиси хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни (кейинги ўринларда ишончномалар деб аталади) тасдиқлаши мумкин.

3. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончномаларни тасдиқлашда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тасдиқланаётган ишончномаларга фуқаролар йиғинларининг номлари қайд этилган муҳр босилади.

4. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончномаларни тасдиқлашда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишончноманинг лойиҳаларини тузиш ва ишончномага доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

жисмоний шахслардан ишончномаларни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

5. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончномаларни тасдиқлашда:

жисмоний шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга;

томонлар тақдим этган ишончнома лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб бериш, уларнинг мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширишга;

қонунчилик ҳужжатларига мос келмайдиган ишончномаларни амалга оширишни рад этишга;

ишончномаларни тасдиқлаш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли органларга бу ҳақда хабар қилишга мажбур.

6. Ишончномалар давлат тилида расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган ишончнома матни фуқароларнинг талабига биноан фуқаролар йиғинининг раиси томонидан рус тилида ёки имкони бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар, ишончнома мурожаат қилган шахс тушунмайдиган ёки яхши билмайдиган тилда расмийлаштирилса, унда ишончнома матни фуқаролар йиғинининг раиси ёки мурожаат қилган шахс таниган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ким томонидан таржима қилинганлиги ва матн мазмуни тушунтирилганлиги ҳақида фуқаролар йиғинининг раиси томонидан ёзиб қўйилиши, имзоланиши ва муҳр қўйилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи билладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

7. Фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан тасдиқланадиган ишончномалар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ишончномаларни рўйхатга олиш китобида (кейинги ўринларда Рўйхатга олиш китоби деб аталади) рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш китобидаги ёзувлар қалам билан ёзилишига йўл қўйилмайди. Очiq қолган жойларга чизиқ тортиб қўйилади.

Ҳар бир ишончнома алоҳида тартиб рақам билан рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш китобида қайд этилган ишончнома рақами фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ишончноманинг тасдиқловчи ёзувида кўрсатилади.

Рўйхатга олиш китобидаги тартиб рақамларининг рақамланишида хатоликка йўл қўйилса, алоҳида маълумотнома тузилади ва фуқаролар йиғини раисининг имзоси ва муҳри билан рўйхатга олиш китобига елимланиб қўйилади.

8. Ишончномаларни тасдиқлаш фуқаролар йиғини жойлашган бинода амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра фуқаролар йиғинига бора олмайдиган айрим ҳолларда ишончномалар фуқаролар йиғини биносидан ташқарида, яъни мазкур жисмоний шахс ёхуд унинг вакили жойлашган жойда тўлдирилиши мумкин.

Ишончномалар фуқаролар йиғини жойлашган бинодан ташқарида тўлдирилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида ва ишончномаларни рўйхатга олиш китобида ишончнома расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади.

9. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) шахсини аниқлайди.

Ишончномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчи фуқароларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқароларининг шахси — уларнинг миллий паспорти (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

фуқаролиги бўлмаган шахс учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

10. Ишончнома тасдиқлаб берилаётганда ишончнома берувчининг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади. Ишончнома вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколоти ҳам текширилади.

Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мулоқот давомида аниқланади.

11. Фуқаролар йиғинининг раисида ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилувчилар руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки ўз ҳаракатларини

бошқара олмайди ёхуд спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асос бўлса-да (шубҳа тўғрисида), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, улар ишончномани тасдиқлашни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори бор-йўқлигини аниқлайди.

Агар, мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, фуқаролар йиғинининг раиси ишончномани тасдиқлашни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Фуқаролар йиғинининг раиси ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар, мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, фуқаролар йиғинининг раиси ишончномани тасдиқлашда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг розилигини талаб этади.

12. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажримини олган тақдирда, бу ҳақда ишончномаларни рўйхатга олиш китобига ва ишончноманинг фуқаролар йиғинида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди.

13. Жисмоний шахслар томонидан тақдим қилинган ёки фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан тузиладиган ишончнома лойиҳалари қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

14. Ишончномалар фуқаролар йиғинининг раиси иштирокида имзоланади.

Агар, фуқаро жисмоний нуқсон, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра ишончномани ўз қўли билан имзолай олмаса, ишончномани унинг топшириғига кўра ўзи ва фуқаролар йиғинининг раиси ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда ишончнома тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши шарт.

Агар, ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўрмаса, шунингдек, касаллиги туфайли ишончномани ўқий олмаса, фуқаролар йиғинининг раиси унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Ишончнома тасдиқлашни сўраб кар-соқовлик нуқсон (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда саводсиз бўлса,

ишончномани тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва ишончноманинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро ишончнома тасдиқлашни сўраб мурожаат қилса, ишончнома унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан ишончноманинг мазмунини ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини фуқаролар йиғинининг раиси билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, ишончномани тасдиқлашда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар ишончнома билан бирга тикиб қўйилади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ишончнома таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши ҳақида фуқаролар йиғинининг раиси томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ишончнома матнида кўрсатилади.

2-боб. Ишончномаларни тасдиқлаш тартиби

15. Ишончноманинг матни аниқ ва равшан, мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар кўрсатилган бўлиши шарт. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили кўрсатилган ишончномаларни тасдиқлашда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

16. Ишончномадаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизик тортиб қўйилади, чет элда амал қиладиган ишончномалар бундан мустасно. Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (ишончномани имзолаган бошқа шахсларнинг) имзоси олдидан изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида фуқаролар йиғини раисининг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, фуқаролар йиғини раисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар фуқаролар йиғини раисининг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғинининг раиси ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра, ишончномага унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки ундаги аниқ арифметик хатоларнигина тузатиши мумкин.

17. Мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, ишончнома лойиҳаси фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тузилиши мумкин.

18. Ишончномаларни тасдиқлашда мазкур Низомга 2 ёки 3-иловаларда келтирилган намуналарга мувофиқ тасдиқловчи ёзувлар ёзилади ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси томонидан имзоланиб, муҳр босилади.

19. Тасдиқловчи ёзувнинг матни компьютер воситасида ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизиқ тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Низомнинг 16-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларни амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

20. Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан ишончномаларни тасдиқлаш учун ҳужжатлар қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

қариб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

21. Фуқаролар йиғинининг раиси қуйидаги ҳолларда ишончномани тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай ишончномани тасдиқлаш қонунга зид бўлса;

бу ҳаракат нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

ишончномани тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги яққол кўриниб турган бўлса ёки бунга шубҳа туғдирувчи етарли асослар мавжуд бўлса, ишончнома тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Ишончномани тасдиқлаш рад этилган тақдирда фуқаролар йиғинининг раиси мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ қарор чиқаради ҳамда мурожаат қилган шахсга беради.

Рад этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган фуқаролар йиғини раисининг фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаролар йиғинининг номи, жойлашган жойи (почта манзили);

ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, турар жойи;

ишончномани тасдиқлашни рад этишга сабаб бўлган ҳолатлар (қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда);

шикоят қилиш тартиби.

22. Фуқаролар йиғинининг раиси ишончнома тасдиқлаш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида, манфаатдор жисмоний шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайди.

23. Ишончномани тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этиб қўйилади.

24. Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, ишончли вакилга берилаётган ваколатлар доираси, Фуқаролик кодексининг 141 ва 142-моддалари тушунтирилганлиги кўрсатилиб ўтилиши керак.

25. Фуқаролар йиғинининг раиси ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан ишончномаларни тасдиқлашга ҳақли эмас.

Бундай ҳолларда ишончномалар исталган бошқа фуқаролар йиғинининг раиси томонидан амалга оширилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошидаги қоидалар бузилган ҳолда тасдиқланган ишончномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

26. Фуқаролар йиғинларининг раислари жисмоний шахсларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ ҳамда суд, прокуратура, тергов органларининг қарор ёки ажрим шаклида ёхуд процессуал қонунларда

белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган талабномаларига асосан рўйхатга олиш китобидан кўчирмалар беради.

27. Фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари фуқаролар йиғинининг йиғмажилдларида сақланаётган ишончномалар йўқолган тақдирда, жисмоний шахсларнинг ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра, йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади.

Аризалардаги имзолар фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига берилган ишончномалар матнида ҳужжатнинг дубликати олиш ваколати кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишончнома дубликатида тасдиқланган ва берилган асл ишончноманинг тўлиқ матни бўлиши шарт.

28. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар, ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

29. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

30. Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда, рўйхатга олиш китобига ҳамда фуқаролар йиғинининг раисида сақланаётган ишончнома нусхасига белги қўйилади. Ушбу ариза ишончнома нусхасига ёки алоҳида йиғмажилдга тикиб қўйилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишончли вакилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

31. Фуқаролар йиғинининг раиси томонидан ишончномалар тасдиқланганлиги учун тўлов ундирилмайди.

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРДАГИ 754-СОНЛИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

**Аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
[Кўчирма]**

6. Аҳолини тайёрлаш, тоифалар доирасида ташкил этиладиган гуруҳлар таркибида, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, ходимлари, ишчи ва хизматчилари ҳамда ҳарбий хизматчилар:

...

туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул мутахассислари, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари - 3 йилда бир марта жамлаш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади), шунингдек, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларининг (кейинги ўринларда ҳудудий марказлар деб аталади) малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида;

...

в) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикасига ташириф буюрган туристлар:

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахслар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўқув-маслаҳат пунктларида суҳбатлар ўтказиш, маърузалар ўқиш, ўқув фильмларини намойиш этиш, ўқув машқлари ва машғулотларга жалб этиш, шунингдек, қўлланмалар ва эслатмаларни тарқатиш, радио ва теледастурларни эфирга узатиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида соҳага оид маълумотларни жойлаштириш орқали;

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини тайёрлаш соҳасида:

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахслар билан суҳбатлар, маърузалар ва учрашувларни ташкил этади ва ўтказди;

ФВДТ хизматлари томонидан тайёрланган эслатмалар, методик қўлланмалар ва бошқа тарғибот материалларини тарқатади;
ўқув машқлари ва машғулотларга маҳаллий аҳолини жалб қилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 18 ДЕКАБРДАГИ 1012-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

...

комиссия — иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш ҳамда улар ўрнида интенсив боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулосани қабул қилувчи туман (шаҳар) комиссияси. Комиссия таркибига туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (комиссия раиси), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги вакили (комиссия котиби), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 31 ДЕКАБРДАГИ 1059-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Узлуксиз маънавий тарбия КОНЦЕПЦИЯСИ [Кўчирма]

...

7. Ушбу мақсадга эришиш, уни амалда рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

...

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;

8. Узлуксиз маънавий тарбия:

...

давлат бошқаруви органлари, жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла ва оила институтлари орқали жорий этилади.

...

14. Маҳалла, оилаларда ота-оналар ва болалар маънавий тарбиявий муносабатларини таҳлил этиш асосида «Намунавий оилавий тарбия муҳити» мезонларини белгилаш ва шу асосида маҳалла, туман, шаҳар, ҳудудлар ва республика танловларини ўтказиш.

...

19. Оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиялаш методларига оид билимларини мунтазам ошириб бориш мақсадида:

...

маҳаллалардаги «Ота-оналар университетлари»да ота-оналар учун фарзандларда ёшига мос ижтимоий компетенцияларни тарбиялаш бўйича тренинглари ўтказиш;

...

55. Ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар билан ишлашда инobatга олиниши лозим бўлган жиҳатлар:

...

ёш оилаларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг маҳаллада интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига эришиш.

...

67. Оилалар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш лаёқатига эга бўлган ёшларнинг маънавий камол топиши учун зарур бўлган инновацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАГИ 3-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

**“Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя
ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш
тўғрисида низом”
[Кўчирма]**

...

11. Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича:

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қилади;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йиғини раиси ва маҳалладаги хотин-қизлар фаоли иштирокида далолатнома расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жинойий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

21. Ҳимоя ордери амал қилиш даврида:

а) профилактика инспекторлари:

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

б) меҳнат органлари:

хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазйиқ ва зўравонлик ўтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиши;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ишлаётган ёки таълим олаётган ташкилот раҳбари тақдимномани олганидан кейин уч иш куни ичида жабрланувчи ҳамда тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани

бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади;

в) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари:

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

г) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

д) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари:

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

жабрланувчини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан низоли вазиятларни профилактика қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш чораларини кўради;

хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир

тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи зўравонликни содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида суҳбатлар ўтказади;

бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАГИ 3-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

5. Тузатиш дастури зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларни жамиятда ўрнатилган умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти, меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли орган ва ташкилотлар деб аталади) томонидан бир ойгача бўлган муддатда амалга оширилади.

11. Шахс қуйидаги ташкилотларда тузатиш дастуридан ўтади:

фуқаролар йиғини оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясида — оила-турмуш доирасидаги низоли вазиятлар юзасидан;

таълим муассасасида — тузатиш дастуридан ўтиши белгиланган таълим муассасасида таҳсил олувчи, ўқитувчи ёки бошқа ходим билан боғлиқ низолар юзасидан;

соғлиқни сақлаш муассасасида — тузатиш дастуридан ўтувчи шахснинг руҳий ҳолати бўйича;

меҳнат органларида — тузатиш дастуридан ўтувчи вақтинча ишсиз шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича;

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармаларида — тузатиш

дастуридан ўтувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ёшлар билан боғлиқ низолар бўйича.

Бунда шахс қайси ташкилот(лар)да тузатиш дастуридан ўтиши лозимлиги профилактика инспектори томонидан профилактика бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда белгилаб берилади.

12. Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли:

тузатиш дастуридан ўтувчи шахслар билан ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган тадбирларни умумлаштириш мақсадида ҳар бир шахс бўйича алоҳида йиғма жилд очади;

шахсни тузатиш дастуридан ўтишини амалга ошириш тадбирларини ташкил қилиш учун фуқаролар йиғини раисининг имзоси билан ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда ваколатли орган ва ташкилотларга хат юборилишини таъминлайди.

Ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастуридан ўтувчи шахс билан тегишли хулқ-атворни тузатишга қаратилган тадбирларни амалга оширади ҳамда ҳисобини олиб боради.

13. Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг тузатиш дастуридан ўтиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

фуқаролар йиғини оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси оила-турмуш доирасидаги низолардан келиб чиқиб тузатиш дастуридан ўтишга юборилган шахсни ўз ваколати доирасида ўрганади, низони бартараф этиб, тузатиш тадбирларини амалга оширади ва тузатиш дастуридан ўтувчи шахсни ўз назоратига олади;

таълим муассасаси тузатиш дастуридан ўтувчи таҳсил олувчилар, ўқитувчи ёки бошқа ходим билан боғлиқ низоларни бартараф этиш чораларини амалга оширади, низолашувчи томонларни келиштиради ва содир этилиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олади;

соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда шахслар руҳий ҳолати текширилади ва ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган тартибда тузатиш дастуридан ўтади. Бунда тузатиш дастуридан ўтказишнинг аниқ муддати тегишли соғлиқни сақлаш муассасаси раҳбари томонидан шахснинг руҳий-психофизиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда мустақил белгиланади;

меҳнат органлари тузатиш дастуридан ўтувчи вақтинча ишсиз шахсларнинг бандлигини таъминлайди ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

Ёшлар иттифоқи тузатиш дастуридан ўтувчи ёшлар билан яқка ва гуруҳ

тартибида тарбиявий ишларни амалга оширади ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлайди, профилактик чора-тадбирларни ташкил этади;

Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлари зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлайди ва зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс билан яқка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказиши.

15. Ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастуридан ўтувчи шахслар билан ўтказилган яқка тартибда ва гуруҳ шаклида психологик, педагогик, ижтимоий ва тиббий йўналишлардаги тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни фуқаролар йиғинига юборади.

Мутахассис ваколатли орган ва ташкилотлардан тузатиш дастуридан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилади ва унинг яқунлари фуқаролар йиғинида тегишли профилактика инспектори иштирокида муҳокама қилинишини таъминлайди.

Фуқаролар йиғини муҳокамасида шахсни тузатиш дастуридан ўтказишда иштирок этган ваколатли орган ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ХОРИЖДА ОТА-ОНАСИ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ БОЛАЛАРИНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

2. Белгилансинки:

...

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни Ўзбекистонга қайтаришда иштирок этувчилар ҳисобланади;

барча вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий ва таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бўйича ички ишлар органларининг сўровномаларини ўрганиб чиқиб, тегишли маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди.

2020 йил 7 январь,
6-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 7 ЯНВАРДАГИ 6-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартиби тўғрисида низом [Кўчирма]

...

9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари қайтарилиши лозим бўлган бола тўғрисида фуқаролар йиғинидан, доимий ёки вақтинча яшаганлиги, яқин қариндошлари, ота-онаси тўғрисида, ФХДЁ органларидан туғилганлик гувоҳномаси, халқ таълими бўлимидан ўқиган таълим муассасаси, ушбу бола қайтарилгандан сўнг унга васий ёки ҳомий белгиланиши, болалар уйига жойлаштирилиши (3 ёшгача бўлган болаларни) тўғрисидаги маълумотлар олинишини таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “УЙ- ЖОЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ЭҲТИЁЖМАНД МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДАН ХОНАДОНЛАР АЖРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

...

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига талаб этиладиган уй-жойларнинг рўйхатини шакллантириб, уй-жойлар

қурилиши бўйича келгуси йилга мўлжалланган давлат дастурларига белгиланган тартибда киритиш учун Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этиб борсин.

2020 йил 29 январь,
39-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАГИ 52-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

7. Туман ҳокимлиги:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонага талабгор бўлган ташаббускорларнинг дастлабки рўйхатини ушбу Низомга 2-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ шакллантиради;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИ ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ЯНАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

...

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари - туман секторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида, туман ҳокимлари - деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кесимида ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотини инобатга олган ҳолда, «бир маҳалла - бир маҳсулот» тамойили асосида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш прогноз кўрсаткичларини ўн кун муддатда тасдиқласин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

ва туманлар ҳокимликлари — ушбу қарорга 1 ва 3-иловаларга мувофиқ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари тўлиқ экилиши учун масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

2020 йил 30 январь,
53-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 14 АВГУСТДАГИ 485-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолияти самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда — рейтинг баҳолаш) ҳар ярим йиллик якуни бўйича ўтказилади.

3. Рейтинг баҳолаш қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланади.

4. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятининг самарадорлиги фуқаролар йиғинининг раиси ва унинг маслаҳатчилари (фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари), маҳалла хотин-қизлар фаоли ва фуқаролар йиғинидаги комиссияларнинг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган самарали фаолияти йиғиндиси билан баҳоланади.

5. Рейтинг баҳолаш натижасида баҳолаш «намунали», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» фуқаролар йиғинлари аниқланади ҳамда «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари раислари ва

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар моддий рағбатлантирилади.

Фаолияти «яхши» деб баҳоланган фуқаролар йиғинларини ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ишини намунали қилиш ҳамда фаолияти «қониқарли» ва «қониқарсиз» деб баҳоланган фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

6. Фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

2-боб. Рейтинг баҳолашнинг мақсад ва вазифалари

7. «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни жорий этиш, фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар таълим-тарбиясида ва маънавиятини юксалтиришда нуронийларнинг ролини ошириш борасида юқори кўрсаткичларга эришиш рейтинг баҳолашнинг мақсади ҳисобланади.

8. Қуйидагилар рейтинг баҳолашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли осойишталигини, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш;

фуқаролар йиғинларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ташкил қилиш;

аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, жумладан, хотин-қизларни, қишлоқ жойлардаги ёшларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ривожлантириш;

ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд ҳамда камбағал оилаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш бўйича олиб борилаётган сайъ-ҳаракатларни тизимлаштириш ва ижобий натижаларга эришиш;

нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан шлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш ишларини янада жонлантириш.

3-боб. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ва методикаси

9. Фуқаролар йиғинлари, шу жумладан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мазкур Низомнинг 1-иловасида ҳамда ушбу бобда келтирилган кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

10. Фуқаролар йиғинлари фаолиятини баҳолашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир ходимининг, маҳалла хотин-қизлар фаолининг ўз функционал вазифаларини сидқидилдан бажарганлиги ва унинг ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда:

фуқаролар йиғини ва унинг органларида иш юритишнинг тўғри ташкил қилиниши ҳамда самарали олиб борилишини, шунингдек, қарорларни ижро этишга доир ишларни ташкил этиши;

тегишли ҳудудда маслаҳат марказлари ишини ташкил этиши;

эгасиз мол-мулкни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мерос тариқасида ўтган мол-мулкни, шунингдек даволаш муассасаларида турганлиги муносабати билан вақтинча бўлмаган ёлғиз шахсларнинг мол-мулкни, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки васийлик ва ҳомийликда турган, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулкни сақлаш чораларини кўриши;

камбағал оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиши;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиши;

кексаларнинг, айниқса ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриши, уларга моддий кўмаклашиш, қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиши;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиши;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларини мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни ташкил этиши, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиб, уларнинг муносабатларини кўриб чиқиши;

тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектларини сақлаш юзасидан маҳалла аҳолиси орасида тушунтириш ишларини амалга ошириши;

ҳар чорақда ўз маҳалласи ҳудудидаги долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига тақдим этиб бориши, бажарилмаган ишлар юзасидан юқори турувчи ташкилотга ёхуд ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимнома киритиши;

кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ҳамда «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг фаолиятини ташкил қилиши;

фуқаролар йиғини маблағларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этиши;

фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши;

давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифода этиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига фуқаролар йиғини фаолиятига доир масалалар юзасидан таклифлар киритиши ва уларнинг кўриб чиқилишида иштирок этиши;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритишига;

б) фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарининг:

ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ишларини ташкил этиши, ушбу йўналишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши;

ҳудуддаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиб, натижалари бўйича фуқаролар йиғини раиси, туман (шаҳар) ички ишлар органи, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этиши;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича профилактика чора-тадбирларини, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириши;

профилактик ҳисобга олинганларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатишга қаратилган чораларни амалга ошириши;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирлар ўтказиши;

давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиши;

доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлаб, ҳисобини юритиши, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб бориши, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириши;

ҳудуддаги ҳар бир оилани ўрганиб, нотинч оилаларни аниқлаши ва улар билан профилактика ишларини олиб бориши, шу жумладан, мутасадди ташкилотлар билан уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга қўмаклашиши;

ички ишлар органларининг пробацация хизмати ҳисобида турган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазога ҳукм қилинган шахслар, шунингдек, қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга ошириши ва улар билан профилактика ишларини олиб бориши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ва маъмурий назоратга қўйилган шахсларга тарбиявий-профилактик таъсир чораларини амалга ошириши, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя этилишини назорат қилиши;

ўқувчиларнинг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиши, хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориши;

эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриши;

васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашиши;

санитария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этиши;

суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишида жамоат тартибини таъминлашда иштирок этиши;

зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва бошқа ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши, зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтказилишини ташкил этиши;

ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги патруль гуруҳининг фаолиятини ташкил этиши ва мувофиқлаштириб бориши;

фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши;

табiiй офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишда жамоат тартибини таъминлаши;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериши ва унинг ижросини таъминлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб ҳал этишига;

в) маҳалла хотин-қизлар фаолининг:

ҳудудда хотин-қизларнинг оилада, маҳалла ва меҳнат жамоаларидаги ролини кучайтириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги манзилли ишларни ташкил этиши;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши;

ёшларни миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиши;

ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб бориши, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга кўмаклашиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳити ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириши;

эрта никоҳларнинг олдини олиш, нотинч ва муаммоли оилалар билан манзилли ишлаши;

хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб бориш чораларини кўриши;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиб, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориши ҳамда уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиши;

оилада турмуш маданиятини шакллантириш, хонадонларда санитария-гигиена қоидаларини кенг тарғиб этиш ишларини ташкил этиши;

оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёш қизларни ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириши ҳамда мазкур тадбирларни амалга оширишда тегишли давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши;

фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси, «Аёллар маслаҳат кенгаши» ҳамда «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини ташкил этиши ва мувофиқлаштириб бориши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб ҳал этиши;

хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида фуқаролар йиғини кенгаши ва ваколатли давлат органига мурожаат қилиб, бажарилмаган тақдирда, юқори турувчи ташкилотга ёхуд ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимнома киритишига;

г) фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиши, иш билан банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этиши, фуқаролар йиғини биносида бўш иш ўринлари тўғрисида эълон бериб бориш чораларини кўриши;

ҳудуднинг қадимий касб-ҳунар анъаналаридан келиб чиққан ҳолда оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштиришга оид мақсадли ва тизимли ишларни амалга ошириши;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини мониторинг қилиши;

фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши;

камбағал оилаларни эҳтиёжмандлик даражасидан чиқариш чораларини кўриши;

ёлғиз кексаларга, муҳтож ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли тадбирларни амалга ошириши;

аҳолининг томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиб, бу борадаги саводхонлигини ошириш чораларини кўриши;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати ва уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини, хайрия ҳашарларини ихтиёрийлик асосида ташкил этиши;

аҳолининг мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориши;

томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида, шу жумладан агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамда шартномалар тузишда кўмаклашиши;

фуқаролар йиғинининг қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориши;

фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши;

узрсиз сабабларга кўра экин майдонларидан фойдаланмаётган томорқа ер эгаларига нисбатан жамоатчилик таъсири чораларини кўриш юзасидан фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

11. Туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари фуқаролар йиғини, оила ва хотин-қизлар бўлимлари маҳалла хотин-қизлар фаолиятини рейтинг баҳолаш даврида (ярим йиллик ва иккинчи ярим йиллик учун) мазкур Низомда қайд этилган ташкилот ва идоралар, шунингдек, жамоат тузилмаларига тегишли маълумотларни олиш ва фойдаланиш юзасидан мурожаат қилади, тегишли маълумот ва ҳисоботларни йиғади, таҳлил қилади, шунингдек, ҳар бир кўрсаткичнинг асослантрилишини назорат қилади.

12. Рейтинг баҳолаш фуқаролар йиғинларининг қуйидаги географик жойлашувини инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

шаҳарда;

туман марказида;

туман марказигача 30 км бўлган масофада;

туман марказидан 30 км ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудида;

чегара (ёки анклав) ҳудудда жойлашганлиги.

13. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти 100 баллик рейтинг тизими асосида қуйидагича баҳоланади:

85,0 — 100 балл тўпланганда — «намунали»;

71,0 — 84,9 балл тўплаганда — «яхши»;

50,0 — 70,9 балл тўплаганда — «қониқарли»;

49,9 балл ва ундан кам балл тўплаганда «қониқарсиз».

15. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ методика асосида баҳоланади.

16. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолашга оид асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ методик тавсияларга асосан амалга оширилади.

4-боб. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш

17. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ушбу Низомга 1-иловада келтирилган кўрсаткичлар бўйича баҳоланаётган жорий ярим йиллик ва ўтган охириги ярим йиллик (мисол учун, жорий иккинчи ярим йиллик баҳоланаётганда, жорий йилнинг ўтган биринчи ярми билан солиштирилади) давомидаги маълумот фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда тегишли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ярим йиллик бўйича 20 июлга қадар ҳамда иккинчи ярим йиллик учун келгуси йилнинг 20 январига қадар туман (шаҳар) маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятига доир маълумотлар эса оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этилади.

18. Тақдим этилган ҳисоботлар ва маълумотлар туман (шаҳар) маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятига доир ҳисоботлар ва маълумотлар эса оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан 10 кун муддатда таҳлил қилиниб, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятининг самарадорлиги даражаси рейтинг тизимида баҳоланади.

19. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини баҳолаш биринчи ярим йиллик бўйича 1 августга қадар ҳамда иккинчи ярим йиллик бўйича келгуси йилнинг 1 февралига қадар туман (шаҳар) маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини баҳолаш эса оила ва хотин-қизлар бўлимларининг тегишли буйруғи билан тасдиқланади ҳамда натижалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади.

20. Туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ярим йилликда 15 августга қадар ҳамда иккинчи ярим йиллик учун келгуси йилнинг 15 февралига қадар рейтинг баҳолаш натижалари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган фаолларни (фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кекса ва фахрийлар бўйича маслаҳатчилари), оила ва хотин-қизлар бўлимлари маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини моддий рағбатлантириш юзасидан туман (шаҳар) ҳокимлигига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклиф киритади.

Рейтинг натижалари бўйича туман (шаҳар)даги «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинларининг ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларнинг йил якуни бўйича натижаларини ҳисоблайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти бўйича натижаларни Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим этади.

21. Рейтинг баҳолаш якунлари ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари, тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

5-боб. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш

22. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни моддий рағбатлантириш биринчи ярим йилликда 30 августга қадар ҳамда иккинчи ярим йиллик бўйича келгуси йилнинг 30 мартга қадар туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

«Намунали» деб топилиб, рағбатлантиришга тавсия этилган фуқаролар йиғинлари, шунингдек, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари сони умумий фуқаролар йиғинлари, шу жумладан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари сонининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

23. «Намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ҳамда жамоатчилик асосида

фаолият юритаётган шахсларнинг (фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси) ҳар бирига:

а) туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига бир мартаба:

баҳоланаётган ярим йиллик натижалари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,75 баробаригача пул маблағлари ажратилади;

б) йил якуни натижалари бўйича тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ёки уларнинг ҳудудий бошқармалари ҳисобидан республика ҳудудидаги санаторийларидан бирида соғлигини тиклаш учун бир мартабалик бепул йўлланма берилади;

в) «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари, маҳалла хотин-қизлар фаолларини рағбатлантириш мақсадида қўшимча равишда бошқа қимматбаҳо совғалар берилиши мумкин.

231. «Намунали» деб топилган ва тегишли талабларга жавоб берувчи фуқаролар йиғинлари ходимларини йил якуни натижалари бўйича рағбатлантириш тариқасида улар белгиланган тартибга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларига кадрлар захирасига киритиш бўйича тавсия этилиши мумкин.

24. Рейтинг баҳолашнинг йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари, шу жумладан маҳалла хотин-қизлар фаоллари орасидан энг юқори балл тўплаган фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларга оид ҳужжатлар ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига рағбатлантириш учун тақдим этилади.

Бунда бир хил натижага эришган маҳаллалар орасидан биринчилиكنи қўлга киритган фуқаролар йиғини, шу жумладан маҳалла хотин-қизлар фаолини аниқлашда устувор равишда фуқаролар йиғинларининг ярим йилликда эришган натижалари, иш билан банд бўлмаган, эҳтиёжманд ва камбағал оилаларни ушбу тоифадан чиқариш, содир этилган жиноятлар ҳамда вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сон кўрсаткичлари инобатга олинади.

Рейтинг баҳолаш якунлари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинларининг ижобий иш тажрибаси бошқа фуқаролар йиғинлари, маҳалла хотин-қизлар фаоллари ўртасида оммалаштирилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги «22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни» байрами, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси «8 март — Халқаро хотин-қизлар» байрами арафасида тавсия этилган фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлайди.

Ушбу фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган фаоллари эришган натижалари учун давлат мукофотлари ҳамда тегишинча «Маҳалла ифтихори», «Меҳнат фахрийси» ва «Мўътабар аёл» кўкрак нишонлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда тавсия этилади.

26. Фаолияти «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» деб топилган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар уч ой муддатга мўлжалланган ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилади ва туман (шаҳар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбари ҳамда тегишинча туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

27. Фаолияти «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» деб топилган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган ҳаракатлар дастурларининг ижроси ҳар чорақда:

келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар) Халқ қабулхонаси раҳбари, туман (шаҳар) ҳокими ва тааллуқли сектор раҳбари иштирокида тегишинча туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимида, оила ва хотин-қизлар бўлимида;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашида муҳокама қилинади.

28. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра фаолияти «қониқарсиз» деб топилган ва юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётган ходимлар ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи шахслар (комиссия раислари ва фаоллар)нинг фаолияти фуқаролар йиғинида (фуқаролар

вакилларининг йиғилишида) муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўриш бўйича қарор қабул қилинади.

Фаолияти «қониқарсиз» деб топилган ва юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётган маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимида муҳокама қилинади ва тегишли чоралар кўриш бўйича қарор қабул қилинади.

29. Республикада чекловчи тадбирлар (карантин) ёки фавқулодда вазиятлар эълон қилинган тақдирда Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришни ҳисобга олиб, рейтинг натижалари бўйича рағбатлантириш йил якунларига кўра амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатда чекловчи тадбирлар (карантин) ёки фавқулодда вазиятлар бир йилдан ортиқ муддатда сақланиб турса, чекловчи тадбирлар ёки фавқулодда вазиятлар тугаганидан сўнг олти ой ичида рейтинг натижалари бўйича рағбатлантирилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

30. Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимига риоя қилишга тегишинча туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, фуқаролар йиғинлари оила ва хотин-қизлар бўлими ва тегишли ташкилотлар масъул ҳисобланади.

31. Рейтинг баҳолашнинг мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг тегишинча Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари томонидан назорат қилинади.

32. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар тегишинча туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимида, оила ва хотин-қизлар бўлимида уч йил давомида сақланади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДАГИ 649-СОН ҚАРОРИГА

ИЛОВА

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари

[Кўчирма]

...

1. Ушбу Ёнғин хавфсизлиги қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилайди.

Қоидалар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда — ташкилотлар), уларнинг ходимлари, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

4-боб. Ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартиби

13. Ҳар бир фуқаро ёнғинни сезганда қуйидагиларни бажариши мажбур:

а) зудлик билан «101» телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда — ФВВ) ёнғин-қутқарув бўлинмасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўзининг фамилиясини айтиш);

б) одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

в) имкон қадар мавжуд ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриш.

14. Ёнғин жойга етиб келган ташкилот раҳбари (мансабдор шахс):

а) одамлар ҳаётига хавф туғилган тақдирда, уларни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида қутқариш чораларини кўришга;

б) зарур бўлганда электр энергиясини (ёнғинга қарши ҳимоя тизимидан ташқари) ўчириш, юкларни ташишга мўлжалланган мосламалар, агрегатлар, аппаратларнинг иш фаолиятини тўхтатиш, хом ашё, газ, буғ ва сув коммуникацияларини ёпиб қўйиш, авария рўй берган ва унга туташ хоналарнинг шамоллатиш тизими ишини тўхтатиш, хоналар тутун билан қопланиши ва ёнғин тарқалишининг олдини олишга имкон берадиган бошқа чораларни кўришга;

в) ёнғинни ўчиришга қаратилган ишлардан ташқари бинодаги барча ишларни тўхтатишга (агар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бўйича мумкин бўлса);

г) ёнғинни ўчиришга жалб этилган ходимлардан ташқари барча ходимларни хавфли ҳудуд ташқарисига чиқаришга;

д) ёнғин-қутқарув бўлинмалари етиб келгунга қадар (объектнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) ёнғинни ўчиришда умумий раҳбарлик қилишга;

е) ёнғинни ўчиришда иштирок этаётган ходимлар хавфсизлик талабларига риоя қилишларини таъминлашга;

ж) ёнғин ўчириш билан бир вақтда одамларни эвакуация қилиш ва моддий бойликларни ҳимоя қилишни ташкил этишга;

з) ёнғин-қутқарув бўлинмаларини кутиб олишни ва ёнғин содир бўлган жойга қисқа йўл билан олиб боришни ташкил этишга мажбур.

15. Ташкилот (объект) раҳбари (ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс) ёнғин-қутқарув бўлинмаси ёнғинга етиб келиши билан ёнғинни ўчириш раҳбарига ёнғин жойи ҳақида, хоналарда одамларнинг мавжудлиги, ёрдамга муҳтожлар ҳамда ёнғинни ўчиришга жалб этилганлар, сақланаётган ва ишлатилаётган моддалар, материаллар, маҳсулотларнинг миқдори ва ёнғинни ўчириш бўйича кўрилган чоралар ҳақида ахборот бериши керак.

16. Ташкилот (объект) раҳбари (мансабдор шахси) ёнғинни ўчириш штаби таркибига киритилганда:

а) ёнғинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифаларни бажарилишини таъминлашга;

б) объектнинг хусусиятлари, туташ бино ва иншоотлар ҳақида ёнғинни ўчириш раҳбарига маълумот тақдим этишга;

в) ёнғинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифалар бажарилишида объект ходимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга мажбур.

II бўлим. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган умумий талаблар

5-боб. Ҳудудларга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

17. Аҳоли яшаш пунктлари ва ташкилотларнинг ҳудудлари ҳамда ташкилотларга, турар жойларга, дала ҳовлиларга ва бошқа қурилмаларга туташ қисмлари ўз вақтида ёнувчи чиқиндилар, ахлатлар, қадоқлар, хазонлар, қуруқ ўтлар ва бошқа ёнувчи буюмлардан тозаланиши керак.

Ёнувчи чиқиндилар, ахлатлар ва шу каби бошқа буюмларни махсус ажратилган майдонлардаги ёнмайдиган материалдан ишланган контейнерларга ёки қутиларга йиғиш ва кейинчалик ҳудуддан олиб кетиш лозим.

18. Бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши оралиқларида турли буюмларни, асбоб-ускуналарни, қадоқларни ва транспорт воситаларини сақлаш ҳамда бино ва иншоотларни қуриш (ўрнатиш) тақиқланади.

19. Худуд ва хоналарнинг жойлаштирилиши, биноларнинг оловга бардошлилик даражаси, уларнинг орасидаги ёнғинга қарши масофалар, хоналардан чиқиш эшиклари амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мос келиши ва ёнғин хавфсизлиги таъминланган ҳолатда сақланиши керак.

20. Биноларга, иншоотларга, очиқ омборларга, сув таъминоти манбаларига, стационар ўт ўчириш нарвонларига ва ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига олиб боровчи йўлларни, тор кўчаларни ва ўтиш жойларини тўсиб ва ёпиб қўйиш тақиқланади.

Йўллар ва тор кўчалар қишда қордан ва музлардан тозаланиши керак.

21. Йўллар ва тор кўчаларни таъмирлаш учун ёпилиши ёки ёнғин ўчириш автомобилларининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бошқа сабаблар ҳақида ёнғин-қутқарув хизматига дарҳол хабар берилиши ҳамда ушбу жойларга тўсиб қўйилган йўл қисмини энг яқин айланиб ўтиш йўналишини кўрсатувчи белгилар ўрнатилиши ёки йўлнинг таъмирланаётган қисмидан ўтиш имкони яратилиши керак.

22. Вақтинчалик қурилмалар, дўконлар, киосклар ва шу кабиларни бошқа бино ва иншоотлардан камида 15 m масофада (агарда бошқа нормалар билан каттароқ ёнғинга қарши оралиқ масофа талаб этилмаса) ёки ёнғинга қарши деворлар олдига жойлаштириш лозим.

Саноат корхоналарининг худудида (қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган худудлардан ташқари) вақтинчалик ёнувчан бино ва иншоотларни, шу жумладан, вагон ва контейнерларни қуриш (ўрнатиш) тақиқланади.

23. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган ва «Чекиш жойи» белгиси ўрнатилган жойлардан ташқари, чекиш тақиқланади.

24. Ёқиб юбориш йўли билан зарарсизлантиришга рухсат этилган чиқиндиларни ёқиш муассаса ходимларининг назорати остида ва шамолсиз об-ҳавода махсус ажратилган жойларда амалга оширилади.

25. Ёнғинга қарши сув манбаларини, ташқи ёнғин нарвонларини, бино ва иншоотларга кириш жойларини тезда топиш учун ташкилотлар худуди етарли даражада ташқи ёритиш чироқлари билан таъминланган бўлиши лозим.

26. Турар жойлар, дала ҳовлилар ва ташкилотларнинг ҳудудидаги очик майдонларда ичида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар бўлган идишларни ҳамда сиқилган ва суюлтирилган газ билан тўлдирилган баллонларни қолдириш тақиқланади.

27. Ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, санаторийлар ва соғломлаштириш муассасаларининг ҳудудига кириш жойларида мавжуд ва қурилаётган бино ва иншоотлар, ҳудудга кириш жойлари, ҳудуд ичидаги йўллар ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбалари кўрсатилган схемалар осиб қўйилиши керак. Схемалар қуёш нурига, қор ва ёмғирга чидамли материаллардан ишланиши лозим. Дарвозалар, шлагбаумлар ва ҳудудга киришни чеклайдиган бошқа қурилмалар механизациялаштирилган бўлса, уларни қўлда очиш имкони бўлиши керак.

28. Объектлар (ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардан ташқари), дала ҳовлилар ва турар жойлар ҳудудида қуйидагилар бажарилган тақдирда овқат тайёрлаш учун махсус мосламалар жойлаштирилиши мумкин:

а) ёниш майдонча ташқарисига тарқалишининг олдини олиш чоралари кўрилганда;

б) ёниш жараёни доимий назоратга олиниб, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари (ўт ўчиргич, сув билан тўлдирилган сиғим, белкурак ва бошқалар) билан таъминланганда. Овқат тайёрланиб бўлгандан сўнг, ёнаётган ва чўғланаётган материаллар тўлиқ ўчирилиши керак.

29. Тандирларни жойлаштиришда ушбу ҳудудда шамол эсишининг асосий йўналиши ҳисобга олиниши ҳамда тандир хўжалик қурилмалари ва турар жойга нисбатан шамол эсадиган томонга қаратиб ўрнатилиши лозим.

6-боб. Бино, иншоот ва хоналарга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

30. Объектлар, ушбу Қоидаларга 9-иловага мувофиқ автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

31. Бинолар, иншоотлар ва хоналардан, асбоб-ускуналардан, жиҳозлардан фақат лойиҳа ва эксплуатацион-техник ҳужжатларда белгиланган мақсадларда ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш керак.

Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳасиз конструктив, ҳажмий-лойиҳавий ва муҳандислик-техник ечимларга ўзгартириш киритилиши тақиқланади.

32. Бинолар, иншоотлар ва хоналардаги ёнғинга қарши тизимлар ва қурилмалар (тутунга қарши ҳимоя, ёнғин автоматикаси воситалари, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари, ёнғинга қарши эшиклар, парда ва клапанлар, тутун чиқариш люклари, ёнғинга қарши девор ва шифтлардаги бошқа ҳимоя мосламалари ва шу кабилар) доимо соз ва ишчи ҳолатда бўлиши керак.

33. Эшикларнинг ўзини ёпадиган мосламалари доимо соз ҳолатда бўлиши зарур, тутунга қарши ва ёнғинга чидамли эшикларнинг осон очилишига ёки ёпилишига тўсқинлик қилувчи бирон-бир мослама ўрнатиш мумкин эмас.

34. Қурилиш конструкциялари, ёнувчи, пардозлаш ва иссиқликни тутувчи материалларнинг, ускуналарнинг металлдан ишланган устунларнинг (тиргакларнинг) оловдан ҳимоялаш қопламлари (оловдан ҳимоялаш хусусиятларини йўқотиш ва пасайтиришни ҳисобга олган ҳолда сувоқлар, махсус бўёқлар, лок ва шу кабилар) бузилиши ҳолатлари дарҳол бартараф этилиши керак.

Меъёр талаблари асосида ишлов берилган (шимдирилган) ёғоч конструкциялари, декорация ва матолар оловдан ҳимоялаш таркибининг таъсир муддати тугаган ёки ҳимоялаш хусусиятини йўқотган бўлса, уларга такроран ишлов берилиши (шимдирилиши) лозим.

Оловдан ҳимоялаш таркиби билан ишлов берилган (шимдирилган) конструкция ва материалларнинг ҳолати йилига камида 2 марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари тегишли ҳужжатларда (далолатнома, журналда) қайд этилади.

35. Ҳар хил муҳандислик ва технологик коммуникациялар, ёнғинга қарши девор, ораёпмалар ва тўсувчи конструкциялар билан кесишган жойда ҳосил бўлган тешик ва туйнуклар қурилишда ишлатиладиган қоришмалар ёки ёнмайдиган материаллар билан суваб (беркитиб) ташланиши керак, бунда тутун ва газни ўтказмаслиги ҳамда талаб даражасида оловга бардошлилик чегараси таъминланиши керак.

36. Хоналарни қайта лойиҳалаштиришда, уларнинг функционал вазифаси ўзгартирилганда ёки янги технологик ускуналар ўрнатилаётганда амалдаги қурилиш ва технологик лойиҳалаш нормаларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш керак.

Хоналар ижарага берилганда ижарага олувчилар томонидан ушбу турдаги бино учун ёнғинга қарши режим бажарилиши керак.

37. 1000 нафар ва ундан ортиқ одам сифимига эга бўлган муассасаларда энг яқин ёнғин-қутқарув бўлинмаси билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси ўрнатилиши керак.

38. Ташкилотларнинг хоналарида, бино ва иншоотларда (якка тартибдаги турар жойлардан ташқари) қуйидагилар тақиқланади:

а) ертўла ва цоколь қаватларида, йўлакларда, зина катакларида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни, порох, портловчи моддаларни, газ баллонларини, аэрозоль идишдаги товарларни, целлулоид ва бошқа портлаш хавфи бор модда ва материалларни сақлаш ва фойдаланиш, амалдаги норматив ҳужжатларда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно;

б) чордоқлар, техник қаватлар, шамоллатиш тизими ўрнатилган ва бошқа техник хоналардан ишлаб чиқариш участкалари, устахоналар сифатида фойдаланиш ҳамда ушбу жойларда маҳсулотлар, ускуналар, мебеллар ва бошқа буюмларни сақлаш;

в) лифт холларига ҳужра, киоск, савдо шохобчалари ва шу кабиларни жойлаштириш;

г) ертўла ва цоколь қаватларидан чиқиш эшиклари умумий зинапоя катакчаларидан алоҳида ажратилмаган бўлса, уларда ёнувчи материалларни сақлаш омборлари ва устахоналарни ташкил этиш ҳамда бошқа хўжалик хоналарини жойлаштириш;

д) лойиҳада кўзда тутилган вестибюль ва холлар, йўлаклар, тамбур ва зина катакларининг эшикларини олиб ташлаш;

е) балкон ва лоджияларнинг эшик ва люкларини, қўшни хонага ўтиш йўлаклари ва ташқи қутқарув зиналарига чиқиш жойларини мебель, ускуна ва бошқа буюмлар билан тўсиб қўйиш;

ж) бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан фойдаланган ҳолда хоналарни тозалаш ва кийимларни ювиш, шунингдек, кавшарлаш лампаси ва очиқ оловдан фойдаланган ҳолда яхлаб қолган (музлаган) қувурларни эритиш;

з) белгиланган тартибда тасдиқланган норма ва қоидаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари деразаларга очилмайдиган панжаралар ўрнатиш;

и) ёнғин вақтида хавфсизлик зонасига кирувчи лоджия ва балконларни ойналар билан қоплаш;

к) зина катакларида ва йўлакларда ҳужралар ташкил этиш, шунингдек, зинанинг қаватлар орасидаги қисмида (марш) ва майдонларида буюмлар, мебель ва бошқа ёнувчи материалларни сақлаш (бинонинг биринчи ва цоколь қаватларидаги зина катаклари остида фақат марказий иситиш тизимини бошқариш тармоқлари, сув ўлчагич тармоқлари ва электр шчитлари ўрнатилган деворлари ёнмайдиган материаллардан ишланган хоналарни жойлаштириш мумкин);

л) омборлар ва бошқа ишлаб чиқариш хоналарида (оловга бардошлилиги V-даражали бинолардан ташқари) ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан ҳамда тунука металлдан ясалган антресоллар, шунингдек, бошқа ички хоналарни ташкил этиш.

39. Бино ва иншоотларнинг ташқи ёнғин нарвонлари ва том устидаги тўсиқлар доимо соз ҳолда бўлиши ва йилига камида 2 маротаба чидамлилиги бўйича синовдан ўтказилиши керак. Текшириш натижалари тегишли ҳужжатларда (далолатнома, журналда) қайд этилади.

40. Чордоқлар, техник қаватлар ва ертўлаларнинг деразалари ойна билан қопланган, уларнинг эшиклари қулфланган ҳолатда бўлиши лозим. Эшикларга калит қаерда сақланиши ёзиб қўйилиши керак.

Бино ва иншоотларнинг ертўла ва цоколь қаватларидаги ёруғлик дарчалари мунтазам равишда ёнувчи ахлатлардан тозаланиб турилиши керак. Ушбу ёруғлик дарчаларини ва деразаларни очилмайдиган қилиб ёпиб ташлаш тақиқланади.

41. Томоша, овқатланиш, кўргазма, савдо-сотик, биржа, ибодат хоналари ва бошқа заллар (хоналар), трибуналар, шунингдек, катта ва бошқа одамлар оммавий бўладиган хоналарга ташриф буюрувчилар сони, лойиҳалаш бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан ёки эвакуация йўлларининг одамларни чиқара олиш қобилиятини инobatга олган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқланган сонидан кўп бўлиши тақиқланади.

Лойиҳалаш бўйича норматив ҳужжатларда ҳисоблаш учун кўрсаткичлар бўлмаса, заллардан (хоналардан) одамларнинг эвакуациясини таъминлаш вақтини 2 min, битта одамга тўғри келадиган майдонни эса 0,75 m² деб ҳисоблаш лозим.

7-боб. Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш

42. Эвакуация чиқиш жойларининг сони, уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан ҳимояланиш таъминланганлиги шароитлари, шунингдек, эвакуация йўлларининг узунлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

43. Эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфлаб қўйиш тақиқланади. Хонада одамлар бўлганида эшикларни ички томонидан осон очиладиган қилиб қулфлаш мумкин.

Эвакуация йўлларидаги барча эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича эркин очилиши керак.

44. Эллик нафар одам йиғилиши мумкин бўлган барча хоналарда ҳамда барча зина катакларида, ўтиш жойлари ва бошқа эвакуация йўлларида эвакуация ёритиш чироқлари ўрнатилиши лозим.

45. Бино ва иншоотларда ҳамда улардан чиқиш эшикларининг устки қисмида эвакуация йўллари ва чиқиш жойларини кўрсатувчи ёнғин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши керак.

Одамлар оммавий бўладиган бино ва иншоотлардаги эвакуация йўллари бўйлаб чиқиш эшикларининг устки қисмида бинони тарк этиш йўналиши бўйича яшил рангдаги «Чиқиш» деган ёзувли ёруғлик кўрсаткичлари ўрнатилиши лозим.

Оммавий тадбирларни ўтказишда бинода одамлар бўладиган вақт ичида ёруғлик кўрсаткичлари ёқилган ҳолатда бўлиши керак.

Жамоат бино ва иншоотларининг хоналари ва эвакуация йўлларидаги чиқиш кўрсаткичлари ҳамда пол устидаги ёниб турадиган «югурувчи йўлакча» типдаги чиқиш йўналишини кўрсатиб турадиган кўрсаткичлар соз ҳолатда бўлиши лозим.

46. Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш мақсадида қуйидагилар тақиқланади:

а) йўлақлар, тамбурлар, галерея, лифт холлари, зинапоялар олдидаги майдонларни, зинанинг қаватлар орасидаги қисмини (марш) ва қопқоқли туйникларни (люкларни) мебель, асбоб-ускуна, хар ҳил буюмлар билан тўсиб қўйиш, шунингдек, эвакуация эшикларини михлаб (беркитиб) ташлаш;

б) хоналардан чиқиш жойларида (тамбурларда) хар хил кийим қуриши жойлари, гардероб ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда турли буюмларни ва материалларни сақлаш (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги турар жойлар бундан мустасно);

в) эвакуация йўлларида эшикларни имитация қиладиган витражлар, ойналар, остоналар, турникетлар, суриладиган, кўтариладиган ва айланадиган эшикларни ҳамда одамларнинг хонани ёки бинони эркин ҳолда тарк этишларига халақит берадиган бошқа турдаги мосламаларни ўрнатиш;

г) эвакуация йўлларида (оловга бардошлилиги V-даражали бўлган бинолардан ташқари) деворлар, шифтлар, зинапоялар ва зина катаклари ҳамда полларни қоплашда, пардозлашда, бўёқлашда ёнувчи материаллардан фойдаланиш;

д) йўлак, холл, тамбур ва зина катакларидаги ўзи ёпиладиган эшикларни очик ҳолатда ушлаш учун мосламаларини маҳкамлаб қўйиш (агар бу мақсадда ёнғин вақтида автоматик ҳолда ёпилиш мосламаси ўрнатилмаган бўлса) ҳамда уларни олиб қўйиш;

е) тутун қопламайдиган зина катакларидаги ҳаво пурковчи зоналарни ойна билан қоплаш ёки ёпиш;

ж) эшик ва дарчаларга ўрнатилган арматурали ойналарни оддий ойналарга алмаштириш.

47. Технологик, кўргазмали ва бошқа ускуналарни ўрнатишда лойиҳалаш нормаларига мувофиқ хоналардан зина катаklarига ва бошқа эвакуация йўлларига чиқиш (ўтиш) йўлаклари таъминланган бўлиши керак.

48. Эвакуация йўлларидаги гиламлар, гилам пойандозлар ва бошқа ўрамли қопламалар полга мустақкам қотирилган бўлиши керак.

Ушбу қопламаларни вестибюль ва зина катаklarига жойлаштириш тақиқланади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 ЙИЛ 21 НОЯБРДАГИ 739-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Меҳрибонлик уйи тўғрисида

НИЗОМ

[Кўчирма]

...

17. Меҳрибонлик уйига юбориладиган ҳар бир бола учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, бир Меҳрибонлик уйдан бошқасига ўтказишда эса — Меҳрибонлик уйи маъмурияти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

...

л)

Болани мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ Меҳрибонлик уйига жойлаштиришда юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ота-онанинг аризаси, турар жойи, кам таъминланган оила сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида рўйхатда турганлиги ҳақидаги маълумотномалар тақдим этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР Тўғрисида”ГИ ҚАРОРИ

[Кўчирма]

...

3. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб:

а) йил давомида аҳоли, шу жумладан ёшлар ўртасида тўрт босқичли (маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика) юриш ва югуриш, бадминтон, стритбол, мини футбол, велоспорт, «Workout» бўйича спорт мусобақаларининг ташкил қилинишини;

б) «Отам, онам ва мен — соғлом оиламиз!» шиори остида телевизион оилавий спорт мусобақаларини маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларини ўтказиш орқали барча оила аъзоларини спорт билан шуғулланишга жалб қилинишини;

... таъминласин.

2020 йил 19 ноябрь,
735-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ УЧУН
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

...

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, ушбу соҳанинг жойларда олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб педагогика ва молия-иқтисод соҳаларидаги олий таълим муассасаларида «5520100 — Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)» бакалаврият таълим йўналиши бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозими учун сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2021/2022 ўқув йили ва ундан кейинги ўқув йилларида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриятининг сиртқи таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантиришда педагогика ва молия-иқтисод соҳаларидаги олий таълим муассасаларида мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган бакалаврият таълим йўналиши бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла хотин-

қизлар фаоли лавозими учун сиртқи таълим шаклига қўшимча қабул кўрсаткичларини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар тегишинча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ва маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозимлари учун кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни тўлиқ таҳлил қилган ҳолда 2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриятининг сиртқи таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларига киритиш учун, кейинчалик ҳар йили 1 мартга қадар асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор асосида жорий этилаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозими учун сиртқи таълим шакли доирасида:

ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилади;

кадрлар тайёрлаш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш учун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади;

тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан берилган тавсияномага эга бўлган ҳамда кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва маҳалла хотин-қизлар фаоллари белгиланган тартибда талабалikka тавсия этилади;

тавсиянома бериш ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;

тавсиянома асосида ўқиётган талабалар ўқишини бошқа бакалаврият таълим йўналишига кўчиришга рухсат берилмайди.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига ва маҳалла хотин-қизлар фаолларига тавсияномалар бериш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш

вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

эгаллаб турган лавозимида сўнги бир йил давомида фаолият юритаётганлиги;

маҳалла тизимида камида уч йиллик иш стажига эга бўлганлиги;

фаолият юритаётган фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар фаолининг рейтинг кўрсаткичи бўйича «намунали» деб топилганлиги;

тегишинча вилоят, туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар бошқармалари, бўлимлари томонидан ижобий тавсифланганлиги;

халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан иш фаолияти ижобий деб баҳоланганлиги;

интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

2021 йил 8 январь,
3-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛДАГИ 60-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

3. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органларига кўмаклашади.

...

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтлари идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда иштирок этиш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки ва якуний идентификация қилиш ва қайта йўналтириш ваколатли давлат органлар томонидан амалга оширилишида иштирок этади ва кўмаклашади;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақида маълумот келиб тушганда зудлик билан ваколатли давлат органларини бу ҳақда хабардор қилади ва дастлабки, якуний идентификация қилиш ҳамда қайта йўналтиришда иштирок этади;

идентификация ва қайта йўналтириш босқичларида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади.

...

50. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришни амалга ошираётган ваколатли давлат органларига қуйидаги чора тадбирлар амалга оширилишида кўмаклашади:

ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва жабрланганларни ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни касбга йўналтириш ва мослаштириш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини тушунтириш;

одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

одам савдосидан жабрланган шахсларга вақтинча бошпана бериш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ КЕЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ
РАЎБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни раўбатлантириш ҳамда уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича имтиёз бериш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) 2021 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни раўбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаб бериш;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқаролар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни белгилаш:

тегишли ҳудудда кўча ва кўп квартирали уйлардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

ўзи яшаётган кўча ва кўп квартирали уйлардаги «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар билан ишлаш;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган оилаларга, нотинч ва муаммоли оилаларга ёрдам кўрсатиш;

аҳолининг иссиқлик ва электр энергиясидан, табиий газдан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланишларини тарғиб қилиш;

тегишли ҳудудда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалаларида фуқаролар йиғини кенгашига берган таклифлари билан ўзига бириктирилган ҳудуд осойишталиги ва ободлиги учун кўмаклашиш;

аҳоли тинчлиги учун хавф туғдирувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида фуқаролар йиғинига ёки мутасадди органларга хабар берганлиги натижасида тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарорлари бўйича амалга оширилган тарғибот ишлари.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқаролар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқаролар фаолиятини фуқаролар йиғинининг кенгашида муҳокама қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари орқали тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

жамоатчилик орасида мазкур қарорнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини амалга оширсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

...

2021 йил 23 февраль,
99-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛДАГИ 99-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича компенсация пул тўловларини тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўча — фуқаролар йиғини кенгаши томонидан аҳоли сонига қараб белгиланадиган тегишли ҳудуд;

фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп квартирали уй — кўп квартирали уйга туташ ер участкасига ёхуд бундай уйдаги умумий фойдаланиладиган жойларга мустақил чиқиш йўлакларига эга бўлган икки ва ундан ортиқ квартиралар мажмуи;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқаролар — фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчалар ва кўп квартирали уйларнинг географик жойлашувига қараб, шу ҳудудда яшовчи аҳоли номидан фуқаролар йиғинида фаол иштирок этувчи жисмоний шахслар (кейинги ўринларда — кўчабоши ва уйбошилар).

3. Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини ташкил этиш;

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

кўчабоши ва уйбошиларнинг оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш.

4. Кўчабоши ва уйбошилар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида рағбатлантирилади.

2-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тартиби

5. Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари орқали амалга оширилади.

6. Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичлар орқали баҳоланади:

аҳолининг талабидан келиб чиқиб, ўзларига бириктирилган кўчалар ва кўп квартирали уйлар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жорий ва тўлиқ таъмирлаш ҳамда болалар майдончаларини ташкил этиш ва жиҳозлашга доир чора-тадбирлар режалари лойиҳаларига киритган таклифлари сони;

аҳолининг ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож қатламларини ўз вақтида аниқлаб, уларнинг яшаш турмуш тарзини яхшилаш мақсадида «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилиши, уларга моддий ёрдам кўрсатилиши ва келгусида мазкур дафтарлардан чиқарилиши бўйича фуқаролар йиғини кенгашига киритилган аниқ таклифлар сони;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларни, боқувчисини йўқотган оилаларни, нотинч ва муаммоли оилаларни, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган камбағал оилаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ўрганиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига киритилган таклифлар сони;

аҳолининг иссиқлик ва электр энергиясидан, табиий газдан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланишларини тарғиб қилишда, шунингдек, тегишли ҳудудни намунали сақлашда шахсий ташаббус кўрсатганлиги;

ўзига бириктирилган ҳудудда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишида намуна кўрсатганлиги ва уларни тартибга солиш масалалари бўйича фуқаролар йиғини кенгашига киритган таклифлари сони;

аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигига хавф туғдирувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида фуқаролар йиғинига ёки мутасадди органларга хабар бериши натижасида олди олинган ҳуқуқбузарликлар сони;

ўзига бириктирилган ҳудудда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарорлари бўйича амалга оширилган тарғибот ишлари сони.

7. Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятининг самарадорлиги ҳар чоракда фуқаролар йиғинининг кенгаши томонидан ушбу Низомга 2-иловада белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича компенсация пул тўловларини тўлаш баҳолаш мезонлари асосида баҳолаб борилади.

Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини баҳолашда уларнинг бириктирилган кўча ёки уйда камида уч ой давомида фаолият кўрсатганлиги инобатга олинади.

8. Ҳар ойлик компенсация пул тўловлари ушбу Низомга иловада назарда тутилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда 70 баллдан юқори балл тўплаган кўчабоши ва уйбошиларга тўланади.

9. Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини баҳолаш натижалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг иккинчи санасига қадар фуқаролар йиғинининг кенгашида муҳокама қилинади ва коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлашга тавсия этиладиган кўчабоши ва уйбошилар рўйхати йиғилиш баённомаси билан тасдиқланади.

10. Фуқаролар йиғини раиси ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар рағбатлантириш тариқасида фаол кўчабоши ва уйбошиларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловларини тўлиб бериш юзасидан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимига таклиф киритади.

11. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг еттинчи санасига қадар коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлашга тавсия этилган кўчабоши ва уйбошилар рўйхатини уларга чорак давомида коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловларини тўлаб бериш учун

зарур маблағни ажратиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади.

12. Туман (шаҳар) ҳокимликлари кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг ўн бешинчи санасига қадар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларининг махсус ҳисобварақаларига зарур маблағни ўтказиб беради.

13. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари кўчабоши ва уйбошиларига кейинги чорак давомида ҳар ойнинг йигирманчи санасига қадар коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида компенсация пул тўловларини тўлаб беради.

14. Компенсация пул тўловлари тўлашга тавсия этилган кўчабоши ва уйбоши ушбу маҳалла ҳудудидан бошқа ҳудудга кўчиб ўтадиган бўлса, компенсация пул тўловлари учун ажратилган маблағ беш кун ичида кўчабоши ва уйбоши кўчиб ўтган тегишли туман (шаҳар)даги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлимининг махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади.

3-боб. Компенсация пул тўловлари тўлашни муддатидан олдин тўхтатиш асослари ва тартиби

15. Компенсация пул тўловлари тўланаётган кўчабоши ва уйбоши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этмаса, компенсация пул тўловларини тўлаш муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этмаётган кўчабоши ва уйбошиларга компенсация пул тўловларини тўлашни муддатидан олдин тўхтатиш фуқаролар йиғинининг кенгаши йиғилишида муҳокама қилинади ҳамда фуқаролар йиғининг бу ҳақдаги таклифи Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тегишли туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.

16. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими фуқаролар йиғинининг кўчабоши ва уйбошиларга компенсация пул тўловларини тўлашни муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги таклифи келиб тушгандан сўнг уч кун ичида компенсация пул тўловларини тўлашни муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

17. Компенсация пул тўловлари тўлашга тавсия этилган кўчабоши ва уйбоши вафот этган тақдирда унга компенсация пул тўловларини тўлаш тўхтатилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш учун Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари масъул ҳисобланади.

19. Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 3 ИЮНДАГИ 339-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

5. Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) ёшлар ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, маданият, туризм ва спорт, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, оила ва хотин-қизлар, ички ишлар органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вояга етмаган шахслар билан ишлайдиган бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида жамоат тарбиячилари номзодлари рўйхатини шакллантиради.

...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

...

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда

оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

фуқаролар йиғинлари тоифаларини, фаолиятининг асосий принципларини, ҳуқуқий мақоми, органлари, комиссиялари ва жамоатчилик тузилмаларини, йиғин раиси, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколатларини, йиғинлар фаолиятининг ҳисоби ва ҳисоботини, шунингдек, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини назарда тутувчи Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинларидаги комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазибалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг аъзоларига қўйиладиган талабларни, фаолиятини ташкил этиш тартибини назарда тутувчи Фуқаролар йиғини комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмаларининг мақсади, асосий вазибалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгиловчи Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғини раисига гувоҳнома ва кўкрак нишони бериш, уларнинг шакли, гувоҳнома бланкаларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, фойдаланиш ҳамда сақлаш тартибини белгиловчи Фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш, бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, йиғинга тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш масалаларини тартибга солувчи Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2021 йил 18 июнь,
380-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН
ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА
Фуқаролар йиғини тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаролар йиғинларининг мақоми, мақсади ва асосий ваколатлари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, фуқаролар йиғини ходимлари ҳамда маҳалла хотин-қизлар фаолининг ваколатларини белгилайди.

2. Фуқаролар йиғинининг:

расмий номи:_____.

манзили:_____.

ҳудуди:_____.

3. Фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинлари географик жойлашуви ва аҳоли сони бўйича тоифаларга ажратилади.

Фуқаролар йиғинлари географик жойлашуви бўйича қуйидаги тоифаларга бўлинади:

шаҳарда;

туман марказида;

туман марказигача 30 км бўлган масофада;

туман марказидан 30 км ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудида;

чегара (ёки анклав) ҳудудда жойлашган фуқаролар йиғинлари.

Фуқаролар йиғинлари аҳоли сони бўйича қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1000 нафаргача аҳолиси бўлган;

1001 — 2000 нафаргача аҳолиси бўлган;

2001 — 4000 нафаргача аҳолиси бўлган;

4001 — 6000 нафаргача аҳолиси бўлган;

6001 — 8000 нафаргача аҳолиси бўлган;

8000 нафардан зиёд аҳолиси бўлган фуқаролар йиғинлари.

4. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари аралашшига йўл қўйилмайди.

5. Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларининг устуворлиги, демократия, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоавийлик, аҳоли олдида ҳисобдорлик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборат.

6. Фуқаролар йиғини давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонунчилик ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат хизматлари марказларида ҳисобга қўйилган кундан эътиборан юридик шахс мақомига ҳамда ўз номи кўрсатилган муҳрга ва банкда ўз ҳисобварағига эга бўлади.

7. Фуқаролар йиғини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда, фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда мустақил бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

8. Фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини органлари ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинининг органлари фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан бир ой мобайнида шакллантирилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмаси ушбу Намунавий низомга иловада келтирилган шаклда белгиланади.

9. Фуқаролар йиғини фаолиятини ўз ҳудудида амалга оширади.

10. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарлардаги, туманлар марказларидаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

илтимосномалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Фуқаролар йиғинининг мақсади ва ваколатлари

11. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий мақсади маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳудудидаги фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдан иборат.

12. Фуқаролар йиғини қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

а) ўз фаолиятини ташкил этиш соҳасида:

фуқаролар йиғини раисини рағбатлантириш ёки уни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи маслаҳатчиларини ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар аъзоларини, тафтиш комиссиясининг раиси ҳамда аъзоларини сайлайди ва лавозимидан озод этади;

фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини ташкил этади;

фуқаролар йиғинининг низомини ҳамда фуқаролар йиғини ходимларининг одоб қоидаларини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғини раисига ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қилади;

фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини, харажатлар сметасини тасдиқлайди;

ҳар чоракда камида бир марта фуқаролар йиғини раисининг ва маслаҳатчиларининг, маҳалла хотин-қизлар фаолининг ҳамда бир йилда камида бир марта тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботларини эшитади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар йиғини мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегараларини ўзгартириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини

ўзгартириш ҳақида ваколатли давлат органларига ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига илтимосномалар киритади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича манзилли дастурлар ва «йўл хариталари»га давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган асосланган таклифлар киритади;

рейтинг баҳолаш натижаларига кўра фаолияти «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинининг малакали ва ташаббускор ходимлари, маҳалла хотин-қизлар фаолини давлат ҳокимияти органларининг кадрлар захирасига киритиш бўйича тавсиялар беради;

б) ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасида:

оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олиш ишларида уларга кўмаклашади, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга оширади;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб боради, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

аҳолини, шу жумладан, ёшларни миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналар билан таништиради ва уларни тарғиб қилади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради; ёшлар таълим-тарбиясида ва оилаларни мустаҳкамлашда кекса авлод вакилларининг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат ҳокимияти органларига миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни сақлашга кўмаклашади;

маҳалладаги уюлмаган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

в) ҳуқуқ-тартибот соҳасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишини таъминлаш чораларини кўради;

ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар, айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таъсирчан ишларни ташкил этади;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган, шунингдек, пробация назоратидаги шахсларнинг ижтимоий-меҳнат реабилитацияси ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади;

г) атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш соҳасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шу жумладан, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари билан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир ишларни ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади;

д) ижтимоий — иқтисодий соҳада:

ҳудуднинг ўзига хос йўналишлари ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашга, тегишли ҳудуд доирасида ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

ҳудудда оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини ҳамда томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида маблағлар ва ҳомийлик хайрияларини шакллантиради ва ундан фойдаланади;

маҳалла марказлари ва гузарларини барпо этиш масалаларини кўриб чиқади ва таклиф киритади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ваколатли давлат органлари билан биргаликда фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиши мўлжалланаётган иморатларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади;

ҳар чорақда камида бир марта тегишлича оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари, мактабгача таълим ташкилотлари ва таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодлар бўйича тавсиялар тақдим этади;

ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тақдим этади;

референдум ўтказувчи тегишли округ комиссияларига референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолигига номзодлар тақдим этади;

сайлов комиссияларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар юборади;

фуқароларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомаларининг нусхалари уларнинг ҳисобини юритиш, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаларига юборилади;

е) давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатлари:

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан, паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органларига ёрдам кўрсатади;

ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда аниқлайди ва ҳисобини юритади;

фуқаролар йиғинларида фуқароларнинг шахсий-бирламчи ҳисоби юритилишини таъминлайди, мудофаа ишлари бўлимлари билан келишган ҳолда ҳарбий ҳисобга олиш бўйича мутахассисни тасдиқлайди;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади;

аҳолидан солиқлар ва йиғимлар ўз вақтида ундирилишини таъминлашда солиқ органларига ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида кўмаклашади;

коммунал тўловлар ундирилишини таъминлашда, иссиқлик ва электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида кўмаклашади;

тегишли ҳудуднинг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ветеринария, санитария қоидалари ва гигиена нормалари, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда шартнома асосида тегишли давлат органларига кўмаклашади;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга патронаж ёрдами ҳамда шу мақсадда ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатилишига кўмаклашади;

етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек, бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фуқаролар йиғинлари ва кўп квартирали уйларни бошқарувчи ташкилотлар фаолиятидаги муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал этиш бўйича таклифлар киритади;

аҳолининг томорқа хўжалигидан мақсадли фойдаланишини ташкил этишга кўмаклашади;

иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини таъминлашда давлат органларига кўмаклашади;

аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш, ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш, жазони ижро этувчи муассасалардан озод этилган шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

Фуқаролар йиғинлари мурожаатлари кўриб чиқилишида юзага келган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича судга мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролар йиғинлари томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифларни кўрмасдан қолдириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар), Халқ қабулхоналари билан ҳамкорлик қилади. Ҳар чоракда фуқаролар йиғинлари раислари томонидан тақдим этилган маълумотларда келтирилган энг долзарб муаммолар секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналари томонидан тегишли дастурларни ишлаб чиқишда инobatга олиш учун тавсия этилади.

Халқ қабулхоналари фуқаролар йиғинлари раислари томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиши, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси бўйича киритилган маълумотларда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар, мансабдор шахслар ва ходимларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади.

13. Фуқаролар йиғини қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низомга риоя қилган ҳолда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

фаолияти тўғрисида солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;

ўз ходимлари билан меҳнат шартномасида келишилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш.

Фуқаролар йиғини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назорати субъектидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек, уларга сўровлар юборишга;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этишга;

ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ўтказишга;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан жамоатчилик эшитувини ўтказишга;

давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга оширишга;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишга;

турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганишга;

давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишга ҳақли.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва ушбу Низом асосида амалга оширади.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

3-боб. Фуқаролар йиғини мажлисини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш тартиби

15. Фуқаролар йиғини мажлисида ўн саккиз ёшга тўлган ва фуқаролар йиғини ҳудудида доимий, вақтинча ёки асосан яшаётган шахслар қатнашади.

Фуқаролар йиғини мажлиси фуқаролар йиғини кенгаши томонидан заруратга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Фуқаролар йиғини мажлиси халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимининг фуқаролар йиғини кенгашига берган тавсиясига кўра ёки фуқаролар йиғини мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини мажлиси фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

16. Фуқаролар йиғини мажлисини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар йиғини кенгаши фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Тегишли ҳудуддаги ҳар бир кўча ва кўп квартирали уйлар аҳолисининг умумий йиғилишларида оддий кўпчилик овоз билан фуқаролар вакили сайланади.

Ҳар чоракда ўтказиладиган фуқаролар вакилларининг йиғилиши 6000 нафаргача аҳолиси бўлган фуқаролар йиғинларида фуқаролар вакиллари умумий сонининг камида учдан икки қисми, 6000 нафардан зиёд аҳолиси бўлган фуқаролар йиғинларида камида учдан бир қисми ҳозир бўлган тақдирда, ваколатлидир (фуқаролар йиғини раиси сайлови бундан мустасно).

Фуқаролар йиғини ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари шунингдек, кўчабоши ва уйбошилар фуқаролар вакиллари бўлиши мумкин эмас.

17. Фуқаролар йиғини мажлисини олиб бориш учун раёсат сайланади. Фуқаролар йиғини мажлисини фуқаролар йиғинининг раиси ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири (бундан фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича чақирилган фуқаролар йиғини мажлиси мустасно) олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

18. Фуқаролар йиғини мажлиси ўтказилган санаси, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган баённома юритилади. Фуқаролар йиғини мажлисининг баённомаси ва қарори фуқаролар йиғинининг раиси, у йўқлигида эса мажлисда раислик қилган унинг маслаҳатчиларидан бири томонидан имзоланади.

19. Фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

4-боб. Фуқаролар йиғини кенгаши

20. Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғини мажлислари оралиғидаги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши коллегиял орган бўлиб, унинг таркибига фуқаролар йиғинининг раиси, унинг маслаҳатчилари (фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари), маҳалланинг хотин-қизлар фаоли, кўчабоши, уйбоши, шунингдек, ҳудуддаги мактабгача таълим ва таълим муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг раҳбарлари киради.

21. Фуқаролар йиғини кенгаши:

фуқаролар йиғини мажлисини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақиради;

ҳар ойда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, уларга ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;

оммавий-сиёсий, маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, мазкур масалада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

диний ташкилотлар ноқонуний фаолиятининг олдини олиш бўйича тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки афв этилган шахсларни жамиятга ижтимоий мослаштиришда тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда манзилли ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширади;

ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, қабристонлар барпо этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриklar ва танловлар ўтказади;

томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга

олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига шартнома асосида ўтказиладиган маблағларни кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходимларини рағбатлантириш учун, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга сарфлайди;

кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

эгасиз мол-мулкни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мерос тариқасида ўтган мол-мулкни, шунингдек, даволаш муассасаларида турганлиги муносабати билан вақтинча бўлмаган ёлғиз шахсларнинг мол-мулкни, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки васийлик ва ҳомийликда турган, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулкни сақлаш чораларини кўради;

кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, жумладан, никоҳ ва бошқа тўй тадбирларини, шунингдек, дафн маросимларини ўтказишда ҳомийларни жалб қилиш орқали қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқишда иштирок этиш учун туман (шаҳар) комиссиясига ўз вакилини юборади.

22. Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғини раиси томонидан, заруратга кўра, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

23. Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

24. Фуқаролар йиғини кенгаши мажлисини фуқаролар йиғини раиси, у бўлмаган тақдирда эса унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради.

25. Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

26. Фуқаролар йиғини кенгаши мажлисида баённома Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан юритилади. Баённомада мажлис ўтказилган сана, ҳозир бўлган кенгаш аъзолари ва фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Мажлис баённомаси ва қарорлар фуқаролар йиғинининг раиси, у йўқлигида эса мажлисда раислик қилган унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

27. Фуқаролар йиғини кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари фуқаролар йиғини ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари томонидан ижро этилиши шарт.

28. Фуқаролар йиғини кенгаши қарорларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

29. Фуқаролар йиғини кенгаши қарорлари фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), кенгаш томонидан бекор қилиниши ёки суд қарорига асосан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

5-боб. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси

30. Фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссиялар тузилади:

оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси;

хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;

ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия;

экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

31. Фуқаролар йиғини раиси — оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, маҳалла хотин-қизлар фаоли — хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

32. Фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун фуқаролар йиғини аъзолари орасидан таркиби камида уч кишидан иборат тафтиш комиссияси тузилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдор бўлади.

Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини бошқа органининг аъзоси бўла олмайди.

33. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси ўз фаолиятини фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

34. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссиясини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда фаолиятини тугатиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари, комиссияларнинг аъзоларини сайлаш (таркибдан чиқариш) тартиби комиссияларнинг намунавий низомларида белгилаб қўйилади.

6-боб. Фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари

35. Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдам бериш, бу борада оилалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилади.

«Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси фаолияти маҳалла хотин-қизлар фаоли томонидан ташкил қилинади ва мувофиқлаштирилади.

36. Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимларининг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ташкил этилади.

«Кексалар маслаҳати» гуруҳлари фаолияти фуқаролар йиғини раиси томонидан ташкил қилинади ва мувофиқлаштирилади.

37. Кенгаш фаолиятига маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, салоҳиятли, фаол аёл раҳбарлик қилади.

Хотин-қизлар фаоли хотин-қизлар билан ишлаш бўйича Кенгаш фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради.

38. Маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ишларни кучайтириш мақсадида ҳарбий хизматга чақирилувчилар, олий ҳарбий билим юртлари ва ички ишлар органларига номзодлар орасидан «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳи шакллантирилади.

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳи фаолияти фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари томонидан ташкил қилинади ва мувофиқлаштирилади.

39. Маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида тадбиркорлик бўйича маслаҳат маркази ташкил этилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги тадбиркорлик бўйича маслаҳат маркази фаолияти, қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари томонидан ташкил қилинади ва мувофиқлаштирилади.

40. Фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда фаолиятини тугатиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари, жамоатчилик тузилмаларининг аъзоларини сайлаш (таркибдан чиқариш) тартиби уларнинг намунавий низомларида белгилаб қўйилади.

7-боб. Фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари ва маҳалла хотин-қизлар фаолининг ваколатлари

41. Қўйидагилар:

а) Фуқаролар йиғини раиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

фуқаролар йиғини ва унинг органлари фаолияти доирасида иш юритишнинг тўғри ташкил қилиниши ҳамда самарали олиб борилишини, шунингдек, қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтиради ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатади;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман

(шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб боради;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) — фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи маслаҳатчиларини ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар аъзоларини, тафтиш комиссиясининг раиси ҳамда аъзоларини сайлаш учун номзодларни тақдим этади;

тегишли ҳудудда маслаҳат марказлари ишини ташкил этади;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради;

кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига янги қабристонларни барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш ҳақида таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади;

кексаларнинг, айниқса, ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўради, уларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни ташкил этади, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг вакилларини қабул қилади, мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғини ходимларининг фаолиятига баҳо бериш ҳамда уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига тақдимнома киритади;

тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар сўрайди ва олади, уларни сақлаш юзасидан маҳалла аҳолиси орасида тушунтириш ишларини амалга оширади;

ҳар чорақда ўз маҳалласи ҳудудидаги долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — сектор) раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига (кейинги ўринларда Халқ қабулхоналари) тақдим этиб боради ҳамда мурожаатлар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли давлат ташкилотидан ҳисобот талаб қилади, бажарилмаган тақдирда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига кўриб чиқиш учун маълумот киритади;

мунтазам равишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиши, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси юзасидан ёзма равишда секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига маълумот киритади;

фуқаролар йиғинига бириктирилган давлат идоралари вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботларини қабул қилади;

кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ҳамда «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланишни, бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини ва ҳисоботи тақдим этилишини таъминлайди, шунингдек, ҳар чоракда фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот беради;

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраб олади, қонунга асосан тарқатилиши тақиқланган ёки чекланган ахборотлар бундан мустасно;

давлат органларида, шу жумладан, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалайди, фуқаролар йиғини номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга фуқаролар йиғини фаолиятига доир масалалар юзасидан таклифлар киритади ва уларнинг кўриб чиқилишида иштирок этади;

ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига фуқаролар йиғини фаолиятига доир масалалар юзасидан кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритади;

уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида таклиф киритади;

кўп квартирали уйларни бошқариш билан боғлиқ масалаларда уй-жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро муносабатларга киришади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритади;

жамият ва мамлакат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшган фаолларни «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритади;

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарининг (профилактика инспекторининг) фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига улар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклиф киритади;

фуқаролар йиғини раиси ўлимни қайд этиши, хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан маблағларни олишга ишончномаларни тасдиқлаши мумкин;

фуқаролар йиғини раиси фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишга ва ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларнинг қатъий сир сақланишини таъминлашга мажбур;

б) Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ишларини ташкил этади, ушбу йўналишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

ҳудуддаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганади ва натижалари бўйича фуқаролар йиғини раиси, туман (шаҳар) ички ишлар органи, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этади;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича профилактик чора-тадбирларни, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширади;

профилактик ҳисобга олишни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ҳисобини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритади,

уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатишга қаратилган чораларни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирлар ўтказиши;

давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритади;

доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлайди ва ҳисобини юритади, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб боради, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга оширади;

криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларда жиноятларни жиловлаш бўйича жалб қилинган ҳамкор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг иш натижаларидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича таклифлар киритади;

ҳудуддаги ҳар бир оилани ўрганади, нотинч оилаларни аниқлайди ва улар билан профилактик ишлар олиб боради, шу жумладан, мутасадди ташкилотлар билан уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашади;

ички ишлар органларининг пробацция хизмати ҳисобида турган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазога ҳукм қилинган шахслар, шунингдек, қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади, улар билан профилактик ишлар олиб боради;

биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган ҳамда енгилроқ жазо қўлланилиб, тўғридан-тўғри пробацция назоратига олинган шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилади, уларни ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишга кўмаклашади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ва маъмурий назоратга қўйилган шахсларга тарбиявий-профилактик таъсир чораларини амалга оширади, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя этилишини назорат қилади;

ўқувчиларнинг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилади, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб боради;

доимий яшаш жойи бўйича ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган ёхуд бошқача тарзда паспорт-виза режими талабларини бузган ҳолда яшаётган шахсларни аниқлайди, фуқароларнинг турар жойлари ижараси ёки улардан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларнинг мавжудлигини текширади;

турар жой эгалари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой фонди ва уйлар атрофи ҳудудларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига, шу жумладан, кўп қаватли уйларнинг чердак ва ертўлалари ҳамда бошқа қўшимча бино ва хоналардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши бўйича тегишли чораларни кўради;

эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўради;

таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва бошқа ташкилотларда (тўғарақлар, клублар ва ҳ.к.) вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар аҳволини ўрганади;

васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашади;

санитария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этади;

суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишида жамоат тартибини таъминлашда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириши бўйича тузатиш дастуридан ўтказилишини ташкил этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолати тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, ҳар чорақда камида бир марта фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) ҳисобот беради, тегишли таклифлар киритади;

ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;

табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишда жамоат тартибини таъминлайди;

фуқаролар ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишга, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини аҳоли онгига сингдиришга, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар шуҳратпарастлик ва дабдаба билан ўтказилишининг олдини олишга қаратилган аниқ ва мақсадли профилактик тадбирларни ташкил этади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери беради ва унинг ижросини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўз ваколатига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириши, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб, гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўриқдан ўтказиши ва уларнинг ашёларини кўздан кечириши, ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни олиб қўйиши мумкин;

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишга ва ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларнинг қатъий сир сақланишини таъминлашга мажбур;

в) Маҳалла хотин-қизлар фаоли ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий

муҳитини ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;

«Аёллар маслаҳат кенгашлари» билан яқин ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга кўмаклашади, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга оширади;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқин тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб боради, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий-маънавий масалалар тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, ҳар чоракда камида бир марта фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) ҳисобот беради;

фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси ҳамда «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси, «Аёллар маслаҳат кенгаши» фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади;

хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида фуқаролар йиғини кенгаши ва ваколатли давлат органига мурожаат қилади ҳамда мурожаатлари бўйича ишлар бажарилмаган тақдирда, маҳалла раиси орқали юқори турувчи ташкилотга ёхуд ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимнома киритади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларга мотивация беради, турмуш қийинчиликларини енгишни ўргатади, зарур ҳолларда психологларни жалб этади;

жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оилаларни мустаҳкамлашга, хотин-

қизларнинг муаммоларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшган аёлларни «Мўътабар аёл» кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га таклифлар киритади.

оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларни «Ибратли оила» кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га таклифлар киритади;

маҳалла хотин-қизлар фаоли фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъи риоя этишга ва ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларнинг қатъий сир сақланишини таъминлашга мажбур;

маҳалла хотин-қизлар фаоли ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига бўйсунди ҳамда улар олдида ҳисобдор бўлади;

г) Фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлайди;

маҳалладаги ёшлар ҳисобини ҳамда уларнинг оилавий-ижтимоий аҳволи, ўқиш ва иш фаолияти, иқтидори ва қизиқишлари мониторингини юритади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини жойига чиқиб ўрганиш, улар билан мулоқот ва учрашувлар ташкил этиш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

маҳаллада ёшлар инфратузилмасини ривожлантириш, ёшлар учун фан, маданият, санъат тўғаракларини ташкил этиш ва уларга ёшларни кенг жалб этиш чораларини кўради;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришларига кўмаклашади;

таълим муассасалари билан ҳамкорликда машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаб, ўқишга қайтаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

ноқобил, нотинч оилалар, уларда тарбияланаётган ёшлар, чет элларга ишлаш ёки бошқа сабаблар билан чиқиб кетган ота-оналар, жазо муддатини ўтаётганлар, зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолган оилалар фарзандлари билан индивидуал тартибда иш олиб боради ҳамда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган барча тоифадаги шахслар фарзандларининг яшаш тарзи ва хулқ-атворини мунтазам равишда ўрганиб боради;

ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан, хусусан, экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, назоратсизлик, қаровсизлик ва бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда бунга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг онгига она Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини сингдириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

ёшларнинг уюшган ҳолда қадимий тарихий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган маърифат масканларига, табиат бағрига саёҳатлар, музей ва кўргазмаларга экскурсияларини ташкил этади;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни спорт тўғаракларига жалб қилиш, шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган профилактика, санитария-гигиена тадбирларини амалга оширади;

ёшларнинг атроф-муҳитни, табиатни асраб-авайлаш, муҳофаза қилишга йўналтирилган экологик маданиятини шакллантириш бўйича тарғибот ишларини олиб боради;

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг фаолиятини самарали йўлга қўйишда фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарига кўмаклашади;

д) Фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш орқали маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш масалаларида, шунингдек, миллий урф-одат, анъана ва маросимларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда таклиф ва тавсиялар беради;

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва огоҳлигини ошириш, жаҳолатга қарши таъсирчан ҳамда кучли маърифат тарғиботини, умумтаълим мактабларида кийиниш маданиятини, ўқувчиларнинг давоматини таъминлашга қаратилган тадбирларда иштирок этади;

фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ҳамда «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг фаолиятини самарали йўлга қўйишда фуқаролар йиғини раисига кўмаклашади;

камбағал ва кўп болали оилалар, ёлғиз, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашади;

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган кексалар ва фахрийлар, намунали оилалар ва обрў-эътиборга эга бўлган шахслар салоҳиятидан ёшлар тарбиясига оид тадбирлар ўтказиш чораларини кўради;

кексалар ва фахрийлар иштирокида аҳоли ўртасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича суҳбатлар ўтказиш ҳамда эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этади;

байрам саналари муносабати билан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда кексалар ва фахрийлар иштирокида маърифий тадбирлар ташкил этади;

фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этаётган кексалар ва фахрийларни давлат мукофотларига тақдим этиш бўйича таклифлар беради;

аҳоли ўртасида жисмоний тарбия машғулотлари гуруҳларини шакллантириш, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатади;

ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг амалга оширилишида фаол иштирок этади;

лоқайдлик, оилавий келишмовчиликлар ва ёшлар ўртасида «оммавий маданият» кўринишидаги салбий иллатлар тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирлар ташкил этади;

кексалар орасида спорт-соғломлаштириш, саломатлик учун шахсий масъулиятни юксалтириш бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этади;

ижтимоий ҳимояга олинган ёлғиз кексаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши, қаровчисиз қолган фуқароларни амбулатор-стационар ҳамда уй шароитида даволаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга тиббий-ижтимоий хизматларнинг ташкил этилишига кўмаклашади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган пенсия ёшидаги кишиларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига кўмаклашади;

эҳтиёжманд, боқувчисиз қолган ёлғиз кексаларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш чораларини кўради;

тўй ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам, ижтимоий табақаланишга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боради;

илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, касаначилик, томорқа маданияти, тадбиркорлик каби турли соҳалар бўйича катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга кексалар иштирокида аҳоли орасида тадбирлар ўтказади;

Ҳаж ва Умра зиёратларига тавсия этиладиган фуқаролар бўйича таклифлар беради;

ёлғиз кексалар ҳамда пенсионерлар учун тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштиришга кўмаклашади.

42. Фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси амалга оширади.

43. Фуқаролар йиғини раиси беш йил муддатга сайланади. Сайловлар «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ташкил этилади ва ўтказилади.

44. Фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларнинг талаб даражасида ва самарали бажарилиши учун масъулдирлар.

8-боб. Фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси

45. Фуқаролар йиғинлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулкидир.

46. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий манбалари:

ўз маблағларидан;

маҳаллий бюджет маблағларидан;

грантлар ва инвестициялар даромадларидан;

фуқаролар йиғинларининг ўз мулкidan олинган даромадлардан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлардан ташкил топади.

47. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банк ҳисобварағидаги молиявий маблағларини мустақил тасарруф этади.

Фуқаролар йиғинининг молиявий маблағлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

48. Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳар чорақда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) олдида ҳисоб беради.

9-боб. Якунловчи қоидалар

49. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда давлат статистика ва солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этади.

50. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклиф фуқаролар йиғинига унинг раиси, кенгаши, тафтиш комиссияси томонидан киритилиши мумкин.

51. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) тасдиқлангандан кейин тегишли Давлат хизматлари марказларида ҳисобга олинади. Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олингач қонуний кучга кирган ҳисобланади.

52. Фуқаролар йиғинини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳалла бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда, чегаралари ўзгартирилганда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)нинг қарорига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

53. Фуқаролар йиғини фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тугатиш комиссияси тузилади.

54. Фуқаролар йиғини тугатилганда унинг маблағи ва мол-мулк фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ушбу Низом мақсадлари учун сарфланади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Фуқаролар йиғинининг комиссиялари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссиялар (кейинги ўринларда — комиссиялар) фаолиятини тартибга солиди.

2. Комиссиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ва унинг кенгаши қарорларига ҳамда ушбу Намунавий низомга мувофиқ жамоатчилик асосида амалга оширади.

3. Фуқаролар йиғини ҳузурида қуйидаги комиссиялар фаолияти йўлга қўйилади:

фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси;

фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси;

фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси;

фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси;

фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси.

2-боб. Фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси фаолиятини ташкил этиш

1-§. Фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

4. Қуйидагилар фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг (кейинги ўринларда — оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси) асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудудда миллий, умуминсоний ва оилавий қадриятларни кенг тарғиб этиш;

оилаларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатини самарали амалга оширишда иштирок этиш, оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳоли ўртасида оилавий низолар, ёшлар тарбиясига эътиборсизлик ҳолатлари, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандлик иллатларига берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши — оилалар барбод бўлишининг асосий сабабларидан бири эканлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш, оиланинг муқаддаслиги ва оилавий муносабатлар бузилишининг олдини олиш бўйича манзилли тарғибот ишларини ташкил этиш;

суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан никоҳдан ажрашишга ариза билан мурожаат қилган эр-хотинларни яраштириш учун тегишли чоралар кўриш бўйича хабар олингандан сўнг ярашиш учун белгиланган муддат тугашидан ўн кун аввал уларни яраштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида тегишли равишда суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органини хабардор қилиш;

ҳудудда осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, тинчлик ва тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш бўйича чора — тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

намунали оилалар, уларнинг фарзанд тарбияси борасидаги тажрибаларини ҳамда оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни оммалаштириш;

ўсиб келаётган ёш қизлар ўртасида миллий, умуминсоний ва оилавий қадриятларга ҳурмат руҳида бўлиш ҳамда билим ва одоб қоидаларини, маънавий-маърифий фазилатларни кенг тарғиб этиш;

аҳоли ўртасида тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятлар ва ибратли анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ва бу борадаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш.

5. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари, хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, фуқаролар йиғини ходимлари,

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятига қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

6. Оилавий қадриятларни мустақамлаш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

маҳалла ва оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни ўрганиш ва улардаги ҳолат тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун фарзандлари ўқиётган таълим муассасаларидан зарур маълумотларни ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда олиш;

маҳалла ва оилалардаги тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатликка салбий таъсир этувчи омилларни ҳамда бунга сабабчи бўлган шахсларни аниқлаш, салбий ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

низолашаётган эр-хотин ва яқин қариндошлар ўртасидаги мол-мулк, мероснинг бўлинишида ўз ваколати доирасида иштирок этиш;

никоҳдан ажралиш ҳолати қайд этилган оилаларда болаларнинг ота-онасининг қайси бири билан яшаши, болаларнинг фарзандликка олиниши ёки махсус муассасаларга, шу жумладан «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларида жойлаштирилиши масаласининг белгиланган тартибда ҳал қилинишида ўз фикрини билдириш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида зарур ахборот ва тушунтиришлар олиш учун ўз мажлисларига давлат органларининг масъул ходимларини, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, мутахассисларни ва бошқа шахсларни таклиф этиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш бўйича тавсиялар бериш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, ёш оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши,

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш.

7. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини амалиётга татбиқ этиш;

оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришни, эрта никоҳ ва ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш;

ўз фаолиятида фуқаролар кадр-қимматининг камситилиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

8. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси раиси ва унинг аъзолари:

оилалар билан ишлашда ҳар бир оиладаги муҳитни инобатга олган ва замонавий самарали услубларни қўллаган ҳолда индивидуал ёндашиш;

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;

ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда оила соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

2-§. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

9. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси аъзолари фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайловидан сўнг бир ой ичида 8 — 12 нафар аъзодан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси таркибига маҳалла хотин-қизлар фаоли, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, имом-хатиб, таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, оилавий шифокорлик пункти (оилавий поликлиника) вакили, психологлар, ҳаётий тажрибага эга бўлган,

намунали оила бошлиқлари, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган маҳалла фаоллари киритилиши мумкин.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясига раҳбарлик фуқаролар йиғини раиси томонидан амалга оширилади.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси аъзоси муддатидан аввал комиссия таркибидан чиқса, унинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан сайланади.

10. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси раиси: комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради; ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларнинг комиссия аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди;

оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича тадбирларда бевосита иштирок этади;

мажлисларни чақиради ва ўтказади;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

Комиссия ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан комиссия раисининг ўринбосарини ва котибини сайлайди.

11. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг йиллик, чораклик иш режалари комиссия йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси иш режаси ижроси юзасидан комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси йиғилиши, агар унинг ишида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

12. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг котиби йиғилишларнинг баёнини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

13. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

3-боб. Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

1-§. Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Қуйидагилар фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг (кейинги ўринларда — хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия) асосий вазифалари ҳисобланади:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш;

маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар билан биргаликда меҳнат жамоаларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улар учун яратилаётган имкониятлар ва берилаётган имтиёзларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиладиган тадбирларга хотин-қизларни манзилли жалб этиш;

хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилавий ва аёллар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

хотин-қизлар ўртасида салбий ҳолатларнинг (жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш каби)нинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш;

миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг тартибли, ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишида фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

шакллантирилган рўйхат асосида қизларнинг оилавий муҳити, эҳтиёжлари ва қизиқишлари, тўғарақларга қамровини ўрганиш, уларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этишда ёшлар етакчисига кўмаклашиш;

шахсий кўникмаларини ривожлантириш истагини билдирган ўсмирлик ёшидаги қизларни «Бибихоним мактаблари» машғулотларига жалб этиш;

тарбияси оғир қизлар билан комиссия аъзолари, «Ибратли оила», «Мўътабар аёл», «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонлари совриндорлари, «Қизлар одоби тарғиботчиси» кўрик-танлови ғолибларини жалб этган ҳолда яққа тартибда суҳбатлар ташкил этиш, уларнинг оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни «Ота-оналар университети» машғулотларига жалб этиш;

«Қизлар одоби» тарғиботчиси танловининг туман (шаҳар) босқичларида фаол аёллар иштирокини таъминлаш;

хотин-қизларнинг театрларга, маданият ва маърифат масканларига ташрифларини уюштириш;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш;

таҳдид ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва болаларнинг ҳимоясини таъминлашга ва айбдорларни жавобгарликка тортишга оид ҳаракатларни амалга оширишда кўмаклашиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, пробақия хизмати ҳисобида турган ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизларни ишга жойлаштиришга, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида кўмаклашиш;

хорижга чиқиб кетаётган ва хориждан келаётган хотин-қизлар ҳисобини олиб бориш, уларнинг оилалари аҳволидан хабардор бўлиб туриш, хорижда ишлаб келган хотин-қизларнинг тиббий кўриқдан ўтиши ва ишга жойлашишига кўмаклашиш.

15. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич

ташкilotлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқаролар йиғини ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

16. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкilotлардан белгиланган тартибда олиш, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этиш;

фарзанд тарбияси борасида ибратли бўлган оналарни, ижтимоий фаол хотин-қизларни, иқтидорли қизларни рағбатлантириш, шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш бўйича туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкilotларнинг вакилларини, мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш.

17. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

комиссия фаолиятида фуқароларнинг кадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймастик;

фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини, шунингдек, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш;

йўналиши бўйича тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ва фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

комиссия аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

18. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси ва унинг аъзолари:

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;

ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда оила соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

2-§. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

19. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайловидан сўнг бир ой ичида 8 — 12 нафар аъзодан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия таркибига фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари-профилактика инспектори, таълим муассасалари, оилавий шифокорлик пункти (оилавий поликлиника), Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудуддаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари, хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар вакиллари, психологлар, шунингдек, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол хотин-қизлар киритилиши мумкин.

комиссияга раҳбарлик маҳалладаги хотин-қизлар фаоли томонидан амалга оширилади.

комиссия таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

комиссия аъзоси муддатидан аввал комиссия таркибидан чиқса, унинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан сайланади.

20. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси:
комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;
ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларнинг комиссия аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди;

мажлисларни чақиради ва ўтказди;
фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.
комиссия ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан комиссия раисининг ўринбосарини ва комиссия котибини сайлайди.

комиссия раиси ўринбосарининг вазифалари комиссия раиси томонидан фуқаролар йиғини кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда раис ўринбосари унинг вазифасини бажаради.

21. Вазифалар тақсимооти ҳамда унга асосан тузилган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг йиллик, чораклик иш режалари комиссия йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия иш режаси ижроси юзасидан комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия йиғилиши, агар унинг ишида аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

22. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия котиби йиғилишларнинг баёнини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

23. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

4-боб. Фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

1-§. Фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

24. Қуйидагилар фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг (кейинги ўринларда — ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси) асосий вазифалари ҳисобланади:

оилаларни ўрганиш, камбағал оилалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларни аниқлаш ва ҳисобга олишга кўмаклашиш;

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш чоратadbирларини амалга ошириш ҳақида фуқаролар йиғинига ва унинг кенгашига таклиф киритиш;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш, уларга ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш тadbирларини амалга оширишда кўмаклашиш;

қонунчилик ҳужжатларининг, шунингдек, фуқаролар йиғини қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

тadbиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

фуқаролар йиғини аъзолари томонидан тўйлар ва бошқа маросимларнинг тавсия этилган меъёрлар асосида ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қатнашиш;

«маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» ҳамкорлик тизими асосида аниқланган муаммоларнинг масъул ижрочилар

томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек, ҳал этилганлик ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

25. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар филиаллари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар йиғини ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

26. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

камбағал оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш, ушбу мақсадларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги маблағларини жалб этиш бўйича фуқаролар йиғинига таклиф киритиш;

камбағал оилалар, вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларида бепул ёзги дам олиш масалаларида ва бошқа ижтимоий тадбирлар ўтказиш бўйича тегишли ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларга мурожаат қилиш тўғрисида фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш;

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, уларни ташкил этиш, шунингдек, уларда иштирок этиш;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олиш;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юбориш;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув

тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш.

27. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

камбағал оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишда қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик;

фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини амалиётга татбиқ этиш;

йўналиши бўйича тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

28. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси раиси ва унинг аъзолари:

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;

ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий муҳофаза ҳамда жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

2-§. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

29. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия аъзолари фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайловидан сўнг бир ой ичида камида 15 кишидан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия таркибига фуқаролар йиғини ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходими, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол фуқаролар киритилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияга раҳбарлик фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия аъзоси муддатидан аввал комиссия таркибидан чиқса, комиссиянинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан сайланади.

30. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия раиси:

комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларнинг комиссия аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди;

мажлисларни чақиради ва ўтказади;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;
комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

Комиссия ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан комиссия раисининг ўринбосарини ва комиссия котибини сайлайди.

31. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиянинг йиллик, чораклик иш режалари комиссия йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия иш режаси ижроси юзасидан комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

32. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия ўз фаолиятини олиб боришда фуқароларнинг мурожаатлари, комиссия раиси ва аъзоларининг таклифлари, ҳудуддаги ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига қараб йиғилиш ўтказиши ва тегишли қарорлар қабул қилади.

33. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия йиғилиши, агар унинг ишида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

34. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиянинг котиби йиғилишларнинг баёнини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

35. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

5-боб. Фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

1-§. Фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиясининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

36. Қуйидагилар фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиясининг (кейинги ўринларда — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси) асосий вазифалари ҳисобланади:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, умумдавлат ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда иштирок этиш;

аҳолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар (кўп квартирали уйлар) атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этиш, шу жумладан, ҳашарлар уюштириш, кўриклар ва танловлар ўтказишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан фуқаролар йиғинининг ваколатлари доирасида ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича таклифлар киритиш;

камбағал оилаларнинг уйлари ва хонадонларини таъмирлаш, ушбу мақсадда аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан фуқаролар йиғинига ва унинг кенгашига таклиф киритиш;

ҳудудда ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга доир тадбирлар ўтказишга кўмаклашиш;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати устидан назоратнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

аҳоли томонидан чиқиндиларнинг белгиланган жойларга ташланишини назорат қилиш, мавсумий хазонлар ёқишининг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш;

фуқаролар йиғини аъзоларининг экологик маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишларига доир тарғибот ишларини амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар (кўп квартиралли уйлар) атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

37. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда туман (шаҳар) табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари, коммунал хизматлар кўрсатиш ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, таълим муассасалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари, фуқаролар йиғини ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

38. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан тасдиқлаш учун йиғин кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид тадбирлар ташкил этиш юзасидан фуқаролар йиғини кенгашига таклиф киритиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

фуқаролар йиғини аъзоларининг атроф табиий муҳит тозалигини сақлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга ошираётган ибратли ишлари ва

ижобий тажрибаларини оммалаштириш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га таклифлар киритиш.

39. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиянинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқароларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини амалиётга татбиқ этиш;

йўналиши бўйича тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

40. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия раиси ва унинг аъзолари:

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;

ўз билимларини, айниқса инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

2-§. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

41. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайловидан сўнг бир ой ичида 8 — 12 нафар аъзодан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия таркибига таълим муассасалари, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотининг вакиллари, фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профилактика инспектори), шунингдек, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияга раҳбарлик фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик, томорқа ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзоси муддатидан аввал комиссия таркибидан чиқса, комиссиянинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан сайланади.

42. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия раиси:

комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларнинг комиссия аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди;

мажлисларни чақиради ва ўтказади;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

комиссия ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан комиссия раисининг ўринбосарини ва комиссия котибини сайлайди.

комиссия раиси ўринбосарининг вазифалари комиссия раиси томонидан фуқаролар йиғини кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланади. Комиссия раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда раис ўринбосари унинг вазифасини бажаради.

43. Вазифалар тақсимоти ҳамда унга асосан тузилган экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиянинг йиллик, чораклик иш режалари комиссия йиғилишида муҳокама қилинади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия иш режаси ижроси юзасидан комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия йиғилиши, агар унинг ишида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

44. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия котиби йиғилишларнинг баёнини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

45. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

6-боб. Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш

1-§. Фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

46. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан молиявий-хўжалик фаолияти соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган фуқаролар йиғини аъзолари орасидан камида уч нафар таркибда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

47. Тафтиш комиссиясининг мақсади фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текширишдан иборат.

48. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга,

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга, фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарорларига ҳамда ушбу Намунавий низомга мувофиқ амалга оширади.

49. Тафтиш комиссияси ўз текширишларини фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарорига мувофиқ амалга оширади.

Тафтиш комиссияси режадан ташқари текширишларни фуқаролар йиғини аъзоларининг камида учдан бир қисмининг сўровига биноан ўтказди.

50. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобдордир.

51. Қуйидагилар Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фуқаролар йиғини органлари томонидан фуқаролар йиғини мол-мулкани сақлаш ва ундан фойдаланиш, жумладан пул маблағларининг мақсадли ва манзилли сарфланиши ҳолатини текшириш;

фуқаролар йиғини органлари томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юритилишини текшириш;

фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётганлигини текшириш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда фуқаролар йиғинига таклиф ва хулосалар киритиш;

жалб этилган ҳомийлик хайрия маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун фуқаролар йиғини мажлисига киритиш.

52. Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа даврдаги фаолияти якунлари бўйича фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарорига мувофиқ текширади.

Фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати якуни бўйича мажбурий амалга оширилади.

53. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

текшириш ўтказиш бўйича йиллик иш режаларини тузиш ва тасдиқлаш учун фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) киритиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш;

текшириш ўтказиш учун зарур бўлган, шунингдек, фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятига доир ёзма маълумотлар олиш;

зарур ҳолларда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил аудиторлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

молия-ҳўжалик ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш, зарур ҳолларда хонадонларга бориб маълумотларни солиштириш;

фуқаролар йиғини номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

молия-ҳўжалик фаолиятида белгиланган норматив кўрсаткичлар ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

фуқаролар йиғини мол-мулкдан фойдаланишнинг ҳолатини ўрганиш;

текшириш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича моддий жавобгар шахслардан тушунтиришлар олиш;

молия-ҳўжалик фаолиятида аниқланган камчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари бўйича фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)ни чақириш тўғрисида таклиф киритиш;

фуқаролар йиғини кенгаши ёки фуқаролар йиғини раиси томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарорларига мувофиқлигини текшириш;

солиқ инспекцияси, статистика органлари ва бошқа ваколатли давлат органлари учун ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

фуқаролар йиғинининг молиявий ҳужжатларини, мол-мулк хатлови бўйича маълумотларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг мавжуд норматив қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

молия-ҳўжалик ҳисоботини белгиланган тартиб асосида юритиш бўйича тавсиялар бериш;

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклиф киритиш.

Тафтиш комиссиясининг талабига кўра фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолияти учун масъул шахс зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

54. Тафтиш комиссияси қуйидаги мажбуриятларга эга:

текшириш ўтказишда қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Намунавий низом талабларига қатъий амал қилиш;

ўтказилган текшириш натижаларига доир хулосалар нусхаларининг белгиланган тартибда сақланишини таъминлаш;

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га амалга оширилган текширишлар натижалари юзасидан ёзма ҳисоботларни ўз вақтида етказиш;

ўз вазифаларини бажариш пайтида Тафтиш комиссияси аъзоларига маълум бўлган сир сақланадиган маълумотларни ошкор қилмаслик.

Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текшириш мавзусига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни пухта текширишга мажбур.

Тафтиш ўтказилаётган вақтда ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш Тафтиш комиссияси раиси зиммасида бўлади.

2-§. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш

55. Фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) фуқаролар йиғини раиси сайловидан сўнг бир ой ичида Тафтиш комиссиясини тузади, Тафтиш комиссия аъзолари ва раисини сайлайди.

Тафтиш комиссияси аъзолари ва раисини сайлаш учун номзодлар фуқаролар йиғини (раиси) томонидан тақдим этилади.

Тафтиш комиссияси таркибига номзоди кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Овоз бериш Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (раиси) томонидан тақдим этилган номзод сайланмаган тақдирда, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан шу куннинг ўзида фуқаролар йиғини аъзолари орасидан унинг ўрнига бошқа номзод тақдим этилади ва белгиланган тартибда сайланади.

Тафтиш комиссияси раиси ва унинг аъзолари беш йил муддатга сайланади.

Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.

56. Тафтиш комиссияси раиси ёки аъзоси қуйидаги ҳолларда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)нинг қарори билан Тафтиш комиссия таркибидан чиқарилади:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

ушбу Намунавий низомда назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганда;

Тафтиш комиссияси фаолиятига тааллуқли масалаларга доир фуқаролар йиғини мажлисларида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) узрли сабабларсиз мунтазам равишда уч ёки ундан ортиқ марта иштирок этмаганда, унинг топшириқларини бажармаганда;

фуқаролар йиғинининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган қарори билан бедарак йўқолган деб топилганда ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

доимий ёки асосан яшаш жойи ўзгарганда;

соғлиғининг ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

вафот этган тақдирда.

Тафтиш комиссияси раиси ёки аъзоси Тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилганда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) бир ой муддат ичида Тафтиш комиссиясининг янги раиси ёки аъзосини сайлайди.

57. Тафтиш комиссиясининг мажлиси унда Тафтиш комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари Тафтиш комиссиясининг қарорига рози бўлмаганда мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига), фуқаролар йиғини кенгашига етказишга ҳақлидирлар.

58. Тафтиш комиссияси раиси:

Тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва ўтказди;
Тафтиш комиссиясининг жорий ишларини ташкил қилади;
фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида Тафтиш комиссияси номидан вакил бўлади;

Тафтиш комиссияси номидан чиқариладиган ҳужжатларни имзолайди;

Йилнинг ҳар чорагида бир марта амалга оширилган ишлар бўйича фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот беради.

59. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини бошқа органларининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3-§. Тафтиш комиссиясининг хулосаси

60. Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари асосида қуйидагиларни ўз ичига олган хулоса тайёрлайди:

ҳисоботлардаги ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончли ва тўғри эканлигига берилган баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари, шунингдек, қонунбузилиши фактлари тўғрисидаги маълумот;

аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифлар.

61. Тафтиш комиссияси хулосаси Тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзолари, фуқаролар йиғини раиси ва фуқаролар йиғини бухгалтерия ҳисобини юритиш учун фуқаролар йиғини раиси тавсияси асосида фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан белгиланган масъул шахс томонидан имзоланади.

62. Фуқаролар йиғини раиси ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш учун масъул шахс Тафтиш комиссияси хулосаси бўйича эътироз билдирган тақдирда, хулосага имзо қўйиш билан бир вақтда ўз эътирозини илова қилиши мумкин.

63. Текшириш натижалари бўйича тузилган хулосага нисбатан билдирилган эътирозлар бўйича Тафтиш комиссияси ўз фикрини билдиради.

64. Тафтиш комиссияси ҳисоботи фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) кўриб чиқилмагунгача учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

65. Тафтиш комиссиясини тугатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш, тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

66. Комиссияларни тугатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

67. Ушбу Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмаларининг (кейинги ўринларда — жамоатчилик тузилмалари) мақсади ва асосий вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик тузилмалари ўз фаолиятини амалга оширишда давлат органлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар йиғини ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

3. Фуқаролар йиғинларида қуйидаги жамоатчилик тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади:

«Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси;

«Аёллар маслаҳат кенгаши»;

«Кексалар маслаҳати» гуруҳи;

«Маҳалла назорати» гуруҳи;

Маҳалла еттилиги.

4. Жамоатчилик тузилмалари қарорлари тавсиявий хусусиятга эга. Жамоатчилик тузилмаларининг низоми фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тасдиқланади.

5. Жамоатчилик тузилмалари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида ошкоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойилларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

2-боб. «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Ота-оналар университети»нинг мақсади, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. «Ота-оналар университети» (кейинги ўринларда — Университет) ушбу Намунавий низомга мувофиқ оилавий муносабатларда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган маҳалла ҳудудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда юзага келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширади.

Университетнинг мақсади маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдам бериш, бу борада оилалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишларини янада такомиллаштиришдан иборат.

7. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар билан ишлаш;

маҳалладаги оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш;

оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш.

8. Университет қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

оилалар ва муайян шахсларга ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва иш жараёнида унга ўзгартириш киритиш;

Университет томонидан ташкил этиладиган машғулотлар режасини тузиш, заруратга кўра уни такомиллаштириш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тадбир ва машғулотларга давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, малакали мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш;

Университет машғулотларини маҳалла ҳудудида олиб борилган жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровнома материалларидан, «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари натижаларидан, статистик маълумотлардан, оммавий ахборот воситаларида ёритилган мақолалардан, намунали оилаларнинг тажрибаларидан ва шу каби йўналишларда ҳаётий мисоллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

9. Университет қуйидагиларга мажбур:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

оилалар ва маҳаллалардаги маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигининг бузилиши, шу жумладан, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олишга кўмаклашиш;

ота-оналар билан ишлаш ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар бўйича фуқаролар йиғини ҳаётида, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини, шунингдек, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш;

Университет машғулотлари ва тарғибот тадбирларини самарали ҳамда мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг ота-оналари билан тизимли ишларни ташкил этиш;

фуқароларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўймаслик;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ва фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

Университет аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

2-§. Университет таркибини шакллантириш

10. Университет таркиби фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилгандан кейин бир ой ичида 8 — 12 нафар аъзодан иборат таркибда беш йил муддатга сайланади.

Унга фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, салоҳиятли, фаол аёл раҳбарлик қилади. Университет раҳбарининг ўринбосари лавозимига номзодга ва аъзоликка номзодга фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган бўлса, у сайланган ҳисобланади.

Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли хотин-қизлар билан ишлаш бўйича Университет фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради.

11. Университет аъзолари ҳуқуқшунос, шифокор, педагог, психолог ва бошқа мутахассислар ҳамда Университетга юкланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жамиятда ўзининг намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган фаол фуқаролар орасидан сайланади.

12. Университет ўз олдида турган асосий вазифаларни ҳар ойда камида бир марта чақириладиган йиғилишларда кўриб чиқади. Университет йиғилиши аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Университет аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

13. Университетнинг йиғилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Университетнинг йиллик, чораклик иш режалари, шу жумладан, Университет машғулотларининг йўналишлари бўйича режасини ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ва фуқаролар йиғини кенгашига киритиш билан боғлиқ масалалар;

Университет иш режалари ижроси юзасидан Университет аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш билан боғлиқ масалалар;

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) билан келишишни талаб қиладиган бошқа масалалар.

14. Университет раҳбари:

Университет фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

Университетнинг йиғилишларида раислик қилади;

оилавий муносабатларда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларнинг рўйхатини шакллантиради ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

оилавий муносабатларда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган маҳалла ҳудудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда юзага келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширади;

Университет аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Университет аъзоларига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ва оила билан ишлаш одоб-ахлоқ қоидалари бузилмаслигини эътиборга олган ҳолда, бажарилишини таъминлайди;

Университет иш режалари ижроси юзасидан Университет аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида Университет номидан вакил бўлади;

Университет номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди;

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) билан келишишни талаб қиладиган бошқа масалаларни кўриб чиқади;

Университет фаолияти тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) ҳисобот беради.

15. Университет раҳбарининг ўринбосари ва аъзоларининг ваколатлари ушбу Намунавий низомда назарда тутилган Университетнинг мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб Университет раҳбари томонидан белгиланади.

Университет раҳбари узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда Университет раҳбари ўринбосари унинг вазифасини бажаради.

16. Университет ўз аъзолари томонидан оилавий муносабатларда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларнинг

шакллантирилган рўйхатини ўрганади ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

17. Маҳалла ҳудудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда юзага келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари Университет раҳбари томонидан тасдиқланади.

18. Рўйхатдаги оила ёки шахс билан индивидуал ёки гуруҳларда иш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши мумкин.

19. Чора-тадбирлар ўз ичига оиладаги вазиятни ва юзага келган муаммоларни баҳолаш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилади.

Шунингдек, тадбирлар тегишли йўналишлар бўйича ўқув машғулотлари ва тарғибот ишларидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

20. Ушбу Намунавий низомга 1-иловада келтирилган намунавий шаклга мувофиқ оила ёки шахс билан индивидуал иш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасида:

оила ёки шахс тўғрисидаги маълумотлар (мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оила таркиби, вояга етмаган шахслар сони ва бошқа маълумотлар);

қийин вазият юзага келганлик сабаби (муаммо);

муаммо ечимини топиш бўйича қилинадиган ишлар (ишлар номи ва муддати кўрсатилган ҳолда);

муаммо ечимига нималар тўсқинлик қилиши, тўсиқларни бартараф этиш чоралари (бошқа идора ва ташкилотларни жалб қилиш эҳтиёжи мавжудлиги) кўрсатилади.

21. Университет томонидан режалаштириладиган тадбирлар ва машғулотлар унда иштирок этувчиларнинг ёши, жинси, маълумотини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Гуруҳларда ўтказиладиган тадбирлар ва университет машғулотларининг жойи, вақти ва ташкил этиш тартиби унинг иштирокчиларининг бўш вақтини ҳисобга олган ҳолда Университет йиғилиши томонидан белгиланади.

22. Гуруҳларда ўтказиладиган Университет машғулотлари қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

оила ҳуқуқи;

оила маънавияти;

оила бошқаруви;
оила иқтисодиёти;
оила психологияси;
оиланинг тиббий маданияти;
оилада соғлом турмуш тарзи.

23. Университет машғулотларининг мавзулари ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан ва мавжуд муаммолардан, шу жумладан аҳоли билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган масалалардан келиб чиқиб белгиланади.

24. Оила ёки шахс билан индивидуал иш олиб бориш бўйича чоратadbирлар режасида кўзда тутилган ишлар якуни бўйича Университет иштирокчилари ўртасида сўровномалар ўтказилади, оила ёки шахс қийин вазиятдан олиб чиқилганлиги тўғрисидаги хулоса шакллантирилади ва ушбу хулоса асосида қийин вазиятдан олиб чиқилган оила ёки шахсни рўйхатдан чиқариш амалга оширилади.

25. Ой, чорак, ярим йиллик ва йил якуни бўйича натижалар таҳлил этилади ва қийин вазиятдан олиб чиқилган оила ёки шахсларнинг рўйхатдан чиқарилган сони Университет фаолиятининг самарадорлигини аниқловчи омил сифатида белгиланади.

26. Университет томонидан қийин вазиятдан олиб чиқилган оила ёки шахслар ўртасида ўтказиладиган намунавий сўровноманинг шакли Университет раҳбари томонидан тасдиқланади.

27. Университетнинг тарғибот тadbирлари унинг аъзолари томонидан маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли ўртасида Университетнинг мақсад ва вазифалари юзасидан мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш ва республика ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш орқали амалга оширилади.

28. «Оила ва хотин-қизлар» илмий-tadbқиқот институти, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, шунингдек давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар Университет фаолиятини самарали ташкил этишга методик ва амалий жиҳатдан кўмаклашадилар.

3-§. Университет аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш

29. Университет аъзоларининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тўхтатилади:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

вафот этганда.

30. Университет аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган тақдирда, бир ой муддатда фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказилади.

3-боб. «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг асосий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг (кейинги ўринларда — Кенгаш) мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, «одобли қиз», «иффатли келин» ва «маърифатли аёл» ғояларини кенг тарғиб этишдан иборат.

32. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, зарур ҳолларда «Аёллар дафтари»га киритиш учун анкета-сўровнома тўлдириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, уларга психологик маслаҳатлар бериб бориш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улар учун яратилаётган имкониятлар ва берилаётган имтиёзларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларга ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий маслаҳатлар бериш орқали уларнинг оилаларни мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаолликларини ошириш;

аҳоли ўртасида «одобли қиз», «иффатли келин» ва «маърифатли аёл» ғояларини кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг, айниқса, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

33. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хотин-қизларнинг, шу жумладан, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказиш;

ўтказилган тадбирлар якунларига бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи ташкилотлар билан мақсадли алоқалар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этиш;

зарур ҳолатларда Кенгаш фаолиятига малакали мутахассисларни жалб этиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифалар доирасида ташаббуслар кўрсатиш;

семинар, тренинг, учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;

хотин-қизлар, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

34. Кенгаш қуйидагиларга мажбур:

ўз фаолиятида қонунчиликка ва мазкур Намунавий низом талабларига риоя қилиш;

фуқаролар билан мулоқотда самимий, хушмуомала ва холис бўлиш;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик;

хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашига йўл қўймаслик;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиш, аён бўлган сирларнинг ўзгаларга ошкор қилинишига йўл қўймаслик.

2-§. Кенгаш таркибини шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш

35. Кенгаш фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан 10 — 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Кенгаш аъзолари сони фуқаролар йиғинидаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади.

36. Кенгаш таркибига маҳалладаги хотин-қизлар фаоли, маҳаллада истиқомат қиладиган ҳамда бой ҳаётий ва амалий тажрибага эга, аёлларнинг муаммоларидан яқиндан хабардор бўлган, фаол ҳамда ташаббускор, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган хотин-қизлар, зиёли онахонлар, тадбиркор аёллар, ҳудуддаги таълим ва тиббиёт муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган хотин-қизлар, отинойилар, психологлар киритилиши мумкин.

37. Кенгаш фаолиятга маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, салоҳиятли, фаол аёл раҳбарлик қилади.

Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли хотин-қизлар билан ишлаш бўйича Кенгаш фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради.

38. Кенгаш раиси:

Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Кенгаш мажлисларини чақиради ва раислик қилади;

Кенгашнинг жорий ишларини ташкил қилади;

фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида Кенгашнинг номидан вакил бўлади;

Кенгаш номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди;

Кенгаш фаолиятига оид ўқув-методик кўрсатмалар ҳақида аъзоларни ўз вақтида хабардор қилади ва ижроси амалга оширилишини таъминлайди;

Кенгаш фаолиятини таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқарилади;

Кенгашнинг самарали ишени таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

Кенгаш раиси ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни Кенгаш аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда уларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

39. Кенгаш ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан Кенгаш раисини, унинг ўринбосарини ва Кенгаш котибини сайлайди.

Кенгаш раиси ўринбосарининг вазифалари Кенгаш раиси томонидан маҳалладаги хотин-қизлар фаоли билан келишган ҳолда белгиланади. Кенгаш раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда, раис ўринбосари унинг вазифасини бажаради.

40. Кенгаш котиби йиғилишларнинг баённомасини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

41. Кенгаш йиғилишлари заруратга қараб, бироқ ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

42. Кенгаш иш тартиби (жадвали) Кенгаш раҳбари томонидан Кенгаш аъзолари билан келишган ҳолда мазкур Намунавий низомга 2-иловада келтирилган иш тартиби асосида белгиланади.

43. Кенгашга ажратилаётган хоналарни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, хоналарни таъмирлаш, Кенгаш аъзоларини моддий рағбатлантириш харажатлари тегишли ташкилотлар, жамғармалар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

44. Қуйидагилар Кенгашнинг иш фаолияти усуллари ҳисобланади:

- индивидуал суҳбат;
- индивидуал маслаҳат (таълим олиш, иш фаолиятидаги муаммолар, шахслараро муносабатлар, шахсий муаммолар бўйича);
- анкета сўрови;
- психологик ташхис қўйиш;
- психологик, педагогик ва ҳуқуқий маслаҳат, психологик коррекция;
- тренинг (ўзаро муносабатлар ва касбий муваффақиятга эришишга кўмаклашувчи қизиқарли ва самарали машқлар);
- давра суҳбати;
- маънавий-маърифий тадбир;
- психолог билан психологик компетентлилик ва юзага келаётган муаммоли вазиятларни самарали ечиш кўникмасини ривожлантирувчи турли формат (маъруза, семинар, клуб)да мавзули учрашувлар.

45. Кенгаш ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

46. Кенгаш фаолиятини туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими мувофиқлаштиради, методик-амалий жиҳатдан кўмаклашади, Кенгашнинг иш режасини тасдиқлайди, чораклик, ярим йиллик ва йиллик фаолияти мониторингини юритади.

47. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан мунтазам равишда «Аёллар маслаҳат кенгашлари» раҳбарлари ва аъзоларининг билим ва малакаларини ошириш чоралари кўрилади.

48. Кенгаш фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар билан қуйидаги ҳолатларда ўзаро ҳамкорлик қилади:

хотин-қизларнинг муаммоларига комплекс ёндашиш зарурияти туғилганда;

муаммоли масалаларни ҳал этиш мурожаат этган хотин-қизларнинг оила аъзолари билан боғлиқ бўлганда;

хотин-қизларнинг фарзанд тарбиясидаги ҳамда оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ролини оширишга оид таклифлар ишлаб чиқишда;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишда.

4-боб. «Кексалар маслаҳат гуруҳи»нинг фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Кексалар маслаҳат гуруҳи»нинг мақсади, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

49. «Кексалар маслаҳат гуруҳи»нинг (кейинги ўринларда — Гуруҳ) мақсади кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш, кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасидан оилалар ва маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшларни тарбиялашда унумли фойдаланиш, уларнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат.

50. Қуйидагилар Гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идоралар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва огоҳлигини ошириш, жаҳолатга қарши таъсирчан маърифат тарғиботини, умумтаълим мактабларида кийиниш маданияти, ўқувчиларнинг давоматини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғини ҳудудидаги муаммоларни ҳал этиш, миллий урф-одат, анъана ва маросимларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда йўл-йўриқ кўрсатиш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

камбағал ва кўп болали оилалар, ёлғиз, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқаролар йиғини кенгашига, давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашиш;

аҳоли ўртасида жисмоний тарбия машғулотлари гуруҳларини шакллантириш, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиш;

ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг маҳаллаларда амалга оширилишида фаоллик кўрсатиш;

лоқайдлик, оилавий келишмовчиликлар ва ёшлар ўртасида «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари тарқалишини олдини олиш, фуқаролар йиғинида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жамоатчилик муносабатини шакллантириш;

кексалар орасида спорт-соғломлаштириш, муваффақиятли қариш, саломатлик учун шахсий масъулиятни юксалтириш каби тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

ижтимоий ҳимоядаги ёлғиз кексаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши, қаровчисиз қолган фуқароларни амбулатор-стационар ҳамда уй шароитида даволаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга тиббий-ижтимоий хизматларнинг ташкил этилишини назорат қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган пенсия ёшидаги кишиларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

тўй ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам ҳолда ўтказиш бўйича маҳаллада тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, касаначилик, томорқа маданияти, тадбиркорлик каби турли соҳалар бўйича катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга кексалар иштирокида аҳоли орасида тадбирлар ўтказиш;

ёлғиз кексалар ҳамда пенсионерлар учун тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларга мунтазам саёҳатлар уюштириш.

51. Гуруҳ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тадбирларга давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа шахсларни жалб қилиш;

маҳалладаги тинчлик, ҳамжиҳатлик муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш;

ижтимоий фаол, ташаббускор, фидойи кексаларни рағбатлантириш, шу жумладан, «Меҳнат фахрийси», «Мўътабар аёл» ва «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонларига тавсия этиш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га таклифлар киритиш;

маҳаллада кексаларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича масъулларга тавсиялар бериш.

52. Гуруҳнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқаролар йиғини ҳаётида, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларини амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш;

йўналиши бўйича тарғибот тадбирларини самарали ҳамда мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

Гуруҳ фаолиятида фуқароларнинг кадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

Гуруҳ аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

2-§. Гуруҳ таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

53. Гуруҳ таркиби фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилганидан кейин бир ой ичида 8 — 12 нафар аъзодан иборат таркибда беш йил муддатга сайланади.

Гуруҳ таркибига ижтимоий фаол, маҳаллада обрў-эътиборли, бошқаларга ибрат бўладиган кекса авлод вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимлари киритилади.

Гуруҳга раҳбарлик фуқаролар йиғини раиси томонидан амалга оширилади.

Гуруҳ таркибига номзодга фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган бўлса, у сайланган ҳисобланади.

Гуруҳ аъзоси муддатидан аввал Гуруҳ таркибидан чиқса, Гуруҳнинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан сайланади.

54. Гуруҳ раҳбари:

Гуруҳ фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;
ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларнинг Гуруҳ аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди;
мажлисларни чақиради ва ўтказиши;
фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;
Гуруҳ номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

55. Гуруҳ ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан Гуруҳ раҳбарининг ўринбосарини ва Гуруҳ котибинини сайлайди.

Гуруҳ раҳбари ўринбосарининг вазифалари Гуруҳ раҳбари томонидан фуқаролар йиғини кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади.

Гуруҳ раҳбари узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда раҳбар ўринбосари унинг вазифасини бажаради.

56. Вазифалар тақсимооти ҳамда унга асосан тузилган Гуруҳнинг йиллик, чораклик иш режалари Гуруҳ йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Гуруҳ иш режаси ижроси юзасидан Гуруҳ аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда Гуруҳ йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

Гуруҳ йиғилиши, агар унинг ишида аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳамда аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

57. Гуруҳ котиби йиғилишларнинг баённомасини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

58. Гуруҳ ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши)га ҳисобот бериб боради.

4¹-боб. Маҳалла назорати гуруҳининг фаолиятини ташкил этиш
1-§. Маҳалла назорати гуруҳининг асосий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

58¹. Маҳалла назорати гуруҳининг мақсади аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини кенгайтириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборат.

58². Қуйидагилар Маҳалла назорати гуруҳининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларига, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юкланган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функциялар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат хизматларини кўрсатиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

58³. Маҳалла назорати гуруҳи ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиш ҳолатини ўрганади;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таклифлар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллага бириктирилган ходимлари томонидан бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишланган тадбирларда иштирок этади;

қабул қилинган дастурлар асосида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ижтимоий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этади;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолатлар юзасидан чоралар кўриш тўғрисида тегишли давлат органлари ва ташкилотларига таклифлар киритади;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларига кўриб чиқиш учун юбориш;

жамоатчилик назорати натижалари асосида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

58⁴. Маҳалла назорати гуруҳи ўз вазифаларини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар,

шунингдек, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссияси ҳамда бошқа комиссиялари, ҳамда фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

58⁵. Маҳалла назорати гуруҳи ўзининг асосий вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ахборотлар, статистика ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олиш;

ижтимоий аҳамиятга эга масалалар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа қарорлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан жамоатчилик эшитувини ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти бўйича жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахборотларини эшитиш;

аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамаларни, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги аниқланганда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

юкланган вазифаларни бажариш учун нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар

йиғинининг бошқа жамоатчилик комиссиялари ва тузилмалари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

Маҳалла назорати гуруҳи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

58⁶. Маҳалла назорати гуруҳи ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига риоя қилиши;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган чекловларга амал қилиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашадишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, ошкор этмаслиги шарт.

2-8. Маҳалла назорати гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

58⁷. Маҳалла назорати гуруҳи унинг раҳбари, раҳбар ўринбосари, котиби ва аъзоларидан иборат.

58⁸. Маҳалла назорати гуруҳи аъзолигига маҳаллада обрў-эътиборли, ижтимоий фаол, бошқаларга ибрат бўладиган, катта ҳаётий тажрибага эга фуқаролар (давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари бундан мустасно), шунингдек, нодавлат нотажорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Маҳалла назорати гуруҳи таркибини шакллантиришда гендер тенглик тамойилига риоя қилинади, шунингдек, унинг таркибига ногиронлиги бўлган шахслар ҳам киритилади.

Маҳалла назорати гуруҳи аъзоларининг сони чекланмаган.

58⁹. Маҳалла назорати гуруҳи аъзолари фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан ҳар 5 йилда сайланади.

Маҳалла назорати гуруҳига фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади.

Маҳалла назорати гуруҳи таркибига киритиладиган номзодга фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда, у сайланган ҳисобланади.

Маҳалла назорати гуруҳи аъзоси муддатидан аввал гуруҳ таркибидан чиқарилганда, гуруҳнинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан сайланади.

58¹⁰. Маҳалла назорати гуруҳи ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан гуруҳ раҳбарининг ўринбосарини ва гуруҳ котибини сайлайди.

58¹¹. Маҳалла назорати гуруҳи аъзолари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, уларнинг боғланиш маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари) ва уларга киритилган ўзгартиришлар улар сайланган пайдан бошлаб 5 кун ичида туман (шаҳар) ҳокимликлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги расмий веб-сайтларида (кейинги ўринларда — веб-сайт) алоҳида бўлимда эълон қилиниши шарт.

58¹². Қуйидаги ҳолатларда Маҳалла назорати гуруҳи раҳбарининг ўринбосари, котиби ва аъзолари гуруҳ таркибидан чиқарилиши мумкин:

уларнинг Маҳалла назорати гуруҳи таркибидан чиқиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

узрли сабабларсиз Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишларида иштирок этмаганда, шунингдек, мазкур Низомнинг 585-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

58¹³. Маҳалла назорати гуруҳи раҳбари:

Маҳалла назорати гуруҳи фаолиятига раҳбарлик қилади ва ташкил этади;

Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишларида раислик қилади;

Маҳалла назорати гуруҳининг ҳужжатларини имзолайди;

Маҳалла назорати гуруҳи аъзоларининг зиммасига юкланган вазифалар бажарилишини таъминлайди;

веб-сайтда Маҳалла назорати гуруҳи фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг жойлаштирилиши ҳамда янгилашиб борилишини таъминлайди;

Маҳалла назорати гуруҳининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

58¹⁴. Маҳалла назорати гуруҳи раҳбари узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда, унинг вазифасини раҳбар ўринбосари бажаради.

58¹⁵. Маҳалла назорати гуруҳининг котиби:

Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишларига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишлари ўтказилишини ташкил этади;

Маҳалла назорати гуруҳи йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини гуруҳ раҳбари билан келишади;

Маҳалла назорати гуруҳи аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни гуруҳ йиғилиши ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган таклиф ҳамда тавсиялар тегишли давлат органлари ва ташкилотларига жўнатилишини таъминлайди.

58¹⁶. Вазифалар тақсимоти ҳамда унга асосан тузилган Маҳалла назорати гуруҳининг йиллик, чораклик иш режалари гуруҳнинг йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Маҳалла назорати гуруҳи иш режасининг ижроси юзасидан гуруҳ аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда гуруҳ йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

58¹⁷. Маҳалла назорати гуруҳининг йиғилиши, агар унда гуруҳ аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Маҳалла назорати гуруҳининг янги йиғилиши ўтказиладиган сана эълон қилинади.

58¹⁸. Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишининг қарори йиғилишда иштирок этадиган гуруҳ аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Маҳалла назорати гуруҳи раҳбарининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

58¹⁹. Маҳалла назорати гуруҳининг якуний ҳужжатида баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

58²⁰. Маҳалла назорати гуруҳи ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) ҳисобот бериб боради.

3-§. Маҳалла раиси сўровини амалга ошириш тартиби

58²¹. Маҳалла раиси тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослангилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

58²². Давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлган ҳужжатлар фуқаролар йиғини раиси сўрови орқали талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

58²³. Маҳалла раиси сўрови фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий манфаатларни кўзлаб маҳалла раиси сўровини юбориш тақиқланади.

58²⁴. Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишида маҳалла раиси сўрови мазмуни бўйича муҳокама ўтказилади, зарур бўлган ҳолларда эса, фуқаролар йиғини кенгашининг муҳокамасига киритиш тавсия этилади.

Муҳокама натижалари бўйича мазкур сўровни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

58²⁵. Маҳалла назорати гуруҳи ёки фуқаролар йиғини кенгаши томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай маҳалла раиси сўрови давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли мансабдор шахсига юборилади.

58²⁶. Маҳалла раиси сўрови давлат органлари ва ташкилотларининг битта мансабдор шахси номига ҳам, бир неча мансабдор шахси номига ҳам юборилиши мумкин.

58²⁷. Маҳалла раиси сўрови қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда фуқаролар йиғинининг расмий бланкасида расмийлаштирилади ва маҳалла раиси томонидан имзоланади.

58²⁸. Маҳалла раиси сўровида қуйидагилар:
маҳалла раиси сўрови юборилиши сабабларининг қисқача асоси;
маҳалла раиси сўрови кимга юборилаётган бўлса, ўша шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми;

ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш тўғрисидаги ёки тегишли маълумотларни текшириш ҳақидаги талаблар;

маҳалла раиси сўровига ўн беш кун муддат ичида жавоб тақдим этиш кўрсатилган бўлиши лозим.

58²⁹. Маҳалла раиси сўрови қайси мансабдор шахс номига юборилган бўлса, жавоб хати ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади ва сўров олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, сўралган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролар йиғини раисига юборилади.

58³⁰. Маҳалла раиси сўровига жавоб хати Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишида, зарур бўлган ҳолларда эса, фуқаролар йиғини кенгаши мажлисида маҳалла раиси томонидан ўқиб эшиттирилади.

58³¹. Маҳалла назорати гуруҳининг йиғилиши ёки фуқаролар йиғини кенгаши мажлисида маҳалла раиси сўровига жавоб хати муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинади.

4²-боб. «Маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Маҳалла еттилиги»нинг асосий мақсади, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

58³². «Маҳалла еттилиги»нинг мақсади маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишдан иборат.

58³³. Қуйидагилар «Маҳалла еттилиги»нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижроси таъминланишини, оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ва эҳтиёжларини ўрганишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

жисмоний шахсларни «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жисмоний шахсларга «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича қарор қабул қилиш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони билан тасдиқланган «Маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар рўйхати»да келтирилган ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратиш;

фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва бундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан киритилган хулоса асосида «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ёрдам бериш бўйича коллегиял қарор қабул қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таклифлар киритиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

58³⁴. Мазкур Намунавий низомнинг 4-бандида белгиланган жамоатчилик тузилмалари қарорларининг тавсиявий хусусиятга эга эканлиги тўғрисидаги қоида «Маҳалла еттилиги»нинг жисмоний шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш юзасидан қабул қиладиган қарорларига нисбатан татбиқ этилмайди.

58³⁵. «Маҳалла еттилиги» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланганда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ижтимоий ёрдам турларини кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

жисмоний шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасига бевосита алоқаси бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларини «Маҳалла еттилиги» фаолиятига жалб этиш.

«Маҳалла еттилиги» қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

58³⁶. «Маҳалла еттилиги»нинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшга йўл қўймаслик;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

2-§. «Маҳалла еттилиги» таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

58³⁷. «Маҳалла еттилиги» таркибига 7 нафар аъзодан иборат бўлган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори киритилади.

«Маҳалла еттилиги»га фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади.

«Маҳалла еттилиги» аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

58³⁸. Маҳалла раиси:

«Маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

«Маҳалла еттилиги» аъзолари ўзларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди;

мажлисларни чақиради ва ўтказиши;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

«Маҳалла еттилиги» номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

58³⁹. «Маҳалла еттилиги» котиби вазифасини бажариш маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисига юкланади.

58⁴⁰. «Маҳалла еттилиги» ваколатига доир масалалар унинг мажлисларида кўриб чиқилади.

«Маҳалла еттилиги» мажлисининг ҳужжатларини тайёрлаш ва аъзоларини чақириш вазифаси котиб томонидан амалга оширилади.

Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим уларга юкланган вазифалар юзасидан жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш, улардан чиқариш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириш учун жавобгар ҳисобланади.

«Маҳалла еттилиги» котиби йиғилишларнинг баённомасини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

58⁴¹. «Маҳалла еттилиги»нинг йиғилиши, агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шакланмаган тақдирда, «Маҳалла еттилиги»нинг янги йиғилиши ўтказиладиган сана эълон қилинади.

58⁴². «Маҳалла еттилиги» йиғилишининг қарори йиғилишда иштирок этадиган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, маҳалла раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

58⁴³. «Маҳалла еттилиги» ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) ҳисобот беради.

5-боб. Якунловчи қоидалар

59. Фуқаролар йиғинидаги жамоатчилик тузилмаларининг тугатиш ва фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорига мувофиқ амалга оширилади.

60. Ушбу Намунавий низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА

Фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқаролар йиғини раисига гувоҳнома ва кўкрак нишон бериш, ундан фойдаланиш, шунингдек, йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ва кўкрак нишони ўрнига янгисини бериш тартибини белгилайди.

2. Гувоҳнома фуқаролар йиғини раисининг ваколоти ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Гувоҳнома фуқаролар йиғини раисининг фуқаролик паспорти ўрнини босмайди.

3. Фуқаролар йиғини раисининг кўкрак нишони тегишли ҳудудда раислик мақомига эга бўлган мансабдор шахс сифатида ажратиб турувчи белги ҳисобланади.

Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

4. Фуқаролар йиғини раисига гувоҳнома ҳамда кўкрак нишон туман (шаҳар) фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия (кейинги ўринларда кўмаклашувчи комиссия деб аталади) томонидан берилади.

5. Фуқаролар йиғини раиси ўзига берилган гувоҳнома ва кўкрак нишондан ўз ваколоти муддати давомида фойдаланади.

6. Фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати тугаганидан кейин (ваколатлари муддатидан илгари тугатилганда) гувоҳнома ва кўкрак нишони кўмаклашувчи комиссияга қайтарилиши шарт.

2-боб. Гувоҳнома ва кўкрак нишоннинг шакли, гувоҳнома бланкаларини тайёрлаш, улар билан таъминлаш, уларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

7. Гувоҳнома муқоваси ва бланкалари ҳамда кўкрак нишон кўмаклашувчи комиссия буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича белгиланган корхоналарда тайёрланади.

Гувоҳномаларнинг бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади ва ушбу Низомга 1-иловада келтирилган тавсифга биноан қалбакилаштиришга қарши ҳимоя элементларига эга бўлган махсус қоғозда тайёрланади.

Гувоҳноманинг муқоваси ва бланкаси бошқа шахслар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари буюртмасига асосан тайёрланишига йўл қўйилмайди.

8. Фуқаролар йиғини раиси сайланган деб топилгач, сайлов ўтказилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай кўмаклашувчи комиссияга қуйидагиларни тақдим этади:

фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ) фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланган баённомаси ва қарори;

фуқаролар йиғини раиси паспортининг нусхаси;

3x4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат.

9. Гувоҳнома бланкалари фуқаролар йиғини раиси паспортининг нусхаси ҳамда ишчи гуруҳнинг баённомаси ва қарори асосида тўлдирилади. Зарур маълумотлар киритилгандан кейин гувоҳномалар бланкаларига улар эгаларининг фотосурати ёпиштирилади.

Гувоҳнома кўмаклашувчи комиссиянинг раиси томонидан имзоланади ва фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади. Тайёрланган гувоҳнома шаффоф плёнка билан қопланади.

10. Гувоҳнома тартиб рақамига эга бўлади. Берилган гувоҳномалар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда кўмаклашувчи комиссиялар томонидан юритиладиган Фуқаролар йиғини раиси гувоҳномаларини бериш ва қайтаришни ҳисобга олиш дафтарида (кейинги ўринларда — ҳисобга олиш дафтари) рўйхатдан ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси гувоҳномасининг тартиб рақами ҳисобга олиш дафтаридаги тартиб рақамига мос бўлиши лозим.

11. Ҳисобга олиш дафтарида гувоҳноманинг тартиб рақами, гувоҳнома эгасининг ҳамда уни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳноманинг амал қилиш муддати, гувоҳнома эгасининг фотосурати, гувоҳнома олинганлиги тўғрисида имзо ва сана, гувоҳномани қайтариш санаси, олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси, гувоҳномани йўқ қилиш тўғрисида белги (далолатнома санаси ва тартиб рақами) кўрсатилади.

Ҳисобга олиш дафтари ип ўтказиб тикилади, муҳрланади ва кўмаклашувчи комиссияда унинг ваколат муддати давомида сақланади.

Навбатдаги сайловлар эълон қилинган ҳисобга олиш дафтари янги тузилган кўмаклашувчи комиссияга топширилади.

12. Кўкрак нишони ушбу Низомга 3-иловада келтирилган тавсиф ва намунага биноан тайёрланади.

13. Гувоҳнома ва кўкрак нишони сайлов ўтказилган ва фуқаролар йиғини раиси сайланган деб топилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилади.

14. Тўлдиришда бузилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб топилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

15. Гувоҳнома ва кўкрак нишони фуқаролар йиғини раисига у Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини кўрсатганидан кейин берилади.

16. Гувоҳнома берилаётганда фуқаролар йиғини раиси гувоҳномани олганлиги тўғрисида ҳисобга олиш дафтарига имзо қўяди.

17. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ва кўкрак нишони ўрнига фуқаролар йиғини раисининг аризасига биноан янги гувоҳнома ҳамда кўкрак нишони берилиши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда гувоҳнома алмаштирилади.

18. Гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага матбуотда гувоҳнома йўқолганлиги ва у ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ҳақида хабар эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда 3 x 4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат илова қилинади.

Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ҳамда 3 x 4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат илова қилинади.

19. Йўқолган гувоҳнома фуқаролар йиғини раиси томонидан матбуотда хабар эълон қилинган кундан эътиборан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома янги гувоҳнома берилган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

20. Амал қилиш муддати тугаган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномалар йўқ қилиниши ва бу ҳақида далолатнома тузилиши керак. Гувоҳномалар кўмаклашувчи комиссия томонидан йўқ қилинади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Фуқаролар йиғини раиси гувоҳнома ва кўкрак нишонининг сақланиши учун шахсан жавобгардир. Гувоҳнома ва кўкрак нишонини бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН ҚАРОРИГА 5-ИЛОВА

Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар йиғини раиси иш юритишнинг тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш мақсадида ходимлардан бирини фуқаролар йиғинида иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича масъул этиб белгилайди (кейинги ўринларда — масъул ходим).

Масъул ходим фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларини ўтказишга доир материалларни тайёрлайди, фуқаролар йиғини мажлисининг, фуқаролар йиғини кенгашининг ва фуқаролар йиғини раисининг қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди, иш юритишни олиб боради.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси ҳамда фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш ушбу тузилмаларнинг котибларига юкланади.

3. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини ва унинг органларида иш юритишнинг тўғри ташкил қилиниши ҳамда ушбу Низомга мувофиқ

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда самарали олиб борилишини таъминлаш учун шахсан масъулдир.

4. Масъул ходим фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан, ишга янги қабул қилинган ходимларни фуқаролар йиғини тузилмаси, мазкур Низом, ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва текширишнинг асосий қоидалари, ички меҳнат интизоми ва фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солишга доир бошқа ҳужжатлар билан таништиради.

Бунда, фуқаролар йиғини аъзоларига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти яратиб берилиши кафолатланади.

5. Масъул ходим ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда ҳужжатлар янги тайинланган масъулга (масъул ходим белгилангунга қадар фуқаролар йиғинининг раисига далолатнома асосида топширилади.

2-боб. Иш юритишни ташкил этиш

6. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар йиғинида қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади:

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалар;

фуқаролар йиғини кенгаши мажлисининг ўтказилган санаси, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалар;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳужжатлари, шунингдек, комиссиялар йиғилишлари ўтказилган сана, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалар;

фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тафтиш комиссияси ҳужжатлари, йиғилиш баённомалари;

фуқаролар йиғинидаги «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг ҳужжатлари, шунингдек, тузилма йиғилишлари ўтказилган сана, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалари;

фуқаролар йиғинидаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг ҳужжатлари, шунингдек, гуруҳ йиғилишлари ўтказилган сана, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалари;

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг ҳужжатлари, шунингдек, гуруҳ йиғилишлари ўтказилган сана, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалари;

Фуқаролар йиғинида тадбиркорлик бўйича маслаҳат маркази ташкил этилган бўлса, ушбу тадбиркорлик бўйича маслаҳат марказининг ҳужжатлари;

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши қарорлари, фуқаролар йиғини раисининг қарорлари ва топшириқлари.

7. Фуқаролар йиғинининг бошқа ташкилотлар билан хизмат алоқалари хатлар билан почта, шунингдек, электрон ҳужжат алмашинуви орқали амалга оширилади. Тезкор равишда бериладиган маълумотлар электрон почта, факс орқали ёки телефонограмма ва телеграмма тарзида юборилади.

8. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлиси баённомаларини, бошқа ташкилотларга юбориладиган хатларни имзолайди.

9. Баённомалар фуқаролар йиғини раиси, у йўқлигида эса — мажлисда раислик қилган унинг ўринбосарларидан (фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари) бири томонидан имзоланади.

Фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати якуни бўйича фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини мажбурий текширишга оид баённомалар Тафтиш комиссияси раиси томонидан ҳам имзоланади.

10. Фуқаролар йиғинида иш юритишнинг қулайлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги йиғмажилдлар юритилади:

фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳужжатлари;

фуқаролар йиғини кенгаши мажлисининг ҳужжатлари;
фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳужжатлари;
фуқаролар йиғинининг Тафтиш комиссияси ҳужжатлари;
фуқаролар йиғинидаги «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг ҳужжатлари;
фуқаролар йиғинидаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг ҳужжатлари;
«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг ҳужжатлари;
«Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг ҳужжатлари;
Фуқаролар йиғинидаги тadbиркорлик бўйича маслаҳат марказининг ҳужжатлари;
фуқаролар йиғини ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар.

Йиғмажилдлар фуқаролар йиғини ва унинг органлари тўғрисидаги низомлар асосида тузилади.

Йиғмажилдларни юритишда ҳужжатлар номенклатураси ва уларни сақлаш муддати кўрсатилиши лозим.

11. Юритиладиган йиғмажилдлар фуқаролар йиғини раисининг тегишли ўринбосари томонидан имзоланади ва фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланади.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси ва «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг ҳужжатлари маҳалладаги хотин-қизлар фаоли томонидан юритилади, имзоланади ва тасдиқланади.

3-боб. Иш юритишни олиб бориш

12. Фуқаролар йиғинларига тушаётган ҳужжатларни қабул қилиш, уларга бирламчи ишлов бериш (рўйхатга олиш, фуқаролар йиғини раисига киритиш учун тайёрлаш) масъул ходим томонидан амалга оширилади.

13. Ҳужжатлар солинган конвертлар, шу жумладан, буюртма конвертлар масъул ходим томонидан очилади. Бунда конвертнинг тўғри етказилганлиги ва бутлиги текширилади. Конвертнинг бутлиги бузилган бўлса ёки ундаги ҳужжатлар ва иловалар етарли бўлмаса, бу ҳақида дарҳол ҳужжатни юборувчига маълум қилинади, икки нусхада далолатнома тузилиб, бири масъул ходимда қолдирилади, иккинчиси ҳужжатни юборган ташкилотга (мансабдор шахсга) жўнатилади.

Фуқаролар йиғинига хатолик туфайли тушган ҳужжатлар узоғи билан беш кун муддат ичида масъул ходим томонидан янги конвертга солиниб,

аввалги конвертни илова қилган ҳолда тегишли ташкилот (мансабдор шахс)ларга жўнатилади ва бу ҳақида жўнатувчига хабар қилинади.

14. Тушган ҳужжатлар солинган конвертлар (ҳужжатни юборувчининг манзили ва юборилган вақти фақат конверт орқали аниқланадиган ҳоллардан ташқари) йўқ қилинади.

15. Тушган ҳужжатлар рўйхатга олинадиган ва рўйхатга олинмайдиган ҳужжатлар туркумига бўлинади.

Мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатга олинмайди. Рўйхатга олинадиган тушган ҳужжатларга рўйхатга олиш штампи қўйилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари, улар қаердан келганлигидан қатъи назар, алоҳида рўйхатга олинади ва уларнинг ҳисоби юритилади.

16. Фуқаролар йиғинига тушган ҳужжатлар ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Фуқаролар йиғинларига тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга олингандан сўнг фуқаролар йиғини раисига берилади.

17. Фуқаролар йиғини томонидан тайёрланадиган ва бошқа ташкилот (мансабдор шахс)лардан келадиган ҳужжатлар билан ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

фуқаролар йиғини раиси томонидан ҳужжатга резолюция белгиланади ва унда ҳужжатнинг ижроси бўйича асосий кўрсатмалар ва ижро муддати акс эттирилади;

кўриб чиқилган ҳужжат резолюцияни назорат карточкасига кўчириш учун масъул ходимга қайтарилади;

ҳужжат тегишли жойларга етказилади.

Тушган ҳужжатни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш учун киритиш ҳужжат тушган кунда, кўриб чиқилган ҳужжатни тегишлилиги бўйича жўнатиш резолюция белгиланган кунда амалга оширилиши лозим.

Агар резолюцияда ҳужжатнинг ижросига бир нечта ходим масъул этиб белгиланган бўлса, унинг ижроси учун фамилияси биринчи кўрсатилган ходим масъул ҳисобланади.

18. Чиқувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни жўнатиш масъул ходим томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатларни конвертга солишдан аввал уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, иловаларнинг мавжудлиги, ҳужжатни олувчилар сонига ҳужжат нусхаларининг мувофиқ келиши текширилади. Нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар ижрочига тўғрилаш учун қайтарилади.

Буюртма бўйича юбориладиган ҳужжатга ҳужжат юбориладиган ташкилот (мансабдор шахс)лар рўйхати тузилади ва масъулнинг фамилияси ҳамда юборилган сана кўрсатилади.

Юбориш учун масъул ходимга берилган ҳужжатлар шу куннинг ўзида ёки бир суткадан кўп бўлмаган муддатда расмийлаштирилиши ва юборилиши керак.

19. Масъул ходим мунтазам равишда тушган, чиқарилаётган, шу жумладан, фуқаролар йиғини ходимлари томонидан тайёрланган ҳужжатларни ҳисобга олиб боради ҳамда йил якунлари бўйича маълумотларни умумлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳисоби алоҳида юритилади.

20. Тушган (чиқарилаётган) ҳужжатнинг индекси мазкур Низомга 3-иловада кўрсатилган шаклда йиғмажилдлар номенклатурасидаги тегишли индекс ва рўйхатга олиш рақамидан иборат бўлади, қарор ва мажлис баённомалари индекслари бундан мустасно. Уларнинг индекслари ҳужжат турига мувофиқ рўйхатга олиш рақамларидан иборат бўлади.

21. Ҳужжатларни рўйхатга олиш ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган назорат карточкаларида расмийлаштирилади. Назорат карточкаси реквизитлари таркиби «назорат белгилари» устуни «ижрочилар», «ижрочининг имзоси», «ижро ҳолати» ва бошқалар билан тўлдирилиши мумкин.

Назорат карточкаларида ҳужжатлар рўйхатга олинаётганда фақат фуқаролар йиғинида тузилган ёки бошқа ташкилотлардан юборилган ҳужжатлар (сўровлар) мустақил тарзда рўйхатга олиниши лозим. Жавоб тариқасида юборилган ҳужжатлар назорат карточкасининг ўзида белгиланади.

Назорат карточкаларининг календарь шкаласи ҳужжатлар ижроси муддатларини назорат қилиш учун қўлланилади. Унда ҳужжат ижро қилиниши лозим бўлган сана белгиланади.

«Корреспондент» устунига ҳужжатни юборган ёки ҳужжат юборилаётган ташкилот номи ёзилади. Фуқаролар йиғинининг ички ҳужжати тайёрланганда фуқаролар йиғинининг номи ёзилади.

«Ҳужжат тушган сана ва индекс» устунига ҳужжат тушган сана ва фуқаролар йиғинида берилган индекс кўрсатилади.

«Ҳужжатнинг санаси ва индекси» устунига ҳужжатни юборган ташкилот томонидан белгиланган ҳужжат юборилган сана ва индекс кўрсатилади. Чиқиш хати ёки фуқаролар йиғинининг ички ҳужжати

рўйхатга олинганда ушбу устунда рўйхатга олинаётган ҳужжат имзоланган сана ва индекс ёки рўйхатга олиш рақами қўйилади.

«Қисқача мазмуни» устунда ҳужжатнинг тури, сарлавҳаси ёки қисқача мазмуни кўрсатилади.

«Резолюция ва ижрочи тўғрисидаги маълумотлар» устунда топшириқ берилаётган шахснинг фамилияси, масалани ҳал қилиш бўйича қисқа ва аниқ топшириқ, бажариш муддати, резолюция муаллифи ва сана кўрсатилади.

«Ҳужжатнинг ижроси тўғрисида маълумот» устунда масаланинг аниқ ечими, жавоб хатининг сана ва индекси кўрсатилади. Агар жавоб хатини тайёрлаш зарурати бўлмаса, ташаббусли ҳужжатдаги масала қачон, ким томонидан ва қандай ҳал қилинганлиги тўғрисида ёзув киритилади.

«Ҳужжатни олганлиги тўғрисида ижрочининг имзоси» ва «Сана» устунларида ижрочи имзо қўяди ва ҳужжат олинган сана кўрсатилади.

«Назорат белгилари» устунда ҳужжатнинг ижро муддатларини назорат қилиш тўғрисида белгилар қўйилади ва ҳужжат ижроси кечикишининг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Назорат карточкасининг «Фонд №», «Рўйхат №», «Йиғмажилд №» устунлари архивда тўлдирилади.

Назорат карточкалари фуқаролар йиғини иш ҳажмига қараб нашр қилинади.

Назорат карточкалари хронологик тарзда — аввалги вақтдан кейинги вақтга тартиби бўйича жойлаштириб борилади.

22. Фуқаролар йиғинларида назорат картотекаси юритилиши лозим. Бунда ахборотнинг йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш учун ахборот хавфсизлиги талабларини бажарган ҳолда махсус автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланилиши мумкин.

23. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича назорат картотекаси уларнинг фамилиялари бўйича алифбо тартибида ҳамда рўйхатга олиш рақами тартиби бўйича тузилади.

24. Ҳужжатнинг ҳар бир тури (қарор, баённома, хат ва бошқалар) аниқ белгиланган реквизитлар мажмуига (таркибий қисмларига) ва улар жойлашувининг стандарт тартибига эга бўлиши керак.

25. Ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштиришга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

ҳужжат муаллифини (фуқаролар йиғинининг номини, логотипини, қоидага кўра, ҳужжат бланкасида) кўрсатиш;

ҳужжатнинг турини кўрсатиш, матнга сарлавҳа тузиш, манзил ва санани кўрсатиш;

ҳужжатни индекслаш;

ҳужжатни тайёрлаган масъул шахснинг имзоси;

ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш (имзолаш, муҳрлаш);

ҳужжатнинг ижро қилинганлиги ва йиғмажилдга жойлаш тўғрисидаги белги.

26. Ҳужжатларни тузиш учун А4 (210 x 297) ва А5 (148 x 210) шаклдаги бланкалар қўлланилади. Ҳужжат бланкасида 5-иловага мувофиқ реквизитлар кўрсатилган бўлиши керак.

Аниқ ҳужжатлар турига йил мобайнида 200 дан ортиқ эҳтиёж бўладиган ҳолларда бланкаларни нашр қилиш усули бўйича тайёрлашга йўл қўйилади.

Бланкалар чапдан 20 мм, юқоридан 10 мм, ўнгдан ва пастдан 8 мм дан кам бўлмаган ўлчамларда ёзув киритиладиган майдонларга эга бўлиши керак.

27. Икки ва ундан ортиқ варақларда тайёрланадиган ҳужжатларнинг иккинчи ва кейинги варақлари рақамланиши керак. Рақамлар варақнинг юқори қисмининг ўртасида, араб рақамлари билан қўйилади, бунда «варақ» сўзи ва тутуқ белгилари қўйилмайди.

28. Ҳужжат турининг номи ҳар бир ҳужжатда (хатлардан ташқари) кўрсатилиши шарт.

29. Ҳужжат сарлавҳаси қисқа шаклда бўлиб, асосий матн мазмунини аниқ ифодалаши керак. Сарлавҳаларни ҳужжатнинг номига мувофиқ ҳолда шакллантириш тавсия этилади. Масалан:

қарор (нима тўғрисида?): «Моддий ёрдамга ариза олиш тўғрисида»,
йиғилиш баённомаси (ниманинг?): «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси йиғилишининг».

Сарлавҳа варақнинг чап қисмига ёзилади. А5 шаклда тузиладиган телеграммалар, эслатмалар матнига сарлавҳа қўйилмайди.

30. Ҳужжатлар ташкилотларга, таркибий бўлинмаларга ёки мансабдор шахсга манзили кўрсатилиб юборилади. Ташкилот номи ва таркибий бўлинма номи бош келишиқда кўрсатилади. Масалан:

Учтена тумани Электр тармоқлари корхонаси

Ҳисоб-китоб бўлимига

Ҳужжат ташкилот раҳбарига юборилаётганда ташкилот номи ҳужжатни олувчининг лавозими номи таркибига киритилади. Масалан:

Тошкент юридик коллежи директори

Б.Э. Аллаевга

Агар ҳужжат бир нечта турдош ташкилотларга юборилаётган бўлса, уларни умумлашган ҳолда кўрсатиш керак. Масалан:

*Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
«Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини
ҳудудидаги таълим муассасалари раҳбарларига*

Ҳужжатда ҳужжатни олувчилар тўрттадан кўп бўлмаган тақдирда, уларнинг номи тўлиқ кўрсатилади.

Ҳужжат беш ёки ундан кўп манзилга юборилаётганда ҳужжатни юбориш учун рўйхат тузилади ва ҳар бир ҳужжатда битта олувчи қўшимча (ёзма ёки босма тарзда) кўрсатиб қўйилади. Масалан:

*Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
«Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини
ҳудудидаги корхоналар, муассасалар,
ташкилотлар раҳбарларига (рўйхат бўйича)*

Агар ҳужжат жисмоний шахсга юборилаётган бўлса, аввал почта манзили, сўнгра олувчининг исми, отасининг исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси кўрсатилади. Масалан:

*100129, Тошкент ш. Чилонзор тумани
6-мавзе, 9-уй, 69-хонадонда яшовчи
С.А. Барноевга*

Давлат ташкилотлари ва доимий олувчиларга юборилаётган ҳужжатларга почта манзили қўйилмайди.

31. Ҳужжатлар санаси расмийлаштирилаётганда йил, сана ва ойнинг тартиб рақами араб рақамларида қўлланилади. Масалан: *22.04.2021 й.*

Молиявий тусдаги маълумотларга эга ҳужжатларда санани расмийлаштиришда сўз ва рақамлардан фойдаланишга йўл қўйилади. Масалан: *2021 йил 23 апрель.*

32. Ҳужжат лойиҳасининг ички келишуви фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг шахсий имзосидан ташқари, исми, отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси ва имзолаш санасини ўз ичига олган тегишли визалар билан расмийлаштирилади. Зарур ҳолларда виза қўяётган шахснинг лавозими ҳам кўрсатилади.

Ҳужжат бўйича қўшимчалар ва эътирозлар алоҳида варақда келтирилади. Масалан:

*Фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси
(имзо) С.М. Мирзаев*

Қўшимчалар ва эътирозлар илова қилинади. 04.04.2021 й.

Визалар «Имзо» реквизитидан қуйида ёки ҳужжатнинг охириги варағи орқасига қўйилади.

Ташқи келишувда (бошқа ташкилотлар билан) келишув грифи, келишув маълумотномаси расмийлаштирилади.

Келишув грифи «Имзо» реквизитидан қуйида ёки ҳужжатнинг охириги варағи орқасига қўйилади. У қуйидаги элементларни ўз ичига олади: «Келишилган» сўзи, келишган мансабдор шахс лавозими (ташкилот номи ҳам кўрсатилади), шахсий имзо, исми, отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, сана. Масалан:

Келишилган

«Олтинсой» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

(имзо) Б.И. Мирзаев 06.04.2021 й.

33. «Имзо» реквизити таркибига ҳужжатни имзолаётган шахснинг лавозими (агар ҳужжат бланкада расмийлаштирилмаган бўлса, тўлиқ, агар бланкада бўлса, қисқа), шахсий имзо ва унинг таърифи киради. Масалан:

«Янги ҳаёт» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

(имзо) А.Ж. Тожиев

Ҳужжат бир неча мансабдор шахслар томонидан имзоланаётганда уларнинг имзоси эгаллаган лавозимига кўра юқоридан пастга қаратиб жойлаштирилади.

Тенг лавозимдаги шахслар томонидан ҳужжат имзоланаётганда уларнинг имзоси бир қаторга жойлаштирилади.

Фуқаролар йиғини раиси узоқ вақт бўлмаганда, ҳужжатларни фуқаролар йиғини раиси вазифасини вақтинча бажариш юклатилган шахс имзолайди. Бунда ҳужжатни имзолувчи шахснинг амалдаги лавозими ва унинг фамилияси кўрсатилади. Ҳужжатнинг лавозим номи олдида эгик чизиқ қўйиб ёки «ўрнига» сўзини ишлатиб имзолашга йўл қўйилмайди.

34. Фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланиши керак бўлган ҳужжат қуйидагиларни ўз ичига олган тасдиқлаш грифига эга бўлиши керак: «Тасдиқлайман» сўзи, ҳужжатни тасдиқлаётган шахснинг лавозими, шахсий имзо, исми, отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси ва сана. Масалан:

«Тасдиқлайман»

Учқўрғон тумани «Янги ҳаёт» маҳалласи

фуқаролар йиғини раиси

имзо А. Маҳмудов

07.04.2021 й.

Тасдиқлаш грифи ҳужжатнинг юқориги ўнг қисмига жойлаштирилади. Тасдиқлаш ҳақидаги имзодан сўнг фуқаролар йиғинининг муҳри қўйилади.

35. Ҳужжатнинг ижроси бўйича топшириқлар фуқаролар йиғини раиси резолюцияси шаклида берилади. Резолюция таркибига қўйидаги мажбурий элементлар киритилади:

ижрочи (ёки ижрочилар фамилияси);

топшириқ мазмуни;

ижро этиш муддати (зарур ҳолларда);

фуқаролар йиғини раисининг имзоси;

резолюция қўйилган сана. Масалан:

Б.М. Мирзобоевга

Фуқаролар йиғини кенгаши йиғилишига материал тайёрлашингизни сўрайман.

(имзо) Р.С. Обидов 07.03.2021 й.

36. Фуқаролар йиғинида ҳужжат мазмуни билан таништириш тегишли белгилар билан амалга оширилади.

Ҳужжатнинг тушганлиги ҳақидаги белги ҳужжат биринчи варағининг пастки қисмига қўйилади.

Ҳужжатнинг назоратга олинганлиги ҳақидаги белги ҳужжатнинг биринчи варағи юқори қисмининг ўнг тарафига «Назорат» сўзи ёзилади ёки «Н» белгиси қўйилади.

Ҳужжатнинг ижроси таъминланганлиги ва уни йиғмажилдга жойлаш ҳақидаги белгида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ижро тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат бўлмаса — қисқача маълумот, ижро тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат бўлганда — унинг санаси ва рақамига ҳавола;

«Йиғмажилдга» сўзи;

йиғмажилдлар номенклатураси бўйича ҳужжат сақланадиган йиғмажилд рақами;

ҳужжатни йиғмажилдга жойлаштириш санаси;

ижрочининг имзоси.

Назоратдаги ҳужжатларнинг ижроси тўғрисида белги белгиланган тартибда қўйилади (фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарори — ижро қилинганидан сўнг тегишли қарор билан; фуқаролар йиғини раиси топшириғи — фуқаролар йиғини раиси резолюцияси билан;

қолганлари — фуқаролар йиғини ходимлари томонидан).

«Йиғмажилдга» белгиси ҳужжат билан ишлаш якунига етказилганлигини билдиради.

Ҳар бир ҳужжат бевосита ижрочи тўғрисидаги белгига эга бўлиши керак. Бундай белги ҳужжатнинг ҳар бир нусхасида, ҳужжатнинг сўнги варағининг пастки чап қисмида, агар жой бўлмаса — варақнинг орқа томонида қўйиладиган ҳужжат ижрочисининг (ҳужжатни тайёрлаган ходимнинг) фамилияси ва хизмат телефонида иборат. Масалан:

Д.К. Маҳкамов, тел.: 8 (371) 294-45-14.

37. Агар ҳужжатнинг иловалари бўлса — улар ҳақидаги белги қўйидагича қўйилади.

Матнда ҳужжатга илова борлиги кўрсатилади. Масалан:

«Ғунча» кўчасида истиқомат қилувчи иловада келтирилган рўйхатдаги хорижда ишлаб келган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чора-тадбирлари кўрилсин».

Маъмурий ҳужжатлар иловалари биринчи варағининг юқориги ўнг қисмида қўйидаги шаклда белгига эга бўлиши керак:

(ҳужжат санаси ва рақами, ҳужжат номи)га илова

Ҳужжатга бир нечта иловалар бўлса — уларга тартиб рақами қўйилади.

Агар ҳужжат матнида унга қўшилган иловалар ҳақида эслатиб ўтилмаса, унда иловаларнинг варақлари ва нусхалари сони келтирилган рўйхат келтирилиши керак.

Агар ҳужжатга бошқа, иловалари мавжуд бўлган ҳужжат қўшиб юборилаётган бўлса — унда илова мавжудлиги ҳақида қўйидаги шаклда белги қўйилади:

Илова:

Туман молия бўлимининг 30.03.2021 йилдаги 104-1/202-сон хати ва унга илова, жами 16 варақда, 5 нусхада.

Агар илова ҳужжатда кўрсатилган барча олувчиларга юборилмаётган бўлса, унда илова мавжудлиги тўғрисида қўйидагича белги қўйилади:

Илова: 5 варақда, 1 нусхада, биринчи манзилга.

Агар илова брошюраланган бўлса — варақлар сони кўрсатилмайди.

38. Ҳужжат нусхаси — ҳужжатдаги барча реквизитларнинг кўчирилган нусхаси. Кўчирма — ҳужжат бир қисмининг нусхаси.

Ҳужжатлардан нусха (кўчирма) фуқаролар йиғини раисининг рухсати билан берилади. Ходимларнинг шахсий йиғмажилдлари шакллантирилаётганда бошқа ташкилотлардан берилган ва тегишли масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлардан нусха ва

кўчирма олишга йўл қўйилади (диплом, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва шунга ўхшаш ҳужжатларнинг нусхалари).

Ҳужжатнинг нусхаси (кўчирмаси) фуқаролар йиғини кенгашининг умумий бланкасида чиқарилади ва унинг аслига тўғрилигини тасдиқловчи ходимнинг имзоси билан тасдиқланади.

Агар нусха бланкада чиқарилмаса, лекин ҳужжатнинг бланкада тайёрланган асидан олинаётган бўлса — ҳақиқий нусхадаги бланка матни тўлиқ кўчирилади. Нусханинг биринчи варағи юқоридаги ўнг қисмига «Нусха» белгиси қўйилади. Тасдиқловчи ёзув қуйидаги шаклда киритилади:

Аслига тўғри

Фуқаролар йиғини раиси ўринбосари (имзо) З. Мусаев, 03.04.2021 й.

Тасдиқловчи ёзув «Имзо» реквизитидан пастга қўйилади.

Ҳужжатнинг нусхаси (кўчирмаси) бошқа ташкилотга юборилаётганда ёки алоҳида шахсларга берилаётганда тасдиқловчи ёзувга муҳр қўйилади.

39. Бланкаларнинг сақланишини таъминлаш ва ҳисобини юритиш мақсадида ҳар қайси турдаги (қарор, хат) бланкалар рақамланган бўлиши керак.

Рақам бланканинг орқа бетдаги юқори қисмининг чап томонига қўйилади.

40. Тушган ҳужжатларга жавоб хати тайёрланаётганда тушган хатнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

41. Ҳар бир фуқаролар йиғини мажлисида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) йиғилиш ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар йиғини аъзоларининг сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолда баённома юритилади.

Йиғилиш баённомаси ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

Фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси ва қарорини фуқаролар йиғинининг раиси имзолайди. Фуқаролар йиғини раиси йўқлигида, мажлисда раислик қилган унинг ўринбосаридан бири имзолайди.

42. Йиғилиш баённомасининг санаси йиғилиш ўтказилган кун ҳисобланади. Йиғилиш баённомаси тартиб рақами йил мобайнида хронологик тарздаги кетма-кетликда белгилаб борилади. Кейинги йил тартиб рақамлари янгидан бошланади.

43. Йиғилиш баённомаси матни кириш ва асосий қисмдан иборат бўлади. Йиғилиш баённомаси матнининг кириш қисмида йиғилиш

иштирокчиларининг сони, таклиф қилинганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Йиғилиш баённомасида раислик қилувчининг исми, отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси, муҳокама қилинадиган масалалар, ушбу масалалар бўйича маърузачиларнинг исми, отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, регламент кўрсатилган кун тартиби ёзилади.

Йиғилиш баённомасининг асосий қисми кун тартиби бандларига мувофиқ тарзда бўлимларга ажратилади. Ҳар бир бўлим «эшитилди — сўзга чиқдилар — қарор қилинди» тартиби бўйича тузилади.

44. Йиғилиш баённомаси санаси йиғилиш ўтказилган сана ҳисобланади.

45. Йиғилиш баённомаси йиғилиш ўтказилган санадан 3 кундан кўп бўлмаган муддатда расмийлаштирилиши ва имзоланиши керак.

46. Фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва Тафтиш комиссияси, фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари йиғилишлари баённомалари ушбу Низомнинг 42 - 46-бандларига мувофиқ расмийлаштирилади.

47. Йиғмажилдлар номенклатураси — фуқаролар йиғинида юритиладиган, сақлаш муддати кўрсатилган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган йиғмажилдлар сарлавҳаларининг тизимлаштирилган рўйхатидан иборат бўлади.

Йиғмажилдлар номенклатураси йиғмажилдларни тўғри шакллантириш, уларни ҳисобга олиш ва излаб топишни таъминлаш, ҳужжатларнинг сақланиш муддатини кўрсатиш учун тузилади.

48. Фуқаролар йиғини йиғмажилдларининг номенклатураси масъул ходим томонидан тайёрланади.

Йиғмажилдлар номенклатураси фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланади.

Йиғмажилдлар номенклатураси 5 йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда ёки фуқаролар йиғинининг вазифалари ва таркибий тузилиши ўзгарган вақтда қайта тузилади ва тасдиқланади.

49. Йиғмажилдлар номенклатурасига ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган йиғмажилдлар, шунингдек, ахборот-маълумотнома ва назорат картотекалари, шахсий йиғмажилдлар киритилади.

Йиғмажилдлар номенклатурасига босма нашрлар, брошюралар, ахборот-маълумотномалар, маълумот варақалари, бюллетенлар, кўрсаткичлар, экспресс-маълумотлар киритилмайди.

50. Йиғмажилдлар номенклатураси бўлимлари фуқаролар йиғинининг таркибий тузилишига мувофиқ жойлаштирилади. Таркибий тузилмалар ичида йиғмажилдлар муҳимлик даражаси бўйича қуйидагича тартибда жойлаштирилади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

фуқаролар йиғини мажлисининг (фуқаролар вакилларининг йиғилишининг) ташкилий-фармойиш ҳужжатлари;

фуқаролар йиғини кенгашининг ташкилий-фармойиш ҳужжатлари; йиғилиш баённомалари ва уларга тегишли материаллар;

режалар, сметалар, ҳисоботлар;

маърузалар, шарҳлар, хизмат хатлари;

ёзишмалар;

маълумотномалар, далолатномалар, маълумотлар;

лимитлар, буюртмалар;

фуқаролар йиғинининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳар бирининг ишлари алоҳида тарзда;

фуқаролар йиғини Тафтиш комиссиясининг ишлари;

фуқаролар йиғинидаги «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг ишлари;

фуқаролар йиғинидаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг ишлари;

«Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг ишлари;

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг ишлари;

фуқаролар йиғинида тадбиркорлик бўйича маслаҳат маркази ташкил этилган бўлса, маслаҳат марказининг ишлари;

рўйхатлар;

ахборот-маълумот картотекаси.

51. Йиғмажилдлар номенклатурасидаги йиғмажилдлар сарлавҳалари уларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг таркиби ва мазмунини акс эттириши керак. Номенклатурадаги йиғмажилдлар сарлавҳалари уларда доимий ва вақтинча сақланадиган ҳужжатларни алоҳида гуруҳлашни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ҳар бир сарлавҳада ҳужжатнинг турини (турларини), мазмунини, ёзишмаларда эса корреспондентни кўрсатиш керак.

Маъмурий ҳужжатлар ёки йиғилиш баённомаларини ўз ичига олган йиғмажилдлар сарлавҳасида уларнинг асли ёки нусхаси эканлиги кўрсатилиши керак.

Агар йиғмажилд таркиби бир неча турдаги ҳужжатлардан иборат бўлса, бир масалага оид, лекин иш юритиш кетма-кетлиги бўйича ўзаро

боғлиқ бўлмаса, сарлавҳаларда «ҳужжатлар» атамаси қўлланилади. Умумлаштирувчи ҳужжатга (масалан, йиғилиш баённомаси) илова ҳужжатлар ҳам «ҳужжатлар» тушунчаси билан белгиланади.

52. Йиғмажилд индекси икки элементдан иборат бўлади: фуқаролар йиғини ва унинг органлари рақами ва ушбу тузилма қисми доирасидаги тартиб рақами (01-1, 01-2, 02-1 ва бошқалар).

Масалан:

фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) — 01-1, 01-2 ва бошқалар;

фуқаролар йиғини кенгаши — 02-1, 02-2 ва ҳ. к.;

фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси — 03-1, 03-2 ва ҳ. к.;

фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси — 04-1, 04-2 ва бошқалар.

Йил давомида янги тузилган йиғмажилдлар номлари йиғмажилдга қўшимча тарзда киритилади. Шу мақсадда йиғмажилдлар номенклатурасининг ҳар бир бўлимида захира рақамлар қолдирилади.

53. Йил якунида йиғмажилдлар номенклатураси охирида юритилган йиғмажилдлар сони тўғрисида ёзув киритилади.

54. Йиғмажилдларни шакллантириш — бу йиғмажилдлар номенклатурасига мувофиқ ижро қилинган ҳужжатларни йиғмажилдларга гуруҳлашдир.

Йиғмажилдларни шакллантириш масъул ходим томонидан назорат қилинади.

Йиғмажилдларни шакллантиришда қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилиниши керак:

йиғмажилдга фақат ижро қилинган, тўғри расмийлаштирилган ҳужжатларни жойлаштириш;

муайян масалага оид барча ҳужжатларни биргаликда жойлаштириш;

иловаларни асосий ҳужжатлар билан бирга жойлаштириш;

йиғмажилдда бир календарь йилга оид ҳужжатларни жамлаш (кейинги йилга ўтувчи йиғмажилдлардан ташқари);

доимий ва вақтинча сақланадиган ҳужжатларни алоҳида гуруҳлаб йиғмажилдга жойлаштириш.

Йиғмажилдда қайтарилиши лозим бўлган ҳужжатлар, ортиқча нусхалар, ҳужжатнинг қоралама варианты бўлмаслиги керак;

Йиғмажилдда варақлар сони 250 тадан ошмаслиги зарур. Варақлар сони кўп бўлганда иккинчи ва ундан кейинги жилдлар юритилади.

55. Кадрлар масалаларига оид ҳужжатлар алоҳида шакллантирилади. Маъмурий ҳужжатлар ва йиғилиш баённомалари хронологик тарзда, тегишли рақамлари бўйича жойлаштирилади.

56. Ёзишмалар календарь йил даври учун йиғмажилдга аниқ масалалар бўйича гуруҳланади ва хронологик кетма-кетликда тизимлаштирилади.

Жавоб ҳужжати сўров ҳужжатидан кейин қўйилади.

57. Режалар, ҳисоботлар, сметалар уларнинг лойиҳаларидан алоҳида гуруҳлантирилади.

58. Фуқаролар йиғини раиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг шахсий варақалари йил давомида мустақил йиғмажилдларга гуруҳланади.

Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган фуқаролар йиғини фаоллари — фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари (фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари), фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, Тафтиш комиссияси ва фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари аъзоларининг шахсий варақалари ҳам алоҳида йиғмажилдларга гуруҳланиши мумкин.

59. Фуқаролар йиғинида ҳужжатларнинг сақланиши масъул ходим томонидан таъминланади.

60. Идоравий архивга ёки тегишли архивга берилаётган, доимий ва вақтинча (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ҳужжатлар, улар бўйича иш юритиш тугатилгандан 2 йил ўтгандан сўнг тартибга келтирилиши керак.

Ҳужжатларни тартибга келтириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Йиғмажилдлар тикилади, мавжуд талабларга мувофиқ расмийлаштирилади ва уларга рўйхатлар тузилади (доимий ва фуқаролар йиғини фаолларига доир ҳужжатларга алоҳида).

Сақлаш муддатлари тугаган ҳужжатлар бўйича масъул ходим фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари иштирокида ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш далолатномасини тузади.

Рўйхатлар ва далолатномалар тегишли архивнинг эксперт-текшириш комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Рўйхатлар ва далолатномалар тегишли архивнинг эксперт-текшириш комиссияси томонидан маъқуллангандан сўнг фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган далолатномаларга мувофиқ ҳужжатларни йўқ қилиш фуқаролар йиғини кенгаши томонидан амалга оширилади.

61. Ходим ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтганда ижроси тугалланмаган ва унинг ҳисобида бўлган йиғмажилдлар ушбу лавозимга янги тайинланган ходимга ёки унинг мажбуриятлари зиммасига юкланган ходимга ҳисобга олиш карточкаси ёки рўйхатга олиш дафтарига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

Ишдан бўшаган ёки бошқа ишга ўтган ходим олган ҳужжатларини (регламент, йўриқнома, низом ва б.), методик адабиётларни масъул ходимга топширади.

4-боб. Якунловчи қоида

62. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 21 ОКТЯБРДАГИ 654-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ [Кўчирма]

...

14. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан махсус рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади, бунда аризанинг берилган санаси, ариза берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.

15. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими) бошлиғининг номига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи ва оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти ёки ID-карталари (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризаچига қайтарилади);

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд варағи (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризаچига қайтарилади);

болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органи қарорининг нусхаси илова қилинади;

Оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари, аризачи ва унинг оила аъзолари номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, боғ ва деҳқон хўжалик ерлари, ижарасидан ёки бошқа фаолиятдан олинган даромад ушбу оиллага келиб тушадиган нотурар жойлари тўғрисида ушбу Низомга За-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумот;

ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан «Ягона реестр» АТга тақдим этиш тўғрисида оилада бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ушбу Низомга 3б-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза.

Бунда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзоларининг ҳақиқийлиги учун ариза берувчи жавобгар бўлади. Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан текширилади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин берилган аризалар белгиланган тартибда кейинги ойда кўриб чиқилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ариза берувчига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар қўшимча

беш кун ичида, бироқ ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилиши шарт.

16. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризада кўрсатилган ариза берувчи ва унинг оила аъзолари таркибини ҳамда улар аризада кўрсатилган манзил бўйича яшаётганлигини ариза берилган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида, бироқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 18-санасига қадар ўрганиб чиқади.

Ариза берувчининг оила таркиби тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумот фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар беш кунда камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнинг 19-санасига қадар ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ариза ва тақдим этилган зарур ҳужжатларни ҳамда оиланинг таркиби тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этилган аризалар рўйхатига асосан ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича тақдим этилади.

...

21. Ариза берувчининг ушбу Низомнинг 7 ва 20-бандларига мувофиқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслиги «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва аризачи томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланади.

...

35². 2024 йил 1 мартдан бошлаб — болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг номига расмийлаштирилмаган бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, кўчмас мулклари ҳамда чорва моллари уларнинг аризаларида кўрсатган маълумотларга мувофиқлиги жойига чиққан ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва «Инсон» ижтимоий хизматлари марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан ўрганиб борилади ва ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ

шаклда далолатнома (кейинги ўринларда — далолатнома) билан расмийлаштирилади. Бунда далолатнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва камида 2 нафар масъул ходимлар томонидан тасдиқланади.

Ўрганиш натижалари «Ягона реестр» АТга ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва «Инсон» ижтимоий хизматлари марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан киритилади ва ахборот тизими томонидан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловини тўхтатиш ёки давом эттириш бўйича автоматик равишда қарор қабул қилинади.

Ушбу Низомга 6-иловага асосан қайта ўрганишда оилада мазкур Низомнинг 20-банди «б» кичик бандини иккинчи хатбошида ҳамда «в», «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда кейинги тўлов рўйхатларини шакллантиришда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлови тўхтатилади. Бунда тўловни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган оилаларнинг болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун тақдим қилган аризалари олти ой давомида кўриб чиқилмайди.

Далолатнома болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан сўнг икки ой ичида тузилиб, ахборот дастурига киритилиши лозим. 2024 йил 1 март ҳолатига болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи оилалар бўйича далолатнома 2024 йил 1 июлгача расмийлаштирилиб, «Ягона реестр» АТга киритилади.

Белгиланган муддат ичида далолатнома тузилмаган, дастурга киритилмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва «Инсон» ижтимоий хизматлари марказларининг ижтимоий ходимларига огоҳлантириш юборилади.

Белгиланган муддатдан кейин ҳам бир ой давомида далолатнома расмийлаштирилмаган, ахборот тизимига киритилмаган тақдирда, «Ягона реестр» АТни юритишга масъул бўлган орган томонидан ушбу ходимларнинг иш берувчи юқори ташкилотига тегишли чоралар кўриш юзасидан тақдимнома киритилади.

Агар фуқаронинг қаршилиги ёки доимий равишда (масъул ходимлар томонидан 2 марта борилганда) уйда бўлмаслиги натижасида маҳалланинг масъул ходимлари томонидан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг моддий аҳволини ўрганиш имкони бўлмаса, бу ҳақда ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилиб, ахборот дастурига киритилади. Ушбу далолатнома ахборот дастурига киритилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан

болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш вақтинча тўхтатилади ҳамда бу ҳақда аризага СМС хабар юборилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам вақтинча тўхтатилгандан кейин далолатнома расмийлаштирилиб, «Ягона реестр» АТга киритилса ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган тартиб амал қилади.

Бунда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам вақтинча тўхтатилгандан кейин 2 ой давомида ўрганиш далолатномаси расмийлаштирилиб, «Ягона реестр» АТ томонидан тўловларни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тўлов вақтинча тўхтатилган ойлар учун бир йўла тўлаб берилади. Бироқ, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам вақтинча тўхтатилгандан кейин икки ой муддатдан кейин далолатнома расмийлаштирилиб, тўловларни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тўловлар кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади ҳамда вақтинча тўхтатилган ойлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

...

39. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

...

е) болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган ариза берувчи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан нотўғри ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги аниқланганда;

...

51. Қуйидагилар учун:

...

ариза берувчи ва унинг оила аъзолари мақомини аниқлаш, ариза берувчининг аризаси ва унга илова қилинган тўлиқ тўпламдаги ҳужжатларни Пенсия жамғармаси бўлимига ўз вақтида тақдим этиш бўйича — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисига ... шахсий жавобгарлик юкланади.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2022 ЙИЛ 31 МАРТДАГИ 145-СОН
ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**
**«Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини
тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш
тартиби тўғрисида**
НИЗОМ
[Кўчирма]

...

6. Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили январь ойида уйма-уй юриш орқали;

...

34. Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари «хонадонбай» ҳамда уларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан турар жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар шакллантирилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2023 ЙИЛ 3 МАЙДАГИ 183-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасида жамоатчилик фикри асосида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган маҳаллаларни (қишлоқларни) танлаш ҳамда лойиҳалар тўпламини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

лойиҳалар тўплами — ҳар бир маҳалла (қишлоқ) бўйича амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда тегишли маҳалла (қишлоқ) аҳолиси ҳамда ҳудуддан сайланган депутатлар олдида ҳимоя қилган ҳолда шакллантирилган, таркиби бир нечта тадбирлардан иборат бўлган тўплам;

тадбир — лойиҳалар тўплами таркибида белгиланган мезонларга мувофиқ шакллантириладиган ҳамда мазмунан ягона (бир йўналишдаги) ижтимоий муаммони ҳал этишга қаратилган таклиф;

«Ғолиб маҳалла» жамғармаси (кейинги ўринларда — жамғарма) — дастурлар доирасида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган

тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган ҳамда шахсий ғазна ҳисобварағида жамланадиган жамғарма;

ғолиб маҳалла (қишлоқ) — «Очиқ бюджет» ахборот портали (кейинги ўринларда — портал)да овоз бериш жараёни яқунларига кўра автоматик тарзда энг юқори кўрсаткични қайд этган деб топилган ва лойиҳалар тўплами киритилган маҳалла (қишлоқ).

3. Жамоатчилик фикри асосида лойиҳалар тўплами маҳаллалар (қишлоқлар) бўйича шакллантирилади ва ғолиб сифатида маҳаллалар (қишлоқлар) аниқланади.

4. Дастурлар учун ажратилган маблағлар фақат ғолиб маҳаллалар (қишлоқлар)даги тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

5. Туман (шаҳар) аҳолиси ва маҳалла сонидан келиб чиққан ҳолда тақсимланган маблағлар туман ва шаҳар ҳокимлиги ҳузурида бюджетдан ташқари жамғарма шаклида очиладиган жамғармага йўналтирилади.

6. Овоз бериш жараёни яқунларига кўра ҳар бир ғолиб маҳалла (қишлоқ) учун алоҳида ҳисобварағи очилиб, тадбирлар жамғарма ҳисобидан тегишли маблағлар ажратилган ҳолда молиялаштирилади.

7. Дастурлар доирасида халқаро молия институтлари иштирокида мамлакатимизда маҳаллалар (қишлоқлар) инфратузилмасини яхшилашга доир амалга оширилаётган ва келгусида режалаштирилган лойиҳалар ҳамда ўтган давр мобайнида дастурларга киритилган маҳаллалар (қишлоқлар) келгуси йиллар учун овоз бериш жараёнида иштирок этишига йўл қўйилмайди. Бунда:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ташкил этиладиган туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида лойиҳалар тўпламини шакллантириш, баҳолаш ҳамда уларнинг мезонларга мослигини мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) томонидан овоз бериш жараёнида иштирок этадиган маҳаллалар (қишлоқлар) рўйхати тасдиқланади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилади;

таркибида бир нечта қишлоқ ва овуллар бўлган маҳаллалар фақат Махсус комиссия ҳулосасига асосан овоз бериш жараёнида иштирок этишлари мумкин.

8. Маҳалла (қишлоқ) ҳудуди иккига ажралиб кетиши ёки аксинча, маҳаллалар (қишлоқлар) бирлаштирилиши ҳисобига янги маҳалла (қишлоқ) ташкил этилган тақдирда, ушбу маҳалла (қишлоқ) аввалги

жараёнларда ғолиб деб топилган бўлса, овоз бериш жараёнларида иштирок этиш масаласи Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

9. Дастурлар доирасида жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш ва улар учун овоз бериш жараёни — ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида, 2023 йил учун, истисно тариқасида, 2023 йил май ойида ўтказилади.

Бунда ҳар йили лойиҳалар тўпламини шакллантириш жараёни бошланишидан ўн кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари лойиҳалар тўпламига киритилиши мумкин бўлган маҳаллалар (қишлоқлар) рўйхатини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

10. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш ва улар учун овоз бериш жараёнлари учта босқичда ташкил этилади:

1-босқичда — порталда лойиҳалар тўплами шакллантирилади;

2-босқичда — шакллантирилган лойиҳалар тўплами саралаб олинади;

3-босқичда — саралаш босқичидан ўтган лойиҳалар тўпламига овоз берилади.

11. Дастурлар доирасида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига порталда электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) орқали рўйхатдан ўтувчи алоҳида хусусиятли фойдаланувчи учун логин ва пароллар расмийлаштирилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўзгарган тақдирда, уларга тақдим этилган фойдаланувчи akkaунтлари тўхтатилади ҳамда ушбу лавозимга янги сайланган маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига бошқа фойдаланувчи akkaунти очилади.

12. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда тегишли маҳалла (қишлоқ) фуқаролари билан бамаслаҳат ҳамда ҳудуддан сайланган депутатлар олдида ҳимоя қилинган лойиҳалар тўпламини ўзларига тақдим этилган логин ва паролдан фойдаланган ҳолда ўн кун муддат ичида порталга киритади.

Бунда тадбирларни шакллантиришда ҳар бир маҳаллани (қишлоқни) ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тегишли маҳалладаги (қишлоқдаги) мавжуд имкониятлар, аҳолининг узоқ йиллар давомида шакланган салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва «ўсиш нуқталари» ҳамда ресурс ва техник имкониятлари инобатга олинади.

13. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раиси бир йилда фақат бир мартаба битта лойиҳа тўпламини киритиш ҳуқуқига эга. Бунда

фуқаролар томонидан лойиҳалар тўплами шакллантирилишига йўл қўйилмайди.

14. Лойиҳалар тўплами таркибидаги тадбирлар Махсус комиссия томонидан қуйидаги мезонларга мувофиқ танлаб олинади:

маҳалла (қишлоқ) ҳудудидаги муаммолар;

жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, автомобиль йўлларини ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари, ичимлик ва оқава сув тизимини яхшилаш, суғориш (канал, ариқ) ва дренаж (очиқ, ёпиқ ва тик дренаж) тармоқларини қуриш, таъмирлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);

маҳаллалар (қишлоқлар) аҳолиси томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги (шахсий автомашина ёки турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни (маҳалла фуқаролар йиғини биноси бундан мустасно) таъмирлаш);

бюджет ташкилотини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни ўзида акс эттирмаслиги (ойлик иш ҳақи тўловлари, коммунал, алоқа ва интернет тизими учун тўловлар, шунингдек, идора ашёлари ва бошқа тез эскирувчи моддий қийматликлар);

давлат органлари ва ташкилотларининг бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига, шу жумладан, уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган бўлмаслиги;

кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан жорий йилда бошқа дастурларга (ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ва бошқалар) асосан маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлмаслиги керак.

15. Ҳар бир лойиҳалар тўплами таркиби камида учта тадбирлардан ташкил топган бўлиши лозим.

Лойиҳалар тўплами таркибидаги тадбирлар сони учтадан кам бўлган тақдирда, мазкур лойиҳалар тўплами автоматик равишда овоз бериш жараёнига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

16. Тадбирлар лойиҳалар тўплами таркибида алоҳида тарзда шакллантирилади ва бунда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

тадбир йўналиши;

тадбир ҳақида қисқача матн;

тадбир қиймати;

фотосуратлар;

тадбирни амалга ошириш жойи.

17. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан шакллантирилган ва порталга киритилган лойиҳалар тўплами Махсус комиссия томонидан уч кун ичида кўриб чиқилади.

Махсус комиссия барча лойиҳалар тўпламини ўрганиб чиқади ва лойиҳа тўплами таркибидаги тадбирларнинг барчасини белгиланган мезонларга мувофиқлиги бўйича саралайди. Бунда лойиҳалар тўплами таркибидаги айрим тадбирлар қабул қилиниши ёки аксинча рад этилиши мумкин.

18. Лойиҳалар тўплами порталга келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддат ичида Махсус комиссия томонидан тадбирларнинг мазмунан тегишлилиги бўйича мазкур Низомга 2-иловасида кўрсатилган буюртмачи корхоналарга (кейинги ўринларда — буюртмачилар) юборилади.

19. Тадбирлар қабул қилинган кундан бошлаб буюртмачилар томонидан етти кун муддат ичида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқилади ҳамда Махсус комиссияга тадбирларни қабул қилиш (тадбирнинг қиймати ва амалга ошириш учун талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар рўйхатини илова қилган ҳолда) ёки асосланган ҳолда рад этиш юзасидан хулоса тақдим этилади.

20. Махсус комиссия лойиҳалар тўпламини буюртмачилар томонидан тақдим этилган хулосалар асосида икки кун муддат ичида кўриб чиқиб қабул қилади ёки рад этади, қабул қилинган лойиҳалар тўпламини овоз бериш босқичига ўтказди.

Бунда, «Очиқ бюджет» ахборот порталида саралаш босқичи доирасида лойиҳаларни қабул қилиш ёки рад этиш махсус комиссиянинг ишчи органи томонидан ЭРИ калити орқали амалга оширилади.

Овоз бериш жараёни бошланиши юзасидан барча фуқароларни хабардор қилиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан овоз бериш жараёни бошланишидан уч кун аввал СМС хабарномалар юборади.

21. Лойиҳалар тўпламини шакллантиришда белгиланган чегаралар доирасида маҳаллалар (қишлоқлар) ҳудудидаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш йўналишларида тадбирлар шакллантирилиши мумкин.

22. Лойиҳалар тўплами таркибига тармоқ корхоналари ҳисобидан амалга ошириладиган (электр энергияси, табиий газ таъминоти, алоқа ва

ахборотлаштириш каби) тадбирлар киритилмайди ва улар тармоқ корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда лойиҳалар тўплами учун ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори таркибида инobatга олинмайди.

23. Саралаш босқичидан ўтган лойиҳалар тўплами овоз бериш жараёнига ўтказилади. Бунда маҳалла (қишлоқ) фуқаролари тегишли маҳалла (қишлоқ) бўйича илгари сурилган лойиҳалар тўплами ичидан ўзларини қизиқтирган тадбирларга овоз берадилар. Бир фуқаро фақат битта лойиҳалар тўпламига, бироқ ушбу лойиҳалар тўплами таркибидаги бир нечта тадбирларга овоз бериши ҳуқуқига эга.

24. Овоз бериш жараёни «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали СМС хизмати, «Telegram» ижтимоий тармоғидаги «махсус бот», шунингдек порталнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

2-боб. Ғолиб маҳалла (қишлоқ)ларни аниқлаш тартиби

25. Ғолиб маҳаллаларни (қишлоқларни) аниқлаш овоз бериш жараёни бошланишидан аввал кенг жамоатчиликка эълон қилинган ҳолда қуйидаги усуллардан бири орқали:

лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонидан келиб чиқиб;

аҳолиси сони кам бўлган маҳаллаларга (қишлоқларга) тузатиш коэффициентини қўллаган ҳолда лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонидан келиб чиқиб амалга оширилади.

26. Овоз бериш жараёни якунларига кўра ҳар бир туман (шаҳар) учун жамғармада шаклантирилган маблағлар доирасида энг юқори кўрсаткични эгаллаган лойиҳалар тўплами ғолиб деб топилади. Бунда лойиҳалар тўплами ғолиб деб топилиши учун камида 100 та овоз тўплаши лозим бўлади.

Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, тенг овоз тўплаган маҳаллалардан (қишлоқлардан) энг юқори кўрсаткични биринчи бўлиб қайд этган лойиҳалар тўплами ғолиб деб топилади.

27. Ғолиб маҳаллалар (қишлоқлар) бўйича киритилган лойиҳалар тўплами таркибидаги тадбирлардан тегишли лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонининг 50 фоизидан юқори овоз тўплаганлари амалга оширилади. Бунда фуқаролар овоз бериш жараёнида лойиҳалар тўплами таркибидаги ҳақиқатда маҳалла (қишлоқ) учун реал муаммо бўлган тадбирларни танлаши лозим бўлади.

28. Етарлича овоз тўплай олмаган ва ғолиб деб топилмаган маҳаллалар (қишлоқлар) бўйича шаклантирилган лойиҳалар тўплами «архив» мақомига ўтказилади. Ушбу лойиҳалар тўплами маҳалла

раислари томонидан келгуси жараёнларда қайтадан овоз бериш жараёнига тикланиши мумкин.

29. Ғолиб деб топилган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори тегишлилигига кўра тармоқ корхоналари хулосаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича аниқлаштирилади. Тадбир ғолиб деб топилгандан сўнг уни амалга ошириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилади ҳамда тадбирнинг якуний қийматига аниқлик киритилади.

Ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламининг дастлабки қийматидан келиб чиқиб, тадбирлар доирасида амалга ошириладиган ишлар (товар, хизматлар) ҳажмини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Агар тадбирларнинг дастлабки қийматига нисбатан лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра якуний қиймати кўпроқни ташкил этса, мазкур ҳолатларда тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган қўшимча маблағ тегишли лойиҳалар тўплами таркибидаги бошқа тадбирлардан иқтисод қилинган маблағлар ёки жамғармадаги мавжуд маблағлар ҳисобидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари қарорига асосан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

30. Ғолиблар аниқлангандан сўнг жамғармада шакланган қолдиқ маблағлар ёки ишлар амалга оширилгандан сўнг иқтисод қилинган маблағлар келгусида ўтказиладиган овоз бериш жараёнларига йўналтирилиши мумкин.

31. Ғолиб деб топилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки унинг ўзгартирилиши билан боғлиқ қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

32. Маҳаллаларда (қишлоқларда) лойиҳалар тўпламини шакллантириш жараёни юзасидан ёки тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ низолар Махсус комиссия томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

3-боб. Ғолиб деб топилган тадбирларни молиялаштириш тартиби

33. Жамғарма маблағлари фақат портал орқали ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини молиялаштириш учун сарфланади. Бунда лойиҳалар тўпламида назарда тутилган тадбирлар билан бир қаторда ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар (тегишли ташкилотларнинг хулосалари, якуний

кўриқдан ўтказиш харажатлари ва бошқалар) учун ҳам тўловлар молиялаштирилишига йўл қўйилади.

34. Овоз бериш босқичи якунлангандан сўнг уч кун ичида ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини амалга ошириш бўйича манзилли рўйхат (кейинги ўринларда — манзилли рўйхат) шакллантирилади ҳамда жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича туман (шаҳар) Махсус комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинади.

35. Махсус комиссиянинг қарорига ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини молиялаштириш юзасидан манзилли рўйхат илова қилинади. Манзилли рўйхат қуйидагиларни ўз ичига олади:

ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламининг порталдаги хос «ID» рақами;

амалга ошириладиган тадбирларнинг аниқ манзили ёки балансда сақловчи корхонанинг манзили ва номи;

лойиҳалар тўпламида назарда тутилган амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг қисқача мазмуни;

тадбирни амалга ошириш учун талаб этиладиган дастлабки маблағ қиймати;

тадбирни амалга ошириш учун буюртмачи этиб белгиланган корхона;

агар тадбир бевосита товар ва моддий қийматликлар (хизматлар)ни харид қилиш билан боғлиқ бўлса, ушбу лойиҳалар тўплами бўйича мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда харид қилинадиган товар (хизмат)лар реестри (кейинги ўринларда — реестр) илова қилинади. Бунда Реестрда кўзда тутилган харидларнинг жами суммаси манзилли рўйхатда тегишли лойиҳани молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағдан ортиб кетишига йўл қўйилмайди;

харид қилиш тартиб-таомили тури.

36. Дастурларни амалга ошириш доирасида бош лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлар белгиланган тартибда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали ҳамда объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари учун жалб этиладиган ташкилотлар белгиланган тартибда тендер орқали аниқланади.

37. Лойиҳаларни кўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилотлар мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланади.

38. Манзилли рўйхат белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, жумладан, буюртмачи ташкилотлар тўғри танланиши, реестр тўғри шакллантирилиши, харид қилиш тартиб-таомили тури ва лойиҳани амалга оширишнинг аниқ манзили каби маълумотлар тўғри кўрсатилишига Махсус комиссия масъул ҳисобланади.

39. Манзилли рўйхат тасдиқлангандан сўнг бир иш кунида ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини амалга ошириш учун ер ва бошқа ресурслар ажратилиши, шунингдек, тегишли соҳа инспекцияларининг экспертиза хулосалари талаб этилган ҳолларда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ушбу ресурсларни ажратиш бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга ташкилотларга сўровлар юборилади.

40. Манзилли рўйхат тасдиқланганидан сўнг туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими томонидан ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини молиялаштириш учун буюртмачи ташкилотларга ҳар бир лойиҳа тўплами ва тадбирлар учун алоҳида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

41. Туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан уч кун ичида шахсий ғазна ҳисобварақларига жамғарма ҳисобидан лойиҳалар учун манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағлар ўтказиб берилади.

42. Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағлар тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиб берилгандан сўнг буюртмачи ташкилотлар уч кун ичида товар-моддий бойликлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилиш учун таъминотчи корхоналарни аниқлаш, қурилиш-таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини шакллантириш ва лойиҳачи корхоналарни аниқлаш бўйича давлат харидлари электрон тизимига эълон жойлаштиради.

43. Қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида буюртмачи ташкилотлар манзилли рўйхатда кўрсатилган харид қилиш тартиб-таомили тури бўйича пудрат корхоналарни аниқлаш ишларини бошлаш чораларини кўради.

Бунда электр ва газ тармоқларини лойиҳалаш, соҳа экспертизасидан ўтказиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий ташкилотлари томонидан хўжалик усулида (ташкилотларнинг ўзлари томонидан лойиҳалаш, соҳа экспертизасидан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш) амалга оширилади.

4-боб. Лойиҳаларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини юритиш тартиби

44. Ғолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини амалга оширишнинг барча босқичлари фуқаролар учун очиклигини ва улар томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини таъминлаш мақсадида порталда

ҳар бир тадбир бўйича «лойиҳалар тўпламини амалга ошириш хронологияси» юритиб борилади.

45. Махсус комиссия лойиҳалар тўпламини амалга ошириш хронологиясида тегишли маълумотлар белгиланган муддатларда киритилишига ва янгилаб борилишига масъул ҳисобланади.

46. Лойиҳалар тўпламини амалга ошириш хронологияси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

буюртмачи ташкилот номи;

лойиҳа тўплами учун очилган ҳисобварақ;

лойиҳа тўплами учун ажратилган маблағ миқдори;

лойиҳа-смета ва экспертиза ҳужжатлари;

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ўтказилган танловлар;

Пудрат ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган харажатлар ва расмийлаштирилган шартномалар.

47. Ҳолиб деб топилган лойиҳалар тўплами фуқаролар томонидан тадбирларни амалга оширишнинг барча босқичларини кузатиш ҳамда бажарилган ишларни реал вақт кўринишида баҳолаб бориш имкониятига эга бўлади. Бунда жамоатчилик назорати доирасида фуқаролар тадбирларни кузатиб бориш орқали қонун бузилиши ҳолатлари ёки камчиликлар аниқлаганда шикоят тарзида ваколатли органларга ёки портал орқали «онлайн мурожаат» саҳифасига мурожаат қилишлари мумкин.

48. Фуқаролар томонидан лойиҳалар тўпламини амалга оширишда бошқа кўринишдаги аралашувларга (пудрат ташкилотини аниқлаш ёки ишларни уларнинг ўзлари томонидан амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва шу кабиларга) йўл қўйилмайди.

49. Ҳолиб деб топилган лойиҳалар тўпламини амалга ошириш яқунлангандан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилган ишлар порталда «Жамоатчилик назорати» бўлими орқали баҳоланади ва бажарилган ишлар юзасидан камчиликлар кузатилганда изоҳлар билдириш ҳамда фото ёки видео материаллар илова қилиш имконияти яратилади.

50. Лойиҳалар тўпламини амалга ошириш давомида ёки ишлар яқунлангандан сўнг бажарилган ишлар натижаларига кўра ортиқча тўловлар ёки камомад аниқланган ҳолларда аниқланган камомад маблағлари тегишлилиги бўйича жамғармага тўлиқ қайта тикланиши таъминланади.

51. Йил якунларига кўра расмийлаштирилган шартномага мувофиқ тадбирлар амалга оширилмаган ёки қисман бажарилган бўлса, шартномада белгиланган тадбирларни ҳамда тўловларни келгуси йилда амалга оширишни назарда тутувчи қўшимча келишув расмийлаштирилиши мумкин.

52. Фуқароларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йил якунлари бўйича жамоатчилик фикри асосида лойиҳаларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда фаол иштирок этган фуқаролар рағбатлантириб борилади.

Бунга кўра ҳар йили октябрь ойида ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида энг фаол иштирок этган (тарғибот ишларида фаоллик кўрсатган ҳамда лойиҳаларни сифатли амалга оширилишида жамоатчилик назоратини ўрнатган) бир нафар фуқаро номзоди Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдирлаш учун тақдим этилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тақдим этилган номзодларни тақдирлаш мақсадида ҳар йили декабрь ойида тадбир ташкил этади ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида тантанали равишда «Фаол фуқаро» сертификати (рамзий белгиси) билан тақдирлайди.

Тақдирланган фуқароларга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошмаган қийматдаги эсдалик совғаси тақдим этилади. Ушбу харажатларни қоплаш учун ҳар йили Давлат бюджетида тегишли маблағлар режалаштирилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

53. Дастурлар учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланиш ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Махсус комиссия жавобгар ҳисобланади.

54. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ
ЎРНАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 2021 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ 380-СОН**

ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

...

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

«маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтларини жорий этиш;

ҳар бир фуқаролар йиғини ҳузурида маҳалла раиси раҳбарлигида маҳалла назорати гуруҳини ташкил этиш;

маҳалла назорати гуруҳини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмасига киритиш;

маҳалла назорати гуруҳи томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказиш;

маҳалла фуқаролар йиғини кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахборотларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

2023 йил 22 сентябрь,
489-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2023 ЙИЛ 20 НОЯБРДАГИ 608-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

«Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимида камида битта маҳаллада олти ой давомида фаолият юритаётган, амалий иш тажрибасига эга маҳалладаги ёшлар етакчилари (кейинги ўринларда — етакчи) ўртасида ўтказилади.

3. Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

«Ёшлар баланси» тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Ёшлар дафтари» тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга оширишда ва бандлигини таъминлашда самарали кўмаклашган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Ташқи меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Иқтидорли ва интеллектуал фаол ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Касб-ҳунарлар танловини юқори савияда ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

«Ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган ва спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши.

«Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши бўйича танловда ички ишлар органлари томонидан ёшлар жиноятчилиги ўтган даврдагига нисбатан жорий йилда камайган деб топилган маҳалла етакчилари қатнашади.

4. Танловнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

етакчилар онги, қалбида «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!» ғоясини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш;

улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, интеллектуал ва профессионал салоҳиятни ошириш ҳамда бу борадаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ташаббускорлик ва етакчилик фазилатларини ривожлантириш;

ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган етакчиларни рағбатлантириш;

юксак билимли, профессионал касбий маҳоратга эга бўлган истеъдодли ёш кадрларни аниқлаш ва раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш.

5. Танлов Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

6. Танлов мазкур Низомга иловадаги схемага мувофиқ ўтказилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1-§. Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий талаблари

7. «Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловининг ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) танловни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширади ва танлов иштирокчиларини баҳолаш тартибини тасдиқлайди.

Танловнинг:

туман (шаҳар) ва ҳудудий саралаш босқичлари — тегишлича «Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловининг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар томонидан;

республика финал босқичи — Ташкилий қўмита томонидан ўтказилади.

«Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловининг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар таркиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармалари томонидан тасдиқланади.

8. Ташкилий қўмита томонидан ҳар йили 5 сентябрга қадар Агентликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилади.

9. Танловда иштирок этиш учун номзодлар Агентликнинг расмий веб-сайти ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали рўйхатдан ўтади.

10. Рўйхатдан ўтиш ҳар йили 5 сентябрда бошланиб, 30 сентябрь куни якунланади ва рўйхатдан ўтган номзодлар ҳақидаги барча маълумотлар Ташкилий қўмита томонидан уч иш кунида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармаларига танловни ташкил этиш учун юборилади.

11. Танловда иштирок этиш учун етакчиларнинг бошқача тарзда рўйхатдан ўтишига ёки саралаш босқичида иштирок этмасдан кейинги босқичда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

12. Танлов ҳар йили октябрь — декабрь ойларида қуйидаги босқичларда ўтказилади:

туман (шаҳар) саралаш босқичи — октябрь ойида етакчилар ўртасида туман (шаҳар) миқёсида;

ҳудудий саралаш босқичи — ноябрь ойида туман (шаҳар) саралаш босқичида ғолиб бўлган етакчилар ўртасида ҳудудий миқёсда;

республика финал босқичи — декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳудудий саралаш босқичида ғолиб бўлган етакчилар ўртасида республика миқёсида.

2-§. Танлов йўналишлари ва баҳолаш тартиби

13. Барча йўналишлар бўйича танловда иштирок этувчилар ўз фаолиятини амалга оширган ишларини кўрсатиб берувчи тегишли маълумотлар, альбом ҳамда давомийлиги беш дақиқадан ошмайдиган видеоролик орқали намойиш этади ва изоҳлайди.

Шунингдек, барча йўналишларда иштирок этган етакчилар маҳаллада ёшлар етакчиси бўлиб фаолият бошлагандан кейин ўз устида ишлаб, шахсий ривожланишида кўрсатган натижасига (давлат мукофоти, кўкрак нишони, мақолалари, спорт ютуқлари, танлов ва мусобақалардаги иштироки, тилни билиш сертификати ва бошқалар) қуйидаги тартибда устуворлик берилади:

ҳудудий даражадаги ҳар бир ютуқ учун — 1 балл;

республика даражасидаги ҳар бир ютуқ учун — 2 балл;

халқаро даражадаги ҳар бир ютуқ учун — 3 балл.

Бунда етакчилар эришган ютуқлари акс этган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этади ҳамда электрон (фото, видео шаклида) шаклда шарҳлаб беради, берилган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун уларни тақдим этган талабгор шахсан жавобгар бўлади.

14. Танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичлари иштирокчилари тўплаган баллари тегишли комиссиялар томонидан ҳисобланади.

15. Танлов етакчилари ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиб, ушбу Низомдан ташқари бошқа устунлик ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

16. Танлов оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари кузатуви остида ошкоралик тамойили асосида ўтказилади.

3-§. Танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларини ўтказиш тартиби

17. Танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларида етакчиларнинг тўплаган баллари қўшилиб, ҳар бир иштирокчининг якуний тўплаган балли эълон қилинади.

Танлов ғолиблари баллар йиғиндиси якуни бўйича аниқланади.

18. Икки ва ундан ортиқ етакчининг тўплаган якуний баллари тенг бўлган ҳолларда, маҳаллада ёшлар етакчиси бўлиб фаолият бошлагандан кейин мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган мезонлар бўйича шахсий ривожланишида эришган натижалари асосида қайта кўриб чиқилади.

19. Танловнинг туман (шаҳар) саралаш босқичида ғолиб бўлган етакчилар танловнинг ҳудудий саралаш босқичида иштирок этишга йўлланмани, ҳудудий саралаш босқичида 1-ўринни эгаллаган етакчилар танловнинг республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритади.

20. «Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловининг ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар умумий йиғилиши баённомасининг қарори билан танловнинг республика финал босқичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритган етакчиларнинг рўйхати расмийлаштирилади ҳамда Ташкилий қўмитага тақдим этилади.

21. Танловнинг республика финал босқичининг якуний натижалари Ташкилий қўмита қарори билан расмийлаштирилади, бунда ғолиблар ва совриндорлар рўйхати илова қилинади.

3-боб. Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш

23. Барча йўналишлар бўйича танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларида 1-ўринни эгаллаган етакчилар ғолиб, 2 ва 3-ўринни эгаллаган етакчилар совриндорлар ҳисобланади.

24. Барча йўналишлар бўйича танловнинг ғолиб ва совриндорлари:

а) туман (шаҳар) саралаш босқичида:

1-ўрин учун — Ёшлар ишлари агентлигининг I даражали дипломи ва кейинги босқичда иштирок этиш йўлланмаси билан;

2 ва 3-ўрин учун — Ёшлар ишлари агентлигининг Фахрий ёрлиғи билан;

б) ҳудудий саралаш босқичида:

1-ўрин учун — Ёшлар ишлари агентлигининг I даражали дипломи ва кейинги босқичда иштирок этиш йўлланмаси билан;

2 ва 3-ўрин учун — Ёшлар ишлари агентлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

Танловнинг республика финал босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш, шу жумладан, моддий рағбатлантириш тартиби ва миқдорлари Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

25. Танловнинг республика финал босқичи ғолиблари қуйидаги имтиёзларга эга бўладилар:

юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш;
ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим
ташкilotларига малака оширишга юбориш;
давлат мукофотларига тавсия қилиш.

4-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби

26. Танлов натижаларидан норози бўлган етакчилар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч кун давомида апелляция комиссияларига апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикояти беш кун ичида кўриб чиқилади.

27. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий саралаш босқичи апелляция комиссиялари тегишлича маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий ва ҳудудий комиссия раислари, республика финал босқичи апелляция комиссияси — Ёшлар ишлари агентлиги директори томонидан ташкил этилади.

Апелляция комиссиялари таркибига танлов комиссиялари фаолиятида иштирок этмаган шахслар киритилади.

28. Танлов натижаларидан норози бўлган етакчиларнинг апелляция шикоятини кўриб чиқишда уларнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

29. Апелляция комиссиялари етакчиларнинг апелляция шикоятини кўриб чиқиб, натижаси бўйича аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

30. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 11 МАРТДАГИ 123-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, уларнинг яшаш шароитларини баҳолаш, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига (кейинги ўринларда — Реестр) киритиш, индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш режасини (кейинги

ўринларда — индивидуал ижтимоий хизматлар режаси) шакллантириш ҳамда кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг самарадорлигини мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент мақсадларида қуйидаги тоифадаги шахслар ўзгалар парваришига муҳтож шахслар деб эътироф этилади:

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар (кейинги ўринларда — ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар) — фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, ҳомийлари ва суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслар (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлар, ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ёшга доир пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда — ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар) — ёлғиз яшовчи ёки жазони ижро этиш муассасаларида ёхуд узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар (кейинги ўринларда — ёлғиз кексалар) — фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, ҳомийлари ва суд томонидан кексани парвариш қилиш мажбурияти юклатилган шахслар (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари, ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ёшга доир пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар (кейинги ўринларда — ёлғиз яшовчи кексалар) — ёлғиз яшовчи ёки жазони ижро этиш муассасаларида ёхуд узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар.

3. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, уларнинг яшаш шароитларини баҳолаш, Реестрга киритиш ва чиқариш, индивидуал ижтимоий хизматлар режасини шакллантириш, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини белгилаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) орқали амалга оширилади.

4. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) маҳаллалардаги ижтимоий ходими, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни доимий аниқлаш ишларини амалга оширади ва бундай шахсларни Реестрга киритиш бўйича «Инсон» марказига ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани киритади.

5. «Инсон» маркази ходими, оилавий шифокор ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисидан иборат ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ) ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси ва яшаш шароитларини (кейинги ўринларда — яшаш шароитлари) баҳолайди ҳамда унинг натижалари тўғрисида хулоса тайёрлайди.

6. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс тоифасини белгилаш, Реестрга киритиш ва чиқариш, яшаш шароитларини баҳолаш бўйича хулоса ва индивидуал ижтимоий хизматлар режасини тасдиқлаш «Инсон» маркази томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш

7. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қуйидаги тартибда аниқланади:

маҳалладаги ижтимоий ходим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш, жумладан, уйма-уй юриш натижасида шакллантирилган сўровномага асосан;

ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда «Ижтимоий ҳимоя» АТга юборилган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига асосан.

8. «Инсон» марказига мазкур Регламентнинг 7-бандига мувофиқ сўровнома ёки муурожаат келиб тушганда у «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали рўйхатга олинади ва «Инсон» маркази директори томонидан бир иш кунини кўриб чиқувчи маҳалладаги ижтимоий ходим белгиланади.

Шу куннинг ўзида «Инсон» маркази директори ишчи гуруҳ томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг яшаш шароитларини баҳолаш учун уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатни белгилайди ва ишчи гуруҳ аъзоларини улар меҳнат фаолиятини олиб борадиган ташкилотларга «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг яшаш шароитларини баҳолаш бўйича ишчи гуруҳга

жалб қилиш ҳақида ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ расмийлаштирилган талабномани юборади.

9. Маҳалладаги ижтимоий ходим сўровнома ёки мурожаатда кўрсатилган шахсларни 24 соат ичида бориб кўради, уларга шошилиш ёрдам кўрсатиш заруратини аниқлайди ва «Инсон» маркази директори томонидан имзоланган шахсларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритиш учун яшаш шароитларини баҳолаш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда — Оферта) билан таништиради.

Оферта намунаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахс Оферта шартларига рози бўлган тақдирда, шахсий имзосини қўйиш орқали уни тасдиқлайди ва ижтимоий ходим томонидан тасдиқланган Оферта «Ижтимоий ҳимоя» АТга юкланади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахс «Инсон» марказига келиб мурожаат қилган тақдирда, тегишли сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг унга Оферта шартлари тушунтирилади ва у ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан тасдиқланади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахс электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда, мурожаат қилинган ахборот тизими орқали Оферта билан танишиб чиқиб, уни тасдиқлайди.

10. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан оферта шартларини тасдиқланиши шахснинг яшаш шароитларини баҳолаш учун асос ҳисобланади.

11. Мурожаат ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қонуний вакиллари ҳисобланмайдиган шахслар томонидан берилган тақдирда, мурожаат қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида «Инсон» маркази кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ушбу шахсларга хабар қилади.

3-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш шароитларини баҳолаш, индивидуал ижтимоий хизматлар режасини тасдиқлаш ва Реестрга киритиш

12. Ушбу Регламентнинг 8-бандига мувофиқ талабнома келиб тушган ташкилот ишчи гуруҳ аъзоси бўлган ходимини, у бўлмаган вақтда бошқа масъул ходимни талабномада кўрсатилган муддатда ишчи гуруҳ таркибида иштирок этишини таъминлаши шарт.

13. Ишчи гуруҳ «Инсон» маркази директорининг талабномасида кўрсатилган муддатда унда кўрсатилган шахсларнинг яшаш шароитларини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижаларини «Ижтимоий

ҳимоя» АТ орқали ушбу Регламентга 4-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштиради.

14. Яшаш шароитларини баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:
соғлиғи ҳолатини баҳолаш;
ўзгалар парваришига муҳтожлигини баҳолаш;
уй-жой-маиший шароитининг ҳолатини баҳолаш;
ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари билан таъминланганлигини баҳолаш;

ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини баҳолаш;
моддий ва молиявий ҳолатини баҳолаш;
ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қариндошлари, дўстлари ва бошқа шахслар билан мулоқоти ҳамда кундалик ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини (мулоқот ва дам олиш хизматига эҳтиёжини) баҳолаш.

15. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг соғлиғи ҳолатини баҳолаш ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсдаги мавжуд касалликлар, жумладан, руҳий ва юқумли касалликлар, унинг тиббий хизмат кўрсатишга ва бепул дори-дармонга эҳтиёжлари, уйда тиббий хизматга муҳтожлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутди.

Бунда ушбу маълумотларнинг тўғри шакллантирилиши ва баҳоланиши учун ишчи гуруҳ таркибидаги оилавий шифокор шахсан жавобгар ҳисобланади.

16. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлигини баҳолаш унинг ўзгалар ёрдамига боғлиқлик даражасини Бартел ва Лаутон шкалалари орқали аниқлашни назарда тутди.

17. Уй-жой-маиший шароитларини баҳолаш уй-жойнинг яшаш учун хавфсизлиги, унинг санитария-гигиеник ҳолати, ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахснинг жисмоний имкониятларига мосланганлиги, шу жумладан, марказлаштирилган сув, иссиқлик таъминотининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутди.

18. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кафолатланган ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланганлигини баҳолаш ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахснинг имтиёзлар, нафақалар ва бошқа тўловлар, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланиши, унга ҳомийлик қилишни хоҳловчи, шунингдек, уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган шахсларни аниқлаш, санаторий-соғломлаштириш муассасаларида дам

олиши ва бошқа ижтимоий муҳофаза чора-тадбирларини олишга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутати.

19. Ҳуқуқий муҳофаза қилинганлигини баҳолаш ўзгалар парваришига муҳтож шахсда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг, унинг ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари билан таъминланишга доир ҳуқуқларини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, унинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уй-жойга, бошқа шахслардан ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотларни йиғишни назарда тутати.

20. Моддий ва молиявий ҳолатини баҳолаш шахснинг номида уй-жой мавжуд эканлиги, унинг даромади, унга тўланаётган пенсия ёки компенсация маблағлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутати.

21. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг мулоқот қилиш ва дам олишини соҳасини баҳолаш унинг мулоқот ва дам олишга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутати.

22. Ишчи гуруҳ томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг яшаш шароитларини баҳолашда қуйидаги маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади:

ўзгалар парваришига муҳтож шахс ҳамда биринчи даражали қариндошларининг (агар улар мавжуд бўлса) шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта)лар тўғрисидаги маълумотлар;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ўзгалар парваришига муҳтож шахс ҳамда биринчи даражали қариндошларининг (агар улар мавжуд бўлса) ногиронлик тўғрисидаги маълумотлари;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган (ёки илгари доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган) шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга тайинланган пенсия, нафақа ёки бошқа компенсация тўловлари тўғрисидаги маълумотлар;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотлар;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар;

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкӣ даромадлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар.

23. Яшаш шароитларини баҳолашнинг натижалари ишчи гуруҳ томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги хулосада акс эттирилади.

Яшаш шароитларини баҳолаш натижалари бўйича Ишчи гуруҳнинг хулосаси ижобий бўлган тақдирда, «Ижтимоий ҳимоя» АТда индивидуал ижтимоий хизматлар режаси шакллантирилади.

Бунда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига ишчи гуруҳ томонидан заруратга кўра қўшимча хизматлар киритилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ хулосаси ва индивидуал ижтимоий хизматлар режаси ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан уларнинг «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги шахсий кабинети орқали ёки «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ишчи гуруҳ аъзоларининг имзоси уларга СМС-хабарнома орқали юборилган код орқали тасдиқланади.

24. Ишчи гуруҳ шакллантирилган хулосани тасдиқлаш ва ушбу Регламентнинг 25-бандига мувофиқ қарор қабул қилиш учун «Инсон» маркази директорига киритади.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан шакллантирилган хулоса «Инсон» маркази директори томонидан унинг ЭРИси орқали тасдиқланади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ўзгалар парваришига муҳтож шахсининг мобиль алоқа воситасига хулоса мазмуни тўғрисида СМС-хабарнома юборилади ёки хулоса нусхаси маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан етказилади.

25. «Инсон» маркази директори томонидан ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ ўзгалар парваришига муҳтож ҳар бир шахс бўйича алоҳида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахс тоифасини белгилаш ва уни Реестрга киритиш ёки ушбу тоифани белгилаш ва Реестрга киритишни рад этиш ҳақида;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахс тоифасини белгилаш ва уни Реестрга киритиш ёки ушбу тоифани белгилаш ва Реестрга киритишни рад этиш ҳақида;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса тоифасини белгилаш ва уни Реестрга киритиш ёки ушбу тоифани белгилаш ва Реестрга киритишни рад этиш ҳақида;

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кекса тоифасини белгилаш ва уни Реестрга киритиш ёки ушбу тоифани белгилаш ва Реестрга киритишни рад этиш ҳақида.

Бунда ишчи гуруҳ томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга уларнинг яшаш шароитларини баҳолаш натижасида 116 ва ундан юқори балл қўйилиши уларни ўзгалар парваришига муҳтож шахс деб эътироф этиш ва Реестрга киритишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

26. «Инсон» маркази директори ушбу Регламентнинг 25-бандига мувофиқ ўзгалар парваришига муҳтож шахсга мазкур Регламентнинг 2-бандида белгиланган тоифалардан бирини белгилаш ва Реестрга киритиш ҳақидаги қарорни тасдиқлаш билан бир вақтда ушбу Регламентга 7-иловага мувофиқ индивидуал ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлайди.

Маҳалладаги ижтимоий ходим ўзгалар парваришига муҳтож шахсни тасдиқланган индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг мазмуни билан таништиради.

27. Индивидуал ижтимоий хизматлар режаси қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

ўзгалар парваришига муҳтож шахсни соғломлаштириш, тиббий кўриқдан ўтказиш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уй-жой-маиший шароитларини тўсиқсиз ҳаракатланиш учун мослаштириш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўриш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қариндошлари, дўстлари ва бошқа шахслар билан мулоқоти ҳамда кундалик ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсга васийлик ва ҳомийлик қилишни хоҳлайдиган шахсларни, шунингдек уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган кўнгилдиларни жалб этиш.

28. Индивидуал ижтимоий хизматлар режаси тасдиқлангандан сўнг шу куннинг ўзида ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини йўлга қўйиш учун ушбу Регламентга 8-иловада белгиланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни кўрсатувчи ташкилотларга юборилади.

29. Ижтимоий ходимлар томонидан индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган ҳар бир ижтимоий хизматлар ва ёрдам

кўрсатилганлиги тўғрисидаги ахборотни тасдиқловчи маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб борилади.

4-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсни Реестрдан чиқариш

30. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсни Реестрдан чиқариш «Инсон» маркази директори томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ишчи гуруҳ хулосасига мувофиқ тегишли қарор қабул қилиш орқали амалга оширилади.

31. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қуйидаги ҳолатларда «Инсон» маркази директорининг қарори билан Реестрдан чиқарилади:

а) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ёки ногиронлиги бўлган ёлғиз шахс:

ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини рад этиш тўғрисида «Инсон» марказига мурожаат қилганда;

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки «Мурувват» интернат-уйига жойлаштирилганда;

вафот этганда;

ҳомийлик белгиланганда, шунингдек, суд томонидан шахсни парвариш қилиш вазифалари унинг қариндошларига ёки бошқа шахсларга юкланганда;

I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;

фарзандлари вояга етганда (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари бундан мустасно);

эри ёки хотини, ота-онаси ва балоғат ёшига етган болаларидан I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;

1 ойдан ортиқ муддатга чет элга чиққанда;

васий ёки ҳомий тайинланган тақдирда;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кекса ёки ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахс:

у билан бирга яшовчи фарзандлари вояга етганда;

у билан бирга яшовчи шахслардан I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;

у билан бирга яшовчи илгари жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахслар озод қилинганда;

у билан бирга яшовчи илгари узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар даволанишдан чиққанда;

илгари тақдим этган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган фактлар аниқланганда;

вафот этганда;

3 ойдан кўпроқ вақтга чет элга ёхуд бошқа вилоятга ишлашга ёки ўқишга кетган, ҳарбий хизматга сафарбар этилган шахслар ишлашдан ёки ўқишдан, ҳарбий хизматдан қайтганда;

турмушга чиққан қиз фарзанд ўзгалар парваришига муҳтож шахс билан бирга яшаш учун қайтганда.

32. Маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан ушбу Регламентнинг 31-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, бир иш куни ичида мазкур шахсларни Реестрдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш учун «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали «Инсон» марказига хабар беради.

33. «Инсон» маркази директори хабар келиб тушгандан сўнг ушбу Регламентнинг 37 — 40-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш чорасини кўради.

Бунда ушбу Регламентнинг 31-бандида назарда тутилган ҳолатлар ишчи гуруҳнинг хулосасига мувофиқ ўз тасдиғини топганда, «Инсон» маркази директори томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсни мазкур Регламентнинг 2-бандида белгиланган тегишли тоифа ҳамда Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож шахсни реестрдан чиқариш бўйича алоҳида қарор қабул қилинади.

34. «Инсон» маркази директорининг ўзгалар парваришига муҳтож шахсни мазкур Регламентнинг 2-бандида белгиланган тегишли тоифа ҳамда Реестрдан чиқариш тўғрисидаги қарори бир иш куни ичида ва кўрсатаётган ташкилотларга юборилади.

35. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс бошқа яшаш жойига ўтганда, ушбу шахснинг ҳужжатларини у кўчиб ўтган янги яшаш жойидаги «Инсон» марказига юборилади.

5-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш шароитларини қайта баҳолаш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш, индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш ва тугатиш

36. Ишчи гуруҳ томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахс Реестрга киритилган пайтдан бошлаб ҳар чоракда бир маротаба унинг яшаш шароитлари қайта баҳолаб борилади ҳамда мультидисциплинар гуруҳ томонидан ҳар олти ойда бир маротаба кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлиги мониторинг қилинади.

37. «Инсон» маркази директори томонидан қайта баҳолаш ва мониторинг ўтказиш куни белгиланади ҳамда қайта баҳолаш ва мониторинг ўтказиш кунидан уч иш куни олдин ишчи гуруҳ аъзоларига

ушбу Регламентнинг 8-бандида белгиланган тартибда талабнома юборилади.

38. Қайта баҳолаш ўтказиладиган ўзгалар парваришига муҳтож шахс СМС-хабарнома юбориш ёки мобил алоқа воситасига қўнғироқ қилган ҳолда ёхуд маҳалладаги ижтимоий ходим орқали хабардор қилинади.

39. «Ижтимоий ҳимоя» АТда яшаш шароитларини қайта баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилардан бирини назарда тутувчи хулоса шакллантирилади:

кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ давом эттириш;

кўрсатилаётган ижтимоий хизмат ва ёрдамни ёки белгиланган тоифани ўзгартириш;

Реестрдан чиқариш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишни тугатиш.

40. Яшаш шароитларини қайта баҳолаш бўйича хулоса «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тасдиқланган ҳолда «Инсон» маркази директориға киритилади.

«Инсон» маркази директори яшаш шароитларини қайта баҳолаш бўйича хулосаға асосан тегишли қарор қабул қилади ва имзоланган қарор нусхаси «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи ташкилотларға юборилади ҳамда унинг чоп этилган нусхаси бир иш куни ичида яшаш шароитлари қайта баҳолашдан ўтказилган ўзгалар парваришиға муҳтож шахсға тақдим этилади.

41. Яшаш шароитларини қайта баҳолаш бўйича хулоса ва индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг тузилиши ҳамда амалға оширилишини мониторинг қилиш мультидисциплинар гуруҳ томонидан ўзгалар парваришиға муҳтож шахс Реестрға киритилган пайдан бошлаб ҳар олти ойда бир марта амалға оширилади.

Мультидисциплинар гуруҳ «Инсон» маркази ходими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси вакилидан иборат таркибда тузилади.

Бунда мультидисциплинар гуруҳ таркибига мазкур Регламентнинг 5-бандида назарда тутилган ишчи гуруҳ таркибига киритилган «Инсон» маркази ходими ҳамда оилавий шифокор киритилмайди.

Мультидисциплинар гуруҳ аъзоларига ушбу Регламентнинг 8-бандида белгиланган тартибда талабнома юборилади.

42. Мультидисциплинар гуруҳ аъзоларидан бири айрим сабабларға кўра (меҳнат таътилида эканлиги, даволанишда бўлганлиги ва бошқалар) мониторингда иштирок эта олмаслиги маълум бўлса, ушбу шахслар

меҳнат фаолиятини олиб борадиган ташкилот уларни ўрнига бошқа масъул ходимнинг мониторингда иштирок этишини таъминлайди.

43. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган тадбирларни мониторинг қилиш қўйидагича амалга оширилади:

индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг тузилиши бўйича ишчи гуруҳ томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритилган маълумотларни ўрганиш;

индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган хизматларнинг масъул ходим томонидан кўрсатилган муддати, натижаси, сифати, самарадорлиги, бехатарлигини ҳамда ижтимоий хизматдан фойдаланувчи томонидан хизматдан қониқиш ҳосил қилганлиги даражасини ўрганиш;

ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган қайта баҳолаш бўйича хулосани ўрганиш;

ўзига нисбатан индивидуал ижтимоий хизматлар режаси ишлаб чиқилган ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уйига бориб кўриш ва «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали қайта баҳолаш.

44. Ушбу Регламентнинг 41 ва 43-бандида кўрсатилган мониторинг амалга оширилганидан сўнг унинг натижалари бўйича «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ушбу Регламентга 9-иловага мувофиқ хулоса шакллантирилади ва мультидисциплинар гуруҳ аъзолари томонидан тасдиқланган ҳолда «Инсон» маркази директорига киритилади.

Мультидисциплинар гуруҳ хулосаси ишчи гуруҳ фаолиятига баҳо бериш учун асос ҳисобланади.

«Инсон» маркази директори мониторинг якуни бўйича мультидисциплинар гуруҳнинг хулосасига асосан ижтимоий хизматлар сифати ҳамда индивидуал ижтимоий хизматлар режаси натижалари ва ишчи гуруҳ фаолиятига баҳо бериш ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, унга тузатишларни ёки янги тадбирларни киритиш бўйича тегишли қарор қабул қилади.

45. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, унга тузатишларни ёки янги тадбирларни киритиш «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали муқаддам тасдиқланган индивидуал ижтимоий хизматлар режасида акс эттирилади.

46. «Инсон» маркази директори мониторинг якуни бўйича қабул қилган қарори ва (ёки) қайта кўриб чиқилган индивидуал ижтимоий хизматлар режаси «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатувчи ташкилотларга юборилади ҳамда унинг чоп этилган

нусхаси бир иш куни ичида баҳолашдан ўтказилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсга тақдим этилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган хизматлардан фойдаланишни рад этиш ҳуқуқига эга.

48. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг ёки унинг бирор қисмининг бажарилиши рад этилган тақдирда, «Инсон» маркази, шунингдек индивидуал ижтимоий хизматлар режасида ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишга масъул бўлган бошқа барча шахслар унинг бажарилмаганлиги юзасидан жавобгар бўлмайди.

49. Ишчи гуруҳ ва мультидисциплинар гуруҳ аъзолари ҳамда «Инсон» марказлари ходимлари ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг шахсга доир маълумотларини сир сақланишини таъминлаши шарт.

50. Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича «Инсон» марказлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг фаолияти устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

51. «Инсон» марказлари томонидан тасдиқланган индивидуал ижтимоий хизматлар режалари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

52. Ишчи гуруҳ, мультидисциплинар гуруҳ ва «Инсон» марказларининг шахсни ўзгалар парваришига муҳтож шахс деб эътироф этиш бўйича хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

53. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 11 МАРТДАГИ 123-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида регламент

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига

(кейинги ўринларда — реестр) киритилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Реестрга киритилган шахсларнинг ҳар бири учун «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) шакллантириладиган индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасига (кейинги ўринларда — индивидуал ижтимоий хизматлар режаси) мувофиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш таъминланади.

3. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасида ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар белгиланади:

чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, диспансеризация кўригидан ўтказиш, санаторий-соғломлаштириш, зарурат бўлганда стационар, ихтисослаштирилган, амбулатор ёки уйда тиббий хизмат кўрсатиш, имтиёзли дори воситаси билан таъминлаш, ногиронликни белгилаш учун тиббий кўриқдан ўтказиш, патронаж ҳамшира қатнови сонини белгилаш тадбирларини ўз ичига олувчи соғломлаштириш тадбирлари;

ижтимоий ходим ассистенти томонидан амалга ошириладиган овқат тайёрлаш, супуриш-йиғиштириш, кийим-кечакларни ювиш, гигиена тадбирларини амалга ошириш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни уйга етказиб бериш, хонадондаги сантехника жиҳозларини таъмирлашда (уй-жойни бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчиларни жалб қилиш) кўмаклашиш, сартарошлик хизматидан фойдаланишда ва қариндош ва дўстлар билан ёзишмаларда кўмаклашиш ҳамда ҳамроҳлик хизматини (тиббиёт ва спорт муассасаларига) кўрсатиш тадбирларини ўз ичига олувчи уйда маиший хизмат кўрсатиш тадбирлари;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг турар жойини куз-қиш мавсумига тайёрлашда кўмаклашиш, сантехника, газ, электр ускуналаридаги носозликларни бартараф этиш ва марказлашган иситиш тизимини профилактик кўриқдан ўтказиш, ётоқхона, ошхона, ҳожатхона, ювиниш хонаси ва йўлакларни тўсиқсиз ҳаракат учун мослаштириш, санитария-эпидемияга қарши тадбирларни масъул ташкилотларни жалб қилиш орқали кўрсатишни ўз ичига олувчи уй-жой-маиший шароитларни яхшилаш тадбирлари;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан бепул таъминлаш, зарурат бўлганда, нафақалар ва моддий ёрдам олиш, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида ижтимоий ва реабилитация

хизматларини олиш, васийлик ва ҳомийлик қилишни хоҳлайдиган шахсларни, шунингдек уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган кўнгиллиларни жалб этиш, психологик хизмат, васий ва ҳомий бириктирилишида кўмаклашиш, тўторлик орқали мустақил (такси ва етказиб бериш хизматига) буюртма бериш ва онлайн давлат хизматларидан фойдаланишга ўргатиш тадбирларини ўз ичига олувчи ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклашда, шахсни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйишда, алиментларни олишда, мол-мулкка, шу жумладан уй-жой ва шу қабиларга бўлган ҳуқуқларни белгилашда ҳамда тазйиқ ва камситилиш ҳолатларини бартараф этишда кўмаклашишни, шунингдек, ҳуқуқий маслаҳат беришни ўз ичига олувчи ҳуқуқий муҳофаза қилиш тадбирлари;

қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар билан мулоқотини тиклашда, маданий (муסיқа ва санъат мактаблари ҳисобот концертлари, театр, давра суҳбатлари, учрашувлар, тренинглар) тадбирларига боришни ва спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш, кўнгиллиларни жалб қилиш тадбирларини ўз ичига олувчи мулоқот ва дам олиш доирасини кенгайтириш тадбирлари.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар тегишлилиги бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

4. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб борилади.

2-боб. «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни ташкил этиш

1-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш хизмати

5. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бир йилда бир мартаба бепул асосда амалга оширилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази томонидан ташкил этилади.

6. «Инсон» маркази ҳар йили 30 ноябрдан кечиктирмай оилавий поликлиника билан биргаликда кейинги йил учун туман (шаҳар) кесимида ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича реестрдаги маълумотлар асосида жадвал тузади.

7. Шакллантирилган жадвал бир иш куни ичида тасдиқлаш учун «Инсон» маркази директориға ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғига киритилади.

8. Тасдиқланган жадвал асосида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш йил давомида амалга оширилади.

9. Заруратга кўра, ижтимоий ходим ассистенти томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда ҳамроҳлик хизмати кўрсатилади.

10. Касаллик ёки жароҳат туфайли беморни ташишга қарши кўрсатма бўлганда ҳамда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ юқумли касалликка чалинган шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ушбу шахсларнинг яшаш жойида ўтказилади.

11. Оилавий поликлиника тасдиқланган жадвалга асосан ҳар ой якунида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ҳақидаги маълумотларни «Инсон» марказига юборади.

«Инсон» маркази томонидан тақдим этилган маълумотларга мувофиқ ушбу хизматни тасдиқланган жадвалга асосан кўрсатилиши мониторинг қилиб борилади.

12. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказилмаган шахслар аниқланган тақдирда, «Инсон» марказлари ушбу шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига талабнома юборади.

13. Йил давомида реестрга янги киритилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш «Инсон» маркази талабномасига асосан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан талабнома келиб тушгандан сўнг, 10 иш куни ичида амалга оширилади.

Бунда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахс чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилгандан сўнг, «Инсон» марказларига бу тўғрисида маълумот берилади.

2-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга уйда ижтимоий-маиший хизмат

14. Уйда кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизматлар ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва яшаш шароитларини баҳолаш натижаларига мувофиқ индивидуал ижтимоий хизматлар режасига киритилади.

15. Ушбу хизмат ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатилади.

Бунда индивидуал ижтимоий хизматлар режаси тасдиқлангандан сўнг, «Инсон» маркази ва ўзгалар парваришига муҳтож шахс ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан тасдиқланадиган намунадаги ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси (кейинги ўринларда — ижтимоий шартнома) расмийлаштирилади.

Ижтимоий ходим ўзгалар парваришига муҳтож шахсни ижтимоий шартнома шартлари билан таништиради. «Инсон» маркази ва ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан имзоланган ижтимоий шартнома «Ижтимоий ҳимоя» АТга юкланади.

16. Уйда ижтимоий-маиший хизматларни кўрсатиш индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Бунда Реестрга киритилган икки ва ундан ортиқ ўзгалар парваришига муҳтож шахслар биргаликда яшаган тақдирда, ижтимоий ходим ассистентининг уларга хизмат кўрсатиш частотаси ва давомийлиги ушбу шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлигининг энг юқори даражаси бўйича белгиланади.

17. Юқумли ҳамда руҳий касалликларга чалинган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатилмайди.

18. Уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистентлари лавозими ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож шахс учун ажратилган вақт нормаларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади.

Мазкур вақт нормаларига кўра ҳисоблаб чиқилган юклама уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистентлар штат бирлигини аниқлаш учун асос бўлади.

Бунда 1 штат бирлигидаги ижтимоий ходим ассистентининг вақт нормаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

Дам олиш ва байрам кунлари уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш фақат Бартел ва Лаутон шкаласи бўйича 53 ва ундан паст балл тўплаган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун амалга оширилади. Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун меҳнат қонунчилигига мувофиқ ҳақ тўланади.

19. Ижтимоий ходим ассистентлари меҳнат таътилида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмаган тақдирда,

«Инсон» маркази директорининг буйруғига асосан унинг вазифалари бажариш бошқа ижтимоий ходим ассистентларига уларнинг розилиги билан юклатилади.

Қўшимча вазифаларни юклатиш ижтимоий ходим ассистентларига амалда юклатилган вазифаларнинг ҳажми ҳамда қўшимча хизмат кўрсатиш талаб этиладиган ҳудуднинг улар томонидан амалда хизмат кўрсатилаётган ҳудуд билан узоқ ёки яқинлигини инобатга олган ҳолда юклатилади.

Бунда меҳнат таътилида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган ижтимоий ходим ассистенти томонидан уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатилаётган ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ушбу хизматни кўрсатиш вақти унга вақтинчалик бириктирилаётган ижтимоий ходим ассистентининг иш вақтига мослаштирилади.

Ижтимоий ходим ассистентлари томонидан қўшимча вазифа бажарилганлиги учун ҳақиқатда ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ, шу жумладан йўл ҳақи учун компенсация тўланади.

Агар меҳнат таътилида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган ижтимоий ходим ассистентининг вазифаларини бошқа ижтимоий ходим ассистентига юклаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу ходим ўз вазифаларини бажаришга киришгунга қадар унинг вазифаларини бажариш учун ўриндошлик асосида бошқа ходим ишга қабул қилиниши мумкин.

20. Ижтимоий ходим ассистентлари бюджет маблағлари ҳисобидан ишга кирган пайтда ҳамда ҳар йили 1 тадан махсус хўжалик сумкаси ва йилига 2 марта махсус форма (ёзги, қишки), шунингдек, ижтимоий ходим ассистентлари хизмат кўрсатаётган ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож шахс учун 2 ойда бир маротаба хўжалик қўлқоплари билан таъминланади.

21. Уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистентларнинг лавозим-маошлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

22. Уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистентларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) баҳоланади ва баҳолаш натижаларига асосан рағбатлантирилади.

23. Ижтимоий ходим ассистентининг фаолиятини баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантириш Агентлик томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

24. Ижтимоий ходим ассистенти томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг уйидан туриб шу куни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумот «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритилади ва маълумот киритилган геолокация сақланиб қолади.

25. Кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ва хизматлардан ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қониқиш даражаси қуйидаги тартиблардан бирига мувофиқ бир ойда камида бир маротаба ушбу шахс томонидан баҳолаб борилади:

маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан уйма-уй юриш вақтида ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга сўровнома бериш орқали;

«Инсон» маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсга СМС-хабарнома юборилади, ўзгалар парваришига муҳтож шахс СМС-хабарнома орқали 5 баллик тизим бўйича баҳолайди. Бунда ўзгалар парваришига муҳтож шахс қўшимча шахсий изоҳ қолдириши мумкин бўлади.

3-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кўрсатиладиган ҳамроҳлик хизмати

26. Бартел ва Лаутон шкаласи бўйича 54 — 62 балл тўплаган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга тиббиёт ва спорт муассасаларига боришда ижтимоий ходим ассистентлари томонидан ҳамроҳлик хизмати кўрсатилади.

27. Ҳамроҳлик хизматини кўрсатиш индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган муддатларда, бироқ бир ойда кўпи билан 3 марта амалга оширилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг хоҳишига кўра, ҳамроҳлик хизмати кўрсатиладиган кунлар индивидуал ижтимоий хизматлар режасидаги соатлардан ошмаган ҳолда ўзгалар парваришига муҳтож шахсга белгиланган бошқа куни кўрсатилиши мумкин.

28. Ижтимоий ходим ассистентларига ўзгалар парваришига муҳтож шахсга кўрсатилган ҳамроҳлик хизматлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида қўшимча компенсация тўланади.

Бунда тиббиёт ёки спорт муассасалари ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойидан 1 кмгача бўлган масофада жойлашган бўлган тақдирда, ҳамроҳлик хизмати учун қўшимча компенсация тўланмайди.

29. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга тиббиёт ва спорт муассасаларига боришда ҳамроҳлик хизмати волонтерлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

4-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уй-жой-маиший шароитларини тўсиқсиз ҳаракатланиш учун мослаштириш хизмати

30. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уй-жой-маиший шароитларини тўсиқсиз ҳаракатланиш учун мослаштириш (кейинги ўринларда — мослаштириш) заруратини аниқлаш ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг функционаллигини баҳолаш натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Мослаштириш учун зарурат аниқланган тақдирда, ушбу хизмат индивидуал ижтимоий хизматлар режасига киритилади.

Индивидуал ижтимоий хизматлар режасига асосан ижтимоий ходим 5 иш куни ичида ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уйига бориб, мослаштириш бўйича талабларни шакллантиради ва «Инсон» маркази директориغا киритади.

Бунда агар ўзгалар парваришига муҳтож шахс яшаш жойида (уй ёки хонадон) ижара асосида яшаётган тақдирда белгиланган тартибда ижарага берувчининг розилигини олиш талаб этилади.

32. Мослаштириш хизмати ошхона, ётоқхона, ювиниш жойлари, ҳожатхона деворига тутқич, кириш жойларидаги тўсиқларни бартараф этиш, кириш йўллари кенгайтириш, кириш йўлига пандус қўйиш, ювиниш жойларини мослаштириш, шунингдек, сантехника, газ, электр ускуналаридаги носозликларни бартараф этиш ва заруратга кўра бошқа ишларни амалга оширишни ўз ичига олади.

33. «Инсон» маркази мослаштириш бўйича талабларни шакллантирганидан кейин 3 иш куни ичида унга киритилган ишларнинг амалга оширилишини ташкил этиш тўғрисидаги сўровнома тайёрлайди ва келишиш учун туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимига киритади.

Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими мазкур бандда кўрсатилган сўровномани 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда келишади ёхуд асосланган эътирозлар билан қайта кўриб чиқиш учун «Инсон» марказига юборади.

34. «Инсон» маркази талабномага мувофиқ ишларнинг амалга оширилишини ташкил этиш тўғрисидаги келишилган сўровномани туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги 3 иш кунида «Инсон» марказининг сўровномасида кўрсатилган ишларни бажаришга масъул бўлган ижрочилар, молиялаштириш манбалари ҳамда аниқ муддатларини кўрсатган ҳолда мослаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилади ва қарор нусхаси «Инсон» марказига ҳамда сўровномада кўрсатилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсга юборилади.

Бунда сўровномадаги ишлар бир ойдан кўп бўлмаган муддатда «Инсон» марказининг мунтазам назорати остида бажарилади.

35. Мослаштириш тадбирларига талаб этиладиган маблағлар «Саховат ва кўмак» жамғармаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва унинг ҳудудий Кенгашлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳомийлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

36. «Инсон» марказининг сўровномасига асосан мослаштириш ишлари яқунлангандан сўнг, ушбу ишларни бажарган ташкилот, «Инсон» маркази ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан Ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланади.

5-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида санитария-эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш хизмати

37. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахс номидан «Инсон» маркази томонидан киритилган сўровномага асосан бепул асосда амалга оширилади.

38. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш зарурати қуйидагича аниқланади:

маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан — уйма-уй юриш орқали ҳар бир хонадон (оила) аҳволини ўрганиш натижасида;

ижтимоий ходим ассистентлари томонидан — уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш натижасида.

39. Қуйидаги ҳолатларда ижтимоий ходим томонидан 1 иш куни ичида туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини амалга ошириш тўғрисида сўровнома юборади:

ушбу регламентнинг 38-бандидаги асосларга кўра дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш зарурати аниқланганда;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг индивидуал ижтимоий хизматлар режасига дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш киритилган тақдирда.

40. Туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими сўровнома келиб тушгандан сўнг, 3 иш куни ичида ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиши.

6-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсни ҳуқуқий муҳофаза қилиш хизмати

41. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг ҳуқуқий муҳофаза чораларига эҳтиёжи қуйидагилар асосида аниқланади:

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг оғзаки, ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатларига асосан;

индивидуал ижтимоий хизматлар режасига ҳуқуқий муҳофаза чораларини кўриш белгиланган тақдирда;

ижтимоий ходимлар томонидан рента тўловчи томонидан умрбод рента шартномаси шартларига риоя этилишини мониторинг қилиш натижасида аниқланган ҳолатлар бўйича;

ижтимоий ходим ассистентлари томонидан — уйда ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича.

42. «Инсон» маркази томонидан мазкур регламентнинг 41-бандидаги асосларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўриш зарурати юзага келган тақдирда, қуйидаги ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўриш учун «Инсон» маркази директори томонидан тасдиқланган талабнома юборилади:

туман (шаҳар) адлия бўлимига — ҳуқуқий маслаҳат бериш, алимент ундириш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, мол-мулкка, шу жумладан уй-жой ва шу кабиларга бўлган ҳуқуқларни белгилаш юзасидан судга киритиладиган аризаларни тайёрлаш учун;

туман ички ишлар органларига — шахсни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш, шунингдек тазйиқ ва камситилиш ҳолатларини бартараф этиш учун;

туман ички ишлар органлари ёки туман (шаҳар) адлия бўлимига — ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини) тиклаш ёки алмаштириш, вояга етмаган фарзандларига туғилганлик ҳақида маълумотнома олишда кўмаклашиш учун.

43. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан «Инсон» марказининг ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ҳуқуқий маслаҳат бериш тўғрисидаги талабномаси келиб тушгандан сўнг, 15 кун ичида ёзма шаклда талабномада кўрсатилган масала юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар тўғрисида маълумот тақдим этилади.

Ҳуқуқий тушунтириш ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ва «Инсон» марказига юборилади.

44. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини) тиклаш ёки алмаштириш «Инсон» маркази талабномаси асосида давлат божи

ундирилмаган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

45. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан «Инсон» марказининг ўзгалар парваришига муҳтож шахс фойдасига алимент ундириш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш юзасидан судга киритиладиган аризаларни тайёрлаш тўғрисидаги талабномаси келиб тушгандан сўнг, 5 иш кунда ариза ёки даъво аризаси лойиҳаси шакллантирилиб, «Инсон» марказига юборилади.

«Инсон» маркази туман (шаҳар) адлия бўлими томонидан шакллантирилган ариза ёки даъво ариза асосида судга мурожаат қилади.

7-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар билан мулоқоти ҳамда кундалик ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини ошириш хизмати

46. Мазкур хизматлар маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ амалга оширилади.

Қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар билан мулоқотини тиклашда ижтимоий ходим мулоқот тикланиши зарур бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни реестрга киритилган шахслардан олади. Мулоқотни тиклаш учун зарур кўмак шаклини аниқлайди.

Бунда мулоқотни тиклаш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

имтиёзли транспорт чиптасини харид қилишда кўмаклашиш;
телефон алоқасидан имтиёзли фойдаланиш бўйича сўров киритиш;
ижтимоий тармоқлар орқали аудио ва видео қўнғироқларни амалга ошириш.

47. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қариндошлари, дўстлари ва бошқа шахслар билан боғланиш имкони бўлмаганида, «Инсон» маркази ички ишлар органларига сўровнома киритади.

48. Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида «Инсон» марказининг сўровномасига асосан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг қариндошларини топиш чораларини кўради.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг қариндошлари топилган тақдирда, бу ҳақида «Инсон» марказига хабарнома юборилади.

49. «Инсон» маркази тўпланган маълумотлар ёки ички ишлар органларининг хабарномасига асосан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг қариндошлари билан боғланади (телефон қилиш, хат юбориш ёки бошқа усуллар орқали), уларнинг ўзгалар парваришига муҳтож қариндоши ҳолати тўғрисида хабар беради ва ушбу

Регламентнинг 46-бандида белгиланган шаклларда қариндошлик алоқаларини тиклаш чорасини кўради.

50. Маҳалладаги ижтимоий ходим икки ҳафтада бир маротаба ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг хоҳишига кўра тўторлик орқали мустақил (такси ва етказиб бериш хизмати) буюртма бериш, онлайн давлат хизматларидан фойдаланишга ўргатади.

Бунда тўторлик хизмати ўзгалар парваришга муҳтож шахснинг уйига борган ҳолда кўрсатилади.

51. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида улар «Нуронийлар маскани» мажмуаларида ва маҳаллаларда ўтказиладиган тўгарак ва тадбирларга, мусиқа ва санъат мактаблари ҳисобот концертларига, театр томошаларига, шунингдек, оммавий спорт ва воркаут майдончаларига жалб қилинади.

52. Мусиқа ва санъат мактаблари ҳисобот концертлари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари театр томошалари, «Нуронийлар маскани» мажмуалари тадбир ва тўгараклар ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида олдиндан «Инсон» марказларига доимий хабар бериб боради.

Маҳалладаги ижтимоий ходим ҳисобот концертлари ва театр томошалари, шунингдек, «Нуронийлар маскани» мажмуалари ва маҳаллаларда бўладиган тўгарак ва тадбирлар ўтказиш вақти ва жойи ҳақида ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга хабар беради ва улар концертга ва театр томошасига боришга рози бўлган тақдирда, концерт ва театр томошасига бориб келишда уларга ҳамроҳлик қилади.

Бунда ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ижтимоий ходим ассистенти ёки волонтерлар томонидан ҳам ҳамроҳлик қилиниши мумкин.

53. Маҳалладаги ижтимоий ходим ва ижтимоий ходим ассистенти томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсга у яшаётган ҳудуд атрофидаги оммавий спорт ва воркаут майдончалари жойлашган жойи ва иш тартиби тўғрисида маълумот бериб боради.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун оммавий спорт ва воркаут майдончаларига бориб келишда ҳамроҳлик қилади.

8-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсга васийлик ва ҳомийлик қилишни хоҳлайдиган шахсларни, шунингдек, уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган кўнгиллиларни жалб этиш

54. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсга васийлик ёки ҳомийлик қилишни хоҳлайдиган шахсларни жалб қилиш маҳалла раислари

томонидан маҳалладаги ижтимоий ходим билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маҳалладаги ижтимоий ходим:

маҳалла раисларига ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва уларга зарур ёрдамлар тўғрисидаги маълумотни киритиб боради;

маҳалладаги кўнгилли сифатида зарур ёрдамни кўрсатиш истагида бўлган шахсларни аниқлайди ва улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради;

бириктирилган ҳудудда ижтимоий хизмат кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар ва олий таълим муассасалари мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш чораларини кўради.

Маҳалла раислари ва маҳалладаги ижтимоий ходимлар томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёшлар учун ўрнак бўлиши, маҳалла фаровонлигига хизмат қилиши ва жамият учун бошқа муҳим аҳамияти ҳақидаги ташвиқот ишларини амалга оширади.

55. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг розилиги асосида кўнгиллиллар (волонтерлар) ижтимоий ходим ёки ижтимоий ходим ассистенти билан биргаликда уларга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, улар билан сайр ва (ёки) мулоқот қилиш, маданий ва спорт тадбирларига боришда ҳамроҳлик қилишлари мумкин.

9-§. Шошинч ижтимоий хизмат кўрсатиш

56. Шошинч ижтимоий хизмат шахснинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи омиллар аниқланган тақдирда, 24 соат ичида ташкил этилади.

Шошинч ижтимоий хизмат қуйидагиларни ўз ичига олади:

туман (шаҳар) адлия бўлимлари орқали — бирламчи юридик ёрдам;
«Инсон» марказлари орқали — ижтимоий ва психологик маслаҳат бериш;

ички ишлар органлари орқали — вақтинчалик бошпана билан таъминлаш учун тегишли ихтисослаштирилган муассасага жойлаштириш хизматларини кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари орқали — тиббий-ёрдам кўрсатиш учун даволаш-профилактика муассасаларини жалб этиш.

Шошинч равишдаги хизматларни ташкил этиш учун «Инсон» маркази директори ўзгалар парваришига муҳтож шахсга шошинч ижтимоий хизматни кўрсатиш тўғрисида зудлик билан қарор қабул қилади ҳамда масъул ижтимоий ходимни белгилайди. Зарурат бўлганда, тегишли даволаш-профилактика муассасалари жалб этилади.

57. Шошилиш ижтимоий хизмат ўзгалар парваришига муҳтож шахс реестрга киритилгунга қадар ҳам амалга оширилиши мумкин.

10-§. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни параспорт билан шуғулланишлари учун спорт объектларига йўналтириш

58. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга «Параспорт ўйинлари тасниф қоидалари ва принциплари»га кўра параспорт билан шуғулланишлари бўйича ваколатли орган томонидан берилган тавсияларига асосан спорт объектларига йўналтирилади.

59. Ваколатли орган томонидан тавсия берилган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар тўғрисидаги маълумотлар мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ шаклда ҳар 15 кунда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига (кейинги ўринларда — ҳудудий параспорт бўлинма) киритилади.

60. Ҳудудий параспорт бўлинмаси ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга мос келадиган секция ва секция жойлашган спорт муассасаси тўғрисидаги маълумотларини киритиб, «Инсон» марказига юборади.

61. «Инсон» маркази ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга тавсия этилган спорт муассасасига мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ йўлланма беради.

3-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун ижтимоий хизматлар кўрсатишни молиялаштириш

62. «Инсон» марказлари томонидан уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистентлари лавозими ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож шахс учун ажратилган вақт нормаларида ўзгаришлар бўлганда, ҳар ой якуни билан Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқарма) киритади.

63. Ҳудудий бошқармалар томонидан штатлар жадвалига киритилаётган ўзгартиришлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Агентликка киритилади.

64. Агентлик томонидан штатлар сонига киритилаётган ўзгартиришлар жами амалдаги штатлар сонидан кўп ёки кам бўлганда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

65. Ижтимоий хизматлар кўрсатилишини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

66. «Инсон» марказлари ходимлари, ижтимоий ходимлар ҳамда ижтимоий ходим ассистентлари ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг шахсига доир маълумотларини сир сақланишини таъминлаши шарт.

67. Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича «Инсон» марказлари ходимлари, ижтимоий ходимлар ҳамда ижтимоий ходим ассистентлари ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг фаолияти устидан, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

68. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН ШАХСЛАР ФАОЛИЯТИНИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ

Ўтган давр мобайнида маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятларини кенгайтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизими такомиллаштирилиб, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, давлат солиқ инспектори ва ижтимоий хизмат ходимларининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди ҳамда уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлиги талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-

сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, «Маҳалла еттилиги» фаолиятини самарали ташкил этиш ва унинг аъзолари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг (кейинги ўринларда — «Маҳалла еттилиги» аъзолари) ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келишини ва ишдан кетишини ҳисобга олиш;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келиши ва ишдан кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келишини ва ишдан кетишини ҳисобга олиш дафтари ва давомат (табел) ҳужжатини сақлаш.

2. Белгилансинки, «Маҳалла еттилиги» аъзолари меҳнатига маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан тўлдирилган табел асосида ҳақ тўланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида маҳалла раиси раҳбарлигида «Маҳалла еттилиги»ни ташкил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тuzилмасига «Маҳалла еттилиги»ни киритиш;

«Маҳалла еттилиги»нинг функциялари, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш.

4. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Маҳалла еттилиги» тўғрисидаги намунавий низом асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли низомларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳамда уларнинг

фаолияти самарали ташкил этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

2024 йил 15 март,
137-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 15 МАРТДАГИ 137-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритишни тартибга солади.

2. Мазкур йўриқномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

давомат — муайян ишда доимий иштирок этиш ёки қатнашиш;

соатбай — иш ҳақиға нисбатан ишлатиладиган ўлчов бирлиги;

«Маҳалла еттилиги» — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намунавий тузилмасига киритилган маҳалла раиси раҳбарлигидаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори аъзоларидан иборат бўлган гуруҳ.

3. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг (кейинги ўринларда — «Маҳалла еттилиги» аъзолари) ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш учун жавобгарлик фуқаролар йиғини раиси зиммасига юкланади.

Бунда солиқ инспектори ва ижтимоий ходимнинг ишга келиб кетиши бўйича давомат тегишлилиги бўйича тумандаги солиқ инспекцияси ва (ёки) «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази раҳбари ҳамда фуқаролар

йиғини раиси ўртасида тузилган ишга келиб кетиш графигига асосан юритилади.

Фуқаролар йиғини раиси лавозими бўш бўлган тақдирда, «Маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан овозга қўйиш орқали давоматни (табелни) юритиш бўйича вақтинча масъул шахс тайинланади.

4. Фуқаролар йиғини раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритишга давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг аралашшига йўл қўйилмайди.

2-боб. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келишини ва ишдан кетишини ҳисобга олиш тартиби

5. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келиб кетишини ҳисобга олиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ушбу йўриқномага 1-иловада келтирилган тартибда «Ходимларнинг ишга келишини ва ишдан кетишини ҳисобга олиш дафтари» (кейинги ўринларда — ҳисобга олиш дафтари) юритилади.

6. Ҳисобга олиш дафтари фуқаролар йиғини раиси томонидан юритилади (тўлдирилади) ҳамда варақлари ип ўтказиб тикилган, тартиб рақами қўйилган ва сўрғич ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак.

7. Ҳисобга олиш дафтарининг юритилиши ва сақланиши ҳамда унга киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун фуқаролар йиғини раиси жавоб беради.

8. Ҳисобга олиш дафтарида ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, ишга келиш ва ишдан кетиш санаси, вақти кўрсатилади.

Ҳисобга олиш дафтарида кўрсатилган маълумотлар ҳар бир «Маҳалла еттилиги» аъзоси томонидан тўлдирилади ва имзоси билан тасдиқланади.

9. «Маҳалла еттилиги» аъзолари (солиқ инспектори ва ижтимоий ходим бундан мустасно) бир иш куни мобайнида ҳисобга олиш дафтарида икки марта қайд этилади.

«Маҳалла еттилиги» аъзолари (солиқ инспектори ва ижтимоий ходим бундан мустасно) ҳар куни ишга келган заҳоти ҳамда ишдан кетиш олдидан ҳисобга олиш дафтарига ишга келиш ва ишдан кетиш вақти тўғрисидаги ёзувни киритган ҳолда имзо билан тасдиқлайди.

10. Иш куни якунлари бўйича ҳисобга олиш дафтарининг ҳар куни тўлдирилганлигини фуқаролар йиғини раиси назорат қилиб боради.

«Маҳалла еттилиги» аъзолари узрли сабаб билан ишда бўлмаган тақдирда, сана устунига ушбу йўриқномага 2-иловада келтирилган тартибда фуқаролар йиғини раиси шартли белгиларни қўяди.

Бунда фуқаролар йиғини раиси шартли белги қўйишдан аввал «Маҳалла еттилиги» аъзосининг ишга келмаганлик сабабини суриштиради.

3-боб. Давоматни (табелни) юритиш тартиби

11. Ҳар ой якунлари бўйича фуқаролар йиғини раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисобга олиш дафтаридаги ишга келиши ва ишдан кетиши мониторинг қилинади.

Мониторинг таҳлилларига кўра «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ишга келиши ва ишдан кетиши бўйича давомат (табелъ) фуқаролар йиғини раиси томонидан ушбу йўриқномага 3-иловада келтирилган шаклда тўлдирилади.

12. Фуқаролар йиғини раиси табелга ҳар бир «Маҳалла еттилиги» аъзосининг ҳақиқатда ишлаган вақтини меҳнат қонунчилигига мувофиқ киритади.

13. Фуқаролар йиғини раиси табелни тўлдириб бўлганидан сўнг тасдиқлайди.

Тасдиқланган табелнинг кўчирма нусхасини «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг меҳнатига иш ҳақи ҳисоблаш учун уларнинг кадрлар билан ишлаш бўйича ҳудудий мутахассисларига ҳар ойнинг охириги санасида юборади.

4-боб. Ҳисобга олиш дафтари ва давоматни (табелъ) сақлаш

14. Фуқаролар йиғинида ҳужжатларнинг сақланиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иш юритувчиси томонидан таъминланади. Иш юритувчи ҳисобга олиш дафтари ва табелни фуқаролар йиғинида сақлайди.

15. Фуқаролар йиғинида табелъ бўйича йиғмажилдлар юритилади.

5-боб. Якунловчи қоида

16. Ушбу йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим
ва солиқ инспекторининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
2-ИЛОВА
Шартли белгилар**

Кўрсаткич номи	Коди
Дам олиш ва байрам кунлари	В
Раҳбарият рухсати билан ишга қатнашмаган кунлари	А
Тунги иш вақти	Н
Давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш*	Г
Ўқиш бўйича дам олиш	ВУ
Ўқув таътили	ОУ
Кейинги ва қўшимча меҳнат таътили	О
Меҳнатга лаёқатсизлик	Б
Туғиш билан боғлиқ таътиллار	Р
Прогуллар (сабабсиз)	П
Хизмат сафари	К
Ҳақиқатда ишланган кунлар	Ф

* Профилактика инспектори жамоат тартибини сақлаш мақсадида махсус профилактика тадбирларига жалб қилиниши мумкин.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 15 МАРТДАГИ 137-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

...

2. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисида намунавий низомда:

а) 3-банд қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «Маҳалла еттилиги»;

б) қўйидаги мазмундаги 4²-боб билан тўлдирилсин:

«4²-боб. «Маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Маҳалла еттилиги»нинг асосий мақсади, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

58³². «Маҳалла еттилиги»нинг мақсади маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишдан иборат.

58³³. Қўйидагилар «Маҳалла еттилиги»нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижроси таъминланишини, оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ва эҳтиёжларини ўрганишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

жисмоний шахсларни «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жисмоний шахсларга «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича қарор қабул қилиш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони билан тасдиқланган «Маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар рўйхати»да келтирилган ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратиш;

фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва бундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан киритилган хулоса асосида «Саховат ва

кўмак» жамғармаси ҳисобидан ёрдам бериш бўйича коллегиял қарор қабул қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таклифлар киритиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

58³⁴. Мазкур Намунавий низомнинг 4-бандида белгиланган жамоатчилик тузилмалари қарорларининг тавсиявий хусусиятга эга эканлиги тўғрисидаги қоида «Маҳалла еттилиги»нинг жисмоний шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш юзасидан қабул қиладиган қарорларига нисбатан татбиқ этилмайди.

58³⁵. «Маҳалла еттилиги» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланганда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ижтимоий ёрдам турларини кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

жисмоний шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасига бевосита алоқаси бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларини «Маҳалла еттилиги» фаолиятига жалб этиш.

«Маҳалла еттилиги» қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

58³⁶. «Маҳалла еттилиги»нинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиш;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашашига йўл қўймаслик;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларига аён бўлган шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслик.

2-§. «Маҳалла еттилиги» таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

58³⁷. «Маҳалла еттилиги» таркибига 7 нафар аъзодан иборат бўлган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли,

профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори киритилади.

«Маҳалла еттилиги»га фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади.

«Маҳалла еттилиги» аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

58³⁸. Маҳалла раиси:

«Маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

«Маҳалла еттилиги» аъзолари ўзларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди;

мажлисларни чақиради ва ўтказиши;

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

«Маҳалла еттилиги» номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

58³⁹. «Маҳалла еттилиги» котиби вазифасини бажариш маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисига юкланади.

58⁴⁰. «Маҳалла еттилиги» ваколатига доир масалалар унинг мажлисларида кўриб чиқилади.

«Маҳалла еттилиги» мажлисининг ҳужжатларини тайёрлаш ва аъзоларини чақириш вазифаси котиб томонидан амалга оширилади.

Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим уларга юкланган вазифалар юзасидан жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш, улардан чиқариш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириш учун жавобгар ҳисобланади.

«Маҳалла еттилиги» котиби йиғилишларнинг баённомасини юритади ва қарорлар ижросини назорат қилади.

58⁴¹. «Маҳалла еттилиги»нинг йиғилиши, агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, «Маҳалла еттилиги»нинг янги йиғилиши ўтказиладиган сана эълон қилинади.

58⁴². «Маҳалла еттилиги» йиғилишининг қарори йиғилишда иштирок этадиган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, маҳалла раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

58⁴³. «Маҳалла еттилиги» ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) ҳисобот беради».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига юкланган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма), Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви фойдаланишида бўлган Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Навбаҳор» санаторийси дам олиш масканини тегишли ҳудуди ва ушбу дам олиш масканини ривожлантириш учун «Алоқа банк» АТдан олинган кредитининг қолган қисмини тўлаш мажбурияти билан биргаликда Уюшмага бепул бериш;

Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг бюджетдан ташқари «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасини тугатиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларига собиқ Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларидан ўтган моддий-техник базани, хизмат автотранспорт воситаларини, бино ва иншоотларни Уюшмага бепул бериш;

Уюшма ҳузурида «Маҳалла» медиа-маркази, «Маҳалла» пресс-клуби ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизими ходимларининг

малакасини ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услугий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Уюшмага икки ой муддатда:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда маҳаллалар ва «Маҳалла еттилиги» фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва муаммоларни ҳамда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш учун 24 соат узлуксиз ишлайдиган «Call-марказ» фаолиятини (республика доирасида ягона қисқа рақам) ўрнатилган тартибда йўлга қўйиш;

Уюшма ҳузурида «Маҳалла» медиа-маркази, «Маҳалла» пресс-клуби ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизими ходимларининг малакасини ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услугий марказини Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши қарорига асосан ташкил этиш чораларини кўриш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг маҳалла фуқаролар йиғинидаги фаолияти юзасидан малакасини ошириш тизимини жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 1 июндаги 292-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаменти зиммасига юклансин.

2024 йил 18 май,
291-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ 291-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг (кейинги ўринларда — Уюшма) Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Уюшмада тузилади.

3. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган Уюшманинг шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Уюшмага ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига ҳар йили ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган тушумларнинг 10 фоизи;

тизим ташкилотларининг соф фойдасидан 10 фоизи;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

ҳар йили бюджет параметрларида маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг бир қисми;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши ва Уюшма Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлигини назорат қилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарма маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш;

нуронийлар ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари анъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш;

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этиш;

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларини ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда улар орасида ўз фаолияти намунали ташкил этганларни рағбатлантириш;

кексалар ва фахрийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмалари, фуқаролар йиғинларининг биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентарлар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

Уюшма тизимидаги ходимларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташи, хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий мамлакатларга ташрифларини, чет мамлакатларда ўтказиладиган конференция, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш харажатларини қоплаш;

Уюшма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ўтказиш ва ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

маҳаллалар фаолиятига оид тайёрланган услубий ва амалий қўлланмаларни нашр этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

Уюшманинг аҳоли муаммолари масофадан тезкор қабул қилиниши ва кўриб чиқилишини мувофиқлаштириб борувчи «Call-марказ» ходимлари меҳнатига шартнома асосида ҳақ тўлаш;

маҳалла тизимида турли кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш;

маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган фаолларни рағбатлантириш;

Уюшмага юкланган вазифалар ва функциялар билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва миллий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

Уюшма ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш, шу жумладан, маҳалла тизимига оид материалларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш учун малакали мутахассисларни жалб этиш.

7. Уюшма марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ходимларини бюджет параметрларида маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг бир қисми ҳамда Жамғарма маблағларининг шакллантиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан қуйидаги тартибда моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш қўлланилади:

байрам кунлари муносабати билан ходимларни лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш;

ходимларга овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ҳар ойлик тўловлар;

ходимларга транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ҳар ойлик тўловлар;

Уюшма марказий аппарати ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) 80 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар;

туман (шаҳар) бўлимлари ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) 50 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар.

4-боб. Жамғармани бошқариш

8. Жамғарма маблағлари Уюшма раиси томонидан бошқарилади ва тақсимланади.

Бунда Жамғарма маблағларини сарфлаш Уюшма раиси томонидан тасдиқланган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган

даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидан сарфланади.

9. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси молия йилида даромадлар прогнозидан ва келиб тушган маблағлардан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Қўшимча маблағлар келиб тушганда даромадлар ва харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш орқали харажатлар амалга оширилади.

10. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда мазкур Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш, назорат ва жавобгарлик

11. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади ва тақдим этилади.

12. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

14. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ, ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ, ИЖТИМОЙ ХОДИМ ВА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ МУҲИМ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ (КР) БЎЙИЧА БАҲОЛАШДА МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ [Кўчирма]

Сўнги йилларда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳаллалардаги муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишда давлат органлари ва ташкилотларининг

маҳаллалардаги вакилларининг имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини баҳолашда маҳалла раисларининг мақомини ошириш зарурлиги тақозо этилмоқда.

«Маҳалла еттилиги» фаолиятини самарали ва режали асосда ташкил этиш ҳамда унинг аъзоларини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармониға мувофиқ:

маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ҳамда солиқ инспекторлари «Маҳалла еттилиги»нинг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланиши. Бунда кўрсаткичлар мазкур ходимларнинг иш берувчилари томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқиға эға бўлиши;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, улар моддий рағбатлантирилиб борилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ҳамда солиқ инспекторларининг (кейинги ўринларда — «Маҳалла еттилиги» аъзолари) фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича иловада келтирилган индикаторларға мувофиқ баҳоланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳалла раисининг фаолияти туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг

туман (шаҳар) бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган ҳар ойлик иш режалар асосида амалга оширилади;

б) «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг фаолияти тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлигининг бўлинмалари ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказларининг туман (шаҳар) раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ҳар ойлик иш режалар асосида амалга оширилади;

в) ҳар ойлик иш режаларда устувор равишда қуйидаги асосий тадбир ва вазифалар белгиланади:

маҳалла раиси учун:

миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш;
давлат органлари вакиллари аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш;

маҳалла инфратузилмасини яхшилаш;

«Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» мезонларини жорий этиш;

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилишига кўмаклашиш;

оммавий ҳашарларни ташкил қилиш ва уларга аҳолини жалб қилиш;
қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш;

нуронийлар билан биргаликда таълим муассасаларида тарбиявий соатлар ва суҳбатлар ўтказиш;

«Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

ҳоким ёрдамчиси учун:

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кредит ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашиш;

деҳқон хўжаликлари билан экспорт қилувчи, брокер ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳамкорлигини ташкил этиш;

маҳаллаларда микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

бўш турган бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонларини аукцион савдоларига чиқаришда кўмаклашиш;

камбағал оилаларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган ёки қайтиб келган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш;

томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

ёшлар етакчиси учун:

уйма-уй юриш орқали «Ёшлар баланси»ни шакллантириш;
ёшлар билан манзилли ишлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш;
ижтимоий фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш;
соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш;
«Ёшлар дафтари»даги ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш;
хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизлар фаоли учун:

оилаларни мустаҳкамлаш ва ажримларнинг олдини олиш;
хотин-қизлар муаммолари ва қизиқишларини ўрганиб, уларга кўмаклашиш;

хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилини тарғиб қилиш;

хотин-қизлар ўртасида тизимли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда таълим имкониятларини кенгайтириш;

тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда фаол иштирок этиш;

профилактика инспектори учун:

маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш;
ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан манзилли ишлаш;
маҳалладаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш,
ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

аҳолини террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний бузғунчилик ҳамда ахлоқсизлик йўналишидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш;

ижтимоий ходим учун:

парваришга муҳтож ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинганлар шахслар ҳамда турли нуқсонлари бўлган ва узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларга ёрдам бериш;

кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болаларга ёрдам кўрсатиш;

ота-онаси хорижий давлатларга кетган болалар ҳамда вояга етмаган ёлғиз оналар ва оталар билан ишлаш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатда турган шахсларга ёрдам бериш;

солиқ инспектори учун:

ҳудуднинг солиқ базасини кенгайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга кўмаклашиш;

мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчиларини ҳисобга олиш ишларини бажариш ҳамда солиқлар ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

солиқлар ихтиёрий тўланишига қаратилган тарғибот ишларини ташкил этиш;

маблағларнинг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилишини назорат қилиш;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш;

г) маҳалла раиси ва «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда ҳар ойлик иш режаларнинг амалда бажарилиш ҳолати ҳам инобатга олинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш методикасини қайта ишлаб чиқсин.

Бунда:

хотин-қизлар фаоли фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда ички ишлар органлари томонидан

таъйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга берилган ҳимоя ордерлари сони инобатга олинмасин;

ҳоким ёрдамчилари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда «янги ташкил қилинган субъектлар» кўрсаткичига асосан уларнинг олис ҳудудларда фаолият юритаётганларига қўшимча коэффицент бериш назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда Маҳалланинг ягона платформаси доирасида маҳалла раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш механизмларини назарда тутувчи модулни яратсин ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда ушбу тизимни яратиш ва техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) маълумотлари шаклланадиган ахборот тизимларини Маҳалланинг ягона платформаси билан ўзаро интеграция қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда доимий равишда барча фуқаролар йиғинларида маҳалла раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашни йўлга қўйишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама кўмаклашиб бориш;

бир ой муддатда маҳалла раисларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, бунда баҳолаш натижалари

бўйича маҳалла раисларини моддий рағбатлантиришни назарда тутиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаментига юклансин.

2024 йил 18 май,
292-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ 292- СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

Маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш индикаторлари

20__йилнинг__чораги учун

T/p	Мезонлар	Кўрсаткичлар	Бериладиган балл
1.	Маҳалла раиси томонидан йўналтирилган муаммоли масалаларни бартараф этганлиги	30 та ва ундан ортиқ	+ 10,0
		20 та ва ундан ортиқ	+ 3,0
		16 та ва ундан ортиқ	+ 1,0
		15 та ва ундан кам	0
2.	Меҳнат мажбуриятларининг ҳақиқатда бажарилган вақти	Ҳақиқатда ишланган кунлари тўлиқ бўлган	+ 10,0
		Сабабсиз ўн кунгача ишга келмаган	+ 3,0
		Сабабсиз ўн кун ва ундан ортиқ ишга келмаган	0

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАЗИРЛАР

МАҲКАМАСИНИНГ «ШАҲАРЛАР, ШАҲАРЧАЛАР, ҚИШЛОҚЛАР ВА ОВУЛЛАРНИНГ МАҲАЛЛАЛАРИНИ ТУЗИШ, БИРЛАШТИРИШ, БЎЛИШ ВА ТУГАТИШ, ШУНИНГДЕК УЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЎЗГАРТИРИШ, УЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2014 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ 48-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарори ижросини таъминлаш, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартиришнинг барқарор мезонларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида идоралараро доимий комиссиялар тузиш ва уларнинг намунавий таркибини белгилаш;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ҳудудий бошқармаларини мазкур комиссияларнинг ишчи органлари сифатида белгилаш;

маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш ваколатини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ўтказиш.

2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига уч ой муддатда:

Кадастр агентлиги билан биргаликда республикадаги барча маҳаллаларни хатловдан ўтказиш, уларнинг аниқ чегараларини белгилаш, бунда ҳар бир маҳалланинг чегараси бир аҳоли пункти (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул) доирасида бўлишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилганлиги, бошқарув жиҳатидан ўзини оқлаши юзасидан ўрганишларни олиб борсин ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаментига юклансин.

2024 йил 20 май,
294-сон

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “«ТЕМИР ДАФТАР» ОРҚАЛИ
ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА «САХОВАТ ВА
КЎМАК» ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармонига мувофиқ 2024 йил 1 мартдан бошлаб:

жисмоний шахсларни «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритиш, шунингдек, ушбу дафтарлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «Маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарори асосида амалга оширилиши;

ҳар ойнинг 5-санасига қадар «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» учун маблағларни тақсимловчи масъул ташкилотлар томонидан мазкур жамғармаларда шакланган маблағлар уларга киритилган фуқаролар сонига мутаносиб равишда тегишлилиги бўйича ҳар бир маҳалла кесимида тақсимланиши;

«Темир дафтар» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилиши;

«Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва шундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан «Маҳалла еттилиги»га кўриб чиқиш учун киритилган ҳолда кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2024 йил 25 июнга қадар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамда туман ва шаҳарлар бўлинмалари ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурига ўтказилсин.

Белгилансинки, амалдаги молиялаштириш манбаларини сақлаб қолган ҳолда, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади.

3. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари икки ҳафта муддатда «Саховат ва кўмак» жамғармасининг махсус ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар тегишлигича туман (шаҳар) ҳокимликларининг ғазначилик бўлимларида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилишини таъминласин.

Бунда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармасининг қолдиқ маблағлари

туман (шаҳар) ҳоқимликларининг алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига ушбу туман (шаҳар)да яшовчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилаларнинг сонига мутаносиб равишда ўтказилади.

4. Қуйидагилар:

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни «Темир дафтар»га киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда ундан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармонининг 12-бандига мувофиқ келиб тушган маблағларнинг «Темир дафтар»га йўналтириладиган қисми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган ягона махсус ҳисобварақда йиғилишини;

йиғилган маблағлар туман (шаҳар)лардаги аҳоли сони, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар ва ногиронлиги бўлган шахслар сони ҳамда «Темир дафтар»да рўйхатга олинган оилалар сонига мутаносиб равишда туман (шаҳар) «Саховат ва кўмак» жамғармасига автоматик равишда тақсимланишини таъминласин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги чорак бошланишидан 10 кун аввал ушбу бандда белгиланган кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, туман ва шаҳарларга тақсимланиши лозим бўлган маблағлар улушини фоиз кўринишида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб боради.

6. Туман (шаҳар) ҳоқимликлари ва «Маҳалла еттилиги»:

«Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш масаласи фақат «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан кейс-менежмент асосида ўтказилган ўрганиш якуни бўйича шакллантирилган тавсиянома бўлган тақдирда кўриб чиқилишини;

зарур ҳолларда «Саховат ва кўмак» жамғармасидан маҳалла фуқаролар йиғинлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан бир кун

ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга белгиланган тартибда ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги 2024 йил 1 июлга қадар «Статистика» интеграллашган ахборот тизимининг «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) билан интеграция қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

2024 йил 31 июлга қадар «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали «Темир дафтар»га киритиш ва «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни;

2024 йил 1 августга қадар жисмоний ва юридик шахслар томонидан «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли хайрия қилинишини таъминлаш мақсадида краудфандинг тизимини жорий этсин ҳамда «Ижтимоий ҳимоя» АТда краудфандинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга ошириш имкониятларини яратсин;

2024 йил 1 октябрга қадар «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамларни «Ижтимоий карта» орқали молиялаштириш тартибини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ 313-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

**«Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий
ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. «Саховат ва кўмак» жамғармаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилади ва унинг маблағлари туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилади.

3. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдамлар кўрсатиш фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва шундай вазиятга тушганларни оғир ижтимоий вазиятдан чиқариш мақсадида ёрдам кўрсатилади.

4. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган шахслар ва оилалар уларнинг мурожаати ёки бевосита «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан кейс-менежмент усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ўрганишлар натижалари бўйича аниқланади.

2-боб. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларини шакллантириш

5. «Саховат ва кўмак» жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгашлари қарорига асосан туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармонининг 12-бандига мувофиқ ўтказиладиган маблағлар;

краудфандинг механизмлари орқали келиб тушган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмаклари ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан «Саховат ва кўмак» жамғармасига мақсадли маблағлар ажратилган тақдирда, ушбу маблағлар фақат шу мақсадлар учун сарфланади.

6. Мазкур Низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварақда жамланади ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ тақдим этиладиган фоизларга асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармаларига автоматик равишда тақсимланади:

25 фоизи — туманлар (шаҳарлар)даги аҳоли сони;

25 фоизи — туманлар (шаҳарлар)да яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар сони;

25 фоизи — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар сони;

25 фоизи — «Темир дафтар»га киритилган оилалар сонига қараб.

Бунда Агентлик томонидан мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг «Статистика» интеграллашган ахборот тизими ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ)дан олинади.

7. Мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган кўрсаткичлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдорига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармони билан тасдиқланган Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туманларининг рўйхатига мувофиқ туман (шаҳар)нинг ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тоифаси бўйича қуйидаги тузатиш коэффициентлари қўлланилади:

1-тоифадаги туман (шаҳарлар) учун — 0,85;

2-тоифадаги туман (шаҳарлар) учун — 0,95;

3-тоифадаги туман (шаҳарлар) учун — 1,03;

4-тоифадаги туман (шаҳарлар) учун — 1,06;

5-тоифадаги туман (шаҳарлар) учун — 1,1.

8. Ҳар ойнинг 5-санасига қадар туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонидан олдинги ойда «Саховат ва кўмак» жамғармасида шаклланган маблағларни (аввалги ойлاردан ўтувчи қолдиқларни инобатга олган ҳолда) қуйидаги кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, мутаносиб равишда туманлар (шаҳарлар)даги маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича тақсимлайди:

25 фоизи — маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли сони;

25 фоизи — маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар сони;

25 фоизи — маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар сони;

25 фоизи — маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи «Темир дафтар»га киритилган оилалар сони.

Мазкур бандда белгиланган кўрсаткичлар бўйича маълумотлар ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган тартибда олинади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича тақсимланган маблағларга доир маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТга «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан киритиб борилади.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ тақсимланадиган маблағлар миқдорини туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташаббусига кўра маҳалла фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, «Саховат ва кўмак» жамғармасида шаклланган умумий маблағлар доирасида камайтириш ёки кўпайтириш ҳуқуқига эга.

3-боб. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамлар

10. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги дастурлар бўйича ёрдам кўрсатилади:

оғир ва узоқ вақт даволаниш талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури;

биринчи даражали эҳтиёжларни қоплашга кўмаклашиш дастури;

уй-жой шароитига эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури;

иситиш таъминотидан узилган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури.

11. Мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган дастурлар бўйича қўйидаги ёрдамлар кўрсатилади:

а) оғир ва узоқ вақт даволаниш талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда — БҲМ) 10 бараваригача бўлган миқдорда дори-дармон билан таъминлаш харажатларини қоплаш;

БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда даволаниш харажатларини (яшаш ва йўл харажати билан бирга) қоплаш.

Бунда дори-дармон билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун битта оилага бир йилда икки марта, даволаниш харажатларини қоплаш учун эса бир йилда бир марта ёрдам кўрсатилиши мумкин. БҲМнинг 5 бараваригача бўлган маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг банк пластик картасига ўтказиб берилади, қолган ҳолатларда эса тегишли маблағлар шартнома асосида ўтказилади;

б) биринчи даражали эҳтиёжларни қоплашга кўмаклашиш дастури доирасида БҲМнинг 1 баравари миқдорида озиқ-овқат, 5 бараваригача миқдорида кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш. Бунда озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қоплаш бир чоракда бир марта, кийим-кечак билан таъминлаш харажатларини қоплаш эса бир йилда икки марта белгиланиши мумкин ҳамда маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг банк пластик картасига ўтказилади ёки шартнома асосида натура кўринишида берилади;

в) уй-жой шароитига эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида:

олти ой давомида ҳар ойда ижара шартномасининг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 4 бараваридан ошмаган миқдорда вақтинча бошпана учун харажатларни (ижара тўловини тўлиқ ёки бир қисмини) қоплаш;

БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда фақат бир марта уй-жойини таъмирлаш, шу жумладан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитини мослаштириш харажатларини қоплаш. Бунда ушбу кичик бандда назарда тутилган маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг банк пластик картасига ёки шартнома асосида ўтказиб берилади;

г) иситиш таъминотидан узилган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

бир йилда кўпи билан икки мартаба куз-қиш мавсумида (1 октябрдан 15 мартга қадар) БХМнинг 1 бараваригача бўлган миқдорда коммунал харажатларни қоплаш;

куз-қиш мавсумида БХМнинг 2 бараваригача бўлган миқдорда кўмир билан таъминлаш харажатларини қоплаш.

Ушбу кичик бандда назарда тутилган маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг банк пластик картасига ёки таъминот корхоналарига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади.

Мазкур бандда назарда тутилган маблағлар миқдори Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг ҳамда туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан кўпайтирилиши мумкин.

12. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига кўра ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилмаган бошқа мақсадларга ҳам йўналтирилиши мумкин.

4-боб. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби

13. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан фойдаланиш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда — ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оиланинг аҳволи кейс-менежмент асосида ўрганилади ҳамда унга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия шакллантирилади;

иккинчи босқичда — кейс-менежмент натижаси бўйича шакллантирилган тавсия асосида ёрдам кўрсатиш «Маҳалла еттилиги» томонидан коллегиал тарзда кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Бунда «Маҳалла еттилиги»нинг йиғилишлари ҳар ойда икки марта — ойнинг 15 ва охирига санасигача ўтказилади, кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно;

учинчи босқичда — «Маҳалла еттилиги»нинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги коллегиал қарори асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан тегишли маблағлар ажратилади.

14. Ижтимоий ходим томонидан биринчи босқич доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оиланинг аҳволи қуйидаги асослар бўйича кейс-менежмент асосида ўрганиб чиқилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг муурожаати;

ижтимоий ходим томонидан хонадонма-хонадон юриш натижасида.

15. Электрон ахборот алмашиш тизимлари орқали қуйидаги ҳолатлар тасдиқлангандан сўнг кейс-менежмент ўтказиш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсга (оиллага) «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ёрдамларни кўрсатиш тўғрисида ижтимоий ходим томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали тавсиянома шакллантирилади:

а) ўрганилаётган оила «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да кам таъминланган оила сифатида рўйхатда турганда;

б) мазкур банднинг «а» кичик банди шартларига тўғри келмаган ҳолда қуйидаги сўровларга рад жавоби келганда:

1) солиқ органларининг маълумотига кўра оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2,5 бараваридан ортиқлиги;

2) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида биттадан ортиқ кўчмас мулк ва ер участкаси ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жойлар мавжудлиги;

3) оила аъзоларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёхуд ишончномага асосан қуйидагилар мавжудлиги:

ишлаб чиқарилган муддати 12 йилдан (оила аъзоси I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болалиқдан ногирон бўлса, 7 йилдан) ошмаган, техник ҳолати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси;

ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган юк ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ҳамда бошқа қурилиш техникаси;

икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган енгил ҳамда юк ташувчи автотранспорт воситалари, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;

4) оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида муурожаат қилинган ойда амалда бўлган меҳнатга ҳақ

тўлаш энг кам миқдорининг 20 баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлар мавжудлиги;

5) оила аъзоларида мурожаат қилинган ойда бозор қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 20 баравари ва ундан ортиқ суммани ташкил этувчи қимматли қоғозлар мавжудлиги;

в) оила аъзолари «Ёшлар дафтари» ёки «Аёллар дафтари»га рўйхатда турмаслиги ёки жорий йилда ушбу дафтарлар орқали моддий ёрдам кўрсатилмаганлиги.

Тавсиянома бир кун ичида кўриб чиқиш учун «Маҳалла еттилиги»га киритилади.

16. «Маҳалла еттилиги» томонидан ижтимоий ходимнинг тавсияномаси беш кун ичида коллегия тартибда кўриб чиқилади ва қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оилага «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида;

тавсияномада кўрсатилган ёрдам миқдори «Саховат ва кўмак» жамғармасида шакланган маблағларнинг маҳалла фуқаролар йиғини бўйича тақсимланган миқдоридан ортиқ бўлган тақдирда, кўрсатиладиган ёрдамларнинг миқдорини камайтириш ёки ёрдам кўрсатишни кейинги ойга кечиктириш ҳақида;

ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оилага «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисида.

«Маҳалла еттилиги» томонидан қабул қилинадиган қарор матни «Ижтимоий ҳимоя» АТда автоматик шаклантирилади. Бунда кўрсатиладиган ёрдамнинг миқдори фуқаронинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ижтимоий ходим томонидан киритилади.

17. «Маҳалла еттилиги» томонидан ижтимоий ходимнинг тавсияномаси ҳар бир оила бўйича алоҳида кўриб чиқилиб, овоз берилади ҳамда «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан оилага ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилинади. Бунда овозлар тенг бўлиб қолганда, ижтимоий ходимнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатда «Маҳалла еттилиги» вакиллари томонидан овоз берилиши шарт.

«Маҳалла еттилиги» вакиллари томонидан берилган овозларга асосан қарор қабул қилиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

18. «Маҳалла еттилиги» томонидан ёрдам ажратиш бўйича қарор қабул қилишда қуйидаги шахслар ёки оилаларга устуворлик берилади:

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса ва I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

боқувчиси ногиронлиги бўлган шахс бўлган оилаларга;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлган ёки оғир касалликка чалинган (бутунлай ёки қисман ўзини-ўзи боқиш имконига эга бўлмаган, фаолияти кўрсата олмайдиган) шахсларга;

боқувчисини йўқотган оилаларга.

19. Ушбу Низомнинг 16-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган бир нафар оиллага ёрдам кўрсатиш кетма-кет уч мартаба кейинги ойга кечиктирилганда, ёрдамни тайинлаш «Ижтимоий ҳимоя» АТ томонидан автоматик равишда рад этилади.

Бунда «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ёрдамларни олиш учун ижтимоий ёрдам олиш истагида бўлган оила (шахс) томонидан қайта мурожаат қилиниши мумкин.

20. Туман (шаҳар) ҳокимликлари «Маҳалла еттилиги»нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг ушбу маҳалла фуқаролар йиғинларига ажратилган маблағлар доирасида кўпи билан бир ой муддатда ижросини таъминлайди. Бунда:

даволаш муассасаларига ҳамда уй-жой ижараси бўйича тўловлар тегишли шартномалар бўйича тўғридан-тўғри ўтказиб берилади;

товар кўринишидаги ёрдамлар товарни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар махсус ахборот порталида эълон жойлаштирмасдан ва харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш орқали аниқланади;

пул кўринишидаги ёрдамлар АТ «Халқ банки»нинг ҳудудий филиалларида очилган банк пластик карталарига ўтказиб берилади. Бунда зарур маълумотлар АТ «Халқ банки»нинг тегишли ахборот тизимларидан олинади.

Ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган товарлар бевосита ёрдам олувчининг яшаш манзилига етказиб берилади ҳамда бу тўғрисида товарни етказиб берувчи ва «Маҳалла еттилиги»нинг бир нафар вакили иштирокида далолатнома расмийлаштирилади.

21. Ижтимоий ходим томонидан ушбу Низомнинг 14 ва 15-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида оиллага шошилиш ёрдам кўрсатиш лозимлиги аниқланганда, зудлик билан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали тавсиянома шакллантирилади ҳамда

«шошилич» грифи остида кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун «Маҳалла еттилиги»га киритади.

Ушбу тавсиянома «Маҳалла еттилиги» томонидан бир сутка ичида кўриб чиқилиши шарт.

5-боб. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот

22. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тасарруф этилади.

23. Туман (шаҳар) ҳокимликлари қуйидагилар учун масъул ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган муддатда «Маҳалла еттилиги»нинг қарорида кўрсатилган ёрдам бўйича маблағларни молиялаштириш;

«Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан молиялаштирилган ёрдамлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб бориш;

«Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бепул ёки имтиёзли тарзда ёрдам кўрсатиладиган шахсларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан айнан шу турдаги ёрдам кўрсатилмайди.

25. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам олиш учун мурожаатларни кўриб чиқиш босқичлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга СМС-хабарнома юборилади.

Бунда СМС-хабарнома юбориш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

26. «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатилган ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб борилади.

27. Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан мазкур Низомга мувофиқ туманлар (шаҳарлар)да ижтимоий ёрдамлар учун ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши бўйича назорат амалга оширилади.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ 313-СОН
ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА**

**Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни «Темир дафтар»га
киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда ундан чиқариш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни аниқлаш, «Темир дафтар»га киритиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишга қаратилган ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. «Темир дафтар» «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилади.

3. Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилалар «Темир дафтар»га ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича киритилади.

**2-боб. Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни
«Темир дафтар»га киритиш тартиби**

4. Қуйидаги оилалар «Темир дафтар»га киритилади:

а) бир вақтнинг ўзида оилада:

меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси (лари)ни парвариш қилиш билан банд бўлса;

оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси мавжуд бўлса;

оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;

уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

б) бир вақтнинг ўзида оилада:

меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал бўлса;

оила аъзоси ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи бўлса;

оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;

уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

в) бир вақтнинг ўзида оилада:

меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси (лари)ни парвариш қилиш билан банд бўлса;

боқувчисини йўқотган бўлса;

оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;

уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

г) бир вақтнинг ўзида оилада:

ягона боқувчи 3 ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган ёлғиз она (ота, васий ёки ҳомий) бўлса;

оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;

уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

д) бир вақтнинг ўзида оилада:

2 ва ундан ортиқ оила аъзоларида оғир касаллик ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса;

оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;

уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса.

5. Ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган оилалар вояга етган аъзоларининг «Темир дафтар»га киритиш учун «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) орқали ёки бевосита «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига бориш орқали тақдим этган мурожаати ёхуд «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан хонадонма-хонадон юриш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича киритилади.

6. Оиланинг «Темир дафтар»га киритиш ҳақидаги мурожаати ёки ижтимоий ходим томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича икки иш кунида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан ушбу оилалар (шахслар)нинг мазкур Низом 4-бандида белгиланган тоифага тўғри келиши кейс-менежмент усули орқали ўрганиш натижасида аниқланади.

7. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимлари томонидан мурожаатда келтирилган оила ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган тоифага тўғри келиши тўғрисида хулосага келинганда, «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали «Темир дафтар»га киритиш бўйича тавсиянома шакллантирилади.

Бунда тавсияномани шакллантиришдан аввал «Темир дафтар»га киритиш сўралаётган оиланинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, шу жумладан, моддий аҳволи, унинг ихтиёрида бўлган кўчар ва кўчмас мулклар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар) киритиладиган бошқа дафтар ва реестрларга киритилганлиги ёки улардан ёрдам олганлигига доир ва бошқа маълумотлар идоралараро электрон ахборот тизими орқали «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларидан ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиянома шакллантириш учун белгиланган тартибда текширилади.

Шакллантирилган тавсиянома бир иш куни ичида кўриб чиқиш учун «Маҳалла еттилиги»га киритилади.

8. Ижтимоий ходим томонидан мурожаатда келтирилган оила ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган тоифага тўғри келмаслиги тўғрисида хулосага келинганда, мурожаат бўйича асослантирилган жавоб хати юборилади.

9. «Маҳалла еттилиги» ижтимоий ходимнинг тавсияномасини уч иш куни ичида коллегия тарзда кўриб чиқиб, оддий кўпчилик овози билан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

оилани «Темир дафтар»га киритиш тўғрисида;

оилани «Темир дафтар»га киритишни рад этиш тўғрисида.

«Маҳалла еттилиги» томонидан қарор қабул қилишда овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, ижтимоий ходимнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

«Маҳалла еттилиги» томонидан қабул қилинадиган қарор матни «Ижтимоий ҳимоя» АТда автоматик шакллантирилади.

10. «Маҳалла еттилиги»нинг қарори бир иш куни ичида мурожаат қилган оилага етказилади.

3-боб. «Темир дафтар»га киритилган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш

11. «Ижтимоий ҳимоя» АТда «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг таркиби, оила аъзолари ҳақидаги батафсил маълумот, оиланинг заиф томонлари, муҳтожлиги кўрсатилади.

12. «Темир дафтар»га киритилган оилага:

қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатилади ва субсидиялар ажратилади;

уларнинг розилиги билан ҳомийлик ёрдамларини мақсадли жалб қилиш учун тегишли маълумотлар очиқ тарзда «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги краудфандинг платформасида акс эттирилади.

13. Краудфандинг платформаси орқали:

хайрия қилиш истагида бўлган шахслар кейсларни кўриб чиқиб, тўлиқ ёки қисман ҳомийлик қилиши мумкин;

ҳомийлик ёрдамлари тўғридан-тўғри натура шаклида муҳтож оиланинг ўзига ёки «Саховат ва кўмак» жамғармасига мақсадли равишда йўналтирилиши мумкин;

кўрсатилган ёрдамлар ижтимоий ходим томонидан краудфандинг платформасида акс эттириб борилади;

очилган кейсларни хайрия қилувчилар географик ҳудудлар кесимида кўриши мумкин.

14. «Темир дафтар»га киритилган оилаларга бир йил давомида «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамлар сони чекланмайди.

4-боб. «Темир дафтар»дан чиқариш тартиби

15. Оилалар қуйидаги ҳолларда «Темир дафтар» дан чиқарилади: ҳар бир тоифа бўйича белгиланган ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда; тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

ўз аризасига кўра;

«Темир дафтар»га киришда нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

16. Ижтимоий ходим мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳолатларга асосан оилаларни «Темир дафтар»дан чиқариш бўйича «Маҳалла еттилиги»га «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали тавсия беради.

17. «Маҳалла еттилиги» ижтимоий ходим томонидан «Темир дафтар»дан чиқариш тавсия этилаётган оилаларни уч иш куни ичида мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган асослардан бирининг мавжудлиги бўйича ўрганиб чиқади.

Ижтимоий ходим тавсияси «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан маъқулланган тақдирда, оилани «Темир дафтар»дан чиқариш бўйича қарор қабул қилинади ва бу тўғрисидаги маълумот «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритилади.

18. «Темир дафтар»дан чиқарилаётган оилалар ижтимоий ходим томонидан бир кун ичида бу ҳақда хабардор қилинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

19. «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази «Ижтимоий ҳимоя» АТга маълумотларнинг киритилиши юзасидан мониторинг юритади.

20. «Темир дафтар»га кириш бўйича қилинган муурожаатларни кўриб чиқиш босқичлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга СМС-хабарнома юборилади.

Бунда СМС-хабарнома юбориш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

21. Мазкур Низом талабарининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни «Темир дафтар»га киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда ундан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни «Темир дафтар»га киритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Фуқаро	Ариза берувчи онлайн шаклда ёки ижтимоий ходим орқали муурожаат қилади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	«Инсон» ижтимоий хизматлар маркази	1. Ариза берувчиларнинг ижтимоий ҳолати ва муаммоларини кейс-менежмент усулидан фойдаланган ҳолда аниқлайди. 2. Кейс-менежмент натижасида оилани «Темир дафтар»га киритиш бўйича хулоса қилинганда, тавсиянома шакллантирилади ва кўриб чиқиш учун «маҳалла еттилиги»га киритади.	1. Уч иш кунида 2. Бир иш кунида
3-босқич	«Маҳалла еттилиги»	1. Кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.	1. Уч иш кунида

		2. Қабул қилинган қарор тўғрисида фуқарони хабардор қилади.	2. Бир иш кунида
--	--	---	------------------

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ 318-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

[Кўчирма]

...

16. Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида парваришга муҳтож шахснинг сўровномада кўрсатилган доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи манзилига чиққан ҳолда, ушбу ҳудуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида далолатномани расмийлаштиради ёки уни расмийлаштиришни рад қилади.

Далолатнома ваколатли орган ходими ва ушбу ҳудуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) ёрдамида имзоланади.

«Инсон» ижтимоий хизматлар маркази раҳбари расмийлаштирилган далолатномани «ЯМИХ» АТда тасдиқлайди.

17. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда далолатномани расмийлаштиришни рад этади:

сўровномада нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатилган бўлса;

сўровномадаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаса;

сўровномада кўрсатилган парваришга муҳтож шахснинг розилиги бўлмаса;

парваришга муҳтож шахс Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки «Мурувват» интернат уйига жойлаштирилган бўлса.

Ушбу банднинг тўртинчи-бешинчи хатбошиларидаги ҳолатлар ҳақида ваколатли орган ва ушбу ҳудуднинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида мазкур Регламентга 3-иловада келтирилган Жойга чиққан ҳолда текширув ўтказилганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари билан рад этишга йўл қўйилмайди.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ**
[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, маҳалла институтининг жамиятдаги ролини ошириш, «маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

«Маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига:

а) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда: мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини амалга ошириш;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

«маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги тегишли маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш амалиётини йўлга қўйишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама кўмаклашиб бориш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни ҳар томонлама рағбатлантириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаментига юклансин.

2024 йил 13 июнь,
334-сон

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 13 ИЮНДАГИ 334-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

«Маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «маҳалла еттилиги» аъзолари — фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини (кейинги ўринларда — фуқаролар йиғини) олдида ҳисобот бериш тартибини белгилайди.

2. «Маҳалла еттилиги» аъзолари маҳалла доирасида амалга оширган ишлари бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот беради.

3. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисобот бериш жараёнида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат, хизмат ва солиқ сирларининг муҳофаза қилиниши ҳамда фуқароларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлиги таъминланади.

4. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботлари юзасидан фуқаролар йиғинлари томонидан чиқарилган қарорлар уларнинг фаолияти баҳоланишида инobatга олинади.

5. «Маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш йўналишлари

6. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини олдида куйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

фуқаролар йиғини томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси;
маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, шу жумладан, маҳалла ободлигини сақлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш;

маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этиш;

кам таъминланган оилалар, етим болалар, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, табиий офатлар ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

«маҳалла етилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида кўрсатилган ижтимоий ёрдам ва ажратилган субсидиялар;

кексалар, айниқса, ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Кексалар маслаҳати» гуруҳи фаолиятини ташкил этиш;

байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини шакллантириш, бошқа маблағлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб этиш, шунингдек, жамғарма ва маблағлардан фойдаланиш;

маҳалла ҳудудидаги долзарб муаммолар, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиши, электр энергияси, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижалари юзасидан сектор раҳбари ва Халқ қабулхоналарига киритилган маълумотлар ҳамда улар бўйича кўрилган чоралар;

«маҳалла етилиги»нинг бошқа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, баҳолаш ва уларни ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш ҳамда бу борада амалга оширилган жамоатчилик назорати натижалари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларга жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органлари ва ташкилотларга киритилган тақдимномалар ва уларнинг натижалари;

«маҳалла еттилиги»нинг бошқа аъзолари фаолияти натижалари бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига киритилган ахборот ва унинг натижалари.

7. Ҳоким ёрдамчиси қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:
аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромад манбаларини ва томорқа ерларидан самарали фойдаланишини ривожлантириш;
тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ташаббускорларга кредит ва субсидиялар ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг тегишли давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳал этилишини таъминлаш;

ишсизликнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, уларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ёки мустақил фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

кооперация асосида етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларни бириктириш;

аҳолига иссиқхона қуриш, суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ёки тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар ажратиш;

маҳалладаги бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга реинтеграция ёрдами кўрсатилиши ва уларнинг расмий бандлиги таъминланиши;

ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларнинг тадбиркорликка қизиқишларини аниқлаш, уларни кичик бизнес субъектига айлантириш;

камбағал оилаларнинг ҳар бири учун «индивидуал дастур» ишлаб чиқиш ва уларнинг даромадини ошириш.

8. Ёшлар етакчиси қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:
маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан, уларни «Беш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этишга жалб этиш;

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан, «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш;

давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларга бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, шу жумладан, ёшларга кўрсатиладиган ёрдам турларидан самарали фойдаланиш;

хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;

иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб бориш.

9. Хотин-қизлар фаоли қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

хотин-қизларни манзилли ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтириш ва маънавиятини янада юксалтириш;

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувиغا, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш;

«Аёллар маслаҳат кенгашлари» билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан ишлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш;

олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар фаолларини давлат олий таълим муассасаларига сиртқи таълим шаклида давлат гранти асосида ўқишга тавсиянома бериш амалиётини жорий этиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш, ижтимоий ходим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш.

10. Профилактика инспектори қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш;

маҳалла ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган фуқароларга ҳимоя ордерини бериш ва назоратни ўрнатиш;

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш;

бириктирилган ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

пробация ҳисобида турган шахсларни хулқ-атворини назорат қилиш, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текшириш, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш;

узоқ муддатга кетган шахслар ҳисобини юритиш, уларнинг қариндошлари билан ишлаш, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш.

11. Ижтимоий ходим қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

ота-она қарамоғисиз қолган болаларни аниқлаш, уларга васийлик ва ҳомийлик белгилаш ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар билан ишлаш;

ногиронлиги белгиланмаган шахсларни аниқлаш, уларга кунлик реабилитация хизматларини кўрсатиш, муҳтожларни протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш;

ўзгалар парваришига муҳтож кексалар билан ишлаш ва уларнинг кунлик ҳаёт тарзини ижтимоий хизмат кўрсатиш орқали яхшилаш;

кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни аниқлаш уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар хонадондаги аҳволни ўрганиш, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжи аниқлаш, шу жумладан, уларнинг болаларига таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишга ёрдам бериш.

12. Солиқ инспектори қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради: солиқ базасини кенгайтириш;

тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларни кичик бизнес тоифасига ўтказиш;

мол-мулк, ер ва даромад солиғини тўловчи шахсларнинг ўз вақтида тўлашларини назорат қилиш;

солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш;

тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантириш;

солиқ маъмуриятчилигини маҳалла даражасида ташкил этиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан профилактика тадбирларини ўтказиш;

солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

3-боб. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботи маҳалла фуқаролар йиғинида кўриб чиқишли

13. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботи фуқаролар йиғинида ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасигача эшитилади.

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботини эшитиш бўйича фуқаролар йиғинини чақиришга ҳамда йиғилиш кун тартибини ишлаб чиқишга фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқароларнинг йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга оширишни

таъминлаш мақсадида шакллантириладиган коллегиял ижро органи — фуқаролар йиғини кенгаши масъул ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини мажлиси кун тартиби ва регламенти мажлис бўлиб ўтадиган кундан камида бир ҳафта олдин фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

14. Фуқаролар йиғини мажлиси Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда ташкил этилади ва ўтказилади.

«Маҳалла еттилиги» аъзолари ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган фуқаролар йиғини мажлиси фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

15. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботи қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролар вакилларининг йиғилишида эшитилади.

16. Фуқаролар йиғини мажлисида «маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботи билан бир қаторда уларнинг кейинги чорақда амалга ошириш режалаштирган вазифалари тўғрисидаги маълумот ҳам эшитилади.

17. Фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) «маҳалла еттилиги» аъзоларининг юқори турувчи ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокими, сектор раҳбарлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими раҳбари, давлат органлари ва ташкилотларнинг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари тақлиф этилиши мумкин.

18. Фуқаролар йиғини мажлисини олиб бориш учун раёсат сайланади. Фуқаролар йиғини мажлисини фуқаролар йиғинининг раиси ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради.

Фуқаролар йиғини раиси ҳисобот берадиган мажлисда фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиларидан бири раислик қилади.

Барча масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

19. Фуқаролар йиғини мажлисида йиғилиш ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган баённома юритилади.

Фуқаролар йиғини мажлиси баённомаси ва қарори фуқаролар йиғинининг раиси ёки мажлисда раислик қилган унинг маслаҳатчиларидан бири томонидан имзоланади.

4-боб. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботи бўйича кўриладиган чоралар

20. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарори нусхаси 3 кун муддатда тегишли чораларни кўриш учун:

фуқаролар йиғини раисини рағбатлантириш, интизомий тартибда жазолаш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масалаларини кўриб чиқади;

ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш учун уларнинг иш берувчи (юқори турувчи) ташкилотига тақдим этилади.

21. Фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарори, йўлланган тақдимнома ҳамда хатлари уларни қабул қилган давлат органлари ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши, 15 кун муддат ичида фуқаролар йиғинига жавоб берилиши шарт.

22. «Маҳалла еттилиги» аъзолари ҳисоботини фуқаролар йиғинида муҳокама қилиш натижалари, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарорида кўрсатилган масалалар бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлар томонидан кўрилган чоралар тўғрисида таҳлилий ахборот фуқаролар йиғинлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг якунига қадар сектор раҳбари, Халқ қабулхоналари, тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритиб борилади.

5-боб. Якунловчи қоида

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ИЛОВА

«Маҳалла еттилиги» аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Фуқаролар йиғини кенгаши	<p>1. Фуқаролар йиғинини чақиради.</p> <p>2. Фуқаролар йиғини мажлиси кун тартиби ва регламентини ишлаб чиқади.</p> <p>3. Йиғилиш ўтказиладиган жойи, вақти ва кун тартибидаги масалалар юзасидан иштирокчиларни хабардор қилади.</p>	<p>Ҳар чоракда Мажлис кунидан камида бир ҳафта олдин Мажлис кунидан камида 5 кун олдин</p>
2-босқич	Фуқаролар йиғини	<p>1. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуд бўйича ҳисоботини эшитади.</p> <p>2. «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича қарор қабул қилади.</p> <p>3. Қарорни Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимига ҳамда «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг иш берувчи (юқори турувчи) ташкилотига тақдим этади.</p>	<p>Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар 1 кун муддатда</p> <p>3 кун муддатда</p>
3-босқич	Давлат органлари	Фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) қарори кўриб	15 кун муддатда

	ва ташкilotлар	чиқилиши натижалари юзасидан фуқаролар йиғинига жавоб беради.	
--	-------------------	--	--

4-босқич	Фуқаролар йиғини	«Маҳалла еттилиги» аъзолари ҳисоботини муҳокама қилиш натижаларини, фуқаролар йиғини қарорида кўрсатилган масалалар бўйича тегишли давлат органлари ва ташкilotлар томонидан кўрилган чоралар тўғрисида таҳлилий ахборотни сектор раҳбари, Халқ қабулхоналари, тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритиб боради.	Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг якунига қадар
----------	---------------------	---	---

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 13 ИЮНДАГИ 334-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўчабоши ва уйбошиларни сайлаш, уларнинг мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Намунавий низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўчабоши — фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчаларнинг локал (маҳаллий) жойлашуви бўйича уларда яшовчи аҳолининг умумий йиғилишида сайланган ва ўзига бириктирилган кўча аҳолиси номидан фуқаролар йиғинида доимий фаолият олиб борадиган фуқаро;

тегишли ҳудуд — фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчалар, кўп квартирали уйлар;

уйбоши — фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп квартирали уйларнинг локал (маҳаллий) жойлашуви бўйича уларда яшовчи аҳолининг умумий

йиғилишида сайланган ва ўзига бириктирилган уй аҳолиси номидан фуқаролар йиғинида доимий фаолият олиб борадиган фуқаро;

фуқаролар йиғини кенгаши — фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида шакллантириладиган коллегиял ижро органи.

3. Кўчабоши ва уйбоши сифатида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайланиши мумкин.

Кўчабоши ва уйбоши сифатида сайлашда номзодларнинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажрибаси ва тегишли ҳудуд аҳолиси ўртасида обрў-эътиборга эга бўлишига устунлик берилади.

4. Кўчабоши ва уйбошилар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида юритади.

5. Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация тўловлари Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисида» 2021 йил 23 февралдаги 99-сон қарори асосида тўланади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол меҳнат қилаётган кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирлаши, давлат ва бошқа мукофотларга тавсия этиши мумкин.

6. Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тасдиқланади.

2-боб. Кўчабоши ва уйбоши сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

7. Кўчабоши ва уйбошилар сайлови фуқаролар йиғини кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарор асосида ўтказилади.

8. Кўчабоши ва уйбошилар сайлови тегишли ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси раҳбарлигидаги йиғилишда (кейинги ўринларда — йиғилиш) очиқ овоз бериш орқали ўтказилади.

9. Кўчабоши ва уйбоши сайловини ташкил этиш ва ўтказиш санаси, вақти, жойи ҳамда номзодлар тўғрисидаги ахборот фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари томонидан сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин тегишли ҳудуд фуқаролари эътиборига етказилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда тегишли ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар (кейинги ўринларда — сайловчилар) кўчабоши ва уйбошини сайлаш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади.

Агар кўчабоши ва уйбоши сайловида сайловчиларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

11. Кўчабоши ва уйбоши сайловчилар томонидан беш йил муддатга сайланади.

12. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар саноғи фуқаролар йиғини раиси томонидан юритилади.

Сайлов очиқ ва шаффоф тарзда ўтказилишига фуқаролар йиғини раиси масъул ҳисобланади.

Сайлов натижаси бўйича йиғилиш баённомаси тузилади. Баённома фуқаролар йиғини раиси ва сайловчилар томонидан имзоланади.

13. Сайловчиларнинг ярмидан ортиқ овозини олган номзод кўчабоши ва уйбоши этиб сайланган ҳисобланади.

14. Кўчабоши ва уйбоши сайловини ўтказиш жараёни видеокузатув мосламалари орқали қайд қилиниши ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёритиб борилиши мумкин.

15. Кўчабоши ва уйбошиларнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ўз вазифаларини зиммасидан соқит қилганда;

умумқабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларини кўпол равишда бузувчи, фуқаролар йиғини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ножўя ишлар содир этган, шунингдек, ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда;

кўчабоши ва уйбоши вазифасидан озод этиш тўғрисидаги сайловчиларнинг ярмидан ортиғи томонидан ёзма шаклда берилган мурожаати мавжуд бўлганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ва (ёки) яшаётган ҳудудидан бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда;

соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

вафот этганда.

16. Кўчабоши ва уйбошиларнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, янги сайловлар тегишли фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида ушбу Намунавий низом талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

3-боб. Кўчабоши ва уйбошиларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

17. Қуйидагилар кўчабоши ва уйбошининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўзига бириктирилган кўчалар ёки кўп квартирали уйларда яшовчи аҳолининг рўйхатини шакллантириш;

оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек, ўзига бириктирилган кўчалар ёки кўп квартирали уйлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш, шунингдек, болалар майдончаларини ташкил этиш ва жиҳозлашга доир чора-тадбирлар режалари лойиҳаларига таклифлар киритиш;

аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигига хавф туғдирувчи ҳолатлар ҳақида фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспекторига хабар бериш;

фуқаролар йиғини кенгашининг аъзоси сифатида йиғилишларда аҳолининг истакларини ва ўз таклифларини билдириш;

аҳолини ихтиёрийлик асосида ҳашар ва ободонлаштириш тадбирларига жалб этишга кўмаклашиш;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга, боқувчисини йўқотган оилаларга, нотинч ва муаммоли оилаларга ёрдам кўрсатиш;

тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

аҳоли томонидан иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланишларини тарғиб қилиш, тегишли ҳудудни намунали сақлашга кўмаклашиш.

18. Кўчабоши ва уйбошилар ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

тегишли ҳудудда оилалар ва муайян шахсларга ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва иш жараёнида унга ўзгартириш киритиш;

фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш учун фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этиш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тадбир ва машғулотларга давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, малакали мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш.

19. Кўчабоши ва уйбошилар:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига, мазкур Намунавий низом талабларига қатъий риоя қилиши;

тегишли ҳудуддаги кўча ва кўп квартирали уйларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишга кўмаклашиши;

мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли ҳудудда фуқаролар билан ишлашда фаол иштирок этиши;

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериши шарт.

20. Кўчабоши ва уйбошиларга ушбу Намунавий низомда назарда тутилганидан ташқари қўшимча вазифалар юкланишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Кўчабоши ва уйбошилар фаолияти билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур Намунавий низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН
ОТИНОЙИЛАРГА МАХСУС ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ
ТАРТИБИ**

*(Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 16 октябрда 978-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилган)*

[Кўчирма]

1.6. Махсус диний маълумотларга ёки дунёвий билимларга эга бўлган, 25 ёшга тўлган, ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган хотин-қизлар Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг жойлардаги вакилликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари томонидан биргаликда берган тавсияномаси асосида вилоят, туманлар бўйича рўйхат тузилади.

3.5. Отинойилик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Муслмонлари идораси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юкланади.

4.1. Қонун талабларини бузган, ноҳўя ҳаракат содир этган отинойилар аниқланган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Ўзбекистон Муслмонлари идораси томонидан уларга нисбатан Малака ҳайъати номига махсус лицензияни бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилади. Малака ҳайъати ушбу киритилган тақдимномани кўриб чиқиб, тегишли хулоса беради.

...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ “СУДЛАР
ТОМОНИДАН НИКОҲДАН АЖРАТИШГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА
ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА” 2011 ЙИЛ
20 ИЮЛДАГИ 06-СОН ҚАРОРИ**

[Кўчирма]

5. Тушунтирилсинки, ОК 42-моддаси иккинчи қисми ва 43-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган барча ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш

имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФХДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 43-моддаси биринчи қисмида белгиланган никоҳдан ФХДЁ органларида ажратиш тартиби спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳолларига татбиқ этилмайди. Бундай шахсларга нисбатан берилган, шунингдек бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

10. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси ФПК 189 ва 190-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда, жумладан никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан болалар бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида вояга етмаган болаларни таъминоти ва тарбияси ҳақида келишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризага никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, эр-хотиннинг ойлик маоши ва ўзга даромадлари ҳақидаги, давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, даъво талабларини тасдиқловчи далиллар, шунингдек никоҳдан ажратиш ҳақидаги низо судгача ҳал қилинганлигидан далолат берувчи даъвогарнинг яшаш жойидаги фуқаролар йиғини оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ҳулосаси илова қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ 2012 ЙИЛ
29 МАРТДАГИ 3, 9-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

*(Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 2368)*

[Кўчирма]

8. Бригадалар таркибига, мазкур Йўриқноманинг 9 – 11-бандларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шахслар киритилади:

б) аҳоли орасида зарур тушунтириш ишларини олиб бориш, муайян маҳаллалар (мавзелар) доирасида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун — ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, соғлиқни сақлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилиқ патруль гуруҳлари аъзолари;

20. Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари томонидан профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилиқ патруль гуруҳлари аъзолари билан биргаликда отиш зонасида жойлашган аҳолини, ташкилотлар ва бошқа объектларнинг масъул вакилларини ҳайвонларни отиб ташлаш тадбирларини ўтказиш мақсадлари, ҳудудлари (зоналари) ҳамда вақти тўғрисида хабардор қилиш чоралари кўрилади.

Ҳайвонларни отиб ташлашга тайёргарлик кўриш ва уни бевосита амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар, хавфли зоналар белгиланган ва тегишли белгилар қўйилган (тўсилган) ҳамда фуқаролар ва транспорт воситаларини ушбу зонага кирмаслик чоралари кўрилган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва бошқа объектларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бригада аъзолари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари томонидан амалга оширилади.

Отиш зонасида жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва бошқа объектлар масъул вакиллари ушбу зонадаги фуқароларни отиш вақти, жойи ва йўналиши тўғрисида огоҳлантириш ҳамда уларни хавфли зона доирасида бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.

21. Отиш зонасида жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва бошқа объектлар масъул вакиллари бригадаларга юкланган функцияларни амалга оширишда уларга ташкилий-амалий ва бошқа зарур ёрдамни кўрсатишга мажбурдилар.

28. Ички ишлар органларининг профилактика инспектори:

(учинчи хатбоши)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилиқ патруль гуруҳлари аъзолари билан биргаликда отиш зонасида жойлашган аҳолини,

ташкilotлар ва бошқа объектларнинг масъул вакиллари ва ички ишлар органларининг навбатчилик қисмини отиш мақсадлари, ҳудудлар (зоналар) ва отиб ташлаш вақти тўғрисида хабардор қилишга;
... мажбур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Сўнгги йилларда халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Бундай салбий иллатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек фуқаролар йиғинларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузилди.

Бироқ ўрганишлар таҳлили, шунингдек аҳоли билан бевосита ўтказилган мулоқотлар, жамоатчилик вакилларида келиб тушган мурожаатлар ушбу соҳада бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, айрим фуқаролар дабдабали тўй маросимлари ва уларни ўтказишга сарфланадиган катта харажатлар оқибатида қарзга ботмоқда ва ундан қутулиш мақсадида чет элга ишлаш учун чиқиб кетмоқда.

Баъзи фуқаролар тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни дабдаба билан ўтказишни қўшнилари, қариндошларнинг танқидларидан, қоралашидан, умуман олганда, жамоатчилик босимидан халос бўлиш воситаси сифатида тушунмоқда. Ваҳоланки, бундай тадбирлар яқин қариндошлар ўртасида қарздорликнинг вужудга келишига ва оқибатда кескин зиддиятларга олиб келмоқда.

Аксарият аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг онгида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда қиз томоннинг сарф-харажатлари

қанчалик юқори бўлса, қайнона-келин муносабатлари шунчалик яхши бўлади, деган нотўғри тасаввур тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

“Чарлар”, “ақиқа маросими”, “мучал тўйи”, “қиз мажлиси”, “куёв чақириқ”, ҳайитда “келин кўриши” каби маросимлар аҳоли томонидан ортиқча, деб баҳоланмоқда. Бироқ бундай маросимни ташкил этаётган шахсларда тадбирларни обрўлироқ жойда ўтказишга, ўзининг ютуқларини кўз-кўз қилишга, моддий мавқеи билан мақтанишга интилиш кучаймоқда.

Аксарият тўйхона эгалари ихчам ва камхарж ўтказиш ниятида бўлган фуқаролардан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда белгиланган қоидаларга зид равишда тўй харажатларини икки-уч баравар миқдорда асоссиз ундириб олмоқда.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар ҳаддан зиёд баланд нархларда хизмат кўрсатмоқда, ўз томоша хизматларини кўрсатиш давомида миллий менталитетимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган, “оммавий маданият” иллатларини тарғиб қиладиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар намойиш этилмоқда.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг тобора авж олиши минг-минглаб оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатларга чек қўйиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича кенг жамоатчилик, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек фуқаролар йиғинларининг тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини

мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси тузилсин, унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекконцерт давлат муассасаси:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни миллий қадриятларга мос тарзда ихчам ва камхарж ўтказишга эришиш учун санъаткорлар томонидан хизматлар кўрсатилишини тартибга солиш чораларини кўрсин;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар томонидан хизмат кўрсатилишида тегишли лицензия талабларига риоя этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш чораларини доимий равишда кўриб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда пуллик автотранспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензиялашнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш, шунингдек, ушбу тартибга риоя қилмаганлик учун тегишли жавобгарликни белгилаш юзасидан қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар давомида муқаддас динимиз талабларига зид бўлган турли одат ва расм-русумлар ўтказилишининг олдини олиш бўйича қўшимча чораларни кўрсин, бу борада диний ташкилотларнинг ваколатли вакиллари масъулиятини янада кучайтирсин.

9. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда Низом талабларидан келиб чиқиб, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ташкил этиш ва ўтказишда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг фаолиятини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига риоя этилиши ҳолати, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг халқ оммасига мунтазам етказиб бориш тавсия этилсин.

11. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишининг доимий мониторингини амалга ошириб борсин ва унинг натижаларига кўра тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ушбу Қарорнинг ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот киритиб борсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари (А.Қодиров) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари (С.Артикова) зиммасига юклансин.

14. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур Қўшма қарор билан тасдиқланган Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги низом 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилади.

2019 йил 14 сентябрь,
№ 2736–III/КҚ-592–III.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги
№ 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарорига 1 – илова
Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини
тартибга солиш тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Низом тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда халқимизнинг миллий урф-одатлари, маънавияти, маданияти, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилишга, жамоат тартибини сақлашга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, оилавий тадбирларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдаба ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган.

Мазкур Низом мамлакат миқёсида ўтказиладиган расмий маросимлар, давлат ва жамият олдидаги буюк хизматларига эга шахсларни хотирлаш ва юбилей муносабатлари билан бўлиб ўтадиган, шунингдек, давлат идоралари, корхона ва муассасаларнинг ташкил этилган куни билан боғлиқ тадбирларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунийлик, миллий урф-одат ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакилларининг урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олиш тамойилларига риоя этилади.

2-боб. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига қўйиладиган умумий талаблар

3. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади.

Ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади.

Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади.

Қўшалок тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

Дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно.

4. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда: тўй ўтказувчи шахслар тўйдан камида бир ҳафта олдин яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиши;

никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп бўлган енгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланмаслик;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда пулли автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига йўл қўймаслик, тўй эгаларининг шахсий автомашиналаридан ҳамда ҳомийлар ёрдамида жалб этилган автотранспорт воситаларидан фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно;

шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик; маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказмаслик, жамиятда шаклланган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

5. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, ушбу маъруза диний ташкилотнинг ваколатли вакили томонидан ўқилади.

6. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда лицензияланадиган фаолият туридан фойдаланилган тақдирда, лицензияли хизмат кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар тўйхона, кафе, ресторан маъмуриятига ва ушбу хизматдан фойдаланувчиларга бу каби хизматларни кўрсатишга рухсат берувчи лицензиянинг нусхасини тақдим этади.

7. Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота кўрди", "сеп ёйди", "қуда чақирди", "куёв чақирди", "келин чақирди", "тоғора юбориш", "пул сочиш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирларни (“етти”, “пайшанбалик”, “йигирма”, “қирқ”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “мато улашиш” ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

8. Тўйхона, кафе ва ресторанларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар иштирокчилари сонига, уларни ўтказиш вақтига қатъий риоя этиш;

атрофда яшовчи аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини ҳамда маиший шовқинга қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузмаслик;

озик-овқат маҳсулотлари сифат сертификати талаблари даражасида бўлиши ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш лозим.

9. Тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 ва ундан ортиқ шахс иштирокида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш учун тадбир ўтказувчи шахс ҳамда тўйхона, кафе ва ресторан раҳбари ўртасида шартнома тузилади. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш ва хизмат тури, тўлов, харажатлар миқдори, тадбир иштирокчилари сони, муддати ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар кўрсатилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар (хонанда, созанда, раққоса, бошловчи, сўз устаси, фотограф ва бошқалар) қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда икки нафардан ортиқ хонанданинг (гуруҳнинг) хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди.

10. Тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилаётганда хавфсизлик чораларини таъминлаши шарт.

11. Ушбу Низомнинг 3, 4-бандларида, 8-бандининг учинчи ва тўртинчи, хатбошиларида, 9-бандининг иккинчи, учинчи хатбошиларида, 10-бандида назарда тутилган қоидалар хонадонларда (гузарларда) ташкил этиладиган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларга ҳам татбиқ этилади.

3-боб. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда жамоатчилик ва давлат органларининг иштироки

12. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашларидаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий комиссиялар деб юритилади), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Республика “Нуроний” жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўз ваколатлари доирасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши устидан жамоатчилик назорати ташкил этилишини таъминлайди.

13. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади, шунингдек, бу борада мониторингни амалга оширади;

кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ва белгиланган талаблар асосида ўтказиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боради ҳамда ўрнатилган тартибга риоя этмаган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф қилган ҳолда жамоатчилик ўртасида муҳокама қилади.

14. Маҳалла фуқаролар йиғини, “Нуроний” жамғармаси ҳудудий бўлимлари:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ миллий қадриятларга, ахлоқ қоидаларига зид бўлган маросимлар, номақбул одатлар ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориши ва тегишли тавсиялар бериши;

тўй эгалари томонидан содир этиладиган миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, шуҳратпарастлик, исрофгарчилик каби хатти-ҳаракатлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши, тегишли талабларга риоя этилмаган ҳолатларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиши;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадрият ва анъаналарни ҳисобга олган

ҳолда, ижтимоий табақаланишга йўл қўймасдан ўтказиш бўйича жамоавий суҳбатлар ташкил этиши;

ҳудудда ўтказилиши режалаштирилган ҳар бир оилавий тадбирдан хабардор бўлиши, унинг ўтказиладиган жойи, иштирокчилар сони бўйича маълумотга эга бўлиши;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлардан олдин ва кейин ўтказиладиган ортиқча расм-русум ва маросимларнинг олдини олиш чораларини қўриши лозим.

15. Республика Маънавият ва маърифат маркази:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда миллий қадриятларимизга ёт бўлган “оммавий маданият” унсурлари намоён бўлишининг олдини олиш мақсадида мунтазам маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориши;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали намунали тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириши, ижтимоий роликлар яратиши, услубий қўлланмалар ва тарғибот материаллари тайёрлаши;

маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ФХДЁ идораларида никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга оила маънавияти, ахлоки ва аجدодларимизнинг мустаҳкам оила ҳақидаги ўғитлари баён килинган маълумотлар, китоблар ва бошқа материаллар бериб бориш амалиётини йўлга қўйиши лозим.

16. Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни режалаштирган оила вакиллари билан, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасида суҳбатлар ташкил этиши;

хотин-қизларга тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни камхарж килиб ўтказишни, уларда ортиқча исрофгарчиликка берилиш оила иқтисодига ва ёш оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатишини ҳаётий мисоллар орқали кенг тушунтириши;

“Ота-оналар университети” машғулотида сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, оила бюджетини нотўғри режалаштириш ва бошқа носоғлом орзу-ҳавасларнинг салбий оқибатларини тушунтириши лозим.

17. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи:

турмуш қуриш арафасида турган ёшлар билан ижтимоий-психологик суҳбатлар уюштириши, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаши, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориши;

ёшлар ўртасида урф бўлаётган “оммавий маданият”, “севги тарихи”, қимматбаҳо машиналар кортежи ва бошқаларнинг салбий оқибатларини кўрсатиб берадиган ижтимоий роликлар ва фильмлар, бадиий асарлар тайёрлаш ҳамда тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириши лозим.

18. ФҲДЁ органлари:

никоҳдан ўтиш мақсадида ариза берган шахслар ҳамда уларнинг ота-оналари билан яшаш жойларида, маҳаллада суҳбатлар уюштириши, уларга никоҳдан ўтиш тартиб-таомиллари, тўй маросимларини камхарж ва ихчам ўтказиш бўйича тушунтириш бериши;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда дин уламулари, тиббиёт ходимлари, психологлар иштирокида “Ёш келин-куёвлар клуби”, “Оила мактаби”, “Қудалар суҳбати” каби курслар ташкил қилиши;

никоҳдан ўтиш ҳақидаги аризани рўйхатдан ўтказгандан сўнг уч иш кунида никоҳланувчи шахслар яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинини бу ҳақда хабардор қилиши лозим.

19. Ички ишлар органлари профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда фуқаролар ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишга, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини аҳоли онгига сингдиришга, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг шуҳратпарастлик ва дабдаба билан ўтказилишининг олдини олишга қаратилган аниқ ва мақсадли профилактик тадбирларни ташкил этиши, шунингдек бундай тадбирлар давомида жамоат тартибини таъминлаши лозим.

Тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти режалаштирилаётган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ҳақида ушбу тадбирлар ўтказилишидан камида икки кун олдин тегишли ҳудуддаги ички ишлар органига ёзма равишда хабар бериши лозим.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан доимий депутатлик назоратини амалга оширади.

Депутатлик назорати натижалари бўйича маҳаллий урф-одатлар, миллий анъаналардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ушбу Низом доирасида тегишли ҳудуддаги тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа қўшимча талаблар ҳамда тавсиялар белгиланиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНING 2019 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ
ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА”ГИ 950-СОНЛИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси,
Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига
номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби**

тўғрисида

НИЗОМ

[Кўчирма]

44. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул тақдим этиши;

зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда депутатликка номзодларга кўмаклашиши;

сайловчиларни депутатликка номзодлар билан учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилиш масаласида сайлов комиссияларига кўмаклашиши керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

**Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

2019 йил 5 октябрь,
951-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНING 2019 ЙИЛ 5 ОКТАБРДАГИ 951-СОНЛИ
ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА**

**Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органларидан кузатувчилар тўғрисида
НИЗОМ
[Кўчирма]**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг (бундан буён матнда кузатувчи деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз

бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

3. Сайлов комиссиялари кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

4. Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партиёга хайрихоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси, унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиши мумкин.

II. Кузатувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш

5. Сиёсий партиянинг туман (шаҳар) ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ушбу сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинган кундан бошлаб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса округ сайлов комиссияси тузилганидан кейин ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади. Бунда ариза:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида — Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловида — мазкур Кенгашларга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига;

халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳри мустасно) Кенгашлари депутатлари сайловида — туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссиясига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилган тақдирда — Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Аризага кузатувчиларнинг рўйхати (исми-фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон рақами кўрсатилган ҳолда), уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари, 3х4 см. ўлчамдаги икки дона фотосурат илова қилинади.

6. Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига сайловга камида ўн кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкин.

7. Тегишли сайлов комиссияси сиёсий партия ташкилотининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қилади ва кузатувчи учун мандат беради.

8. Мандат намунаси тегишинча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 924-сон ва 2021 йил 14 апрелдаги 1065-сон қарорлари билан тасдиқланган низомлар билан белгиланади.

Мандатда сиёсий партияни бошқа сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқлаш учун алоҳида белгилар (мандат ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

9. Сиёсий партия ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли сайлов комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг уларни кузатувчиларга етказилишини таъминлайди.

10. Қўйидаги ҳолларда кузатувчига мандат бериш рад этилиши мумкин:

кузатувчига номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

сайловга ўн кундан кам муддат қолганда мурожаат этилса;

тегишли сайлов округи бўйича сиёсий партиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса (сиёсий партиянинг кузатувчилари учун);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаса (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кузатувчилари учун);

мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса.

11. Кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек овоз бериш куни мандатни тақиб юриши шарт.

12. Кузатувчининг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов яқунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

Тегишли сайлов комиссияси томонидан такрорий овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатувчилар мандатининг амал қилиши тегишли муддатга узайтирилади.

III. Кузатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Кузатувчи:

сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш;

овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

тегишинча округ, туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги

баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка сайлов комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;

агар сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;

сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, шунингдек сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Кузатувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

14. Кузатувчи:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши;

барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган мандатни ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши;

ўз хулосаларини шахсан ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослаши шарт.

15. Кузатувчига қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқиляётганда аралаштириш;

сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари

прогноزلарини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

16. Кузатувчи Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талабларига ва ушбу Низом қоидаларига риоя этмаган тақдирда, тегишинча округ сайлов комиссияси, туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

IV. Яқуний қоидалар

17. Кузатувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Кузатувчи шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА [Кўчирма]

Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади:

1. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий ишлар бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун деб юритилади) 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар маъмурий ишлар бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этиши шарт.

3. Тушунтирилсинки, маъмурий ишлар бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) биринчи инстанция судига бериладиган:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ариза (шикоят)лардан;

2019 йил 25 октябрь,
20-сон

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ ЮЗАСИДАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Кириш 3

I боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 9

II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОДЕКСЛАРИ

3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси [Кўчирма] 11
4. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси [Кўчирма] 12
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси [Кўчирма]. 13
6. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси [Кўчирма] 14
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм) [Кўчирма] 14
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси [Кўчирма] 17
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [Кўчирма] 18
10. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси [Кўчирма] 20
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Кўчирма] 23
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси [Кўчирма] 31
13. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси [Кўчирма] 32
14. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси [Кўчирма] 33
15. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси [Кўчирма] 35
16. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 35

III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ

17. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида [Кўчирма] 40

18.	Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида [Кўчирма]	40
19.	Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида [Кўчирма]	42
20.	Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида [Кўчирма]	43
21.	Нотариат тўғрисида [Кўчирма]	43
22.	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида [Кўчирма]	43
23.	Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида [Кўчирма]	44
24.	Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида [Кўчирма]	45
25.	Давлат солиқ хизмати тўғрисида [Кўчирма]	45
26.	Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида [Кўчирма]	46
27.	Фуқаро муҳофазаси тўғрисида [Кўчирма]	46
28.	Радиациявий хавфсизлик тўғрисида [Кўчирма]	47
29.	Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида [Кўчирма]	48
30.	Терроризмга қарши кураш тўғрисида [Кўчирма]	49
31.	Мудофаа тўғрисида [Кўчирма]	49
32.	Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида [Кўчирма]	50
33.	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида [Кўчирма]	50
34.	Чиқиндилар тўғрисида [Кўчирма]	51
35.	Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида [Кўчирма]	52
36.	Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида (янги таҳрири) [Кўчирма]	52
37.	Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида [Кўчирма]	53
38.	Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида [Кўчирма]	54
39.	Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрири) [Кўчирма]	54
40.	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида [Кўчирма]	56
41.	Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида [Кўчирма]	57
42.	Ҳомийлик тўғрисида [Кўчирма]	57
43.	Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида [Кўчирма]	58
44.	Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида [Кўчирма]	58

45.	Ёнѓин хавфсизлиги тўѓрисида [Кўчирма]	59
46.	Археология мероси объектларини муњофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўѓрисида [Кўчирма]	60
47.	Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўѓрисида [Кўчирма]	61
48.	Дафн этиш ва дафн иши тўѓрисида [Кўчирма]	62
49.	Алкоголь ва тамаки мањсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўѓрисида [Кўчирма]	62
50.	Географик объектларнинг номлари тўѓрисида [Кўчирма]	63
51.	Оилавий тадбиркорлик тўѓрисида [Кўчирма]	66
52.	Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўѓрисида (янги таҳрири) [Кўчирма]	67
53.	Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўѓрисида [Кўчирма]	68
54.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўѓрисида (янги таҳрири) [Кўчирма]	71
55.	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўѓрисида [Кўчирма]	88
56.	Экологик назорат тўѓрисида [Кўчирма]	88
57.	Васийлик ва ҳомийлик тўѓрисида [Кўчирма]	91
58.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўѓрисида [Кўчирма]	94
59.	Ижтимоий шериклик тўѓрисида [Кўчирма]	96
60.	Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўѓрисида [Кўчирма]	96
61.	Жисмоний тарбия ва спорт тўѓрисида [Кўчирма]	97
62.	Ветеринария тўѓрисида [Кўчирма]	99
63.	Ёшларга оид давлат сиёсати тўѓрисида [Кўчирма]	99
64.	Ички ишлар органлари тўѓрисида [Кўчирма]	100
65.	Ҳайвонот дунёсини муњофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўѓрисида [Кўчирма]	102
66.	Ўсимлик дунёсини муњофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўѓрисида [Кўчирма]	103
67.	Меҳнатни муњофаза қилиш тўѓрисида [Кўчирма]	103

68.	Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида [Кўчирма]	103
69.	Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида [Кўчирма]	105
70.	Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида [Кўчирма]	107
71.	Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида [Кўчирма]	108
72.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида [Кўчирма]	109
73.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси [Кўчирма]	110
74.	Жамоатчилик назорати тўғрисида [Кўчирма]	110
75.	Ўрмон тўғрисида [Кўчирма]	112
76.	Ўсимликлар карантини тўғрисида [Кўчирма]	113
77.	Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида [Кўчирма]	114
78.	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида [Кўчирма]	125
79.	Яйловлар тўғрисида [Кўчирма]	127
80.	Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида [Кўчирма]	127
81.	Туризм тўғрисида [Кўчирма]	128
82.	Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида [Кўчирма]	129
83.	Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида [Кўчирма]	131
84.	Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида [Кўчирма]	136
85.	Волонтёрлик фаолияти тўғрисида [Кўчирма]	137
86.	Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида [Кўчирма]	137
87.	Давлат божи тўғрисида [Кўчирма]	138
88.	Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида [Кўчирма]	142
89.	Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида [Кўчирма]	143
90.	Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида [Кўчирма]	143

91.	Таълим тўғрисида [Кўчирма]	146
92.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида [Кўчирма]	146
93.	Аҳоли бандлиги тўғрисида [Кўчирма] .	148
94.	Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида [Кўчирма]	149
95.	Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида [Кўчирма]	150
96.	Томорқа хўжалиги тўғрисида [Кўчирма]	150
97.	Деҳқон хўжалиги тўғрисида [Кўчирма]	151
98.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида [Кўчирма]	152
99.	Давлат харидлари тўғрисида [Кўчирма]	152
100.	Психиатрия ёрдами тўғрисида [Кўчирма]	153
101.	Расмий статистика тўғрисида [Кўчирма]	154
102.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида [Кўчирма]	154
103.	Фавқулодда ҳолат тўғрисида [Кўчирма]	155
104.	Реклама тўғрисида [Кўчирма]	156
105.	Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида [Кўчирма]	157
106.	Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида [Кўчирма]	158
107.	Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида [Кўчирма]	158
108.	Давлат чегараси тўғрисида [Кўчирма]	160
109.	Йўл ҳаракати тўғрисида [Кўчирма]	161

IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ

110.	Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида	162
111.	Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма]	163
112.	Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари	164

- ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма]
113. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 164
114. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 165
115. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 166
116. «Ёшлар–келажагимиз » давлат дастури тўғрисида [Кўчирма] 167
117. Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 167
118. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” [Кўчирма] 168
119. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида [Кўчирма] 169
120. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон Фармонига 2-илова “Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш концепцияси” [Кўчирма] 1691
121. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 170
122. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонига 1-илова “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси” [Кўчирма] 171
123. Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 171
124. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва 172

- хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма]
125. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон Фармониغا 1-илова “Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси” [Кўчирма] 173
126. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 174
127. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармониغا 1-илова “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” [Кўчирма] 175
128. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида [Кўчирма] 176
129. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармониغا 1-илова “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” [Кўчирма] 179
130. Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 179
131. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 182
132. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 182
133. Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 201
134. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида [Кўчирма] 202
135. Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган 203

шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

136. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 204
137. Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 205
138. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 205
139. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тўғрисида низом” [Кўчирма] 206
140. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарорига 2-илова “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида низом” [Кўчирма] 209
141. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарув бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 210
142. Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 211
143. Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 212
144. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 август ПҚ-3182-сонли қарорига 3-илова “Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низом” [Кўчирма] 212
145. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарорига илова “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” [Кўчирма] 213

146. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 213
147. Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 215
148. Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 215
149. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида 216
150. Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 217
151. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон қарорига 1-илова “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом” [Кўчирма] 218
152. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 218
153. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3803-сон қарорига 4-илова «Меҳнаткаш деҳқон» кўкрак нишони тўғрисидаги низом” 219
154. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3803-сон қарорига 7-илова “«Намунали томорқачи» кўкрак нишони тўғрисидаги низом” [Кўчирма] 219
155. Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 219
156. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 220
157. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 221
158. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарорига илова “2019 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси»” [Кўчирма] 221

159. Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 222
160. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарорига 2-илова “2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл қўйилмайдиган ҳужжатлар рўйхати 223
161. Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида [Кўчирма] 224
162. Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 227
163. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 228
164. Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 234
165. “Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 235
166. Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 237
167. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 239
168. Маҳаллаларда футбол инфратузилмасини ривожлантириш ва тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 250
169. Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 252

V боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

170. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида 254
171. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида [Кўчирма] 255
172. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида низом” [Кўчирма] 255
173. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган “Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом [Кўчирма] 259
174. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарорига илова “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида низом” [Кўчирма] 261
175. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 262
176. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом” [Кўчирма] 263
177. Қаровисиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2011 йил 8 июль, 202-сон) [Кўчирма] 265
178. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарорига 4-илова “Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари” [Кўчирма] 266
179. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари” [Кўчирма] 266
180. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сон қарорига 1-илова “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисида низом” [Кўчирма] 266
181. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сон қарорига 3-илова “Географик объектларни 267

- номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисида намунавий низом” [Кўчирма]
182. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 196-сон қарорига илова “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисида низом” 267
183. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига илова “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида низом” 272
184. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарорига 1-илова “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида намунавий низом” [Кўчирма] 288
185. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган “Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 297
186. “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] 298
187. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарорига илова ““Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 298
188. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 301
189. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 июлдаги 561-сон қарорига илова “Фуқаролар вакилларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низом” 303
190. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида [Кўчирма] 309

191. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 944-сон қарорига илова “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида низом” [Кўчирма] 310
192. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 7-сон қарорига илова “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом” 312
193. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом” 326
194. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги 688-сон қарорига 2-илова “Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом” 328
195. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги 688-сон қарорига 3-илова “Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом” 335
196. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 339
197. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида”ги низом [Кўчирма] 340
198. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидалари” [Кўчирма] 340
199. Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида [Кўчирма] 343
200. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги 251-сон қарорига 1-илова “Профилактика (катта) 344

- инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма]
201. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 мартдаги 257-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 346
202. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 262-сон қарорига илова “Фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом” 348
203. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 8-илова “Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши, асралиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 351
204. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 9-илова “Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларини белгилаш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 353
205. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 10-илова “Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 354
206. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 12-илова “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низом” [Кўчирма] 355
207. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 328-сон қарорига илова “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом” 356

208. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сонли қарорига 1-илова “Аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 364
209. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сон қарорига илова “Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисида Низом” [Кўчирма] 365
210. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига 1-илова “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” [Кўчирма] 365
211. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарорига 1-илова “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом” [Кўчирма] 367
212. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарорига 2-илова “Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 369
213. Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида [Кўчирма] 371
214. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 январдаги 6-сон қарорига илова “Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 372
215. Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” [Кўчирма] 373
216. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 52-сон қарорига илова “Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида Низом” [Кўчирма] 373

217. Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] (2020 йил 30 январь, 53-сон) 373
218. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 485-сон қарорига илова “Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида низом” 374
219. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарорига илова “Ёнғин хавфсизлиги қоидалари [Кўчирма] 388
220. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарорига 2-илова “Меҳрибонлик уйи тўғрисида низом” [Кўчирма] 397
221. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] 397
222. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма] (2021 йил 8 январь, 3-сон) 398
223. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорига 1-илова “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 400
224. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисида [Кўчирма] (2021 йил 23 февраль, 99-сон) 402
225. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 339-сон қарорига илова “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 404
226. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида [Кўчирма] (2021 йил 18 июнь, 380-сон) 409
227. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 1-илова “Фуқаролар йиғини тўғрисида намунавий низом 410
228. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 2-илова “Фуқаролар йиғинининг комиссиялари тўғрисида намунавий низом” 440

229. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 3-илова “Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисида намунавий низом” 466
230. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 4-илова “Фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисида низом” 491
231. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига 5-илова “Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом” 494
232. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарорига 1-илова “Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 512
233. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорига 1-илова “«Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 516
234. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 майдаги 183-сон қарорига илова “«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида низом” [Кўчирма] 517
235. Давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг замонавий шакллари жорий этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида [Кўчирма] (2023 йил 22 сентябрь, 489-сон) 527
236. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 608-сон қарорига 1-илова “«Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом 528
237. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарорига 1-илова “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва 534

- ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламенти
238. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарорига 2-илова “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида регламент” 546
239. Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали таъминлаш ҳамда «маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида (2024 йил 15 март, 137-сон) 560
240. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида .(2024 йил 18 май, 291-сон) 586
241. «Маҳалла еттилиги» фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (**KPI**) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида (2024 йил 18 май, 292-сон) 578
242. Маҳаллалар фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (2024 йил 20 май, 294-сон) 585
243. «Темир дафтар» орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш 4 ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларини 2 шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида [Кўчирма] (2024 йил 31 май, 313-сон) 586
244. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 Йил 31 Майдаги 318-Сон Қарорига 1-Илова “Ўзгаларнинг Парваришига Муҳтож Бўлган Айрим Шахсларга Қараб Туришнинг Ҳақиқий Ҳолатини Текшириш Далолатномасини Расмийлаштириш Бўйича Давлат Хизматини Кўрсатишнинг Маъмурий Регламенти [Кўчирма] 604
245. Маҳаллалар фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида (2024 йил 13 июнь, 334-сон) 605

VI бoб. ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

246. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган отинойиларга махсус лицензиялар бериш тартиби [Кўчирма] (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 16 октябрда 978-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*) 621
247. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида [Кўчирма] 621
248. Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисида йўриқнома [Кўчирма] (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 22 майда 2368-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*) 622
249. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори 624
250. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 950-сонли қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида низом [Кўчирма] 634
251. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сонли қарорига 1-илова “Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисида низом [Кўчирма] 635
252. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги қарори [Кўчирма] 640